


Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

БАРХОВУЧ ЯЛВХАР



САЙЁРА БЕКМИРЗАЕВА

Бир ҳовуҷ гавҳар

(Эссе ва лавҳалар)

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2009

84(54)
Б 495

Бекмирзаева, Сайёра.

Бир ҳовуч гавҳар: (Эссе ва лавҳалар) / С. Бекмирзаева. — Т.: «Sharq», 2009. — 176 б.

ББК 84 (54)6

ISBN 978-9943-00-421-4

© «Sharq» нашриёт-матбаба акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2009.

СҮЗ БОШИ

Азиз китобхон!

Кўлингиздаги ушбу тўпламга жамланган эссе ва бади-ҳаларни кўлёзма ҳолида ўқиганимда хаёлимга бир фикр келди: «Кўлига қалам олганига анча йиллар бўлган муаллиф журъат қилиб, бу жажжи ҳикоячаларга янада сайқал берса-ю, китобхонларга тақдим этса, жуда соз иш бўлардида. Уни ўқиганлар оналаримиз, момоларимиз тилидаги битмас-тутгансиз хазина — дур-тавҳарлардан баҳраманд бўлардилар...».

Бу фикрни Сайёра Бекмирзаевага айтганимда, у ажабнаниш билан: «Қандай бўларкин-а, мен бу битикларимни чоп этиш учун эмас, кўнглимни ёзиш учун, ички бир эҳтиёж боис ёзганман. Ёзив ташлаб қўявердим, ташлаб қўявердим, шуйтиб дессангиз, анча-мунчаси тўпланиб қолибди», деди.

Тўпланиб қолган ўша «анча-мунча» нарсалардан айримларини газетамиз саҳифаларида эълон қилдик. Аввалдан ишончим комил эди — газетхонлар номи кўпчиликка унчаганиш бўлмаган бу янги муаллифимизга эътибор беришди, унинг ўта ҳаётий, таъсирчан ҳикоячаларидаги фавқулодда нозик кузатув ҳосилалари, тилдан-тилга ўтиб келаётган мақолу маталлар, хиргойилар, ҳикматнамо иборалар, тил хазинамизни бойитадиган янги оҳорли сўзлар кўпчиликка манзур бўлди.

Сайёрахонимнинг ушбу тўпламини ўқир экансиз, унда «райхон» сўзига кўп бор дуч келасиз. Бу бежиз эмас, албатта. Она ва бола, қайнона-келин муносабатларига доир эсселардан, қишлоқ одамларининг содда беғубор ҳаёти, ўй-хаёллари, назокатли давралари тасвирланган саҳифалардан... райхоннинг муаттар бўйи анқиб туради. Жумлаларда, ибораларда, ички кечинмаларда райхон таровати бор.

Китобни ўқиганингизда буни сиз ҳам ҳис этасиз.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»
газетаси бош муҳаррири

*Марҳум отам Абдукул
Шермат ўғли хотирасига
багишлайман.*

ВАТАН БУ...

Она халқим ва она юртимнинг тарихдаги ва ҳозирги шону шавкати ҳақида ёзмай қўя қолай. Кўз ёмон. Ёмон кўздан асрасин. Ахир, Ватан бу...

Чиройлиликда шеърлари гулларни уялтирган ёш шоир Усмон Носир узоқ Магадан қамоқхоналарида ўз бурнини ўзи қонатиб, ўша қон билан қоронги ва зах хоналарнинг деворларига шеърлар ёзганини-ю, онаси унинг отасиз етимлигини билдиримай деб юз-кўзлари-ю елкаларини силаб-сийпаб катта қилувди. Ҳибсда эса деярли ҳар куни унинг ана шу азиз юз-кўзлари ва елкаларига аёвсиз уриб-уриб, хўрлаб-хўрлаб ўша шеърларни шоиримизнинг ўзига ўчиритирарди. Ватан бу...

Тошкентимизнинг «Навоий» кўчасидаги 30-уйда «Шашмақом»имизнинг олти томлик китобидаги қўшиқларнинг ижроси тасмаларга туширилган. Машҳур созандада Турғун Алиматовнинг ёзишича, бу қўшиқлар ярим кечаси, транспорт қатнови тўхтагандан кейингина, қаттиқ сукунат чўккандан сўнг ўша ёзувлар бошланаркан. Бунинг учун эса мақом ансамблидаги ҳамма хонандалар кечаси соат ўн иккidan кейин йиғилишаркан. Эрталабгача, яъни кўчада транспорт қатнови бошлангунча улар мақом ашуаларини ижро этиб, қўшиқларнинг тиниқдантиниқ ёзилишига эришган. Бу ишларнинг ҳаммасига академик Юнус Ражабий бош-қош бўлган. Турғун Алиматов «Соз васфи» китобида шундай ёзади: «Бир куни — Юнус aka, хаёлимда мақомларнинг ўзини эмас, худди унинг изларини ёзаётгандаймиз...

— Майли, Турғунбой, ҳозирча изларини ёзив қолишига улгурайлик. Агар асл мақомни ёзамиз десак, унга менинг умрим етмайди. Ҳарна изларини ёзив қолдирсак, келгуси авлод шунга қараб, асл мақомни албатта ёзади.

Биз бутун ўша изларнинг ижросидан шунчалик баҳра оляпмизми, келгусида ёзиладиган асл мақомлардан санъатимиз қанчалик яшнаши ва юксалишини тасаввур қиласверинг. Ватан бу...

Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Машҳур маърифатчи олим, жадидлар ҳаракатининг фаол етакчиси. Машъум қатағон йилларида чет элларга чиқиб кетишга ултурган. У 1970 йилгача Америка университетларидан бирида профессорлик қилган. Ватандан йироқда яшаб, Темур бобомиз ҳақида, илм-маърифатимиз, тарихимиз, маданиятимиз ҳақида 110 тадан ортиқ асар ёзган. Қани эди, ўша асарларнинг ҳаммасини топиб, тўплаб, ўз она тилимизга ўгириб ўқисак, ўргансак. Ахир, Ватан бу...

Узбекистон Қаҳрамони, қадрли домламиз Озод Шарафиддинов ўзининг «Ижодни англаш баҳти» китобида шундай ёзган. «Шоир, адаб, драматург, муаррих, мунаққид, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос, мутаржим, мутафаккир-файлласуф, жамоат арбоби, сиёсатчи, педагог — бир ўзида шунча сифатларни жам этган Фитрат маданиятимиз ривожида ўчмас из қолдирди. Асарлари унинг шуҳратини қатор Farb ва Шарқ мамлакатларига таратди. Уни ҳам халқимизнинг кўпгина асл фарзандлари каби аввал миллатчи деб таҳқирлашди, «халқ душмани»га чиқаришди, кейин эса судсиз, ҳукмсиз отиб ташлашди.

Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи» асаридан парча: «Ҳар куни бир Абу Али, Форобий ва бошқаларни жаҳонга ҳадя этиб, шу тариқа ўзининг шарафли довруини дунё халқларининг қулоғига зирақ қилиб таққан».

Ватан бу...

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Самарқанд шаҳрининг Регистон ансамбли мадрасалари деворларидаги кошинлар ярим белигача кўчиб тушиб, қаровсиз ҳолга келган эди. Таъмирлаш ишлари машҳур уста Ширин Муродов ва унинг ўсмир шогирдларига юклатилади. Бир куни шогирдлардан бири устадан сўради:

— Уста бобо, биз кошинларни сиз қандай ўргатган бўлсангиз, худди шундай пардозлаб, тозалаб, бир неча бор ўлчаб деворга ёпиширамиз. Бошқаларга сезилмаслиги мумкин, лекин биз ўзимиз яхши илғаймиз-ки, биз

ўрнатган кошинлар сизни кидай ярқирамайды. Шунинг сирини айтсан гиз...

— Мен кошинларни нардо злаб, сизларга ўргаттанимдай тайёрлаб бўлгач, унинг ҳар бирини чаш кўкрагимга, юрагимниң устига қўйиб бирпас тин оламан, сўнгра деворга ёпишираман, сири шу холос, — деди уста. Ватан бу...

Завқ олгулик воқеалари, дақиқалари уммондир элимнинг. Ер чопганда кетмо ниning ярақлаши қуёш билан баҳслашгандеконнинг пешона тери қанчалик ҳалол! Унинг полизда тўрлаб турган, яна бир ҳафтадан кейин узиб еявериш мумкин бўлган қовунига қарашниң ўзи қанчалик мароқли, завқли. Далада, чайлада кадига уютилган қатиқни ўша азиз инсон — дехқон билан ичиш нақадар лаззатли. Ватан бу...

Ёшлигимда, эски тузум даврида онам кечқурун пахта чопиридан ҳориб, толиб келарди. Бир қўлида ёш боласини — укачамни кўтарган, бир қўли билан елкасига ташлаган кетмо ниning дастасини ушлаган, елбешик или ва анжомларини тахлаб боштига қўйган. У туш пайти келиб шошиб нон учун хамир қориб кетган бўларди. Онам шоша-пиша нон ясад, ҳам тандир оқартиради, ҳам қозонга овқат соларди. Биз эса — бешта бола қаторлашиб, оч қолиб иссиқ ноннинг ва овқатнинг пишишини бетоқат кутиб турадик. Онам тандирга нон ёпишираётуб, иккита ясалган хамирини нонсаватда қолдиради. Тандиримизниң шундоқ ёнгинасига тулашиб кетган томорқамизда ғовлаб ўсиб ётган кўк пиёздан уч-тўрт дона, райхондан бир шохча олиб келиб олдимиздаги ариқчада уларни тез-тез юварди-да, тандир супасига тахтачани ола келиб бояги кўкатларни у ёқдан-бу ёққа қарагунча тўнраб ташларди. Ўйдаги гўштнинг ёғли жойидан озгина олиб чиқиб, уни ҳам майдалаб бояги кўкатга аралаштиради. Сўнг саватда қолган икки нон хамирини юқартирироқ ясади. Доира шаклидаги хамирниң ярмига юқоридаги масаллиқни текислаб тўкарди. Хамирниң бўш қолган ярмини кўтариб бояги масаллиқ устини ёшарди. Кўз очиб юмгунча ярим ой шаклида тайёр бўлган каттароқ икки бичакни тандирниң ҳоври пасаймай унга ёпиширишга улгуради. Онам бу ишларни шунчалик абжирлик билан

бажарап эди-ки, кўзингиз илғамай қолар эди. Энди ўйласам, онам овқат пишгунча биз болаларнинг қорнимизни алдаб туриш учун шунчалик жонҳалаклик қиласр экан. Тандирда қизараётган нон ва бичакларнинг юзига сув сепиш учун шундоқ яқинимиздаги ариқдан пақирда сувни олиб келаётган онамнинг этаги ўзи меҳр билан эккан гулу райхонларига тегиб ўтарди. Ўшанда бутун ҳовлини райхон ва бичакнинг тотли ҳиди тутиб кетарди.

Ватан бу...

ОНАИЗОР

МЕН БОЛАМ ДЕЙМАН, БОЛАМ БОЛАСИНИ

Биласизми, агар Шамсия опадан, дунёда энг азиз ва энг ёғимли ҳид ниманики, деб сўрасангиз, чўмилтирилган, топ-тоза, юмшоқ матоларга йўргакланган чақалоқнинг ҳиди, деган бўларди.

Шамсия опанинг тўртта қизи, иккита ўғли бор. Тўртинчи қизи яқинда чақалоқлади. Республика хотин-қизлар акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти қошидаги туғуруқхонада.

Шамсия опа қизини ўша ёқقا олиб боришдан аввал сутлик овқатни қиёмига етказиб пишириб олди. Унинг қўлига овқатни тутқизди-ю, қизининг уйига куёвнинг машинасида қайтди. Турмуш ўртоғи эса туғуруқхона ҳовлисидаги скамейкада хавотирланиб ўтириди. Шамсия опа йўлда келаётib, кўнглида «Боламга оқ йўл бергин, э Худо», деб Оллоҳга ялиниб-ёлвориб етиб келгунича йигирма минут ё ўтди, ё ўтмади. Шамсия опа ва куёви тутмачани босганларидан шошиб эшикни очган Лайлло, «Суюнчи берингизлар, уйга етиб келгунларингизгача янгам ўғиллик бўлипти, ҳозир телефонда айтишди» деди. Шамсия опа қизнинг уйда ухлаб ётган бир ярим яшар қизчасини астагина тўйиб ҳидлаб ўпти-да «опача» бўлганинг муборак бўлсин, болажоним! Укангнинг эса қадами қутлуғ келсин, деди.

Опа бир мизғиб олди-ю, қизига овқат пиширишга уннаётиб кўнглидан ўтказди: «Қабри нурга тўлгур энам (қайнонам дейишга кўнгли бўлмади) бўшанганд аёл қанақа овқатлар ейиши кераклигини роса ўргатган эди. У кишининг ҳамма гапларини қулоғимга илиб олардим. Мана шу билиб олганларим энди кунимга яраяпти».

Опа тонг отгунча куни бўйига етгулик уч-тўрт хил овқатни қиёмига етказиб пиширди.

Уйдаги невара-қизча уйғониб, аясини излай йиғ-

ламсирай бошлади. Лайло — баҳоси йўқ қиз-да, укачини қўлига ола солиб уни овунтиришга ва овқатлантиришга тушди. Опа эса овқатларини олиб куёвнинг машинасида унинг иш вақтигача чақалоққа бориб келишга улгурди. У невараси-қизчани ҳар куни қўлида кўтариб туғуруқхонага қатнарди. Уч кундан кейин она болага уйга жавоб беришди. Уларни уйга олиб келаётганда баъзи одамлардай қизини безашга бўёқчи безовчиларни, видеочиларни олиб бормади. Нима қилади боласини чарчатиб?

Куёви иккита гулдаста олипти. Биттаси кичкинагина — бу ўзининг қизчасига экан, иккинчиси — каттаси чақалоқнинг аясига экан. Шамсия опа яна қўнглидан ўтказди, ҳа, майли энди, менга қолса шу гулларни ҳам олдирмаган бўлардим. Куёв-да, индаёлмадим. Энам раҳматли, чақалоққа гулни яқинлаштирумнглар, чунки боланинг ўзи гул бўлади, дерди. Шу кундан бошлаб опа она-бала парвариши учун «дежур», яъни типпа-тик турди.

Чақалоқни ҳар куни аяси ёрдамида чўмилтиравериб, бир ойлик бўлганини билмай қолишибди. Опа қизига бошқа овқатлардан ташқари ҳар куни атала пишириб беришдан чарчамади. Лекин опача бўлган қизчага осон бўлмади. Ёзниг иссиқ кунлари. Унга фақат биттагина калта иштонча кийгизиб қўйишади. Чақалоқ ҳар эмганда аяси ни қизғаниб шундаям бақириб, эзилиб йиғлайди-ки, кўз ёшлиари яланғоч қорнигача оқиб тушаверади, тушаверади. Омон бўлгур Лайло иккаласи уни қўндириб олгунларича эна сутлари оғзиларига келади. Бир куни шу қизчани ўлиб-толиб ухлатиб бўлишувди-ки, опанинг ўз қизи, ая, бирпас гаплашсак-чи, — деб қолди. Жон-жон дейман, деди онаси.

— Ая, сиз ва дадамнинг бошимизда соғ-омон яшаб юрганларингиз бизга катта давлат, катта баҳт экан. Мана шу бир ойгина олдин туғуруқхонада мен енгил бўлганимдан кейин ҳамширалар чақалоқни чўмилтириб, менинг устимни меҳрибонлик билан ёпгач, институт директори, Жаҳонгир Жамолович Қурбонов:

— Ҳозир дадангни олдингта киргизамиз, — деди. Мен уялиб кетдим, сира ундей қилманг, нокулай бўлади-ку,

деб қайта-қайта айтсам ҳам ташқарига чиқиб кетди. Дадам тезда кира қолмади. Менимча, дадам ҳам киришга рози бўлмаган-у, профессор қўярда-қўймай олиб кирган. Дадам:

— Қандайсан, энажон, — деб энгашиб пешонамдан ўпиб қўиди, бошларимни силаб қўиди. Ёруғликка чиққанимча, юрак ҳовучлаб ўтирган дадагинамдан бир оғиз, ўзингиз ҳам яхшимисиз, деб сўрамай, мен афанди:

— Уйда қизчам йигламаяштимикан? — деб сўрабман.

— Йиелагани қўямизми, унга-бунга овунтирамиз алдаймиз, сулдаймиз, сен илхақ бўлма болангга, болам!

— Ака, — деди қўлини кўксига қўйиб Жаҳонгир Жамолович, — қизингизнинг олдига киргизишдан мақсадим — биз ҳомиладор аёллар билан бирғаликда ўлим билан юзма-юз олишган узундан-узоқ соатларимиз кўп бўлади. Мусулмон одамлармиз. Шунинг учун ҳам мана шу қизингиз осонгина қутулиб олган жойда бир дуо қилинг. Бошқа она бўлувчи аёлларга ҳам сизнинг қизингизнинг йўлини берсин.

Дадам худди шундай дуо қилиб чиқиб кетдилар. Лайло опача бўлган қизча — Азизани (учинчи қаватда туришади) кўтариб бир оз шамоллатиб, ўйнатиб келиш учун тушиб кетди. Опа эса кундалик овқатларни пиширишга тутинди.

Шамсия опа парҳезда юради. Ўзига енгилроқ, күёвига тўйимли, қизига яна бир бошқа овқат тайёрлаш учун бирданига уч қозон осди. Энди бир зувала хамир ийлай деб турувди-ки, эшик жиринглаб қолди. Очса, ўз қишлоғидан, Тоҳир деган йигит. У опанинг қўзига жудаям иссиқ кўриниб кетди.

— Энангиз сизга хат бериб юборди, — деб конвертга ҳам солинмаган икки варак қоғозни опанинг қўлига тутқазди-ю, шошиб пастга тушиб кетди. Зинадан энгашиб, бир пиёла чой ичсанг бўлмайдими, Тоҳир! — деб қолаверди она. Тоҳир ўзи кўринмай, шошиб-пишиб:

— Энангиз, уйларида чақалоқ бор девди, янги меҳмонларингиз катта бўлаверсин, кейинги келганимда кираман, пастда машинамда одамлар кутиб туришипти, тезроқ қишлоққа етиб олайлик, хўп хайр, она!

— Бўлти, хайр, қишлоққа ҳаммага салом айт! Эсономон етиб олинглар! Шамсия опанинг юраги орзиқиб кетди.

Энаси билан телефонда гашлашиб туради-ку, нега хат ёздийкин?

«БУ ХАТДИ ЖОЗДИ ЭНАНГ»

Шамсия опа эшикни ёпди-ю, стулга бориб ўтиришга ҳам сабри чидамай, шу турган жойида зинкайиб, тикка туриб хатни ўқишига тушди. Аввало, ҳузур қилиб бир кулиб олди. Чунки бу хатдан хоҳлаганча лотин ҳарфи ҳам топа оласиз. Кириллча ҳарф ҳам сероб. Лекин хатнинг бошидан охиригача излаб биронта вергул, нуқта ёки битта тиниш белгисини тополмайсиз. Нимага десангиз, энамлар мактабнинг тўртинчи синфини лотинча алифбода энди битирган чоғида Улуғ Ватан уруши бошланиб, мактаблар ёпилган. Кейинчалик, бизлар мактабга қатнай бошлаганимизда бизларга дарс тайёрлатаман деб, кириллча ҳарфни ҳам қисман ўрганиб қолган. Шамсия опа хатни маза қилиб ўқиб чиқди. Мазмунини қисқача ёзай сизларга.

«Болажоним, янги отчопарлик бўлибсизлар, қутлуг бўлсин! Ишинг аввалидан ҳам кўпайгани аниқ-ку, шундай бўлсаям кўп ўзингни уриб бераверма. Жон, жон — ўзингнинг жонинг жон. Балаларинггаям қарашку-я, лекин ўзинггаям қара-да. Кундуз кунлари бирпас мизғиб олиш учун ўзингта вақт ажрат. Айтгандай, сенга хат ёзганим сабаби шуки, анов қўл тилпонларингга менинг ҳамма гапим сифмайди.

Болам-ов, энам бизга қилган меҳнатларини миннат қиласяпти, деб кўнглингта олиб юрма. Миннат қилиш менинг тушимга ҳам кирмайди. Лекин ёшим саксонга чиқиб, энди тушундим, одам ўзини ҳам асрashi керак экан. ҳозир шунчалик чарчаб қарибман-ку, сенга хат ёзаётиб ҳам ўтирган жойимда майишиб бораяпман. Умрим бўйи силар — еттовингни ҳам ўқитамиз, олий маълумотли қиласиз, деб мол семиртирдим, кетмон чопдим, пилла қарадим, товуқ кўпайтирдим, чеварлик, чизмакашлик қилдим. Бир умр отанг ҳам шофёрлик қилиб, ҳалол пул то-

пиб, рўзғорнинг бир ёғини таъминлади. Беш қизимга қилган бешта катта сўзанани ўзига пилладан титиб йигирган, бўяган, лошлаган ипакларимнинг ўзига қилган меҳнатларимни ўйласам, мана шу хатни ёзишгаям толиб бораётган қўлларим илгари шунча оғир, мاشаққатли ишларни бажарганми, деб баъзан ҳайрон қоламан. Оллоҳ мени саксон ёшга еткизганига беҳисоб шукур. Лекин, болам, жуда қаттиқ чарчашнинг, қариликнинг давоси йўқ экан. Аммо, битта нарсага қувониб ўтираман, умрим бўйи нима иш қилсан, ҳаммасини ҳавас билан уддалаганман. Барча ишимни чиройли бажаришга уринганман. Болам, ҳамма ишларингни ҳамма вақт меҳр билан бажаринглар, деганимни ҳеч қачон эсларингдан чиқарманглар. Менга қувват бўлишни истасаларинг, бир-бирларинг билан иноқ бўлинглар ва ўзларингни жонларингни ҳам бир оз қадрига еtingлар. Ўшанда, қариганларингда, ўтирган жойларингда ўзларингни бақувват тута оласизлар.

Ҳеч қачон бир-бирларинг билан уруша кўрманглар, туришган фарзандларнинг ўзаро жанжали — знанинг ўлгани. «Жуда жайдари тилда ёзилган бу қадрли хатнинг охирини айнан ўзини келтираман: «Қачон келасан, болам? Ўзи хатимди бошида шуни сўрамоқчийдим. Сени бирам кўргим кеган, бирам кўргим кеган, қўёвур. Ҳар замонда бир келасан-у, болаларим деб кетасан, қоласан. Сен билан бир тўйиб гаплашайин десам, парзандларингдан ҳеч менга навбат тиймайди. Хайр-хўш, энди болам, кўришгунча. Бу хатди жозған знанг. Сен бу хатди ўқиб кўр».

Шамсия опа чақалоқ қирқидан чиқса, онасини кўриб келишга қаттиқ қарор қилди, онасининг бир умр ҳамма ишимни ҳавас билан чиройли бажаришга уриндим деб ёзганини эслаб, опанинг руҳи жудаям яйраб кетди. Бу — оддийдан оддий, азиздан-азиз онасининг фикри. У бу фикрлардан кенг хулоса чиқарди. Бу дунёга келадиган инсон инсонга ўхшаб яшасин. Ўзининг ким эканлитини, қандай ободлик ва тўкинилклар барқарор этишни, меҳроқибат кўрсатишни ва улут кашфиётлар яратиш имкониятига зга эканлигини исбот қилсин. Ахир, халқимизнинг шоира қизи, оқила қизи, хон қизи, жон қизи — Нодира-бегим бизга ёзиб қолдирган-ку:

*Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятни баён этиб кет.*

Мана шу сатрлардан завқ олиб, қайта-қайта тақрорлаб, ошхонадаги ғимир-ғимир ишларини бошловди-ки, телефон жиринглаб қолди:

— Ая! — опанинг жонига туташ бу овоздан унинг юраги ҳаприқиб кетди. — Биз ўғиллик бўлдик, хавотир олманг, мен яхшиман.

Бу — Москвада, медакадемияни ўқиб битираётган қизи — Инобатнинг овози эди. У шошиб гапираётганда ёнидаги чақалоқнинг ҳам ширин ингаси овози эшитилиб кетди.

— Во, айналайн-а, болам-а! Қуллибўсин, қўзилаганинг! — деганини у эшитдими, йўқми, телефон алоқаси узилиб қолди. Шамсия опанинг интиқ, интизор бўлиб, кўзи тўрт бўлиб ёзган онасининг хати эса хат жойида қолди. Опанинг хаёли Москвада. Боламнинг уйда қолган икки болагинаси кимга қолдийкин? Куёв эрталаб ишга бормаса илож йўқ. Бетоқат она уларнинг олдига тезроқ учуб етиш тараддудини бошлаб юборди.

САМОЛЁТДАГИ ЎЙЛАР

Шамсия опа бир-икки ой илгари эшитган эди, Москвадаги қизининг оғироёқ эканлигини. Шунинг учун унинг фамини еб, тоғлик овсини — Ойхумор чечага (у ёғларда янга, келинойи сўzlари ўрнига «чечча» сўзи ишлатилади) қўнғироқ қилди:

— Чечча, ўзларингиз эккан баҳори буғдойнинг унини ўзингиз куви пишиб олган сариқ ёғга тобини келтириб қовуриб, менга — Тошкентга етказинг. Сариқ ёғи сигирлар баҳор пайти тоғда шифобахш ўтлар еб юрганда соғилган сутдан тайёрланган (уютилган) қатиқдан ажратилган бўлсин.

Қўли шириндан-ширин, рўзғор тутуми тозадан-тоза Ойхумор чеча овсинининг бу илтимосини айтганидан зиёд қилиб бажарипти. Уч литрлик банка ичида қовурилган жайдари ун сариқ ёғга чўмилиб, тўнглаб турипти, ҳидлаб ҳидига тўймайсиз. Шамсия опа яна бир бор

хаёлан тан беради: энамнинг қаттиққўллиги тагида улуғ бир меҳрибонлик, иноқлик бор экан. Энам биз — овсинларни соз-иттифоқ бўлишимизни қаттиқ талаб қиласарди. «Менинг болаларимнинг молиям, жониям битта, шунга қараб иш тутмасаларинг, тўрт тарафларинг қиблა» — дерди. Шунинг учун биз овсинлар ҳеч қачон тоғликлар мақоли:

*Овсиним — ажиним,
Кўрганда келар гижиним,*

қабилида иш тутмасдик. Ёзги таътил пайтлари энам билан яшайдиган энг катта овсиним — Бувисалима чечамникига, яъни тоқقا беш овсиннинг болалари, шу уйдан тўй бўлиб чиқсан қизларнинг ҳам болалари келиб йиғилишиб яшарди. Бувисалима чечам бутун ёз ойлари 30—35 болага овқат пиширади, тандир-тандир нон ёпарди, ўз қизлари ёрдамида уларнинг кирини юварди, лекин унинг биронта болага, нари тур, деганини эшишмаганман. Энамнинг дунёдан ўтиб кетганига ҳам йигирма йил бўлай деб қолди. Аммо, ҳозир ҳам биз худди энам ҳаёт пайтидагидай иноқмиз, керак нарсаларни бир-биримиздан эмин-эркин сўраймиз.

Беш-олти соатлар олдин опанинг қизи — Иnobат қўнғироқ қилганида, қувониб кетди, болам мусофири юртларда эсон-омон қутулиб олиши, деб. Хўрлиги ҳам келди, жоним болам бўшангандан дақиқаларда бирор унинг оғзига бир пиёла иссиқ тутдимикан, яна ўзини ўзи овтади. Дадаси шу бугуноқ учиб кетавер, деб самолётга чипта олиб берди. Турмуш ўртоғининг ўзи билан қўша қариб келаётганига ҳам Оллоҳга беадад шукурлар айтди. Самолётга чиқаётib, юкларни топшираётган пайт овсини юборган банкани қўлида авайлаб олиб кетиш учун ўзида олиб қолди. Юкларга қўшиб топшириб юборсам, ким билади, Москвагача синмай эсон-омон борадими-йўқми у банка? Уни юмшоқ докага қават-қават ўраб пакетга солган эди. Самолётда ўша пакетни авайлаб қучоқлаб олиб кетар экан, олимлар ҳақида ўйлаб кетди. Тили йўқ, юраги йўқ шу совуқ темирни учириб, қанча-қанча одамларни дийдор кўришираётган

олимларга беҳисоб тасаннолар айтди. Биз кўпинча санъаткорлар, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирларда юрак, қалб бор, аниқ фанлар билан шуғулланаётган олимларнинг қалбини, узундан-узоқ математик, физик ва химик формулалардан иборат деб тушунамиз. Тўғрисини айтганда, аниқ фанлар бўйича янгилик яратсаётган олимларни «Мехр» деган дарёга қулоғигача ботириб олинган инсонлар деб тушунаман. Нега? Ҳар куни телевидение, радио, газета-журналлар орқали бериб борилаётган воқеаларнинг ўзи айтиб турипти-ку. Давлат раҳбарлари, олимлар энг ксийнги замонавий самолётларда дунёнинг турли бурчакларидағи мамлакатларга учб бориб бирлашиб, маслаҳатлашиб неча марта қонли урушларнинг олдини олишаяпти ёки эл учун савдо-сотиқ, фаровонлик режаларини расмийлаштириб қайтишаяпти. Ўша олимлар қанчадан-қанча илмий даргоҳлар очишаяпти, улардан саноқсиз илмий китоблар қолаяпти.

Буюк академик Ҳабиб Абдуллаев ўз қишлоғи яқинидаги тоғ жинсларидан табиий олмос (бриллиант) ажратиб олиш учун ишонч билан илмий изланишларини бошлаган экан. Қаранг, Ҳабиб Абдуллаев геология илмида бутун дунё аҳамиятига молик янгиликларни яратиш билан чегараланиб қолмай, опа-сингилларимизга, оналаримизга — бутун аҳли-аёлларимизга олмос тақинчоқлар тақмоқчи бўлибди. Яна қанча меҳр, яна қанақа қалб, юрак керак бизга? Афсус, олмос ажратиш тажрибаси бўйича изланиш изланишлигича қолиб кетди. Бешафқат ўлим Ҳабиб Абдуллаевни қирқ тўққиз ёшида орамиздан юлиб олиб кетди.

Мен, — деб ўйлади Шамсия опа, — эсон-омон чақалоқлаган қизимнинг оғзига бирор бир пиёла иссиқ тутдими, йўқми, деб, шунгаям ўпкам тўлиб йиғлагудай бўлиб бораяпман. Буюк олим жон таслим қилаётганида бечора онаси унинг бошида ўтирган. Отаси эрта вафот этган якка-ю ёлғиз ўғил, битта-ю битта қизини не азобларда ўстирган эди у. Чорасиз қолган муштипар она ўз боласидан — суюнчиғидан батамом ажраб қолганини қандай кўтаролдийкин? Бу дунё меҳрибондан меҳрибон, тошмеҳрдан тошмеҳр. Шу қайғули ўйлардан ўзини чалғитиш учун опа самолёт деразаси-

дан ерга — жон томирга қаради. Самолёт пастлаб, ерга яқынлаб қолипти. Мана шу самолётларни кашф этган, ҳатто «Куръони карим»ни ўз қон-қонигача сингдириб ўрганган ва илмий ишларига татбиқ эта билаётган физик, математик олимларнинг ҳайратланарли фаолиятларидан қувонди. Баракалла! Беш кунлик дунёда оламни билишга ва инсониятга фойда келтиришга бутун куч-қувватини сарфлаб, икки дунёсини жаннатга айлантираётган олимларнинг отасига раҳмат! Самолёт эсономон пастга қўнди.

ЎЗИНИ УНУТИБ ЮБОРДИ

Ярим кеча. Инобатнинг уйига кирасолиб, унинг ухлаб ётган икки боласини астагина ўпди. Бир йилда бўйлари анча чўзилиб қолипти. Ўзини эса унудиб юборди. Уйку қайда дейсиз! Дарров банкадаги қовурилган ундан учтўрт қошиқ олиб қозонга солди, уни сувга аралаштириб, уч-тўрт соат милтиратиб қайнатди. Шу оралиқда бир кунга етгулик бошқа овқатлар ҳам пишириб олди. Уч-тўрт хил овқатни жон боласига сузиб, ҳар қайсини юмшоқ, тоза матоларга ўраб, сават корзинага ўтқазгач, уни ярим кечка кутиб олиб, бирпас мизғишга кирган куёвнинг эшигини тақиллатди. Неварааларини уйғотиб, бир-бир бағрига босди.

— Эртароқ, иш вақтингиздан кечикмай, чақалоқقا бориб келайлик, — деди куёвга. У болаларни ҳаш-паш деганча ювинтириб, кийинтириб бўлди.

Москва шаҳрининг ичи ҳам кенг. Анча юргач, туғуруқхонага етдилар. Товба! Учи-қуйруғи йўқ бино ҳувиллаб ётипти. Пиёда анча юрганларидан кейин, 17-рақамли дераза рўпарасига етганларида, ойна очилиб, бир йилдан бери кўрмагани — жон қизи кулиб қаради. Шамсия опа унга соғинчли, оч кўзлари билан тикилиб қараб, ҳол-аҳвол сўрашди. Боламнинг ранг-рўйлари, қуввати қандай экан? Душман кўнгил одамни хавотирдан олиб хавотирга солади. Қизи нима дейди денг?

— Ая, менданам, чақалоқданам хавотир олманг. Лекин мен жудаям хавотирдаман. Чунки ёнингиздаги Нафисани қулоғини яқинда тештирувдик. Ўша жойи ту-

залмаган эди. Қулоғининг тешилган жойи яра бўлиб кетадими, деб илҳақ бўлиб, еган-ичганим ичимга тушмай ўтирувдим.

— Унга сираим илинма, болам.

— Уйга кетишда биронта дорихонага кириб, яхшироқ «Мазъ» олиб кетиб, шунга қаранг, ҳай?

— Ёшлигингда ўзингнинг қулоғингни менинг энам қайтиб тузатиб қўйган бўлса, худди шуйтиб тузатиб қўяман, бўптими?

Уйга келгач, Ўзбекистондан ўзи олиб борган сариқ ёғни чалагина қўйдирди-да, унга дорихонанинг тоза пахтасини шу ёғга иссиқлигига ботириб олди, шу пахтанинг ҳароратини қўйдирмайдиган ҳолаттагача совутиб, Нафисанинг қулоғига бирпас босиб турди. Болажоннинг қулоғидаги яра жойига ёқдими, индамайгина тутиб тураверди. Қулоғининг олди ва орқа тарафига уч-тўрт марта шундай муолажа қилиб, тақилган сирғасини ҳам олди ва орқа тарафига силжитиб қўйди. Шу билан икки-уч кунда қизчанинг қулоғи тузалиб қолди.

Кейинги кунларда овқатлар билан бирга ҳар куни атала ҳам етказиб турди. Тўрт-беш кунда у куёв билан биргалиқда болаларини уйга чиқариб олиб келди. Чақалоқни кўрган заҳоти, энасидан кўрганларини қилиб, қўлини унинг пешонасига теккизиб уч марта тавоғ қилди. Иnobatдан биринчи сўрагани шу бўлди:

— Нега шундай катта туғуруқхона бўм-бўш? Яраш масакан. Бўш хоналар кўзимга жудаям совуқ кўриниб кетди. Ичим ҳам ҳувиллаб кетди, болам?

— Ая, ана шу катта даргоҳда биз бор-йўғи бешта она, бешта чақалоқ ётдик. Бу ерда аёллар бола парваришидан, фарзанд тарбиясидан эринишар экан. Мен ҳам шунга ҳайрон бўламан. Шундай деди-ю, Иnobatнинг бирдан чехраси ёришиб кетди:

— Ая, чақалоғим бир кечакундузлик бўлмай учиб етиб келиб, менга аталагача етказдингиз. Атала солинган банкани очганимда, унинг тотли ҳиди бутун палатамизни тутиб кетди. Менинг хаёлимда худди Ўзбекистон кўчиб келгандай бўлди. Ёнимда ётган рус аёлдар бирбирларига қарашиб, чеҳралари ёришиб кетди. Мен уларга ҳам ҳар куни бир пиёладан сузиб бердим. Ая, мен

билмас эканман, одам вояга етгандан кейин ҳам ота-она-нинг қанчалик керак бўлишини!

Яна у тўсатдан савол берди:

— Тошкентта борганимиздан кейин ҳам пишириб берардингиз шу аталани. Москвагача авайлаб, қўлингизда ушлаб келишингиз шартмиди?

— Вой, болажоним-ей, энам баъзи тўрт-беш яшар боловлалар бўшашиб, шалшайиб турса:

— Ҳа, нега бўйнинг бўшашиб бораяпти? Энанг чилласини ичида биламиқ (атала) ичмаганми? — дерди. Демак, бўшанган аёл қирқ кунгача атала ичиши шарт. Кейин ичгани бекор экан. Энамнинг айтишича, чақалоқлаган аёлнинг етмиш икки бўғини бўм-бўш бўлиб қолар экан. Ўша бўғинлар қирқ кунгача «мой, мой!» деб ўзига ёғли аталани чақириб тураркан. Аталадаги ёғ онанинг бўшаган бўғинларини ва чақалоқнинг бўғинларини тўлдирив, мустаҳкамлар ва қувватга эндирад экан.

Шамсия опа Инобатницида ўн етти кун турди. Ўн етти кунда Қорасочни йигирма икки марта чўмилтириди. Бола безовта бўлиб, ухламаган кунлари уни бир кунда икки марта ҳам чўмилтиришга тўғри келди. Чақалоқни ота-онаси Файзбек деб атай бошлиди. Лекин опа уни Қоракўз, Қорасоч деб юрди. Чунки врачлар Файз дунёга келган маҳали уни «Бизнинг қоракўз, қорасоч боламиз» деб суюшипти.

Қорасоч йигирма кунлик бўлаёзиб (кичик чилласи чиққач), онаси ҳам бир оз қувватга энгач, опа Тошкентта қайтиш тараддудини кўра бошлиди. Ўшанда у бир нарсага амин бўлди. Болангиз ўзингизники, невара эса бирорвники. Унинг ўз ота-онаси бор. Сиз ўша ота-оналарнинг эгаси бўлсангиз ҳам, барибир исварангизни парвариш қилаёттанингизда улар олдида ўзингизни жавобгар ҳис қиласиз. Шамсия опа ҳаммадан ҳам кўпроқ шу чақалоқни эсон-омон, соғ-саломат ўз ота-онасига топшириб қайтаётганидан қувонди, кўнгли хотиржам бўлди. Лекин Файз билан хайрлашиш унга жуда қийин бўлди, ёмон ўрганиб қолган экан. Опа уни бағрига босиб хайрлашаётгиб, тўйиб-тўйиб ҳидлаётганида юрагидан мана шу сатрлар тўкилди:

*Узоқларда түгилганим, бек боласи — Қорасочим,
Нима бўпти сенинг учун оқарса шу қаро сочим?
Сен қўлимда, ер шарини асраб ушлаб турганим — шу,
Ўз юртингга омон-омон учиб боргин қалдиргочим!*

ЎРГИЛАЙ, БОЛАЖОН ЭЛИМДАН!

Шамсия опа Тошкентга самолётда учиб келаётибди-ю, бояга ҳувиллаб ётган туғуруқхона ҳеч кўз олдидан кетмайди. Минг айланиб-ўргилай, ўзимнинг болажон элимдан, дейди у кўнглида. Саккиз йил олдин у қўш набиралиқ бўлган кунларини эслади. Аксига олиб, ўшанда таътил ойлари бўлгани учун деярли ҳамма тоғдаги туғишганларнига дам олишга кетишуви. Ой-куни яқинлашганлар — ўрганча қизи ва ўз уйида келини опа билан Тошкентда қолди. Уч-тўрт кун ичида икковиям қўзилаб қолишиди. Туғуруқхонага қатнаш опанинг битга ўзига — «ҳаммадан чаққон»га қолди. Катта, кўп қаватли бинонинг учинчи қаватида қизчали бўлган қизи, иккинчи қаватида ўғилчали бўлган келини ётипти.

Пастдан туриб:

— Муҳтарам! — деб келинини чақирса, учинчи қаватдаги қизи деразадан бошини чиқариб қарайди.

— Зумрад! — деб чақирса, иккинчи қаватдан келини бошини чиқариб қарайди. Улар опанинг икковигаям келганини билишади-да.

— Янги отчопар-у, янги ўсма қўйгичлар қандай? — сўрайди опа.

— Яхши, — дейишади улар.

— Ўзларинг-чи? — сўрайди опа.

— Яхшимиз! — дейишади улар.

Опа Тошкентда уйда ўзи, катта ўғли ва хўжайнини қолган бўлса ҳам, янги набиралар қуввати билан уй ишларини уддалашга ҳам, она ва чақалоқлардан хабар олишга ҳам улгурди. Ҳар куни эрталаб соат беш яримдан туриб, тўрт қозонга бирданига тўрт хил овқат солади. Соат етти ярим-саккизгача уларни қиёмига етказиб писириб, тўртталасини ҳам бир миқдорда иккига бўлиб, саккиз идишга сузади. Саккиз идишни саккиста оппоқ докага ўрайди, боргунча бир-бирига урилиб синиб қол-

масин деб. Уларни иккита бир хил саватга тўрттадан йиқилмайдиган қилиб жойлади. Тўхтамай соатга ҳам қарайди. Ахир, опа хўжайнининг иш вақтигача унинг хизмат машинасида чақалоқларга бориб келишга улгуриши керак-да. Шу оралиқда хўжайнинг ва чақалоқнинг отасига эргалабки ионуштани тайёрлаб, чойни дамлаб қўяди. Опа қайтиб келгунича, улар ишга жўнашга таптайёр бўлиб туришади.

Шундай қилиб, опа болаларига куни бўйига етадиган икки сават овқатни икки қўлига кўтариб, шошилиб зинадан тушаётса, нариги домда турадиган битта қўпни хола бор, шу хола пастда турган экан, у опани саволга тутиб қолди:

- Муборак бўлсин неварала, — деди у.
- Катта бўлсин, раҳмат, хола, раҳмат, — деди шошаётган опа.
- Саватларингиздаги идишларнинг ҳаммаси бир хилми? — қизиқсингиди хола.
- Бирори қизимга, бирори келинимга, — деди у қувониб.
- Шу, нега икковиям бир хил деб ҳайрон бўляйман-да?
- Нега бир хил бўлмасин, икковиям болам-ку?!
- Хола ўзини гўё бепарво тутиб:
- Тузук, келинингизният қизингиздан кам кўрмас экансиз, — дейди?

Опанинг жон-пони чиқиб кетди. Ўзи опа ана шунаقا искалагич, қитмир кампирларни жинидан баттар ёмон кўради. Хурсанд бўлиб болаларига жўнаётган эди, кайфияти бир пул бўлди! У индамай машинага чиқди-да, кетди-борди. Бир пулга қиммат хола кулимсираб ҳовли юзида қолди.

Туғуруқхона ҳовлисида яна боягидай одамга хушвақтлик бағишлайдиган савол-жавоблар. Невараларини етаклаб юрган аёллар ҳам, болалар ҳам чуғурлашиб, тепадан қараганлар билан ҳол-аҳвол сўрашиб туришади. Шириндан-ширин шовқин туфайли баъзан бир-бирларининг гапларига тушунмай ҳам қолишиади.

Мендан фаҳмли китобхон, ўйлаётгандирсиз, нима бало, бу опанинг қизларидан қайноналари хабар олмай-

дими, бунча ичи куйиб чопмаса бу, деб. Хабар олади, жон деб хабар олади. Қизлари-ку, қайнота-қайноналари-ни шундай ҳурмат қилишади-ки, уларни кўрса, қаерга ўтқизишларини билмай қолади. Лекин опанинг қудалари — ҳаммаси қишлоқда яшашади. Ҳаммасининг молҳоли, томорқаси бор. Улар шаҳарга келса, зўрға икки-уч кун туради. Лекин болалари учун нима керак бўлса, ҳеч нарсани аяшмай еткизади. Опа қишлоқда ўсгани учун уларнинг шароитини яхши тушунади.

Самолёт Тошкент аэропортига келиб қўнди. Катта, азамат шаҳар опанинг кўзига оловдай кўринди. Юртини шунчалик соғинганини энди янам яхшироқ билди у. Тошкентлик чақалоқ — Муроджон гап қотса англайдиган, куладиган бўлиб қолипти. Уни йўргакдан чиқариб, ўзига лойиқ ширин либосчалар кийгизиб қўйишипти. Опа уни қўлига олиб бағрига босди. Оғиргина бўлиб қолипти. Икки қўлтиғидан ушлаб тикка қилсангиз, оёқларини босадиган, гапирмасангиз ҳам одамга қараб кулади. Болажоним, кўнглидан ўтказди опа, сенинг кулганинг ота онангнинг, менинг онамнинг, бутун оламнинг кулгани эмасми? Опа ёқасига туфлаб қўяди. Қаттиқ қувониб юбормайин, энам айтарди, қаттиқ қувонишнинг ҳам охири яхши бўмаскан, деб. Энамга тўйларимизда ёки набиралири кўпайганда яқинлари қутлув бўлсин, муборак бўлсин, дейишса, у киши «Оллоҳ охирида суюнтирсин!» дерди. Мен ҳам кайвони ёшига етиб қолдим. Қаламга олганим — мана шу опанинг юрагидан келиб чиқиб, шундай деб ёзай: Олам тинч, обод, осойишта бўлсин. Ҳаммани Оллоҳ охиридан суюнтирсин, жумладан, Сизни ҳам, бизни ҳам.

ОНА ДИЙДОРИ

Ниҳоят, опа онасини кўриб келишга вақт топди. Хўжайини тўнғиллаб қолди: — Ўзи тунов кунгина Москвадан келувдинг, энди яна қишлоққа йўртиб бораяпсан, энамни соғиндим деб. Элликдан ошсанг ҳам энангни соғинасан, — дейди-я.

— Элликдан ошиб энди энамни қадрини билаяпманда, болаларимга чопа-чопа, — деди опа.

— Ҳа, бўпти, сеники маъқул, сенга бир нарса деб бўмайди-ку, энди. Тезроқ қайтиб кел, сенинг ҳам ўз уйжойинг, рўзғоринг, хўжайининг бор, биласанми шуни?

— Нима бало бўлди билмай? Айтгандай, хўжайин нега ўғилларингизга, қизларингизга керак бўлиб қолганимда, тезроқ бор, тезроқ бор, деб мени тезлайсиз, ойда йилда энамникига бир бораман десам, пешонангиз тиришади? Ахир, мен sizни пошшодай ҳурмат қилсан ҳам, — деди чўзиб.

Опа нимагадир мана шунаقا пайтларда турмуш ўртоғини яхши кўрганиданми, унга ҳазил қилиб, жигига тегиб, бир ҳордифидан чиқади.

— Оббо-о! Кетавермайсанми энди!

— Бўпти, хай, яхши қолинг, — деб, келинига қайно-таси ёқтирадиган овқатларни пишириб бериб туришни тайинлаб, йўлга чиқди. Катта ўғли уни эрта тонг «Регистон» поездига чиқариб қўйди.

Онаси билан кўришаётib, опа ичида эзилди. Энам ҳар келганимда аввалгидан ҳам кичрайиб қолган бўлади. Бунча йиллар елдирим, учқур бўлмаса? Биринчи кеча опа онасининг ёнбошгинасида тунади. Қизик, опа она-ю, знаси эса худди ёш болага ўхшаб, парваришга муҳтож бўлиб қолипти. Яхшиям энам келинидан, яқинидаги қўшни қизидан ёлчиган. Бирон нарсага ёки ёрдамга зориқкан жойи йўқ.

— Қариганда одам парзандларини, қариндош-уруларини тез-тез кўргиси келайкан, некин одамнинг ўзи уларга жеталмай қолайкан-да, болам — дейди у. — Ҳаммангни тўйиб-тўйиб кўргим, гаплашгим келовради. Силарам уйларингдан чиғалмай силар-да, уни менам тушунаман. Ўзимизам силардай воқтимизда шуйтарийдик. Уйдан чиқалмасийдик. Майли, болам, қўмсаганимда келалмасаларингам, баринг ўз уй-жойларингда эсон-омон ўтирсаларинг бўпти, менга шуннан ортиқ жоруғлик жўқ.

Шамсия опа онасидан сўради:

— Қишлоғимиздаги Ўлмас хола соғ-омонми, эна?

— Ҳа, нимайди?

— Бугун шу кишини чақириб, бир ҳангома қилайлик.

— Шуйтсанг, тоза ўхшатасан-да, болам. Ўлмас холант сен кетгандан кейин ҳам, Шамсия Тошкентдай жой-

дан келиб, ҳол-авҳал сўрашиб кетди, деб неччи кишига мақтанди, қувонади, ўл кампирдинг баҳаси жўқ.

Илгари биз талабалар қишлоғимизга ҳар борганимизда Ўлмас холани ўртага олиб, роса гапиртирадик. Гапнинг пўсткаласини айтгани учун, сиёсий мавзуларда ҳам қишлоқча шеваларда сўзласа ҳам жуда Тўғри фикрлагани учун биз ҳазиллашиб шу холани «сиёсий шарҳловчи» атаб, бундан ўзимиз ҳам завқ олардик.

Улмас хола битта невараси иккови кадиси, қишига илган узуми, икки літрча қишлоқнинг серқаймоқ сути, бир пишім сариқ ёғи, очиқда, эркін юрган товуқларининг тухумларини олиб, тўлиб-тошиб келиб қолди.

— Хола, ўзингиз келсангиз ҳам бошим осмонга етарди, нима қиласдингиз шунча нарсани кўтариб?

— Э, болам, биздинг топганимиз шўл-да. Шўларди сенга, невараларингта ҳавасак деб илиндим-да.

Опа кўнглидан ўтказди, бу хола биз бола пайтимида гавдали, серғайрат, ёш аёл эди. Қаранг-а! Бу кишиям кексайиб, кичрайиб, момо бўп қопти. Улар қишлоқ одамлари ҳақида ҳордиқлари чиққунча ҳангома қилишди.

Шамсия опа кечага поездда келаётib, ўзимизда чиқадиган «Жаҳон адабиёти» журналини ўқиб келган эди. Бу журналдаги барака топкурлар американлик таниқли журналист, сиёсий шарҳловчи Патрик Жозеф Бьюкененнинг «Фарбнинг ҳалокати» номли китобидан бир неча боблар таржима қилиб босишипти. Опа уни ўқиб келар экан, бальзи жойларига келганда юраклари музлади. Ҳозир эса ёшлигига тенгдошлари ва хола билан қилган сұхбатларининг хумори тутиб кетди. Ундан яхши бир фикр эшигиси келди.

Хола билан энаси қулоқ солаяпти. Опа китобдан бальзи парчаларни ўқияпти:

«Ҳозирги вақтда Европа мамлакатларидан ўн еттиласида ўлим кўрсаткичи туғилишдан анча юқорилаб кетган, яъни бу давлатларда беланчакдан кўра тобутга эҳтиёж кўпроқ». Опа китобнинг бошқа жойидан яна бир парча ўқиди: «Масалан, Элинор Миллс «Спектейтора» газетасида чои этилган мақоласида ўз тенгдош дугоналари фикр-ўйларини шундай ифодалаган: «Масала шундаки, менга ўхшашиб соғлом ва қувноқ тенгдошларим туғиши ва кўнайишни хаёлига ҳам келтирмайди. Чунки бахтга

қарши бизнинг авлодимизни ташқи кўриниш ва пулдан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмайди». Мулоҳазаларини давом эттириб, Миллс бошқа бир замондоши, реклама агентлигининг ходими Жейннинг фикрини мисол тариқасида келтиради. «Мабодо болам бўлганда эди, — дейди Жейн, — зиммамдаги вазифаларнинг ярмини ҳам удалай олмасдим. Ҳар гал шанба куни 10:30 да ҳали уйқу аралаш эрим билан бир-биризига термулиб, ҳар иккимиз «Худога шукур, болани эмиздириш учун саҳарлаб туришнинг кераги йўқ» деганимизни билмай қоламиз. Бу тенгламага учинчи унсур киритилса, муносабатларимиз қай тарзда ўзгариб кетиши мумкинлигини ким ҳам биларди, дейсиз». Шундан сўнг, опа бу китобда келтирилган яна бир сиёsatшуноснинг мулоҳазаларини ўқиди: «Йигирманчи асрга хос туб ўзгариш эса аёлларнинг уйдан чиқиб, кун бўйиофисда ўтиришида намоён бўлди. Бу ўзгаришлар ота-онани болалардан, аёлнинг эридан узоқлашувига сабаб бўлди».

Хола аввалига кўзини юмиб турди, бирпас мазаси қочди-ёв! Сўнг, бирдан дадилланиб, эшитганларини шарҳлай кетди: «Яхшиям эмиздирадиган боламиз йўқ, бўғандаб эрталаб соат олтидан уйқумиз бузилган бўлариди» — деган бехосият эр-хотиндан сўраш керак. — Агар силарди ота-эналаринг парзанд кўришни халамаганларида ўзларинг бу жоруғ дунёда бўлармидиларинг, шуйтиб кайф қилиб ишлаб, жашаб жуармидиларинг? Эрта, қариганларингда ким силарга қарайди? Кексайиб, бошларинг ёстиққа текканида итдан хароб бўлишларингта аниқ ваъда бераман. Бирантаям парзандли бўлишни халамаслик, уни олдини олиш одам ўлтиришдан баттарку?! Ҳа, совуқ напасларинг қурғурлар. Илойим, Оллоҳим бундайча жошларди бетини тескари қилсин!

Ана шу жошгина эр-хотиндинг гаплари оғзидан чиқиб жоқасига тармашсин! Битта болаям бўловрайкан, бўмаса уннанам жахшиякан! Ҳо-о! Мийяси борма ўзи уларди? Кўп болали бўғангага нима жетсин! Дунё деб қўйипти буни, ташвишли дунё деб қўйипти буни. Тувишиқаннардинг бир-бирига керак бўған жойлари кўп бўлади. Ўнинг ўрнини ҳеч ким босолмайди. Некин, пакат иттифоқ қип ўстирсанг!

*Ўзингдики ўзагидан урсанг кетмайди,
Ўзганики кишиши берсанг кемайди!*

Хола яна куйиб-пишиб сўзлайди: — Мен айтаятганим жўқ, баринг ўнтадан тувиб, «Қаҳрамон эна» бўнгнар, деб, некин мусулмон-мўминман деган ўзбекка тўрт-бешта боладан ками камлик қиласди. Қақа борсанг боровур, эси бордан сўровур. Бояги чет эллардаги ўқифанинг — энг жомон жуғумли тартиб. Жуғумли нерса тез тарқайди, шундан қўрқади одам.

Хола бирпас тин олди. Сўнг, ўтирган жойида бир қўзғолди-да, жиддий гапира кетди:

— Ўзи, асли боллар мактабдан айтиб кегичиди. Маркис, Энгилиз, Лелин деган зотларди. Ўлар бизга оға бўп, эркак-аялди бирдай қилди, деб. Дунёнинг айниши асли шулардан бошланди. Шуннан кийин бу аял, қизлар зоти кўчага чиқиб кетди, ишлаймиз, ўқиймиз, деб. Эркакларимизди бетига тик қараб, сеннан мен камми, дегич бўлди. Аяллар эркаклар минан баппаравар ишловурса, бориб-бориб ишлари жахши кетавурса, уларга бола қараш, чақалоқлашнинг қизиги қолама?

Туврисини айтсам, — давом этди хола, — ойна, ишлиаш, ўқишларингга норозилиғим жўқ. Ахир, ҳазир ҳамма жақ тихникалашиб кетди. Хотин-қизлар жида-а одам қувандиган ишларди уdda қиласяти. Бунга ўзимам қувониб ўтираман. Мана, атрапимиздаям, тиливизердаям ҳаммасини кўриб туриппиз. Эл-улус кенгашиб, маслаҳатлашиб, шу аялларга болали бўлиш, шу парзандларга эс, тарбия беришга янаем женгилликлар берилса, дийман-да.

Жовринлари қирдай бўлатурған улларди, ўз уй-жойи, жовлик маҳалласига ақл бўлатурған қизларди дунёга келтирмайман, деб бошини ҳар жақа урган аялди худойдинг узи уради! Энажоним, шу ҳамма хотин-қизлардинг иш вақтини ярим кунликка айналтиришди ҳеч иложи жўқма? Нимага десанг, болага қараған ҳар қандай меҳривонам энани ўннини босолмайди-да. Майли, жоним болам, аялларимиз, қизларимиз замонга мослашавурсин.

Некин, ота-бобомиздан қоған қўзга суртгулик бола тарбиятига лозим бўған урп-адатларимиздан кечмай, ўқисин, ишласин. Ота-бобосининг тартиб-қоидаси, ту-

шунчаси, кекса-жошли қадрлаш, иппат-ҳоё, ҳавас, ёшликтан касб-хунар ўрганиш деган энг зарил гаплар болаларнинг қулоғига вақтида қуйиб қўйилмаса, бориб-бориб миллатимиз бу жоруғ дунёда ким бўп қолади? Бу ишларди аввали эналар бажариши керак».

Ана, сизга «сиёсий шарҳловчи» Ўлмас холанинг биронта гапини нотўғри деб кўринг-чи.

— Хола, бу одам шу китобида инсоният учун кўндаланг бўлиб турган жуда кўп зарур масалалар ҳақида ба-тафсил ёзган. Мен сизларга айрим жойларинигина ўқиб бердим, холос. Ўша гапларнинг ҳаммаси виждони бор одамни ўйлаб кўришга ундейди. Шунинг учун мен мана шу китобни ёзган кишини «Оға» десам бўладими, деб сўрашдан ҳайиқиб турипман. Ўзимиздинг элда оға қуридими сенга, деб урушасизми мабодо?

— Дийбер! Шу китабди жозқан одамнинг отасига раҳмат! Нега оға деб бўмайкан? Шу жоруғ дунёдаги ҳамма одамлар Одам Ато ва Момо Ҳавонинг парзандларимиз. Қанийди, уруш, ҳоёсизлик, дангасалик, боладан безорлик, ўз миллатини тан омаслиқ деган нарсалардинг оти ўчиб кетса!

Патрик Жозеф Бьюксенен жаҳоннинг ўн етти давлатида туғилишнинг кескин камайиб кетаётгандиги, миллатлар эса ўз миллий қиёфасини ва миллий фурурини йўқотиб бораётгандиги, бу аҳволнинг олдини олиш учун давлат арбоблари, олимлар, ўқитувчи ва тарбиячилар, хулас ҳар бир инсон қандай иш тутиши зарурлиги ҳақида безовта бўлаяптими, куюнаяптими, десмак, у худди менинг отабоболарим, момоларимнинг яшаш тарзини тарғиб қилаётитти, шунинг учун мен сизни оғам дедим, жаноб Бьюксенен!

ОНАЛИК САЛТАНАТИ

Шамсия опа Ж.П. Бьюксененнинг китобини ўқигач, ўзининг қирқ ёшлигини эслади. Ўша пайтларда у, тўртта қизим борига шукурку-я, лекин ўғлим биттагина-да, ёлғиз-да, деб ўксиниб юрарди. Опа ошқозонидан шикоят қилиб юргани учун врачлар унга бошқа фарзанд кўриш мумкин эмаслигини, онанинг ўзига ҳам соғлиқ керакли-

гини, айниңса, мана шу беш бола учун соғлом она зарурдан зарур эканлигини такрор-такрор тайинларди. Аммо, у ўғлини ўйларди. Ҳай, қызларимга ака керак, лскин ака учун ука ҳам керак бўлади-ку ҳаётда.

Ўшандада битта-ю битта ўғлим эркинсиб кимга сарғаяди? Ўзбек уй қуради, тўй қилади. Ўшандай пайтларда, укаси акасининг тўйини бир ёғини кўтариб юборса, иморат қилганда қараб турмаса, иссиқ жоннинг иситмаси бор, бош-моши оғриб қолганда чақирмасаям акаси учун чопиб келишдан ўзини тўхтата олмайдиган ука керак бўлади-ку.

Бир куни у аёллар кўригидан ўтди. Ҳомиладорсиз, дейишди. Қирқ ёшда чақалоқлашдан қўрқмайсизми, дейишди. Нима бало қўрқиб? — деди ичида. Опа индамай уйга кела қўйди.

Турмуш ўртоғидан эса бу гапни яширди. Яшириб юровурди. Билса борми, зўрлаб врачларга судрайди, ҳозир йўқ қил деб. Бечора эр қўрқади аёлининг ётиб қолишидан. Шамсия она қачон ҳомиласи тўрт ойликдан ошгандан кейин, унга очиқ айтди. Бегимқул аканинг ранги-қути учиб кетди:

— Ҳозир кийин, йўқ қилиб келамиз.

— Унда ўзим ҳам йўқ бўлиб қолишум мумкин-да.

— Нега?

— Нега бўларди, жони бор, тирик болани олиб ташлаш менинг ҳаётим учун ҳам хавфли-да...

Шамсия опанинг соғлиги кундан-кун ёмонлаша бошлади. У касаллигини аввало яшириб юрди. Ошқозони эса кундан-кунга азоб бера бошлиди. Кечалари ухлаёлмай юриб чиқадиган бўлди. Егани арзимаган овқат, лекин шуни ҳам ҳазм қилолмайди. Юришга эса мажоли қолмади. Охири у шифохонага бориб ётди. Эҳ-ҳе! Яна уч-тўрт ой бу аҳволга қандай чидайди у? Даволовчи врач неча марта урушиб олди.

— Сизга зарурмиди бешта боланинг устига яна бола?

Кундан-кун қони камайиб, ҳолдан кетаётган онани у бошқа врачларга ҳам кўрсатиб маслаҳатлашди. Улар ҳам худди шундай деб уришади, ҳаммаси уришади. Охири, битта эркак профессорни чақиришиди. У нима дейди денг?

— Опа, ўзингиз билар экансиз, ошқозонингизнинг ча-тоқлигини, нимага керак эди сизга шунча азоб?

— Битта сиз қолувдингиз, шу гапни айтмаган! Профессор бўлсангиз, айтинг, шу болам эсон-омон туғилгунча мени тирик сақлаёласизми?

— Нега бу саволни бизнинг олдимизга кўндаланг қилиб қўяяпсиз, опа?

— Чунки мен ҳозир уйимдаги ўғлимни ўйлаб, шундай деяпман. Чақалоқ соғ-саломат дунёга келган пайти жон берсам ҳам майли. Ўшангача, ухлаёлмасам ҳам, ялчитиб овқат еёлмасам ҳам чидайман. Ахир, ёнимда сизлар бор-ку. Худога шукур, мен ҳаёт бўлмасам ҳам, жондай опа-сингилларим, меҳрибон қайнопа ва қайнингилларим, овсинларим бор, шулар катта қилишади чақалоқни, мен бунга ишонаман. Қандай бўлсаям уйдаги ўғлимнинг ўз укаси, туғишган укаси бўлсин, у ёлғиз бўлмасин дейманда.

— Уйдаги ўғлингизни шунчалик яхши кўрасизми? — ҳайрон қолди профессор.

— Шунчалик яхши кўраман, — деди опа «шунчалик» сўзига урғу бериб. Бирпас тин олган опа яна давом этди:

— Бундан ташқари, элимизда, сизларга ўхшаган:

*Белига белбог етмайдиган,
Олдидан душман ўтмайдиган*

битта бек улғайса, ёмонми?

— Ҳа, онаизор-а! — деди профессор. У бирпас олдин опадан қанчалик аччиқланган бўлса, ҳозир уни шунчалик яхши кўриб кетди ва деди:

— Ундаи бўлса, опа, сиз аввало, руҳингизни тетик тутинг. Шунда сиз бизнинг ишимизга ҳам, ўзингизга ҳам ёрдам берган бўласиз. Бизнинг муолажаларимиз яхши натижга бериб, сиз аста-секин қувватга кирасиз.

Бу кунисига опани «УЗИ»га туширишди. Улар ҳомилани ўғил бола, дейишди. Бу жавоб ҳам опага анча қувват ва хурсандчилик баҳш этди.

Профессор опани ҳар куни бир кўриқдан ўтказади-ю, кабинетига киргач, стулга оғир чўкади. Ҳар кунги еган

бир чимдим овқати ва ухлаёлмаслиги билан яна уч-түрт ойгача бу аёл нима бўлиб, нима қўяди? — ўйлади у. Лекин опанинг, ёнимда сизлар бор-ку, деган ишончи профессорга ҳам, унинг даволовчи врачларига ҳам қувват берди. Улар опани соғ-омон сақлаш учун бутун тажрибаси ва бор имкониятларини ишга солди.

Ҳар бир соатни, ҳар бир кунни тоқат билан санаб ўтказиб, опанинг ойи-куни етганда, кўзи ёриди. Ўғил! Соғ-саломат ўғилча. Лекин ўша болани катта қилишдан кўра Шамсия опанинг соғайиб, оёққа туриб кетиши жуда жуда қийин бўлди ва бу жараён узоққа чўзилди.

Йиллар учиб ўтаверди. Шамсия опанинг энг яхши кўрган жойи — ўзининг ошхонаси. Опанинг фикрича, шу ёруғ дунёда қанча ҳавас, қанча меҳр бўлса, гўё уларнинг ҳаммаси оналарнинг юрагига жойлашган. У қизлари ёрдамида икки ўғил ва турмуш ўртоғи учун овқат пишираётганда ана шу ҳавас ва меҳрининг ҳаммасини сарфлайди. Улар келгунча, овқатни сузишга рухсат бермайди. Уларни кутайлик, дерди қизларига. Агар улар кечга қолишиса, овқатнинг бош қисмини сузуб олиб, ўраб қўйиб, қолганини қизлари билан ейишади. Шу оралиқда она қизларига насиҳат қилиб қўйишга ҳам улгуради, ҳеч қачон эркак кишининг олдидан кесиб ўтманглар, деб.

Аста-секин ўғилларининг бўйи Шамсия опанинг, сўнг-сўнг дадасининг бўйи билан бўйлашиб, улардан ҳам баландлаб қолишиди. Энди опанинг жуссаси ўғилларининг олдида кичкинагина бўлиб қолди. У шод-хуррамлик билан келин туширди. Лекин ҳар куни ўғил-қизларига айтгани — бир-бирингга меҳрибон бўлинглар, бир-бирларинг билан хабарлашиб туринглар. Бизлар ҳам энди қарияпмиз, болаларим. Бизларни сизларга бойлаб бериб қўйгани йўқ. Чор атрофинтдагиларга ҳурматда бўлинглар, ҳаётларингни ҳалол, чиройли ҳунарлар ва меҳнат билан безанглар. Болаларингта меҳр, илм ва ақл беринглар.

Шамсия опанинг катта ўғли ўқиши битириб ишлапти. У укасининг ўқиши ва ўзини тутишига қаттиқ талабчан бўлди. Укаси олий ўқув юртига киришга тайёрланадиганида қўшимча машғулотларга укасини ўзи қўйиб келиб, уни уйда қандай дарс тайёрлаб бораётганини

ўқитувчи билан юзма-юз гаплашиб келди. Аканинг ука тергагани зое кетмади. Опанинг кичик ўғли чет элга ўқишига қийналмай кириб кетди.

Тунов куни у телефonda аяси билан сўрашиб, саломлашгач, шошиб-пишиб гапирайти:

— Ая! Мен шу вақтгача унчалик тушунмас эканман, узоқда юриб билаяпман, менинг акам битта экан, битта!

— Сен ҳам акангга битта ука бўгин-да, болам, битта!

— Бўлмасамчи, аяжон, худо холаса, худди шундай бўлади. Ая, акам кадидан пиширган бичак ва мантиларингизни яхши кўрар эди, ҳозир ҳам худди шундай қилиб тез-тез пишириб берингизлар, бўлтими?

Телефондаги овоз энди элас-элас эшитилиб, сўнг алоқа узилиб қолди. Лекин, опа ўғилларининг ўртасида узилмас меҳр риштаси борлигидан жудаям қувонди. Унинг кўнгли осмон қадар кўтарилди.

ЭТАГИДАН РАЙХОН ТҮКИЛГАН ЭНАМ

(Эхтиром)

Олис йилларни эсласам, энам ёдимга тушаверади. У бебаҳо аёл ҳақида ёзгим келаверади. Узун соchlари қиров энган, юzlари мағиздай, күzlари ҳавасдан чақнаб турадыган энам...

Энам оптоқ кийиниб юрардилар. Шунинг учунми, биз — набиралари «оқ эна», «оптоқ эна» деб ортидан эргашардик. Шундай беозор, шундай мулоийим, ҳатто гуллар билан ҳам сўзлашиб юрадиган аёл эди ўзиям...

«Икромой юрганида этакларидан райхон тўкилиб борарди» дейишади у кишини таниган кексалар. Гулга жуда ҳам ўч бўлганлар. Ўзлари экиб, ўзлари парваришлар, доим чаккаларига райхон тақиб юрардилар. Самарқандга борган кезларим, ҳаётлигида ўстирган атиргулларини кўриб маъюс тортаман, буларни меҳр билан сужидиган нигоҳлар, гулбаргларини меҳр билан силаб-сийпаб қўядиган қўллар энди йўқ, деган фикр хაёлимдан кечади ва ўз-ўзимча тўқийман:

*Бир ҳовли гул,
Барин ўзингиз эккан.
Райхонлар очилар сим-сиёҳ, гариб
Баргларида илиқ тафтингиз қолган,
Атиргуллар турар сизни согиниб!
Нафаси гулларга қоришиқ энам...*

Энамнинг ўн бармоғи ҳам ҳунар эди. Чевар ҳам эдилар. Тиккан кашталари бир-биридан гўзал бўларди. Қопқора, пати сидирға баҳмалларга тилларанг ишакларда нақшланган гулу чечаклар худди тун қўйнидаги юлдузлардек чарақларди. Гулга ошиқ булбул сурати, нозик ғунча теграсида учайтган капалак, бир-бирини тўлдириб тургувчи Ой ва Қуёш тасвири, тумшуқчалирини бир-бирига теккизаётган қушлар... Ҳунарларидан бутун қишлоқ қиз-жувонлари баҳраманд бўларди ўша

кезларда. Ипакларни ҳам ўзлари тайёрлаб, ўзлари бўя-
ганлар. Энамнинг айтишича, ўша вақтдаги бир қатим
ипакка ўн тўрт килограмм юкни осса бўларкан! Шун-
чалар пишиқ қилиб йигиришаркан-да ипакни, деб
ўйлайман. Ҳозирги ипаклар нега бунча мўрт? Буни му-
таксисслар кўпинча экологиянинг бузилиши туфайли,
тут баргларининг сифати ёмонлашганилигидан, деб ху-
лоса чиқаришади.

Энам айтардилар-ки, кашта тикаётган киши чирой-
ли хаёлларни кўнглидан ўтказса, тиккан нақшлари яна
ҳам чиройли чиқаркан! Менинг донишманд ва илмли
энам... Бу аёл рўзғор илмини, ҳаёт илмини бергувчи
эди.

КЎЗГА ЯҚИН ЗАРДЕВОР

Бир неча йиллар бурун шундай воқеанинг гувоҳи
бўлдим. Самарқандга борганимда ошхона юмушларига
қарашаётиб, столнинг чеккасида тахлоғлиқ матога кўзим
тушди. «Бу нима?» дедим. «Э-эски зарdevор, у-бу нар-
сани ўраб қўямиз, дейишиди. Очиб қарадим-у, юрагим
дук-дук ура кетди. Ахир, бу энамдан қолган зарdevор-
ку! Зарdevорнинг матоси унниқиб, эскирган бўлса-да,
ипакларнинг ранги чўғдек ёниб турипти. Бундаги нақш-
ларни энамнинг азиз бармоқлари чизган, буларга унинг
кўз нури, қолаверса орзу-армонлари жо бўлган... Зар-
devорни ўзим билан Тошкентга олиб қайтдим. Уни
авайлаб сандиқ ичига солдим. Энамни соғинган пайт-
ларимда зарdevорга синчиклаб термуламан. Унга тикил-
ган гулларни синчиклаб томоша қилаётиб, нақшлар
орасидан энам менга кулимсираб қараб тургандай,
«Тани-жонинг соғми?» деб сўраётгандай туюлади. Ин-
сон ўзининг қилган ишларида яшайди, деганлари рост...
Менинг фариштасифат энамнинг ҳаёти мана шу зарде-
ворда, қишлоқдаги қиз-жувонларга чизиб берган каш-
та, ёстиқ, ойнахалта нақшларида, қолаверса экиб кет-
ган атиргулларида давом этаётир. Демак, менинг оқ
энам, оппоқ энам ҳали-ҳануз яшаяпти.

ОЙНАХАЛТАДА НИМА БОР?

Эсимда, энам ойнахалта тикишга уста эди. Ҳар бир келиннинг сеп буюмлари орасида албатта ойнахалта бўлиши шарт эканлигини алоҳида тайинлардилар. Маълумки, илгарилари қиз бола ёки келинларнинг пардоз-андоз учун зарур нарсалари ойнахалтада сақланган. Масалан, ойнахалта игна-ип, тароқ, ойнача, қайчи, сурмадон, антишвоналар сақланадиган буюм вазифасини ўтаган ва у болаларнинг қўли етмайдиган жойга осиб қўйилган. Ойнахалта тикиш ҳақида энамнинг қишлоқ келинларига айтган сўзлари ҳали-ҳануз ёдимда. Тўрт томони бир хил — икки ярим қариччалик тўртбурчак қилиб бичилади. Бунга чидамли ва ювгандаги ранги чиқмайдиган газлама танлаш керак, дердилар энам. Унинг орқа томонига эса шу ўлчамдаги мато қўйилиб, четлари бежирим қилиб тикилади. Ойнахалтанинг юза қисмига эса кашта, ёстиқ, зардеворларга чизилмаган яна ҳам бошқачароқ, яна ҳам чиройли нақшлар чизилади ва ҳавас билан тикилади. Ойнахалтанинг юқориси, яъни оғзининг энг чеккасига ўша газламадан бежиримгина қилиб илмоқ тикилади. Ойнахалта ана шу чиройли илмоқлар билан деворга қоқилган михларга илиб қўйилади. Ойнахалтанинг тўрт бурчагига сувмунчоқ, қалампирмунчоқ ва туморчаларни чатиб қўйсангиз, уйга ёвуз кучлар ҳамла қилиши бартараф этилиб, ёмонликнинг кучи қирқилади, дерди энам.

Ойнахалталар келинларнинг керак жиҳозларини ўзида тўплаб, саришталаб турувчи буюм ва кўзни оловчи санъат асари сифатида уйларга кўрк бахш этарди.

ЭНАЖОНИМ — БУРОРИМ...

МЕХР ТҮКИЛГАН БАЙТЛАР

*Кўйлакларимнинг ёнига
«Жанона» бўлган онам.
Болаларимнинг бошида
Парвона бўлган онам.*

Умр қанчалик елдирим. Кечагина бувиларимиз бизга парвона эди. Бугун эса ўзимиз парвона бўлиб қолдик болаларимизга, невараларга.

Бешикни яхши кўраман. Бешик уйга ўзгача файз бериб туради. Болаларим бизникига тез-тез келиб туришади. Қайси бири келсаям, қўлида ёш боласи бўлади. Гўдаклар қийналмай ором олиб ухласинлар деб ота-оналари катта бўлган эски бешикни тузаб қўяман. Қандай қилиб денг? Қовузларини янгиладим. Паҳтани савағич билан савалаб, юмшоқ қовузпешчалар, жажжи ёстиқчалар қопладим. Қўлбоғларини қувониб тикдим, қўшиқлар айтиб тикдим, қўша-қўша оппоқ ниятлар тилаб тикдим, ўзими унутиб тикдим. Энам айтарди: «Бешик боланинг ўтови, уни ҳеч қачон яланюоч қолдирма, ўзига ярашиқли, уйни очадиган рангдаги кўрпачани тўшаб, сўнг унинг устига бешик қўй».

Худди шундай қилдим. Бу ишларимни албатта шу бугун тутатмасам бўлмайдигандек туюлаверади. Янги бешик ёпқични ёпиб, унга яқиндан туриб қарадим, узоқроқдан туриб кўзим тўймай қарадим, жудаям роҳат қилдимки, жудаям яйрадимки!

Ишимни тутатдим, энди бир пиёла чой ичай деб газга чой қўювдимки, эшик жиринглаб қолди. Қарасам, қизларимнинг кенжаси, қўлида оппоқ кийинтирган қуёнчадай юмшоқ беш ойлик ўғилчаси, ёнида кўзлари кўзмунчоқдек икки ярим яшар қизчаси турибди. Эшикни очганимда уй болаларнинг ширин шовқинига тўлди. Ўзим-ку қувонганимдан ҳеч ерга сифмай кетдим. Юқоридаги қўш байтнинг дастлабки икки жуфтини ўқийман:

*Күйлакларимнинг ёнига
Жанона бўлган онам.*

Қадимда қиз ва келинчакларнинг либослари жуда чиройли нусхалар қўйиб тикилар экан. Масалан, қўш этак, жонона, чиндаки хаёл, атиргул, толим-толим ва бошқа турфа хил безаклар. Оналар қизлари ва келинларига кўйлак тикаётганларида ўша нусхаларнинг энг ярашиқлисини, энг чиройлисини бежирим қилиб ўрнатишга эришар эканлар. Улар ўша пайтда ўзларининг либосларига ҳам шундай нусхалар ўрнатишни хаёлларига келтиришган дейсизми? Қаёқда! Аввал келин ва қизларига, кейин ўзларига, унда ҳам болаларининг, набиралирининг ширин ташвишларидан ортиб, вақт топишса. Улар ўз фарзандларини жудаям гўзал, ақлли кўришни истаганлар. Айнан шу туфайли бу термалар минг йиллардан буён оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келаётгани аниқ.

Бундай гўзал халқ қўшиқларининг қанча-қанчаси бизнинг қунтсизлигимиз туфайли унугтилиб кетди.

Кўнглимда яна ёруғлик пайдо бўлди. Байрамларда, Ҳайит кунлари, Наврӯз шодиёналарида кексайган, фанимат онамни бағримга босиб, момоларимиздан мерос юқоридаги сатрларни такрорлайман:

*Кўйлакларимнинг ёнига
«Жанона» бўлган онам.
Болаларимнинг бошида
Парвона бўлган онам.*

Сўнг, кўксим фахрга тўлиб тан бераман. Тилимиз нақадар гўзал, ҳар бир сўзида сеҳр, жозиба бор.

*Энажоним — бурорим,
Буриблар сўйлаб турорим.*

Бу байтни энамдан эшитганимга бир неча йил бўлди. У мени бағрига босиб кўришаётиб шу сўзларни тўлибтошиб такрорлаган эди. Ўшандан буён эслаб юрган бўлсам ҳам, уларни шарҳлашга ўзимда етарли куч топа олмадим. Негаки, дунёга келиш ва кетишнинг буюк қонуни асосида ер яширган катта эна ва катта момоларнинг ақл-заковати, меҳри, жонҳалаклиги бор бу сўзларда.

Энажоним — бурорим.

Буроримга эътибор қилинг. Она дунёдаги нимаики яхшилик бўлса, тинчлик-хотиржамликми, ярашиқли либосми, ўзидан аввал фарзандига буради, илинади. Ҳатто, одамнинг кайфиятини кўтарадиган бирон-бир кулгили гапми, яхши хабарми, шуни ҳам дарров боласига етказади, унга буради, боласи тезроқ эшитса-да, қувонса!

Буриблар сўйлаб турорим.

Дикқат қилинг, узатган қизини ёки алоҳида яшайдиган ўғлини ҳар қандай шошилинч дақиқада, кўпчилик тўпланган тўй-маъракаларда кўриб қолса ҳам, ўзига буриб қаратиб, астагина «Қандайсан болам, тинчмисан, соғмисан» деб сўрамайдиган онани топа оласизми, Йўқ! Чунки она фарзандидан ҳамиша огоҳ бўлиб туради.

Нега «буриб сўрайди» эмас, «буриблар сўрайди?» Чунки тилимизнинг кўзга сургулик оҳори, ҳарорати ана шу «лар» қўшимчасида, шу билан юракка яқин «лар»да шунча меҳр товланиши борлигини қаранг! Агар «Буриб сўйлаб турорим» бўлганида, «лар» қўшилмаганда, бу байтдаги жонҳалаклик, меҳрибонлик, эркалаш, суйиш меъёри пасайган бўларди.

Иzzатли ўқувчим! Энди юқоридаги байтни яна бир бор овозингизни чиқариб, қайтадан, юракдан ўқинг. Оддий сўзларнинг гўзал оҳангдошлигини, улардан меҳроқибатнинг тўкилишини ҳис этаяпсизми?! Менинг эса улар ҳақида топганларим фақат меҳрибонлик, жонҳалаклик, огоҳлик, фидойилик каби китобий сўзлар бўлди, холос. Булар эса юқоридаги байт олдида жуда жўн ва оддий бўлиб қолди.

Ўзимча, шу икки байтни тишим ўтганча таърифладим, деб турсам, бу байтнинг яна бир қирраси ярқираб кетди. Мен — фарзанд. У киши она-ку! Нега бу сатрларни мен айтмай энам айтди? Ҳа, ўйлаб-ўйлаб топдим! Она фарзанд учун қандай огоҳ бўлса, ота-она кексайганда фарзанд улар учун шунчалик огоҳ бўлиши кераклигини уқтирган экан. Энди тушундим, туғуруқхонадан уйга келганимда қиз туғилган чақалофимни энам нега «энажоним, энажоним», деб қўлидан қўймай эркалаб суюшини.

Фикримга нуқта қўйдим, деб ўйловдим. Йўқ, ундей бўлмади. Фарзандини ўзига буриблар сўйлаётганда қайси она ёмонларга ёндошма, яхшилардан адашма, деб та-

йинлашга ултурмайди? Фарзандини күрмаганда-чи, унда у огохлигини янаям кучайтиради. У ҳар куни беш вақт намозини ўқиб бўлгач, элга тинчлик, осойишталик, соғлик, омонлик, тўрт-кўз тугалик ва тўкинлик тилаб, эл қаторида ўзининг «ёмонгина» болаларига ҳам юқорида-ги буюк неъматларни Оллоҳдан илтижо қилиб сўрайди.

ҲУШЁРМИСАН, АЁЛ?

Замира опа уйида ҳамма ишни пишиқ, пухта қиласди. Бирпас тинмайди. Ишқилиб ўзига бир юмуш топади-да. Битта тешаси бор, шу қўлидан тушмайди. Ҳовлисида ўртacha катталиқда ери бор. Уни эркаклар ағдариб қумоқ ҳолга келтириб беришса бўлди, қолган енгил ишлари ўзига.

Замира опа жудаям ҳавасли, очиқкўнгил. Яқинларини хурсанд қилгиси келаверади. Бир мазали овқат тайёрлабми ёки барқ уриб ўсиб, чамандай очилиб ётган гулларини ёки биронта тиккан бежирим нарсасини кўрсатибми, хуллас, ишқилиб уларниям, ўзиниям хурсанд қилгиси келаверади. Нега десангиз, у дунёни яна ҳам чиройли, яқинларини яна ҳам хурсанд кўришни жуда-жуда хоҳлайди.

— Ая, одамлар сизни мақтанаяпти деб ўйлашади, ана, киринг, бирпас ётинг ухлаб, — деди бир куни ўғли.

— Ай, ўйласа, ўйловурсин, — Замира опа ўз билганидан қолмайди.

Опанинг эккан гуллари бу йил одамнинг бўйидан ҳам баланд бўлиб ўсди-ю, тезда очила қолмади. Барibir опа уларни суғориб, бегона ўтларини юлиб, ўзича ганириб юрди:

— Бу қурғурлар эркаклаб кетдими, нима бало? Сира гулламайди! Ҳай, шундай кўм-кўк бўлиб тургани ҳам яхшику-я, гулласа янаям яхшийди-да. Охири, улар гулладиям! Замира онага тинмаслик юки тушиб қолди. Гуллардан кесиб олиб, ишлаб турган курсдошларига, яъни жўраларига олиб бориб берди. Ўша жўралари эркакми, аёлми, фарқи йўқ, опа шунчалик оқкўнгилки, гуллардан ўғил ва қизларининг ўртоқларига ҳам улашди.

Бир куни ана шу одам бўйидан узун гуллари, кўкрак баравар хино ва райҳонлари яқинига стол-стуллар қўйиб, мазалигина таом пиширишга уннаб, курсдошларига кўнғироқ қилиб, уйига чақирди:

— Ахтам, сизларни ўткир қаламларинг бор, мени ўтмас тешам бор, ҳар сафар борсам, шундайинам меҳнатга қоришиб ўтирасилар-ки, тўғриси, жудаям раҳмим келиб қетди. Бугун кечқурун ишдан чиққанларингдан кейин яна бир-икки яқин курсдошларни олиб, бизларнига ҳеч бўлмаса, йигирма минут ёки ярим соатга кириб ўтинглар, мен кутиб ўтираман, — деди.

— Хўжайнингиз уйда бўладими, — сўради у.

— Бугун шаҳарга чиқувди, — деди опа.

— Майли, Замира, боришга ҳаракат қиласиз, — деди Ахтам. Замира опанинг курсдошлари унинг турмуш ўртоғи билан ҳам даврдош, ҳам даврадош. Улар битта олийгоҳда ўқиб, битта ётоқхонада яшашган.

Замира опа дўстларини роса кутди. Лекин улар келишмади. Шу куни опанинг қизларидан бири икки боласи билан келган эди. У аясининг хафа бўлганини кўриб:

— Ая, бунчаям соддасиз-е-ей! — деб куйиниб гапирди у, — улар элга аралашиб, кўпни кўриб юрган ақлли кишилар бўлса, мусулмонман, деган одам чақирди-ку, деб эркаги йўқ уйга кириб келаверадими? Бекорга хафа бўлаяпсиз-да. Боя ўзингиз курсдошларингизга дадамни шаҳарга чиқувди, дедингиз, бирпасга чиқувди, ҳозир келиб қолади, деганингизда ҳам бошқа гап эди. Ҳақиқатан ҳам дарров келиб қолди-ку дадам?

— Э-э, сен нимани биласан, — деб қизини гапини кесиб ташлади опа, — бизлар студентлигимизда тўппатўғри ўқиганмиз. Ўқишдан бошқа нарса тушимизгаям кирмаган, эсимизгаям келмаган!

— У қирқ йил илгариги талабалик давларингиз! Ҳозир эса ҳаммангиз оилали, бир нечта набиралик бўлган пайтларингиз. Аввал, дадам билан маслаҳат қилиб, бирон кунни белгилаб чақиринг дўстларингизни, ҳеч ким қарши эмас, бунга.

— Даданг билан маслаҳатлашувдим. — деб бўшашиб қолди опа.

Опа ўйлаб кўрса, қизи тўғри гапирайти. Бошқа эркак киши қирқ йиллик қадрдан бўлса ҳам уларга гапирайтганда, аёл киши деган жуда ҳушёрлик билан сўзлаши, чала гапирмаслиги кераклигини тушунди. У стол устига — дастурхонга қўйилган нозу неъматларни йиғишириб оларкан, қизидан уялди, изза бўлди.

— Айналаман сендан, болажоним — энажоним, — деди опа, — силарни чақалоқ пайтларингда, туғуруқхонадан олиб келганимданоқ, катта эналаринг қўлга олиб, «Энажоним, энажоним» деб яхши кўрарди. Йичимда аччиғим келарди, менинг ойдайгина чақалоғимни нега кампирга чиқариб суюди, деб. Бу гапнинг мағзини шу бугун чақиб тушуниб етдим. Сен ҳозир менга худди ўз онамдай дўст маслаҳатини бердинг. Қара-я, элимизнинг халқчил суйишлари, бошқа кўп сўзлари тагида улур ҳикматлар ётар экан. Буни тан олмаган одам ҳаётда жуда кўп панд ейиши мумкин.

Бир куни Замира опа курсдошилари билан телефонлашиб қолди. — Ҳу, унда, уйга чақирганимда, келмаганларингда, қизим менга яхшилаб танбеҳ бериб қўйди, деди ва юқоридаги гапларни уларга тўлиб-тошиб айтиб берди.

— Ўша қизингизга ҳайкал қўйиш керак, биз ҳақиқатан ҳам хўжайинингиз уйингизда бўлмагани учун бормовдик. Барибир, кўнгил душман-да!

Опа ўйлади, мана шу қоидани алоҳида бир банд қилиб «Қомуси»мизга киритсак арзийди. Ахир бу ота-боболаримиздан бизга мерос қолган жуда зарур ҳушёрлик-ку, оиласи мустаҳкам қилиб асровчи муқаддас қоидалардан бири-ку. Мен кайвони ёшига етсам ҳам, хато қилиб ўтирибман, ҳозирги ёшларга бу эҳтиёткорликни албатта ўргатиш ва яна ўргатиш керак.

ОФТОБИМ

Шаҳардаги кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг кўпчилиги бир-бирлари билан йўл-йўлакай саломлашишади, ҳафтада бир-икки маротаба ҳол-аҳволлашишдан нарига ўтишмайди. Менинг ён қўшним эса аксинча, жуда очиқ, эшиги ёнидан ўтган бирор киппигаям бе-эътибор бўлмайди. Бизниги уч-тўрт кунда албатта қўшинитовоқ узатади. Тайёрлаган таомидан турли гиёҳларнинг хушбўй иси келиб туради. Бирам пазанда эканей, дейман. Мен ҳам вақт топиб бирор лаззатли овқат тайёрлаб, унга узатсам дейману фартуғимни бойлаб ишга киришаман. Шу баҳона бўлиб уйимизда тез-тез тансиқ таомлар тайёрланадиган бўлди. Чучвара, лағмон,

қовоқ манти, сомсаю қатламалар... Болалар ҳам, турмуш ўртоғим ҳам хурсанд, мақтаб-мақтаб ейишади. Мен эса ич-ичимдан қувониб, яхши қўшни шарофатли бўларкан, дейман. Қўшнимнинг исми ҳам Шарофатхон. Исмда тақдир яширин, деганлари рост экан, аслида.

Бир куни қизиқ бўлди. Кечки пайт ишдан уйимга қайтаётсам, бир нотаниш аёл мен билан бирга келаверди. У ҳам худди мен кирган йўлакка бурилди. Зинадан баравар кўтарилидик. Уй эшигини калит билан бураб очгунимча, у ён қўшним Шарофатхоннинг эшиги ёнида туриб, қўнфироқ тутмасини босди. Ичкаридан қўшним чиқди. Ҳалиги аёл билан чараклаб очилиб кўришди.

— Вой, ўргилай, шу бугун йўлакни болаларга ишонмай ўзим супуриб-сидиргандим. Энди билсан, сизнинг келар йўлларингизни супурган эканман-а! — деди. Сўнг менга қараб нотаниш аёлни таништирди.

— Айланай, Салтанатхон, кийимингизни алмаштилинг, бизникига чиқинг. Қаранг, офтобим келдилар! Кутаман-а, тезроқ чиқинг.

Бу гапни эшитиб чарчоқларим ёзилиб кетди. «Офтобим» — бу биргина сўз менинг болалик дамларимни эслатди. Каттакон мевазор боғ, ёнидаги анҳор, ҳовли ўртасидаги серсоя супа, соchlаридан тортиб либосларигача оппоқ фариштасифат энам. Ёз бўйи супамиздан меҳмон аrimасди. Энам ҳатто қўни-қўшнилар шарпасини эшитиб қолса ҳам «Хой, садаға, (жоним сенга садаға демоқчи) бирпасгина ёнимда ўтириб кет, шу баҳона рўзфор ишидан сал тин оласан» деб чақириб оларди. Бирпаслик ўтириш қаёқда, ҳалиги қўшнимиз анча вақт энамнинг қизиқ-қизиқ сўзларига маҳлиё бўлиб ўтириб қоларди. Бир куни худди энамга ўхшаб оппоқ кийинган момо келди уйимизга. Қиши эди, момони энам алқаб-алқаб сандал ёнига ўтқизди. Ҳар доим меҳмон келса, чой-нонни мен келтирадим. Бу гал энамнинг ўзи момонинг хизматида бўлди. Гаплашиб ўтиришганида ҳам энам ҳалиги момони ҳадеб таомга қистар эди:

— Олиб ўтиринг офтобим! Олинг, офтобжон.

Момо кеттанидан сўнг эртасига мен энамдан сўрадим:

— Эна, анови момонинг оти Офтобми?

Шунда энам ёйилиб кулдилар.

Вой қўзичноғим-ей, у момо менинг қайинопам бўлади. Бобонгинг ҳамма опа-сингилларини офтобим, дейманда! Офтобнинг иссиқлиги, ёруғлиги қанча керак бўлса, қайнопаю, қайнисингилларнинг келиндан хурсандлиги шунчалар керак ахир. Шулардан олқиши олган келинларнинг иши ўнгидан келади, униб-ўсади.

Болалик хотираларидан кўнглимга илиқлик югурди. Дарҳол қозонни ўтга қўйиб, қатлама пиширдим. Иккита-сини чоғроққина лаганга солиб Шарофатхонникига чиқдим. Эшикни қўшнимнинг катта қизи очди. Шунда кўзим тушди, меҳмонхонага дастурхон тузатилган. Шарофатхон уни дастурхонга унарди.

— Олиб ўтириңг, офтобим!

Кўзимга энам кўриниб кеттандай бўлди. Ич-ичим ёришиб ўйладим. Қабрингиз нурга тўлгур энамей, сиз билган нарсани шу вақтга довур мен билмайман-а. Мана бу қўшнимни ҳам менга Оллоҳ йўлиқтирган бўлса, не ажаб? Одамнинг кўнглини ёриштириб юборадиган шу биргина сўзни нега мен ҳеч кимга айтмайман, нега?

Орадан икки ҳафта ўтиб, уйимизга турмуш ўртоғимнинг синглиси келди. Унга кулиб, чараклаб, келинг, офтобим, дедим. Қайнисинглим қувончдан энтикиб кетди. Кўзларини юмиб олиб ўзини бағримга отди.

ЎЗИМИЗНИНГ ЎЛМАС ХОЛА

Ўлмас хола ўткир бўлгани билан қишлоқда у кишини ҳам боллаб тушириб кетадиганлар бор. Қўшниси Эшонқул ака кеча қизини узатди. Биласиз, қишлоқларда қиз узатиш удумлари роса қизиқ бўлди. Эшонқул аканинг ҳовлиси жудаям гавжум бўлди. Кампирлар, чоллар, ўрта ёшлар, йигитлар, қизлар. Ҳамма башангдан-башанг кийинган.

Қизни олиб кетишга қудалар келишди. Ҳамманинг қўзи куёвда. Чунки у бошқа қишлоқлик-да. Шу атрофдагилар бу йигитни илгаридан кўришмаган. Куёв бола қотмагина, буғдойранг, истараси иссиқ экан. Буни кўриб қўни-қўшниларнинг ҳам кўзи қувонди. Қизимиз ҳам «безжай»-да, деб ўз шеваларида мақтаниб қўйишиди. Толма билак — «сўм» журак! Меҳнат қилиб чарчамайди. Ҳамма

вақт чехраси очиқ юради. Унча мунча ишларни иш демайди. Майда гапни ёмон күради. Чеварлигини айтмайсизми, құли гул-да, құли гул.

Эски ирим-сиримлар ўтказилиб, исириқлар тутатилиб бўлгач, келин-куёв ва янгалар енгил машинага ўтиришиди. Қолганлар — келин олиб кетишга келган қудалар, қиз узатаётган қудалар катта автобусга ўтиришди. Бу ишларнинг ҳаммасини албатта Ўлмас хола, беш-олтита кампир ва аёллар бошқаришди. Автобусдаги куёв жўралар айтишди ёр-ёрни, айтишди ёр-ёрни! Азиз ўқувчим, бу ёр-ёрлар шунақаям самимий, шунақаям завқли-ки, афсус мен уларнинг ҳаммасини эслаб қололмадим. Қачондир вақт топиб қишлоғимизга борсам, албатта ўша ёр-ёрларни сўраб-суроштириб, ёзиб олиш орзуим бор. Ҳозирча эсимда қолгани шу бўлди.

*Сори мой-чи, сори мой,
Ёр-ёр, ёрон-е!
Журагимга дори мой,
Ёр-ёр, ёрон-е!*

Бу қўшиқларга икки қишлоқлик қудалар ҳам жўр бўлишди, автобусда ўйинга тупшишди, шундай беғараз, ҳазил-хузуллар бўлди-ки, қўяверинг. Ҳаммадан кўпроқ Ўлмас хола завқ қилди. У қудаларнига етгунча ёр-ёрларга жўр бўлиб кифт қоқиб борди. Етиб келиб тушпигач, келин саломлар айтилди, оловда айланасетган шайтда ҳам қадимий қўшиқлар айтиб рақсга тушишиди. Тушган жойингга тош бўлгин, болам, деб қиз узатиб келганлар эртаси кунисига маконларига қайтишди.

Ўлмас хола қиз узатиб бораётганда хурсандчиликдан кифт қоққан бўлса, уйига келгач, ундан ҳам қаттиқроқ кифт қоқди. Нега дейсизми? Айвоннинг тепасига, баландга, шамолгай, салқин жойга илиб қўйган ўн беш килоча сариқ ёғ, яъни қорин мой йўқ! Энди эслади:

*Сори мой-чи, сори мой,
Ёр-ёр, ёрон-е!
Журагимга дори мой,
Ёр-ёр, ёрон-е!*

Мен қурғур ёр-ёрнинг айни шу жойига келганда жўш

бўлиб ўйнабман. Буни ким қилди ва қачон? Ўйлаб ўйига етмади хола. Ҳа-а, келинни олиб кетар маҳали холанинг нсвара-чевараларигача бир нарсадан қуруқ қолгандай, уйда биттаси ҳам қолмай тўйхонага югургилаган! Бир ҳисобга тўғриям қилишган. Ҳақиқатан ҳам ҳамма қизиқдан қуруқ қоларди-да ўтишмаса.

Ўлмас холанинг роса алами келди. Шунча сариқ ёғни қоринга солавериб, кун сайин кўпайтира-кўпайтира, уни қаер салқин бўлса шу ерга ташиб сақлаш осонми? Кечаси билан холаники — ит ётиш — мирза туриш бўлди. Эрталаб биринчи синфда ўқийдиган невараасини силабсийпаб, айланиб-ўргилиб мактабга жўнатиш учун дарвожонагача чиқди. У дарвоза ичкарисида ётган, яхшилаб беркитилган конвертни кўриб, дарров олди ва эҳтиётлаб қўйди. Олтинчи синфда ўқийдиган неварааси Абдували мактабдан келгач, хатни унга ўқитди:

«Хурматли Ўлмас хола! Сариқ ёғингизни ўғирлаган, тўғриси — ўғирлаган эмас, ҳазиллашиб олган биз — кеча «Ёр-ёр» айтган йигитлар бўламиз. Ёғингизни албатта ўзингизга қайтарамиз. Хола, кўнглимиздаги яна бир режамизни сиздан яширмаганимиз тузук. Биласиз-ку, қишлоғимизнинг подачиси йўқ. Шунинг учун биз йигитларнинг ҳар биримизга бир кундан навбат билан қишлоғимизнинг молларини боқиши үзингиз ташкил қилгансиз. Пода ичиди сизнинг битта маҳмадона эчкингиз бор. Ёмон жонимизга тегди-да шу. Битта ўзи бутун поданинг тартибини бузишдан чарчамайди. Ҳали у ёққа чопади, ҳали бу ёққа. Ўша эчкингизниам бир ёқлик қилмоқчийдик, маслаҳатлашиб бу йилча инсоф қилиб турайлик деган хulosага келдик. Бизни кечирасимиз, кечирмайсимиз, уни билолмаймиз, чунки сиз бизнинг бир сўзли холамиз бўласиз. Бизнинг сизга албатта бажариб берадиган қарз ишларимиз бор. Тўғриси, ишонинг, йигит сўзимиз.

Биринчидан, ҳозир ёз пайти оғилингизни устини очамиз. Шиферларини олиб ташлаймиз. Курилиш материалларидан ғам еманг. Бундан тўрт-беш йил олдин ерга суқиб чиқсан қатор терак қаламчаларимиз каттариб, бақувват ёғоч бўлиб қолган. Ўшаларни кессиб, оғилингиз устига териб чиқамиз. Уларнинг устини теракнинг майда шохчалари ва хашак билан бекитамиз. Сўнг қалин қилиб бир неча қават лойсувоқ қиласиз. Сўнгра, август-

нинг иссиқ кунларида яна лойсувоқ қиласиз. Нега денг? Биз баҳорда дашт, тоғ томонларга бир ҳордиқ чиқаргани борувдик. Ўшанда кўм-кўк очилган бўтакўзларни, чучомаларни, сан-сариқ гуллаган қоқиларни, оловдай ловуллаган қизнaldoқларни кўриб шундай қувондик-ки! Ўша яшнаган гуллар ичита кириб узуи-узун таёклар суқиб, белги қўйиб келганимиз. Август ойида уларнинг уруғи пишиб, ўша жойларнинг тупроғига тўкилади. Биз ўша тупроқлардан тўрт-беш халтасини машинада олиб кела-миз ва ўша тупроқ билан оғилингизни лойсувоқ қилиб берамиз. Бу йилисига баҳорда оғилингиз усти бир гулла-син, бир яшнасин!

Сиз ҳозир ўйлаётгандирсиз, силарга нима ташвиш, деб. Йўқ, хола, баҳорда қишлоғимизда ҳеч бўлмаса, биттагина оғил усти яшнасин дедик-да, энди шунга бир кўнгил кетди-да!

Ўшанда қишлоғимизда сумалак қилишга бош бўлсан-гиз, биз жон-жон деб усти яшнаган оғилингиз яқинидан сумалак ўчоқ кавлаб берамиз.

Хола, яна бир-иккита илтимосимиз бор. Қишлоғимиз қизларининг кўплари йилдан-йилга олифта бўлиб бора-япти. Шундай узун, қалин, кўримли сочли қизларимиз бор. Шуларга айтинг, сочларингни кессаларинг, мендан ўпкаlamанglar, сенларни аяб ўтирамайман, денг. Бизнинг ўзимиз ҳам шу гапни айтсак бўладику-я, лекин уларга сизнинг гапингиз ўтади-да.

Илтимосимизнинг охиргиси шуки, беш-олтита ўзин-гиздай хотираси мустаҳкам момо ва боболарни йиғинг. Келин узатиб кетаётганде айтиладиган ёр-ёрларни ало-ҳида тўплаб, ўрганинг, сўнг биз сиздан ўрганайлик. Ўша ёр-ёрларнинг гашти, завқи бошқача бўлар экан-да! Қадим-ги ёр-ёрларнинг жуда кўпи унутилиб кетди. Эссиз... Қол-ганларини йиғсангиз ҳам катта, савоб иш қилган бўлар-дингиз. Ўша қўшиқларгаям бир кўнгил кетди-да, хола!

Ўлмас хола, ёғингизни олганимиз учун узр сўрагани олдингизга кирмоқчийдик, лекин уялдик, тўғриси сиздан қўрқдик, деб хат ёзувчи — қишлоғингизнинг бўз йигитлари.

— Энанг айлангирлар, ҳавасли болаларимга жоним садақа — деди Ўлмас хола ва ҳузур қилиб кулиб қўйди.

2008 йил, 9 август.

ОЗ-ОЗДАН ЎРГАНИБ ДОНО БҮЛУР

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Қишлоғимизга ҳар борганимда қадрдон момолар билан бир тўйиб отамлашаман. Ҳар отамлашганимда уларнинг гапларидан кўнглимга яқинларини қулоғимга сирға қилиб тақиб қайтаман. Ана шу сирғалар бир неча йилдан буён бир ҳовуч гавҳар бўлди. Иззатли ўқувчим, мана шу гавҳарларни сизга иллиндим. Мана, ўқинг:

— Яхши аёл аввал уйини ясатади, ёмон аёл аввал ўзини ясатади.

— Оз муддатда кўп иш қилишга одатланган келин ўзининг дам олишига ҳам вақт ажратади.

— Ошхонаси ораста келинчакнинг ўзи ҳам ораста бўлади.

— Энг арzon нарса ҳам яхши сўз, энг қиммат нарса ҳам яхши сўз!

— Кечқурун уй супурманг, хосияти йўқ. Борди-ю, зарурат бўлиб супурсангиз, «Тўйга!», «Тўйга!» дейишни унутманг.

— Супуриндини бурчакда қолдирманг, дарров олиб ташланг, уйга наҳс ораламасин.

— Дастурхонни силкиб қоқаверманг, уйдан барака кетади.

— Кечки таом тайёрлашдан олдин уйнинг катталаридан, бош эгангиз ёки қайнбўйинларингиздан «кўнглингиз қайси овқатни тусайди?» деб сўрасангиз, улар хушнуд бўлади, сизга меҳри ошади.

— Тандирнинг биринчи нонини қўшнига узатинг.

— Мўлроқ тансиқ овқат қилсангиз, бир косада қўшнига олиб чиқинг, гап таомда эмас, ўртада меҳр-оқибат пайдо бўлади.

— Тежамли бўлган аёлнинг рўзғори доим бут бўлади, бундай аёлни Оллоҳ ҳам хуш кўради.

— Садақани оёғ-қўли бут одамга берманг, меҳнатга яроқсиз, муҳтоҷ кишига беринг. Ана шундагина садақангиз ўрнига тушади.

— Уй юмушларини тикдирган келин ўзига оро бе-риб, сўнг бош эгасини яхши кутиб олиши керак. Бу одат оилани мустаҳкамлайди.

— Хушмуомала келин хонадондагиларнинг ҳурмати-ни қозонади, қўни-қўшнига ҳам иззатли бўлади.

— Эркак кишининг ўзига тик қараб саломлашманг, теваракка қараб салом берган, сўрашган бўлинг, бу одат обрўйингизни оширади.

— Бош ювици билан кир ювипининг пушаймони бўлмайди.

— Яхши қиз ювадиган кирларни йифи-иб юрмайди, кир буюмларни чиққани чиққандай ювив ташлайверади.

— Ўзингдан бошқаларни ақлли ҳисобла, шунда аввал ўйлаб, кейин сўйлашни ўрганасан.

БОЛАЛАРДАН ЎРГЛНИНГ САМИМИЯТНИ

Саломат она ўқитувчи. Мактабнинг бешинчи синфи-га дарс беради. 5-«В» синфи муалими бетоб бўлиб қолди. Беш-олти кун унинг синфини ҳам ўқитишга тўғри келди. Бола барибир бола-да. Танаффус пайтида 5-«В» син-фидаги икки ўқувчи жанжаллашиб қолибди. Бу жанжал пайти муалима ўқитувчилар хонасида эди. Киришга қўнфироқ чалиниб. Саломат она синфга кирганида Зулайҳо исмли қизча пешонаси ғурра бўлиб йиғлаб турибди. Ихтиёр эса жаҳлидан тушмай ҳансираф турибди. Зулайҳо ўқитувчининг олдига кела-сола йиғлаб пешонасини кўрсатиб:

— Қаранг, Ихти мени урди, пешонамга ёмон урди, — деб йиғлашда давом этди у.

— Ўзинг Ихтиёрга бирон нарса дегандирсан? — деди устоз.

— Аввал Зулайҳо мени бир туртди, кейин менам... — деб ерга қараб қизарди Ихтиёр.

— Қани, ҳамманг жой-жойингга ўтири, — деди Саломат опа бутун синф ўқувчиларига. Ўқувчилар жой-жойига ўтиргач, муалима шундай деди:

— Бундан кейин танаффус пайти аҳил бўлиб ўйнаб, мияларингга дам бермай, мана шунаقا жанжал қилсаларинг, ота-оналарингни чақираман, эшитдингми, Ихтиёр?

Зулайҳо, сен ҳам эшитиб ол, хўпми? Икки қулоқларинг билан ҳам ҳаммангиз шу гапни эшитиб олинг.

Саломат опа янги дарс мавзусини тушунтириб, ўтган мавзуларни болаларга такрорлатиб кўнгли жойига тушди. У ўқувчилар баҳоларини эълон қилиб бўлувди ҳамки, чиқишига қўнғироқ чалинди. Шунда пешонаси ғурра Зулайҳо шошилиб муаллима ёнига келди ва:

— Саломат опа, қулоғингизга айтадиган гапим бор, — деди.

— Айт-айт, қизим, — деди у Зулайҳога энганиб.

— Ихтига, отангни чақираман, деб бошқа айтманг, у ёмон хафа бўлади, чунки унинг отаси бултур вафот қилувди, — деди шивирлаб қизча. Саломат опа бирдан сергак тортид. Бошидан оёғигача музлаб кетди. Афсус, ўйлади у ичида, бу синф болаларининг ота-оналарини танимаганим менга ёмон панд берди, энди ҳар бир гапни аввал ўйлаб ва яна ўйлаб гапиришга қасам ичаман. Зулайҳонинг, яъни ёшгина қизчанинг кечирикли ва ниҳоятда самимий эканлигидан муаллима жуда қувонди. Қанийди, деб кўнглида ўйлади у, вояга етган катта инсонларнинг ҳаммаси ҳам шундай кечирикли ва самимий бўлса... Ҳали пешонасидағи ғурра қайтиб кетмасиданоқ Зулайҳо ўз синфдошини кечирди. Нафақат кечирди, уни урган тенгдошининг кўнгли бошқа оғримасин деб хавотир ҳам олди.

* * *

Хайринисо опа асли қишлоқда туғилиб, қишлоқда вояга етган. Турмуш ўртоғининг шаҳарда ишлаганилиги сабаб, у кўп йиллардан буён шаҳарда яшайди. Олдинлари у ҳайрон бўлди. Тавба. Бу ер марказ бўлса ҳам ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ҳамма ўз ишхонасидаги ҳамроҳларини танийди. Кўшниларнинг эса бир-бирини кига ўтадигани кам учрайди. Ҳамма эшигини маҳкамлаб қулфлаб ўтиради. Аста-секин Хайринисо опа ҳам шу ҳаётга мослашиб кетди. «Дом»даги ўз қўшинларининг баъзиларини танимайдиям.

Фарзандлар вояга етса, яъни катта бўлса, ташвиши ҳам катта бўлади, деганлари ҳақиқатан ҳам рост экан. Опа тез-тез қишлоққа бориб, туғишганлари билан дийдорлашгиси келади, лекин ҳеч бунинг иложини қилолмайди.

Қишлоғига борса ҳам, ўғлим машина ҳайдаб юради, эсономон уйига келдимикан, қызларим оиласи, бола-чақаси билан тинч, соғ-саломатмикан, уйдаги болаларим дадаси-га вақтида чойини дамлаб бердимикан, деб хавотирланиб шаҳарга қайтиб келиб, уйига киргунича шошади. Тұғриси, опанинг боши қишлоғига боради-ю, оёғи қайтади.

Яқында қишлоқтарига борганида онаси урушиб берди:

— Бунча уйим-жойим дейсан, шунча узоқдан келганингдан кейин турда, икки-уч күн. Қишлоқдош қадрдонларни-ку эсингдан чиқарып ҳам юбординг!

Бу гапдан кейин опа ҳамқишлоқтарини ҳақиқатан ҳам құмсағ кетди. Укасининг ўғли, яъни биринчи синфда ўқийдиган жияни Улуғбекка деди:

— Айланай, ҳанов Тошпұлатни энасини, Каримни энасини айтиб кел, бирпас ҳангома қилайлик!

Улуғбек аввал аммасининг бетига жиддий қараб турди ва ўқтам бир овозда деди:

— Амма, ўша кишилар келишгандан кейин Тошпұлатни энаси, Каримни энаси деб бошқа айтиб юборманг, эшитиб қолишиң, улар хафа бўлади. Бизлар қишлоқдаги ҳамма кампирларни ана (эна) деб чақирамиз!

Хайринисо опа жиянидан уялиб кетди. Мехр-оқибат камайиб бораётган шаҳарда яшаб, ўзи ҳам шу муҳитга мослашиб қолганлигини сезди ва ўз уйига қайтгач, қўшниларни ҳеч бўлмаганда икки-уч кунда бир коса иссиқ овқат билан йўқлаб туришга аҳд қилди.

* * *

Инобатнинг учта фарзанди бор. Ёши ўттиз иккода, лекин у жуда ёш кўринади. Болаларини ташқарига айлантиришга чиқса, кўрганлар уни укаларини айлантириб юрибди, деб ўйлайди. Катта ўғли бешинчи синфни битирди. Иккинчи фарзанди қиз. У олти яшар, болалар боқчасига қатнайди. Энг кичиги эса иккига кирди. Уларнинг ичida қизининг ўрни бўлакча, аясига жуда меҳрибон, раҳми келаверади. Ахир, аяси ҳар куни бир тоғора кир ювади, овқат пиширади, уй тозалайди, ювилган кирларни дазмоллайди, икки яшар укасининг орқасидан йиқилиб-суриниб қолмасин деб эргашиб юради, хуллас тинмайди.

Икки-уч ойлар олдин шу қизчаси — Нигора касал

бўлиб қолди. Беш-олти кун иситмаси тушмади. Иnobат кечаю қундуз касал болага қараб, ўзи ҳам касалдан баттар аҳволга тущди.

— Нигор қизим, маңа шу дорини ичиб юбор, — деди аяси битта таблеткани боласига узатиб.

— Ая, менга қарайман, деб жудаям чарчадингиз-а, соchlарингизни сағалгина тузатиб олинг, — дейди хаста овози билан қизи.

— Сен тузалсанг бўпти, жоним болам, кейин ўзимга қаровраман, ўзинг зўрға галираясану, яна мени ўйлайсан.

— Йўқ, ая, мени Сизни ҳамма вақт чиройли бўи юришингизни хоҳлайман, — деди қизча.

Ҳозир у соғайиб, яна боғчага қатнаяпти. Қизча боғчада ҳам аясига илинади. У ҳар куни эргалаб қўл аргадиган салфетканинг янгисидан бир дона олиб, чўнтағига солиб кетади. Кечқурун уйига қайтгач, ўша пайтнинг ўзида чўнтағидан қоғозга ўроғлик бир бўлакча қўймоқми ёки бир донагина конфетми оласолиб, сизга боғчадан олиб келдим, деб онасига тутганидан беҳад қувонади у.

— Ўзинг есанг бўлмайдими боғчада? — деса, қизи:

— Ўзимам ейман, яна егим келса ҳам емай, Сизга опкеламан-да, — дейди у ва тезроқ онасининг оғзига тутади. Шу меҳрибон қизча ана шу ишини ҳар куни бехато такрорлайди. Аясига кичкина совға олиб келганидан қувониб кулиб қўяди. Кулганда ақлли қизчасининг янги чиқиб келаётган ва энди тушаман деб турган тишларини кўриб, унинг ёшгина онаси янаям яшариб кетади.

ЖИДДИЙ ЙИГИТЧА

Салима холанинг энг кичик ўғли шаҳарда ишлайди. Унинг тўрт фарзанди бор. Ўша кенжা ўғли ҳар йили қицда онасини шаҳарга, ўз уйига олиб келади. Кексалар учун шаҳар қулай, дейди у.

Она — она-да, бечора ўтирган жойида қишлоқдаги болаларини соғинади. Бир якшанбада ўғли Каримжон биринчи синфда ўқийдиган фарзанди Хуршидни машинага ўтқазди-ю, яхшилаб бозор қилиб, қишлоқка кетди. Онасини машинада эзилади деб уйда қолдирди. У қишлоқдаги опалари, акалариникига кириб ҳаммасидан хабар

олди. Жигарларининг соғ-омонлигини кўриб, тезда шаҳарга қайтди. Идорадаги ишлар кўпайиб кетган пайтда якшанба кунлари ҳам ишлашга тўғри келади. Шу сабабдан у ўғлини эшиги олдига туширди-ю, машинани тезлатиб идорага кетди. Оқшом уйга қайтгач, Каримжон:

— Эна, кўнглингиз хотиржам бўлсин, қишлоқдаги ҳамма болаларингиз соғ-саломат экан, барчаси сўраб юборишиди.

Хола ўғлидан қанчалар хурсанд бўлса, неварасидан шунча оғриниб қолди.

— Болам-ов, эртароқ, келган вақting, аммаларим ва амакиларимни кўриб келдик, ҳаммаси соғ-омон экан, илҳақ бўлманг, деб қўйсанг бўлмасмиди? — деди. Етти яшар Хуршид жиддий тортиб нима дейди денг:

— Ҳар нарсани аёлларга ҳисоб бериб айтоворадими эркак киши?

Салима холанинг гинаси кўтарилиб кетган. Тавба, ана шу йигитчанинг гапи йигирма йил илгари вафот этиб кетган бобосининг гапларининг ўзгинаси! Бобоси ана шундай салобатли, мустақил фикрли инсон эди. Хола «От ўрнини тойлар боссин!», — деб дуога қўл очди.

САВОДЛИ ГЎДАКЛАР

Салима холанинг тўрт қизи бор. Биттаси ўқитувчи, яна бири магазинда сотувчи. Қолган иккитаси чевар. Магазинда ишлайдиган қизи мажлисга борадиган бўлиб қолди. У икки боласини ўқитувчи онаси Азизага ташлаб кетди. Азизанинг уч боласи, меҳмон жиянчалар бирбирига қўшилди. Биласиз, болага бола қўшилса, худо беради. Холаваччалар шунаقا тўполон қилишди-ки, ўқитувчи Азиза опанинг икки қулоғи том битиб қолди. Холадан онани иси келади, дегани шу-да, у ўз болаларидан ҳам кўпроқ, бирори беш яшар, бирори уч яшар жиянларига меҳрибонлик билан қаради, жонига жойлаб ўтириди. Азиза холаси мактабда дарс ўтаётуб шунча қийналмайди. Беш болага овқатни сузиб бергач, энди ўзига овқат келтирган эди, меҳмон жиянчалар олдидаги маставасининг ҳаммасини тўкиб қўйишди. Ким билади, қайси бири қилди буни? Холаси:

— Э-э-эй! Бу нима қишлояларинг, кўзларингга қараб ичмайсизларми овқатни, айланайлар?

— Мен тўкканим йўқ, нега мени қўшасиз? — деди жиянларнинг кичиги.

— Фақат сендан кўрганим йўқ-ку?

— Лай(-лар) дедингиз-ку! Бу менгаям тўқдинг деганингиз! — хўмрайиб қолди жиянча. Холаси эса унга гап топиб бсролмай қолди.

Тўрт-беш соатлардан кейин меҳмончаларнинг онаси кела солиб сўради:

— Опажон, қийналмадингизми болалар билан?

Опажони саволга савол билан жавоб берди:

— Ойдин, сени болаларинг қорнингда «Она тили» ўқиганми? Манови кичкинасанг менга кўплек қўшимчалик «-лар»нинг қачон ишлатилишини ўргатиб қўйди. Тавба-еъ! Мактабда айрим болаларга шу мавзуни қайта-қайта тушунтирасам ҳам, сира англаб етмайди. Баъзи пайтлар она сутим оғзимга келади. Қийналмадингизми дейсан? Қийналиш ҳам гапми, бўларим бўлиб, бўёғим синди!

Бу гапдан туғишган опа-сингиллар, яъни оналар роса кулиб олишди.

ҲАВАСЛИ БОЛАЖОН

Салима холанинг энг кичик овсини — Зиёда опа ҳам олтмишига кириб қўйди. Унинг илгаридан иккита тилла билагузуги бор эди. Лекин шу пайтгача бирон марта тақиб чиқмаганди. У ўйларди, бирорда бор, бирорда йўқ. Йўқникиям айб эмас. Тўғриси, қўш билагузук тақиб, тақинчоғи йўқ қиз-жувонларни ўкситиш ҳам одобдан эмас, деб ҳисобларди. У ҳамма болаларини ўйли-жойли қилиб бўлгач, энди билагузук тақсам бўларов, деб ўйлади. Катта овсини Салима холаникига биринчи марта тақиб борди.

Салима холанинг невараси бор, Комилжон — уч яшар. У уйдаги энг кичик фарзанд. Лекин ҳамма гапни маъноли қилиб сўзлайди. Катта одамни кичрайтириб қўйгандай. Барibir бола — бола-да. У ҳўмор тутган пайти аясини маҳкам ушлаб олади-да, эмиб-эмиб, яна ўйнаб кетаверади. Зиёда опа борган пайти Комилжон боғчада экан. Кечқурун уни боғчадан олиб келишди. Меҳмон би-

лан кўришгач, бир эмиб олай, деб аясига ёпишди. Эмётаб, аясининг ёнида ўтирган Зиёда опанинг билагузукларига кўзи тушди. Сўнг аясининг тиззасидан тушди-да, меҳмоннинг қўлидаги билагузукни кўрсаткич бармоғи билан кўрсатиб:

— Ая, катта бўшам (бўлсам) мен шизга худди мана шунаقاшидан обеяман деди-ю, яна ҳузурланиб аясини эмишда давом этди.

ФИДОЙИ СИНГИЛЧА

Салима холанинг яна бир ўғли икки фарзанди. Катта ўғил — бешинчи синфда ўқийди. Иккинчиси — қизча. У беш яшар. Улар бир қарасангиз, соз, иноқ бўлиб ўйнайди, бир қарасангиз уришиб, аразлашади. Бирпастдан кейин яна ҳеч нарса кўрмаганцай ярашиб олишади.

Кеча Салима холанинг кўзи олдида ҳеч эсдан чиқмайдиган болалар жанжали бўлди. Акаси Сардор сингилчаси билан тўп ўйнаётгиб, урушиб қолди. Синглиси Шаҳло ҳам бир гапдан қолмади. Жаҳл келганда ақл қочади, дегандай, акаси сингилчасини аямай уриб-уриб, муштлаб ташлади. Салима хола Сардорни зўрға тўхтатди. Шаҳло ёмон эзилиб йиғлади. — Ака, сен мени уравериб, оёқ-қўлларимни синдириб ташласанг ҳам, барибир мен сени яхши кўравераман, чунки сен менинг биттаю битта тушишган акамсан, — деди ўпқасини босолмай.

— Шундай десанг яна ураверади-да, энажоним, — деди Салима хола Шаҳлонинг тўзиб кетган соchlарини тузатаркан.

— Эна, кеча ўзингиз айтувдингиз-ку, акангни хафа қилмагин, катта бўлсанг аканг орқангдан сўраб боради, — деб.

Энди хола Сардорга насиҳат қила кетди:

— Болам, қани ҳамманиям шундай меҳрибон синглиси бўлса, Шаҳлога қўл кўтарганча, мени урсанг бўлмасмиди?

Бу гап Сардорга қаттиқ таъсир қилди ва Шаҳлога ҳазил қилишга ўтди:

— Сени ким йиғлатди, ананай? — деди синглисига энгashiб.

— Акам, акажоним, — деб баттар кўнгли бўшаб йиғлаб юборди Шаҳло ва акасини қучоқлаб олди.

ШИРИН ҚИЗЧАНИНГ ШИРИН ОРЗУСИ

Салима холанинг чевар қизларидан бири Дилдора болаларини олиб, бир шамоллаб, ёзилиб келай онамникига бориб, деб юрувди. Бахтга қарши битта беш яшар қизи Ширин касал бўлиб қолди. Ўғиллари ҳам роса шай бўлиб туришувди, улар ҳам бўшашиб қолди. Дилдора қизчасини врачга кўрсатди. Врач унинг томоғи қаттиқ оғригани учун бир ҳафталик укол ёзди. Дилдора болалари билан келгуси ҳафта шанба-бозор кунлари катта эналариникига борадиган бўлишди.

Бир ҳафта давомида кунига уч-тўрт маҳал уколдан бола бечора безиллаб, зада бўлиб қолди. Ниҳоят, шанба куни ҳам келди. Ҳаммалари кийиниши. Энди жўнашмоқчи бўлиб туришувди-ки, қўшни ҳамшира Шириннинг энг охирги уколини қилишга келиб қолди. Аччиқ уколдан қийналган Ширин роса эзилиб йиғлади. Дилдора қизини алдаб-суллади:

— Қизим, энасиникига меҳмонга бораётган бола қувонади, сен эса йиғлаяпсан. Ундан қилма-да, опоп!

— Мен уйдан қувониб чиқмоқчидим, кулиб чиқмоқчидим, мен йиғлаяпман-ку, — деб баттар хўрлиги кела-верди.

Салима холаникига келишгач, Дилдора Шириннинг шу ганини энасига айтиб берди. Хола неварасининг болаларча орзуси, лекин энг улуғ мақсадини қўллаб, кўксидаги бор орзу-армонларини тўкиб солди:

— Болам, болаларингда раҳматли отангнинг ҳам қони бор-да. Отанг айтарди, одам аввали ўз уйида қувониб яшashi лозим, кўнгли офтоб бўлиб яшashi керак. Ўз оиласида бахтли одам ҳамма жойда ўзини бахтли санайди, дерди. Эссиз, шундай тинч, осойишта кунларни, фарзандларининг камолини, ҳузурини кўрмай кетди отанг. Мен ҳар куни тиловат қилиб Оллоҳдан сўрайман: — Аввало юртимиз тинч бўлсин, юрг эгамиз соғ бўлсин, бегуноҳ болаларимизнинг ширин орзулари ҳар доим рўёбга чиқсин! Илоҳим, ўзларинг ҳам ҳамма вақт эшигимга кулиб келинглар.

КЕЛИНИМ — ФАЙЗЛИ БОЛА

(*Файзли келинлар фазилатлари*)

Шу Нарзи хола тоза қизиқ-да. Ўзи оқкүнгилдан-оқкүнгил. Қандай ўйласа, шундай гапириб юбораверади! Буям унинг кўнглида ҳеч бир гидрати йўғлигидан-да. Бўлмаса, ўйлаб, одамни суяб, аяб гапирса бўлади-ку.

Тунов куни бошқа ёқдан кўчиб келиб, қишлоғимизга эл бўлиб кетган қўшинимиз келин туширди. Биласиз, тўйга келолмаганлар, бизнинг ўзбекчиликда тўйдан кейин «Қуллуқ бўлсин»га келаверишади. Меҳмонлар олдига қўшнилар албагта айтилади. Шу кунлари меҳмонлар қошига Нарзи холани ҳам айтишди.

Тўй эгасининг битта амаки укаси Тошкентда — шаҳарда туришади. Улар ишли одамлар. Қишлоқдаги оғайнилар қачон-ки, тўйни шанба, якшанба кунига тўғрилаб ўтказишса, қулай. Лекин қўшнимизнинг тўйи ҳафтанинг ўртасига тўғри келди. Шаҳардаги бояги амаки ука ва аёли энди, тўй ўтгандан сўнг дам олиш кунлари келишди. Нарзи хола шаҳардан келган келинга бирпас қимирламай тикилиб қараб қолди. Хола кўнглида: «Қурмағур-ей, бунча тусдор бу келин! Ҳамма ишингни қилмай, йиғишириб қўйсанг-да, шунга қара-аб, томоша қилиб ўтиранг арзиди. Кийимларини ярашганини! Кўпчилик шаҳарликлардай очиқ-сочиқ кийинмалтиям. Посонлигиям (фасони, кийимларининг бичими) бежаякан-да. Чиройлилиги чинираихондай экан!

Аёллар кўришиб, сўрашиб бўлишгач, дастурхонга қарашди. Сўнгра, нима бўларди, ҳангома-да. Нарзи холаси тушмагур бояги шаҳарлик чиройли келиндан дабдурустдан сўраб қолди:

— Нечта боланг бор?
— Биттагина қизим бор.

— Болангди бўғани ўзи шу биттама, я ўзинг кўпайтиришди халамадингма? — баттар қизиқа бошлади хола. Меҳмон келин эса босиққина жавоб қайтарди:

— Йўқ, холажон, — худо бошқа фарзанд бермади.
— Қайнинанг борма?
— Йўқ, холажон, ойижонимга бир йилгина хизмат қилиб қоллдим.
— Қайнотанг тирима?
— Йў-ўқ, — деди афсус билан меҳмон, — отамни уч йилгина парвариш қилишга улшурдим.

Нарзи хола ўзининг дабдурустдан берган саволларидан ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолди ва тўкилиб, шошиб-пишиб ўзининг чиройли ниятларини тўкиб солди:

— Илойим, қизинг ўзидан кўпайсин! Бахтли, тахтли бўлсин. Битта қизинг бир қишлоқ бўсин. Ўзинг ҳам боининг билан қўша қари.

— Сиз ҳам соғ-саломат бўлинг, фарзандларингиз, набираларингиз бағрида бардам-бақувват, яйраб, яшнаб юринг, холажон.

Қаранг-а! Одамнинг саволга берган жавобидан ҳам унинг феъл-атворини, характеристерини билса бўлади. Ўтирганлар ичida ҳар бир сўзидан одоб ёғилиб турган бу келинга ҳаваси келмаган одам қолмади.

* * *

Ўттиз йиллар илгари Ялтада зоминлик Мамараҳим aka деган киши билан дам олган эдик. У киши оиласи билан борган, биз ҳам оилавий. Ўшанда биз ўттиз ёшлар атрофидамиз. У кишилар етмишларга яқинлашиб қолишган. Бир куни кечқурун тоза ҳавода скамейкада салқинлаб дам олиб ўтирасак, Мамараҳим aka чап қўли билан ўзининг ўнг елкасини аста силяб, ўнг қўлининг пастигача туширди. Зимдан қараб турсам, шу ҳаракатини бир неча бор такрорлади.

— Қўлингиз оғриб турадими, Мамараҳим aka? — сўрадим у кишидан.

У киши каловланиб, бир ҳа-а, деб чўзиб қўйди, бир йўқ, деди ўйлангандай.

— Оғримасдику-я, лекин ҳозир оғрияпти. Беш-олти кундан бери сизлар билан яқин ҳамгаи бўп қолдик, энди тўғрисини айтаверай, қизим, — деди. — Эртага бу ёққа жўнаймиз деган кунимиз кеч соат ўндан ошаяпти-ки, ўғлим сира уйга келмайди. Биламан, ҳар замон-ҳар за-

мон жўралари билан ўтириб, қиттак-қиттак олиб зиёфат қилиб ўтирадиган одати бор. Ёмон жаҳлим чиқди. Эрталаб ота-она узокқа жўнайдиган бўлса-ю, болангнинг парвойига келмаса. Соат ўн бирлардан ошувдиям, дарвозанинг қулфи ташқаридан қичир-қичир, ғужур-ғужур қила бошлади. Биламан, ярим кечагача жўралари билан ўтирган ўғлим маст, қулғининг калит суқадиган жойини тополмай овора бўляяпти. Ўзим ичкаридан калит суқиб дарвозани очдим-да, ўғлимнинг жағига бир-икки айлантириб солдим. Ўнг қўлим билан шунаقا қаттиқ зарб билан урибман-ки, ҳалиям шу қўлим оғрияпти. Ота бўлиб қўл кўтарганим шу. Болаларимни сира туртмаган эдим. Ўғлим ўзи жуда меҳрибон, ёш бўлса ҳам жамоа раиси, яхши раҳбар, ҳеч кимга ёмонлик соғинмайди. Фақат, шу йигирма кун, бир ойда шунаقا қилиқ чиқариб қолди.

Ўзи ўтган йили уйлантирган эдим. Ширингина қизчиаси бор. Уям ҳозир кўзимга кўриниб бораяпти. Соғиндим шуни. Келинимнинг ўзи файзли бола-да, барака топкур. Индамай юради, индамай юриб бизга ҳазил қиласди. Саратон кунлари биз — чол-кампирга боғимиз ичидаги чорпояга кечқурун тунагани жой солиб қўяди. Менинг ёстиғимга бир шохча райҳон, бир жуфт оқ атиргул, қайнонасининг ёстиғига бир жуфт қизил атиргул билан бир шохча райҳон узуб қўйиб кетади. Ётишдан олдин буни кўриб қувониб, гулларни ҳидлаб бир роҳат қилиб, кулишиб оламиз.

Тунов куни холангиз — қайнонаси ўзининг келинлигидаги ғижим рўмолини, менинг куёвлик кунларимда кийган тўнимни сандиғидан чиқариб, келинга: «Буларни дорга осиб шамоллатиб қўй, кейин яна сандиққа жойлаб қўямиз. Худо хоҳласа, набира келинлар туширганимизда шуларни ҳам бирпасга бўлса-да келинларга рўмолни ёпнитириб, ўғил набираларимга ўша тўнни кийгизамиз. Илоҳим, улар ҳам бизга ўхшаб қўша қариб юришсин» дебди. Келиним тушмагур ётар маҳал бизга жой солиб, менинг ёстиғимнинг устига шу тўнни ва куёвлик белбоғимни тахлаб, устига оқ атиргул ва райҳон, қайнонасининг ёстиғи устига эса унинг келинлигидаги ғижим рўмолини ўхшатиб тахлаб, унинг устига эса қизил атиргул ва райҳон қўйиб кетибди.

Ўзимизча кулиб, бир роҳат қилибмиз холангиз билан. Келинболамнинг шу ширин ҳазиллариниям соғиндим, дейди Мамараҳим ака. — Бундан ташқари, патнисга икки косада мазали қатиқ билан бир чойнак чой, иккита пиёла, кичкина топ-тоза сочиқча қўйиб кетишни ҳам ҳеч эсидан чиқармайди, умринг узоқ бўлгур, ўғлим билан қўша қаригур.

Мен Мамараҳим аканинг қўлини силаб туриб айтган гапларидан роҳат қилдим.

Саёҳатдан қайтгач, шу кишининг келининг ўхшаб қайнона-қайнотамни бундан ҳам яхшироқ кўнглини топиб яшашга қатъий аҳд қилдим.

* * *

Шарофатнинг қайноаси бетоб бўлиб қолди. Бедаво дардга чалинди бечора. Наманганда, вилоят касалхонасида анча даволанди. Шифокорлар унинг фарзандларига энди онаси қанча даволанса, игна ва дорилардан шунчалик қийналишини, энди шифохонада ётиш бефойдалигини айтишди. Шундай бўлса ҳам катта ўғли ва келини Салима холани Тошкентга, онкология маркази шифохонасига олиб келиб жойлаштиришди. Бу ерда операция қилиш зарурлигини айтишди. Келини Шарофат қайноасини парваришлиш учун шифохонада қолди. Палатада баъзи bemорларга жавоб берилган куни яна бошқа янги келган bemор жойлашгунча Шарофат учун ётиб тунашга бўш ўрин бўлиб қолади. Бошқа кунлари эса шу палатадаги овқатланадиган стол атрофидаги стулларнинг бирига чўқади. Столга таяниб, кафтини жағига тираб қадалиб ўтириб, тонг оттиради. Қисқаси, кечаси Шарофатта бирнис чўзилиб дам олишга жой бўлганидан бўлмагани кўп бўлди. Шусиз ҳам азоб еб кундан-кун орқага кетаётган онага кечаю кундуз огоҳ бўлиб, ичи ачишиб, эзилганини қайноасига сиздирмай, тўхтовсиз хизмат қилишнинг ўзи бўладими?

Биз Тошкентда турамиз. Салима холанинг турмуш ўртоғи менинг турмуш ўртоғимнинг туғишган акаси. Салима холанинг икки ўғли, саккизта қизи бор.

Онанинг Тошкентта келиб ётганига энди ўн саккиз кун деганда, биринчи марта қизларидан бири келди. Тош-

кентга бир кунда келиб кетишнинг иложи йўқлигидан қизи онасининг ёнида қолиб ётишга мажбуригини айтди. Шунда мен Шарофатга:

— Мана, янгамнинг ўз қизи келди. Бир кечада онасига қараб турсин. Сиз эса бизникига юринг. Бош-мошингизни ювиб, ўзингиз ҳам бир оз дам олиб келасиз, — дедим.

— Янга, мен келинман, қизлари келса ҳам менинг сизларникига кетганим нотўғри бўлади-да.

— Ҳеч қандай! Бундан ташқари, она-боланинг ҳам ўз гаплари бордир, уларни ёлғиз қолдиришимиз ҳам керак-да.

У уйимизга келгач, тортинибигина деди:

— Янга, акам уйда эканлар, мен юваниб, ваннангизда шар-шур қилиб ўтирмай. Шифохонанинг ўзида ҳам ювинадиган жойлари бор, бир иложини қиласман.

Олий маълумотли, битта уйнинг баҳтли, тахтли бекаси, институтгда дарс берадиган обрўли ўқитувчи келинимиз — Шарофат уялиб, одоб билан қайноғасига зўра салом берди. Сўнг ошхонадан чиқмади ҳисоб. Акамга мазали бирон нарса пиширсангиз, ёрдамлашай деб туриб олди. Ухлашга ётаётганимизда мендан қаттиқ илтимос қилди.

— Янга, жон янга, эргага аzonда мени албатта уйғотинг, энамнинг олдига шифохонага тезроқ етиб борай, илтимос-да...

— Шошилманг, — дедим мен парво қилмай. — Акангиз ишга кетаётиб хизмат машинасида сизни ҳам олиб кетади.

— Вой, янга, тайёр метро, автобуслар турғанда уялмай акамнинг машинасига ўтириб олайми? Узим биламан йўлни. Қийналмай топиб бороламан.

Аzonда мен — энахотинни, кайвони аёлни келин Шарофат уйғотди. Мен билан шивирлабгина хайрлашиб, эшикни астагина ёпиб шифохонага кетди.

«Шарофат, исмингизни билиб Шарофат қўйишиган экан. Ҳаммани хурсанд қилиб, рози қилиб юрибсиз. Илоҳим бегингиз билан қўша қариб, фарзандларингизнинг ҳузурини кўриб, шарофатли, фарофатли умр кечиринг», — дедим кўнглим тўлиб ичимда.

* * *

Икки ота-она, икки оила икки юртдан Наманган ва Қашқадарёдан сиҳатгоҳнинг ёнма-ён хоналарида яшадик. Дам олишнинг аълолигига, врач ва ҳамшираларнинг хушмуомалалитига гап йўқ. Ўн кун ичида ёнма-ён хоналарда яшаб, қадрдон бўлиб қолдик. Охирги куни қайнона-қайнота, ота-она, фарзанду жиянларимизга совға олиш учун шаҳарга чиқиб, магазинларни кўрдик. Ҳамидахонга унчамунча матолар ёқавермади:

— Энамга бунақаси ёқмайди. Бунақасини кийганини ҳеч кўрганим йўқ. Энамга энг бежирим, ёшига мосини топай-да, охир чиқар-ку, — дейди.

Менинг оёғим чарчаса чарчади, лекин Ҳамиданики чарчамади. Ишқилиб, энамга ундаи ёқади, бундайи ёқмайди, мановиси чиройли материал экан-у, лекин жуда арzon экан-да, кейинги магазинга кирайлик-чи, шунаقا матонинг қимматроғидан чиқиб қолар.

Обрўлигина кўйлаклик олай-да, — деб хуноб қилди.

Биз ҳамма совғаларни сотиб олиб бўлғанмиз, шунча оғир юкимиз билан Ҳамиданинг орқасидан эргашиб юриш жуда малол келаётганди. Айниқса, фақат энамга, энамга деявергани.

— Ҳамида, тағин мендан хафа бўлиб юрманг-у, мен сизга беш кетмадим, — дедим охири унга.

— Нега? — унинг кўзлари катта-катта очилиб, менга тикилиб қолди.

— Куни билан ўз энангизга кўйлак изладингиз, Қайнонамга ҳам олай деб оғиз очмадингиз-эй. Қойил...

— Ҳов? — деди шошиб-пишиб Ҳамида — куни билан энамга деб излаганим — қайнонамга деганим. Мен энамни орқасида ҳам қайнонам деб атамайман. Сиз айтаверасизми? Унда узоқ бўлиб бегонага ўхшаб қоладику? Сизни билмадим-ку, менинг ундаи дейишга оғзим бормайди.

Уялиб кетдим.

— Унда ўзингизнинг онангизга ҳам бир кўйлаклик совға олинг-да, — дедим қизариб.

* * *

Иззатли ўқувчиларим! Мен сизга юқоридағи файзли, фидойи, ҳавас қылгулик көлинлар ҳақида тишим ўтганча ёздим.

Бир момом айтарди: «Бахт қүниң өслининг ҳам, эси йўқининг ҳам, яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам бошига қўнаверади, фақат уни удда қилиш, бажариш керак»... Бир умр бахт оғушида яшашинг учун эса ўз иззатингни сақлашинг, яъни атрофингда яшаётгандарни ҳурмат қилишинг, уларга нисбатан фидойи бўлишинг керак... Азиз ўқувчиларим, мен сизнинг уйингизга ёки яқинларингизга бахтини маҳкам ушлайдиган ана шундай шишиқ, пухта, файзли, фазилатли, фидойи, фароғатли, ибратли, иболи, иффатли ва иззатли келинлар тилайман.

ИККИ ОИЛА — ИККИ МАНЗАРА

Биз ҳаётимиздаги жуда кўп нохуш воқеаларнинг сабабини тақдирга тақаб қўяверамиз. Ўйлаб кўрсак, аслида ундан эмас, кўнгилсизликларнинг кўпчилигига тақдир эмас, ўзимиз сабабчи бўламиз.

Қўшнимиз Аслбек енгил машиналарни таъмирлайдиган жойда эрталабдан кечгача қора мойга ботиб, тинимиз ишлаб пул топади. Лекин уйида барака йўқ. Нега? Чунки у пул топишдан бошқа ҳеч нарсани билмайди. Онаси Маҳкам хола умрида бирон марта ўғилларини ошхонага йўлатмаган. Чунки у кишининг фикрича, ошхонадаги ишлар қизларники, молга қарашиб, томорқада ишлаш, ўт ўриб келиш каби юмушлар ўғил болаларнинг вазифаси. Бечора Аслбек уйга 4—5 килолаб гўшт ва бошқа ҳамма нарсаларни мўл-кўл қилиб олиб келади. Лекин бу сгуликлар ҳеч вақтга бормайди. Аслбек хотини Шоирадан бепарвогина сўраб қўяди:

— Бунча тез кетади ҳамма нарса?

— Рўзғор-да! Рўзғорни ғор деб қўйибди. Кетаялти-да рўзғорга.

Аслбек яна ташийди. Лекин ошхонага бош суқиб кирмайди. Ҳеч бўлмаса, умрида бир марта сут пиширмаган. Аслбекнинг онаси — қайнона Маҳкам холанинг рўзғори келин туширмасидан олдин жаннатдай эди.

Ҳамма ишини, ҳовлидагисини ҳам, ичкаридагисини ҳам ўз вақтида қилмаса, уйқуси келмасди. Энди эса келин келгач, йифилган кўрпаларнинг бири ичкарига ботиб кетган, бири юзага чиққан, улар кўрпа бўлғанларига уялиб турадилар. Келиннинг ювдим деб қўйган қайси идишини ушласангиз, қўлингизга чиппа ёпишади. Аслбек ўз оти билан Аслбек. Садқаи бахт кетсин бунаقا келин. Уни тергайдиган одам йўқ. Нега десангиз, Маҳкам хола қандли диабет касалига дучор бўлган. Шу туфайли бечоранинг кўзлари хиралашиб қолган. Оиланинг келажаги учун эр-хотин топган-тутганларини тежаб ишлатиб, қолганларини фарзандларнинг уй-жойи учун йиғса бўлади-ку. Йўқ, бунаقا режалар уларнинг тушига ҳам кирмайди. Йиллар эса зипиллаб учеб ўтиб кетаверади. Мана, уларнинг фарзандлари учта бўлди. Кагтаси ҳадемай ўқишига кирадиган бўлади.

Ҳар уч-тўргунда келин ярим соат ёки қирқ минутга йўқолиб қолади. Шоира уйларининг яқингинасидан иккичу кишилик шашликми, иссиққина сомсами сотиб олади-ю, кира қилишга тўхтаб турган машиналар билан зипиллаб онасиникига бериб келади. Ёки бўлмаса, уйдаги ёғдан, гўштдан олади-да, ота-онасини хурсанд қилиб қайтади. Бу келиннинг болалари ҳам унинг фикри, режаси, тутумига мослашиб ўсишаяпти. Маҳкам хола шўрлик, аянг қани, кўринмай қолди, деб сўраса, улар, билмадим, эна, боягина шу атрофда юрувди-ку, деб қўя қолишади. Лекин улар яхши билишади, аясининг қаёққа ва нима учун кетганини.

Ҳурматли ўқувчи, сиз ўйлаётгандирсиз, бу келиннинг онаси жуда ночор яшар экан-да, деб. Йўқ, яхшигина, тўққина яшайди. Үғилари топармон, тутармон. Фарзандларидан тинчиган. Фақат, келиннинг ўзи шунаقا тарбияланган, онасига фидойидан фидойи. У она тушмагурам айтмайди, уйингдаги катталардан бир оғиз сўрадингми, нима бало, сен тушган уйда ҳисоб-китоб деган нарса йўқми, деб. Лекин бу холанинг ўзи ўз уйида ҳисоб-китобни роса жойига қўяди-да. Қизи, яъни Маҳкам холанинг келини онасиданам яхши билади, ҳисоб-китобу, режалаб иш қилишни. Олий маълумотли, тажрибали ҳисобчи-ю, лекин, афсус, тушган жойига ичи ачимайди, холос. Бу

келиннинг ошхонасига кирсангиз, қўйган нарсангизни яна қайтиб тополмай қоласиз. Ошхонада аҳвол шу бўлса, ҳар уч-тўрт кунда шунчадан харажат эрдан, қайнонадан беижозат чиқиб кетаверса, бунга эр деган зийраклик билан қарамаса, бу уйда барака нима қилсин? Мол аччиғи — жон аччиғи, дейдилар. Маҳкам холанинг ҳамма дарди ичидা. Ўғил уйландими, энди унинг ҳар бир сўзи асли учун ҳукм бўлмоғи керак. Ҳукм даражасида фикрламоғи ва сўзламоғи учун эса ўрил болани ёшлигидан бошлаб ошхонадаги юмушлардан хабардор қилиб бориш, албатта керак экан. Бир кунда 40 минут ёки бир соат бўлса ҳам пишириш, куйдириш ишларига аралаштирган билан ўғил боланинг ўз юмушлари бажарувсиз қолиб кетмайди.

Мана қаранг, ўсмир пайтида бир пиёла сут пишириб кўрмаган, 1—2 та тухумни ўзи қайнатиб ёки қовуриб емаган, ошининг гўштини чамалаб тўғраб беришга ёрдамлашиб юбормаган, ёки овқатнинг ёғини қозонга солаётганда унинг қанчалигига кўзи тушмаган боладан нима умид? Турган гапки, рўзғорга кетаяти дейилса, ишонаверади-да.

Маҳкам хола келинининг ўз онасига илинишига қарши эмас, лекин ҳамма нарсани эви билан қилиш керак-да. Уйда болалар вояга етиб келаяпти, демак, ҳар бир оиласининг ўзига яраша тўплаган маблағи бўлини керак. Бу ёғида ҳеч бир моддий қуввати бўлмаган кишининг ҳамма вақт кўнгли чўкиб юради. Бу тушкун кайфият бориб-бориб эркак кишининг соғлигига зарар қилиши мумкин. Буни келин ўйлаб ҳам кўрмайди. Шуларни ўйларкан, Маҳкам хола бола тарбиясида анча камчилик ўзидан ўтганлигини фаҳмлаб баттар эзилади. Хола кўнглида яна бир нарсадан ваҳимага тушади. Бу келин болаларига уй қилиш, тўй қилиш, уларни ўқитиш пайти келганида, ўз ака-укаларидан қарз олиб, эрининг тилини батамом қисиб олишдан ҳам қайтмайди. Ака-укаларнинг рўзғорига гўшт, ёғ доимо бошқа ёқдан текинга томиб турса, уларда бирорвга қарз бериш имконияти бўлиши турган гап.

Энди бошқа уйдаги манзарани қаранг. Наргиз жуда тартибли оиласида вояга етди. Онаси бошидан тежаб-тергашни, ҳар бир майда-чуйда, лекин жуда зарур бўлган ишларни ёш қизчалигидан унинг қулоғига қўйиб тарбия-

лади. Катта бўлган сари Наргизнинг ҳамма ишга яхшигина уқуви келадиган бўлди.

Тақдирни қаранг-ки, Наргиз турмуш-тутуми ўзи ўсган оилага бутунлай ўхшамайдиган оилага келин бўлиб тушди. Хонадондаги пала-партишликни кўриб, аввалига унинг кайфияти тушиб кетди. На ошхонада, на меҳмонхонада, на ётиб туришда тартиб бор. Меҳмонхонадаги кўрпачаларнинг рангига қараб бўлмайди. Улар кўрпача бўлганидан буён ювилмаган, сув кўрмаган. Наргиз тиббиёт ҳамшираси эмасми, кир сингиб кетган жойларда овқат ҳам егиси келмай қолди. Шунақаям хўрлиги келдики... Лекин бирдан ўзини тутиб олди. Наргиз кўнглидан ўтказди: «Мен нега хафа бўлай? Ахир, энг муҳими, бу уйдаги одамлар яхши инсонлар экан-ку? Иккинчидан шу рўзюрдаги барақанинг борлигига шукур қиласам, уятдан-уят, ношукурлик эмасми? Хонадонни тартибга келтириш эса, астойдил ҳаракат қиласам, мумкин бўлган иш-ку.

Наргиз бу пала-партишлик ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Нима қилади, ўзи тушган жойини ўзи гап-сўз қилиб? Унинг уйда ҳаммага қилиган хушмуомаласини айтмайсизми?

Биринчи ишни келин ошхонадан бошлади. Тўрт-беш кун ичида ошхона оппоқ нардали ойнадай ошхона бўлди. Кирсангиз, чиройингиз очилиб, енгил тортасиз. Яна бешолти кун ўтгач, меҳмонхона ҳам одам кутгулик ҳолга келди. Наргиз меҳмонлар ўтирадиган кўрпачаларни, ёстиқ жилдларини ювди, кўрпачаларнинг пахтасини ўзи солиб, ярашиғини келтириб қавиди. Уларни тен-текис, тап-тахт қилиб йиғиб, ўзи тиккан каштани йиғилиган кўриачаларнинг устига чиройли қилиб ёпиб қўйди. Қайноаси беозоргина аёл экан. Қайнингилларини ҳам яхши гапириб ишга солди. Улар билан дераза ойналарини ювди. Егулик, пиширгулик учун келтирилган нарсаларни тежаб ишлатди. Оз нарсалардан соз сгулик ниширди. Бир яримикки ой мобайнида бу хонадон сонга кирди. Бош суқиб киргулик уй бўлди. Яхши, тоза уйга яхши одамларнинг, яхши келиннинг ярашганини айтмайсизми? Янги келин фақат уйим-жойим деди. Хуллас, келин келганидан сўнг, бу уйнинг баракасига барака қўшилди, саранжом-саришталик келди.

Келин паррандачиликният тилини яхши тушунар экан. Курк бўлган товуқларга тухум бостириб, бир дунё жўжа очириди. Паррандачилик — етти хазинанинг бири, деганлари рост экан. Тухум, товуқ гўшти уйдан чиқадиган бўлди. Қайнона-қайнотанинг келинни тергашга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Улар хурсанд, ҳар куни тинчгина ухлаб туришади.

Хуллас, кўп яшагур, беги билан қўша қаригур, увалижували бўлгур келин тушган хонадонини қарсакдай қилиб қўйди. Маҳаллада Наргиз ҳақида гап очилса, каттаю кичик — ҳамма «Ота-онасиға раҳмат бу келиннинг» — дейишади.

КИМ КЎП ГАПИРАДИ?

(Эркаклар кўнглига олмасин)

Вой-вой — войгина-ей! Эркаклардай кўп гапирадиган халқни кўрмадим, — дейди кўнглида Мушарраф опа пиёз арчиётиб. Мехмонхонада ўтирган эркакларнинг суҳбати умуман тўхтамайди. Фўнг-фўнг, фўнг-фўнг. Ниманиям гапиради-я, булар?

Мушарраф опанинг умр йўлдоши — Толмас ака ошхонага чиқиб, аёлига раҳми келган бўлиб буюради:

— Вақт ўтиб бораяпти, — дейди у, — қозонга яна бирон нима солгин, осонроғидан бўсин-да, осонроғидан, — дейди.

— Бўпти.

Осонгина буюришдан кўра, осонгина пишириш қийин, албатта, лекин... бўпти-да, бўпти. Мушарраф опа мазали бирон иссиқ овқат тайёрлаб беради. Овқат ейиш билан сўзлашини бир вақтда олиб боришади иш билармон эркаклар. Орада ювилиши керак бўлган тақсимчалар, қошиқ ва санҷқилар меҳмонхонадан тўхтовсиз ошхонага чиқиб, тўхтовсиз ювилиб, артилиб, яна тўхтовсиз меҳмонхонага киргизилаверади.

Кеч соат ўндан ошгандан сўнг Толмас ака ошхонага ташриб буюриб:

— Чарчамадингми? — сўрайди у. — Менга қара, кўп эмас, бир товоққина чучвара букиб, қозонга солиб бер, кўп эмас, кўп эмас, бир товоққина, бўптими? Кейин май-

ли, дамингни олавергин, ётавергин, ухлайвергин, бўпти-ми? — деди меҳр ёғилаётган сўзларини қаторлаштириб айтиб. Ичкарида эса ҳангома бетанаффус давом эта-веради.

— Бўпти.

Бўптини бажаргунча Мушарраф опа қанча нарсаларни хаёлидан ўтказди. Мана, ўқинг:

Толмас ака ўзи валломат киши. Яхшиниям яххиси. У аёlinи, келинини тушига кирмаган ярашиқли лиbosларни сотиб олиб келади. Хотинини ўлиб қолайин деб яхши кўради. Қайси бир йили Мушарраф опа оғриб қолди. Бечора эр бетини суви беш томиб қайси врачларга олиб бормади, қайси дўхтурларга ялиниб ёлвормади, дейсиз. Қаратган қараб қолмас, деганлариdek, ҳозир ҳам вақти-вақти билан врач ва табиблардан маслаҳат олиб туради.

У ҳазил аралаш Мушарраф опадан айб топишни яхши кўради. Ишқилиб, гапириб туриш керак-да. Бир куни аёлига шифонерни оч, деди, очди. Бир неча йил илгари сотиб олинган тайёр кийимларни кўрсатиб, бошини са-рак-сарак қилиб:

— Ҳа-а, ношукур хотин-а, шунча опкелганларимни ялчитиб киймадинг-а, эссизгина-я, деди.

— Вақтим бўлса кияман-да, — деди Мушарраф опа.

Толмас ака хотинининг бу гапидан кейин узоқ ку-йиб-пишиб сайради. Эрининг қайси бир гапи эсида қол-син бечоранинг. Радиоям яхши, бураб қўйсанг, учади. У эса гапиравериб-гапиравериб қачон ҳордигидан чиқса, па-санда бўлади, кейин тўхтайди. Лекин, Мушарраф опа бит-таям хафа бўлмайди. Бир момонинг қўполроқ мақоли бор эди:

«Бақироқ туюнинг бори яхши, бақириб турса, ундан ҳам яхши». Мен ниманиям топиб келаяпман, бола-чақа-миз билан уст-бошимиз бут бўлса, ҳаммамиз соғ-сало-мат бўлсак, холодильникда барча нарса етарли бўлса, бун-дан ортиқ менга қандай баҳт керак?

Толмас аканинг энг яхши қилиғи — кўп жаврагани билан болаларини, келини ва аёlinи ҳеч қачон ҳақорат қўймайди. Қарийб қирқ йилдан буён яшашаяпти-ки, Мушарраф опа унинг «Ўл» деганини бирон марта эшитмаган.

Мушарраф опанинг келини — ками йўқ жувон. Ишидан қил топмайсиз. Ошхонадаги ҳамма ишни шипиллаб тажарриб ташлайди. Лескин бу Толмас акага етмайди. Агар Мушарраф опанинг ўзи ошхонада кўриниб турмаса, осмон ўйилиб остига тушади. Қиёмат қойим бўлади. Айниқса, меҳмон келиб қолса борми, ёмон шоштирадида, келини икковиниям. Толмас ака камдан-кам болалири билан овқат ейди. Агар ҳеч ким келмаса, қўнғироқ қилиб бирон яқин ўргонини чақириб олгач, кейин овқатни суздиради. Мушарраф опа, келини, неваралари ўзлари алоҳида овқатланишга ўрганиб кетишган.

Бир куни Толмас ака Мушарраф опага уй ичидаган юмшоққина шиппак олиб келипти. Шунаقا чиройли-ки, қошиқдай! Шишиакнинг олд қисми — юзасига пўпили — ё тустовуқ, ёки олмахоннинг терисидан кичкинагина бўлакча олиниб, жудаям бежирим қилиб ўрнатилган. У пўпили — пўпили бўлганига ҳам иушаймон еди. Мушарраф опа ошхонадан чиқмайди. Ошхона — ошхона-да. Ҳали у ёғ доғлайди, ҳали хамир ёяди, ҳали ошхонани супуриб-сириради. Ахир, ҳамма ишни келинга ортиб қўйиш ҳам инсофдан эмас-да.

Меҳмон келдими, Толмас ака қайнона-келинни шундай шоштиради-ки, улар ҳозир қўйган бирон нарсаларини шу ернинг ўзидан топишолмай қолишади. Ҳам дастурхон бeszаш керак, ҳам икки-уч хил овқат пиширишни бошлаб юбориш керак. Кўкат тозалаш керакми, гўштни қиймалагичдан ўтказиш керакми, хамир ийлаш керакми? Овқатни-ку, тўхтовсиз пишириш керак. Ишқилиб, ҳеч вағт ўтмай, ҳавас қилиб олиб келинган шўрлик шишиакнинг ранги-туси қолмади.

— Одамларнига бориб юрибмиз, — нолишини бошлайди Толмас ака, ошхонасиниям кўриб юрипмиз, билансанми, у одамлар қандай тутум қилиб ўтирипти?

Мушарраф опа ичидаги ўйлайди, «Ёлғон, ҳеч кимнинг ошхонасига кирмаган, шунаقا деб менга эркалайди бу одам». Охир Мушарраф опадан ҳам садо чиқди:

— Одамларнинг хотини яхши-да. Нимаям қиласиз энди, нешона экан. Сизга мендай ўнгсиз, сонсиз хотин битипти. Тақдир-да.

Бугун Мушарраф опанинг оғзидан чиққан бор-йўқ гани шу бўлди.

— Уф-ф! Тез-тез бўлинглар! Сен хотинлардан фақат гапни олса бўлади.

Афсус, ошхонада Толмас аканинг бошлаган нутқи узилиб қолди, чунки ичкаридан ўртоқлари чақириб қолишиди.

Толмас ака бир кун нима дейди денг:

— Мушарраф, одамларнинг хотини пардоз-андоз қилиб юради, сен ҳам мундай ўзингга қараб юргин-да.

— Ўҳ-ҳў-ў! — деди Мушарраф она энсаси қотиб, улар соатлаб бўяниб, ҳали у ёнбоши билан, ҳали бу ёнбоши билан узун ойнага сумарилиб, термулиб қараб бўлгунларича менинг овқатим пишиб бўлади.

Мушарраф опа гапининг давомини ичида айтди: «Ана шу бети бўёвлиларнинг кўпини уйига ҳеч ким оёқ босмайди, ошхонасига-ку бош суқиб киролмайсан, ҳам кир, ҳам тартибсиз!»

Бу гапдан кейин Толмас ака ичидан аёлини янаем яхши кўриб кетди. Лекин сир бой бергиси келмай:

«Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор экан», — деб қўйди.

Мушарраф опа келини билан ҳар бир чучварасини чимиридай-чимиридай қилиб букиб, пишириб беришдики, ҳали эркакларнинг ғўнг-ғўнги тўхтамади. Ўйлаётган-дирсиз, энди иш тугагандир, деб? Қаёқда! Ҳамма жойни саришта қилгунча кўнгли тинчимайдиган битта холамнинг мақоли бор эди: «Ошхонада иш бошини еб, боқайнини тортиб ётипти». Ҳамма идиш-товоқлар ювилиб, меҳмонхона ҳам йифиштирилиб ошхона супурилиб, поллари артилиб, оқшом худди ҳеч нарса пиширилмагандай яп-янги ҳолатга келгунча қайнона-келин тинмайди. Нега, дессангиз, ҳар куни эрталаб Мушарраф опа Толмас ака ишга кетишдан олдин ана шу чиннидай тош-тоза опхонадаги столига нонушта тайёрлаб беришга ўрганганди.

Мушарраф опа кесаси чамаси соат иккӣ-учларда ётокхонага кирди-ю, диванга ўтирди. Оёғи настда, ёстиққа бошини қўйиб ётди-ю, қотди. Оёғини кўтариб, диванга ҳузур қилиб узатиш қаёқда, ўзи ётмасидан икки-уч соат олдин шунчалик чарчаган эди-ки, у оёқ-қўллари ўзиникими, бироникими, асли шу оёқ-қўллари борми-йўқми, билинмай қолган эди.

Мушарраф она саҳар, бомдод номозига уйғонса, ҳалим шу муборак тартибда ётган экан. «Қандингни ур, Му-

шарраф! — деди у ўзига ўзи, — пўпилиси бор юмшоқ шиппакни чаққон оёққиналарига илиб, шу ҳурматли оёқларни осилтириб ухлаш баҳтига ким мушарраф бўлипти?!».

Эрталаб Мушарраф опа эрига ҳавас билан нонушта тайёрлаб берди ва астагина деди:

— Дадаси, менинг сизга муҳим бир саволим бор.

— Нимайди? — қизиқсиниб, ялт этиб аёлига қаради эр. Мушарраф опа оғзини эрининг қулоғига яқин келтириб, астагина авайланиб сўради:

— «Чурқ» этиб юборсам мумкинми?

Хотинининг бу ҳазилидан Толмас аканинг жон-шони чиқиб кетди. Бечора шошганидан сўзларини яримта-юримта қилиб жаврай кетди, бир ёқдан ишигаям кечик-маслиги керак.

— Айтаман-ку ҳамиша! Дунёни бузадиган аёллар, деб. Ўз-ўз-ўзи, кўнглимга кеп турувди, ҳозир шу бир асабимга тегадиёв, деб. Тинч кун йўғакан-да ишқиб! Вой-вой, вой-вой, ўзи нима демоқчисан? Топиб кеган нарсани пишириб, еб-ичиб ўтирумайсанми, индамай!

Ўзи боягина хаёлимга келувди, шу бугун қалай индамадиёв, деб. Барibir индадинг-да!

Асли шу кўп гапирадиган аёлди ёмон кўргичийдим. Худди шундайчиқинига учрадим. Индамасдан туролмайсанми?

Эр ёзвиришдан ҷарчамади. Оғзи беш бориб ўн кела-диёв! Мушарраф опанинг қулоғи битиб қолди. Лекин у Толмас акани иззатлаб, дарвозагача чиқиб, ҳурматлаб ишга жўнатиб қўяётган эди, машина икки-уч метрча юрдими, юрмадими, бирдан тўхтади. Толмас ака эшикни очиб:

— Мушарраф! Бугун ошхонангда нима йўқ! Тушликка келганимда ола келаман-да.

Мушарраф опа ошхонасида нима йўқлигини бирданига эслаб айтольмади.

Толмас ака аёлига қараб:

— Уф-ф! — деди-да, ҳайдовчига «Ҳайда!» деди. Улар кеттач, Мушарраф опа кулимсираб ошхонада оти йўқ, охири йўқ ишларини бошлаб юборди. «Омон бўлгур, фа-қат инжилиб туради-да, инжилганда-чи, нима қипти, инжилмаганде шоҳим ўсиб чиқармиди?» дея мамнун ҳолда ишларини давом эттириди.

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДРЛАНМАГАЧ

— Қачонгача мени хўрлайсизлар? — янги келин, Покиза келганига ҳали икки-уч ой ўтмасдан йиғлаб-энгирраб ҳаммага — уйдаги каттаю кичикка ўшқира кетди. Қайнона келинболасига қўли билан «астароқ-астароқ» ишорасини қилиб:

— Вой, айланай, сизни ким хўрлади? Хўрлаш деган сўз жуда ёмон сўз-ку? Бекордан-бекорга ишлатаверманг бу гапни...

— Нега бекордан-бекорга экан? — Овозини бундан ҳам баландлатди келин. Шу уйда ҳамма, ҳамма ейдиган нонни битта мен пиширишим керакми? — деди келин кўрсаткич бармоғини ўзининг кўкрагига қайта-қайта ниқтаб, — бу уйда адолат борми ўзи?

— Вой, айланай, жоним болам, — деб тушунтира кетди қайнона. — Мана, мен шу пайтгача ҳамма вақт ўзим пиширидим нонни, орада сотиб ҳам олардик. Ошхона ишлари, нон, овқат пишириш аёл кишининг кундалик оддий вазифаси. Бунга хўрлаш деган сўзниңг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бунинг устига рўзғор ишларининг ҳаммасини сизниңг бўйнингизга осиб қўйганимиз йўқ-ку? Орада нонни сотиб ҳам оляпмиз. Бунинг устига мен ҳам ҳамма вақт ёнингизда туриб, ёрдамимни аяётганим йўқ.

— Ёрдамингизни миннат қилмоқчимисиз, ёрдамингизни юзимга солмоқчимисиз? — овозини бундан ҳам баланд кўтарди келин. — Мени тинч қўясизларми, йўқми? Битта ўзим ҳаммангиз учун нон пиширсан, унда мен сизлардан қўрқар эканман-да? Бу нима кўргилик?!

Келин қанчалик баланд овозда шанғилласа, қайнона шунчалик паст товушда жавоб қайтарди:

— Жоним болам, ҳозир қайнотангиз, бош эгангиз — Салимжон тушликка келиб қолишади. Осонроқ, тезроқ пишадиган тотимли бирон овқатни икковлашиб ниширишни бошлиб юборайлик. Икковлариям уйда тушлик қилишиб, хурсанд бўлиб кетишин. Бизлар деб тинмай ишлаб юришади, ахир.

Келин икки қўлинини мушт қилиб, ўзининг белига тираб, худди катта «Ф» ҳарфига ўхшаб туриб олди. Кўзи қайнонасини тешиб юборгудай.

— Боп эга? Боп эга? Хаёлингиз жойидами? Эркак билан аёлнинг тенг ҳуқуқли бўлганига юз йил бўлаётти-ю, вой дунёи-бехабар-сий! Бизлар учун ишлаб юришган бўлса, — ана, кўча тўла иссиқ овқат, согиб олиб келишсин бизларгаям, ўзларигаям. Шу овқатдан еб олишади заҳарларига.

Мана шу дўзахдай сўзлардан кейин ҳам қайнона ўзини босиб, шундай деди:

— Энди, қизим, эркаклар уйга келиб, чиройли, обод дастурхонни кўриб, қувониб, тушлик қилиб кетишиша, бунинг гашти бўлакча-да. Ошхонада улар ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйишган бўлса. Тайёр газ. Иссиқ сув, совуқ сув оқиб келиб турган бўлса? Ишга чиққунингизча, уйдаги бараканинг борлигига шукур қилиб, турлитуман мазали таомлар пишириб, уй ва ҳовлиларни чиннидай тоза тутиб, ҳамманинг кўнглини олсангиз қандай яхшийди-я...

— Э-э-э! Тугатинг, шу ёқимсиз лекциянгизни!

— Хўп, болам, лекциямни тугатдим. Ҳай, энди, вақт кетаяпти. Ўзингиз ҳозир ошхонада турипсиз. Ҳозир нима иш қўлмоқчисиз, ёрдамлашай тезроқ?

— Э-э-э! Менинг ишим билан сизнинг нима ишингиз бор, а?

— Ҳозир эркакларимиз келиб қолишади-да.

— Кеса-кслар, шунга ота-гўри қозихонами?

Келин шартта бурилиб, ўзларининг ётоқхонаасига кириб кетди. Бечора қайнона тушлик учун шошиб-пишиб тез пишадиган овқат — «Сузиб олди» тайёрлашга тушди. Чунки, юпқа ёйиб кесиб, қуритиб қўйган хамири бор. Гўшт қиймалагичдан ўтказиб қўйилган гўшт ҳам бор. Дарров товага сариқ ёғдан солиб гўштни унинг устига солди-да, бош пиёз ва картошка ҳам қўшиб, тобини келтириб қовурди. Ўн дақиқалардан кейин товага бир пиёлача сув солиб, унинг қонқоғини ёниб, газни пасайтириб, димлаб қўйди. Алоҳида илишга сув солиб, униям тагини ёқиб қўйди. Кўкатларни ювиб, тез-тез тозалаб тўғради. Қишлоғини кайфиятлари чоғ бўлсин деб, димланган гўштнинг устига қуритилган ялииздан бир дамлам чойча солиб юборди. Ошхонада ажиб бир бўй тараалди. Шу орада эркаклар ҳам кириб келиб қолишлиди. Қайнона дарров

юпқа қуритилган хамирни қайнаб турған сувга солди. Ана-мана дегунча, хамир қайнаб пишди. Қайнона — Хуррам опа ўз ишидан хурсанд бўлиб, хамирни ёйиқ товоқقا сузиб олди. Унинг устига товадаги сариқ ёғли, гўштли, ялпизли саржўшни ёйиб, чиройли қилиб сузди. Опаям хурсанд, эркаклар ҳам хурсанд. Қадимги удумларимизга кўра, Хуррам опаларникида келин қайнотанинг олдида ҳурмат юзасидан овқат емайди. Шунинг учун опа келини ва ўзига алоҳида овқат сузди. У уйларининг бошқа хонасига ихчам, чиройли дастурхон қилиб, келинини чақирди. Келин ҳеч нарса кўрмагандай чиқиб, қайнонаси билан ўтириб овқатни паққос туширди.

— Ана, кўчадан сотиб олиб келса бўлар экан-ку, — деди икки қошини кўтариб қайнонасига қараб.

— Йў-ўқ, ўзим тезроқ-тезроқ қимирлаб пиширақолдим, — деди опа.

Келин иягини кўтариб, қайнонасига тикилиб қараб қўйди-ю, лаззатланиб чой ича бошлади. Хуррам опа ичидагаттар эзилди. «Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури» деган мақол унинг миясига михланиб қолди.

Кунлар шу тарзда ўтаверди. Хуррам опа бу ҳақда ўғлига ҳам хўжайинига ҳам лом-мим демади. У келинининг бориб-бориб эпга келин боланинг тушунчасини ҳеч ўзгартиrolмади. Авваллари келиннинг ошхонада кўринмаслиги сабабини эркаклар олдида уни уялганга йўйиб гапириб юрди. Хуррам опа эркакларнинг кўнгли чўкмасин деб ичини дарё қилди. Келиннинг барча эркаликларини кўнгил дарёсига чўқтираверди. Келиннинг бу қадар бети қаттиқлигини сезса ҳам сезмаганга олиб юрган қайнота охир тилга келиб, аёлига деди:

— Айтмайсанми, ахир биз сендан иззат-ҳурмат кўрамиз, қўлингдан ҳеч бўлмаса, бир пиёла иссиқ чой ичамиз, деб келин қилувдик, деб?

— Айтмоқдан армон қолмади, — деди Хуррам опа, — ота-онаси тузуккина одамлар эди, билмадим, буни нима жин урган?

Бугун яна ҳар кунгидай машмаша бўлди. Бесабаб.

— Ов, ая, менга қаранг, бундан кейин ҳар кунги картина, яъни ясама жанжалларингизни йиғиштирасиз. Кўра-

япсиз, мен бугундан бошлаб ишга кетаяпман. Мен замонавий келинман, икки қулорингиз билан ҳам эшитиб қўйинг! Мен компьютерда ишлайман, хоҳласам интернет орқали бутун дунё аёллари билан муомала қиласман. Бу уйда бундан кейин ҳар ким ўз кунини ўзи кўрсин. Масалан, мен ўзим — ўзим ейдиган овқатимни кўчадан сотиб олиб ейман. Сизлар ҳам хоҳ эркак, хоҳ аёлмисиз, уйда пишириб ютасизми, ош ейсизми, тош ейсизми, бу — сизнинг ишингиз! Менинг аниқ ва тўғри фикрлашимча, бошқача бўлиши мумкин эмас!

Шу-шу, Хуррам опаникода келин келганидан кейин уйдаги муҳит совигандан совиб кетди. Охир, бир куни ўғли онасига деди:

— Ая, келинингиз — мана шу «Эркак сабзи»нгиз ҳеч қачон одам бўлмайди. Унинг муомаласини қаранг. Айниқса, уйга бирор келса, яхши кутиб олиш ўрнига бузовнинг ўзи бўлади, қўяди. Бир кун ҳам кўнглим исимади шундан. Мен узоқ ўйлаб кўрдим. Бу ҳеч қачон одам бўлмайди. Тезроқ бирон болалик бўлиб қолмай бунинг баҳридан ўтиш керак. Тўғриси, ая, уйга келгим келмайди шу касофат туфайли. Битта-ю битта синглумга-ку, борсанми, йўқсанми, демайди.

— Болам, оила муқаддас қўрғон, уни бузиш қандай бўларкан?

— ...
Опа келинининг ота-онасига ҳам мурожаат қилиб кўрди.

— Ҳа-а-а, ҳали ёшда, одам бўлиб кетади, сиз яхши гапнингиздан қолманг ишқилиб, қудажон, — деди артистлик қилиб онаси. Отаси Хуррам опани эшигиси ҳам келмади. Опанинг ҳафсаласи пир бўлди, шунаقا ўзгариб кетибдими булар, ўйлади ичида. Ўғли уйланиб, энг яхши ҳаёт кечираdigан дастлабки ойларда биттаям қувонмади, қувонломади. Ёш, қирчиллама йигит кундан-кун чўкиб бора-верди. Ота-онасининг эса кўнглига чироқ ёқса ёrimайди. Биласиз, ота-она учун фарзанднинг соғлиги ва баҳтидан қиммат нарса йўқ. Кейинги пайтларда келин билан куёв ўт билан сувга айланди. Хуррам опанинг ёш келинлигидан буён тинч, осойишта бўлган бу уй жаҳаннамга айланди. Қайнона-қайнота келинини, яъни боласининг орқаси-

дан келган боласини эпга келтириш учун роса уринишди, унинг қўнглига қараб, яхшилик, одоб уруғини экмоқчи бўлишди, лекин келин уларнинг — ўзидан катталарнинг гапини кесиб ташлайверишдан сира қайтмади.

Нима қиласай, қийналсан ҳам очиғини ёзишга мажбурман: улар аж-раш-ди...

НЕГА?

Хуррам опа ўйлади. Ажрим... нега ана шу сўз, ана шу аҳвол кўпаймоқда? Сабаб — биз ота-боболаримиз, момоларимиздан мерос қолган удумлардан кечиб юбордик. Биз бола тарбиясида уларга амал қилмай қўйдик. Опа ўйлаб қараса, ҳатто болаликдаги ўйинлари ҳам фарзанднинг тушунчасини ҳаётга, оилавий иззат-ҳурматга тайёрлар экан. У болаларимиз — келажагимизни қандай тарбиялаш ҳақида фикр юритиб, бир нечта калит топгандай бўлди.

ТАНДИР — ЎЧОҒИГА ҚАРАБ

Ёшлигида улар уйда олти қиз эди. Онаси ҳеч кимга ишонмай, ҳовлининг тақир, берч бўлиб кетган жойини танлаб, ўша жойдан тандир ўрани ўзи қазирди. Ўраси деворининг пастга қараб эниши типла-тик эмас, ботиқ, қоринли бўлиб тушарди. Ўранинг деворларини силлиқлаб қазиб бўлгач, яна атрофида айланиб-айланиб синчковлик билан текшириб чиқарди. Сўнг, эринмай ўша ўранинг ёнидан бошқа кичкинагина ўрачаям қазирди, қизчалари учун.

Қишлоқлари яқинидаги далада бир тепа бўларди. Унинг тупроғи сап-сариқ, майин эди. Хуррам опанинг отаси уларни юқ машинасида ўши тепага олиб борарди. Онаси тепани айланиб кўриб, соз тупроқ, яъни ўша сариқ тупроқнинг ҳам энг сифатли жойини танлаб кўрсатарди. Отаси эса ўша жойдан тупроқни кетмоилаб олиб уч-тўрт халтани тўлдирарди. Хуррам опа ва сингиллари учун шу халталар устида ўтириб, юқ машинасида қишлоқ ичидан ўтиб уйларигача бориш тенгдошлари олдида катта обрў эди. Уйга келгач, онаси шошиб-пишиб эски олача, яъни илгари уй ичига тўшаладиган тўшамчанинг эскисини ҳовлининг бир чеккасига ёзарди ва бояги халталардаги соз

тупроқни шу олача устига түктиарди. Ишнинг қизиги энди бошланарди. Онаси уларнинг яқинига ўтириб олиб сариқ тупроққа сув ҳам солаверарди, жун ҳам титиб ташлайвсарди. Қизлар эса ўша тупроқни уч-түртта бўлиб тепишаверарди, тепишаверарди. Соатлаб тепишарди. Раҳматли онаси шундай дерди: — Ана шу тупроқ ипакдай бўлиб кетгунча тспиб пишитмасаларинг тандирнинг кулалиси носоз бўлади, носоз кулалидан қурилган тандирнинг иони ширмой иондай бўлмайди. Бундан ташқари, бошлаган бир ишни охирига етказмай ташлаб кетишининг ўзи одобдан эмас, — дерди. Хуррам опа ўшанда ёш эмасми, қочиблар кетгиси келарди, лекин улар онасининг гапидан чиқишини, унинг битта гапини иккита қилишни катта ГУНОҲ деб биларди.

— Опа, жун солишингиз шартми шу лойга, — оғриниб сўрашарди улар.

— Албатта, дерди онаси, — кулали ўрада қуриётганида бу жунлар уни ёрилиб кетишидан асрайди.

Соз тупроқнинг лойини қанча пишитсак, ишимиш ҳам соз битаетганидан шунча қувонардик, маза қиласардик. Орада болаларча ҳазиллашардик, аразлашардик, ярасардик, бу қилиқларимизнинг ҳам ўзгача гашти бўларди, — ўйлайди опа.

— Ниҳоят, қизлар лойни ипак ҳолатига келтиришгач, онаси ўша лойни катта бўлакларга бўлиб, узунасига қалин-қалин ясад, ўранинг ички атрофларига қарсиллатиб уриб ёпишириарди. Ўранинг ҳамма тарафини лой билан қоплагач, ёнганиш анча вақт бир ўзи икки қўллаб, ҳавас билан шу лойларни баъзан қаттиқ, баъзан астаста муштлаб ҳам пишитарди, ҳам текисларди. Кафтлари ва бармоқларини таранг очиб, андавадай қилиб кулалинни сулувлаб бўлгач, бармоқлари учи билан чиройли излар чизиб пардозларди. Қизлар, нега бундай қиласиз дейишса, пишган ионни узиб олиш осон бўлади, дерди. Онаси энди орттирган лойни кичкина ўрачанинг ички атрофларига ёпишириб, жажжигина кулали ясарди. Кулолчилик деган сўз шундан келиб чиқсан бўлса керак.

Хуррам опанинг онаси тандир оқартираверса, уйдаги қизлар ҳам тандирчаларига олов ёқиб, оқартиришга тушарди. Опа-сингилчалар онасининг ёнида туриб кички-

на кулчаларини қин-қизил қилиб пишириб олишарди. Ёнгинасидаги катта тандирга ёпилаёттән нонлар шу болалар учун-ку. Лекин жажжи тандирчага кулча ёпиш ўша қизчалар учун жуда мароқлы ўйин эди. Хуррам опа ҳам, сингилчалари ҳам кичкиналигидан бошлаб ноң ёпиш тирик қиз-жувоннинг уйдаги кундалик оддий машғулоти деб тушуниб ўсди. Опа мароқ билан эслайди, қишлоқларда деярли ҳамманинг тандири ёнида жажжи тандирчалар ярашиб турарди. Ҳозир эса қишлоқларда ҳам бундай чиройли манзарани учратмайсиз.

Ота-боболаримиз, момоларимиз бекорга «Аёл кишининг тандир-ўчоғига қараб баҳо бер» демаган экан. Бу мақолда улар тандир-ўчоқнинг фақат ташқи кўринишига эмас, балки уни қуришдаги майда-чуйда, лекин жуда зарур бўлган нозик сирларини ҳам унутмай бажариш албатта кераклигини уқтирган эканлар.

ҚЎҒИРЧОҚ ЎЙНАШДАН МАҚСАД?

Қиз болалар қўғирчоқ ўйнамай катта бўлмайди. Улар ёшлиг'ида қўғирчоқни ўzlари ясади. Чўпдан. Қўғирчоқнинг юзини эски тутма ёки тантага латта қоплаб чўпга ёништириб боғла қўйишарди. Қўғирчоқнинг оёқ-қўлларини ҳам чўпдан ясацарди. Раҳматли онаси эски, лекин топ-тоза ювилган кийимларни уларга берарди. Қўғирчоқларингга кўйлак ва лозимчаларни ўzlаринг тикинглар деб. Қўлларинг ҳозирдан игна санчишга ўрганиб борса, вояга етганларингда тузуккина чевар бўлиб қоласизлар, дерди. Фақат игна, иш, қайчиларни эҳтиёт бўлиб ишлатинглар, уларни ҳар жойга тапплаб кетмай, ўз ўрнига қўйишга ўрганинглар, деб тайинларди. Худоға шукур, ҳозир фарзандларимизга ҳамма нарса муҳайё. Лекин қайси қизча ҳозир қўғирчоғига бош-оёқ сарпо тикади? Ҳозир магазиндаги қўғирчоқларнинг кипригигача тан-тайёр! Бугунги кунда ўзининг тушиб қолган тутмасини тўғрилаб тиколмайдиган қиз-жувонларни кўплаб учратиш мумкин. Буни тан олишга уяласан киши. Уйда тиким-санчим ишларигача пул сарфланаверса, оиласда барака қоладими? Энг мушкули щуки, бу ишларнинг ҳаммаси бориб пулга тақалади. У ёғингни тортсанг бу ёғингга стмагандан кейин хонадонда жаңжал устига жанжал чиқиши турган гап.

Хуррам опанинг келини кетди. Батамом кетди. Уй муздай бўлиб қолди. Уй аввал жанжал-жаҳаннам бўлса, энди ҳувиллаб қолди. Салимжон кулиш нима — унутиб юборди. Бир куни қайнота чуқур хўрсишиб аёлига деди:

— Шу Покизани иргасини кўрмай келин қилдик-да. Ёшлигимизда «Ирга кўрди» деган яхши одатлар бўларди.

«ИРГА КЎРДИ» НИМА?

Бу уй ичидаги бурчак-мурчаклар, тўшалган гиламларнинг четини озгина кўтариб қарасангиз, ўша жойлар, шкаф ёки столларнинг, сандиқларнинг таги, уларнинг орқа тарафи, ошхонанинг аҳволи, ҳовлининг, уй орқаларининг четлари, тандир-ўчоқ атрофлари, томорқанинг чеккалиригача — ҳамма-ҳаммаси ирга ҳисобланади. Илгари келин туширмоқчи бўлганлар аввал хабар бермасдан тасодифан бўйи етган қизи бор уйга борганлар. Лекин келин олмоқчи эканликлари ҳақида оғиз очишмаган. Улар мана шу уйнинг иргаларига синчиклаб қарашган. Кўнгиллари тўлмадими, самимий суҳбатлашиб, самимий хайрлашиб қайтиб кетаверишган. Ота-боболаримиз, момоларимиз мана шу удумга қаттиқ амал қилишган. Шунинг учун бу сўз тез-тез тилга олинган. «Ирга кўрди»га аввало аёллар боришиган. Улар хурсанд қайтишса, сўнгра эркаклар боришиган. Уялишни билган иболи аёллар ва қизлар ҳамма вақт ўз яшаш жойларини тоза тутган. Буни кўрган ва онасига ёрдамлашиб катта бўлган қизлар ана шу тушунча билан вояга етганилар. Улар ҳеч қачон меҳнатдан ор қилмаганлар.

Хуррам опа ўзларининг ҳам, келиннинг ота-онасини ҳам ёшлиқ даврларини эслайди. «Яқин-яқингача қишлоқда яшадик. Эр-хотин тоғанимизни тирноқлаб йиғиб, режалаб, тежаб ишлатардик. Қудам иккаламиз ҳам уйнинг бош фарзандларига умр йўлдош бўлдик. Демак, оиласда аравани тортиш бизнинг бўйнимизда деб тушундик. Бир йил қайнимизни уйлантирсак, бу йилисига қайнинглилизни узатдик. Буларни ўзи бўладими, ҳаммаси пул билан-да. Тушган оиласиздаги ҳамма ёшларни уйли-жойли қилгунча битта кўйлагимиз иккита бўлмади. Лекин биз ҳеч қачон нолиц нима билмадик. Шунинг учун тур-

мушимиз, оиласиз бизга жудаям шириң туюларди. Мөхнатни-ку, құяверинг. Ер ҳам чопдик, мол қарадик, таппи ҳам қылдик, ошхона, тандир-үчоқ юмушлари, тиким-санчим ишларини ҳам үзимиз қылдик. Буларнинг ҳаммаси биз учун энг севимли вазифалар эди.

Хуррам опа яна үйлаб, үйіда давом этади: Турмуш уртоқларимиз шаҳарға келганидан улар ҳам, бизлар ҳам марказға күчдик. Тавба, келиннинг онаси ҳеч кимни танимай кеттган экан, мен бечора ошхонадан чиқмай буни билмабманам. Марказда яшаган аёл менмансираң кетавериши керакми? Мана, қизининг уйи бузилди. Бу гапни айтишга осон. Покизага менинг уйымдагидай баҳтни бошқа жойда нақдлаб қўйинтими? Ҳа, эсизгина баҳтинг-а, болам-а!».

Фарзандлар оиласининг бузилиши — ога учун изтироб, она учун эса баҳтсизлик. Мен онаман, ана шу ажралиш сўзини оғзимга олгим келмайди. Лекин на чора? Ҳаётимизда бор бўлган ва кундан-кун кўпайиб бораётган ана шу бехосият кўргиликни ёзар эканман, ҳамма оналар, ўқитувчилар қадриятларимизнинг ҳаводай кераклигини фарзандларимизга ёшлигидан уқтируса. Замонавий бўлинг, бўлманг демайман. Қадриятларимизнинг бир қўли бизга, бир қўли баҳтга туташ. Агар қадриятларимиздан узоқлашсак, баҳт бизга қандай йўласин? Ота-бобомиздан қолган мерос удумлар бизнинг томиримиз, томирдан узилмаган гулгина ўсади ва яшнайверади.

«ТЎХТА, БИР КЎРАЙ!»

Карима бирданига бир эмас, икки куйди. Дугоналарининг гап-гаштакларидан бирида мөхмонлардан бири чой қуиби қайноқ узатувди-ки, ўтирганлардан бирори:

— Қўшнимиз ҳозир энг кейинги чиққан мато — «Тўхта, бир кўрай!», — деганидан кўйлак кийган. Ҳақиқатан ҳам тўхта, бир кўрай дегулик чиройли экан. Карима асли ўзини бошқалардан ажралиб туришни хоҳлайдиган, икки муштлови кам аёл эмасми, бу гапни эшитган заҳоти ичи бир ёнди-ю, бояги қайноқ чойдан катта бир ҳўплам ичиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Ичи баттар ёнди, куйди! Куйган оғзини кафти билан қаттиқ

босиб ўйлади, мана шу ўтиришдан кейин уйига боради, қиласы жанжални! Лекин жанжални сиполик билан қиласы. Менинг одамлардан қаерим кам? Менам шу янги матодан киймасам отимни бошқа қўяман!

Тўнғич фарзандлари — Умиджон бу йил тўққизинчи синфда. Кеча турмуш ўртоғи дўнғиллаб оловди. Болани қўшимча ўқитишларга ҳам бериш керак, сен эса янги олиб кийишдан чарчамадинг-чарчамадинг-да, пул сенинг пардоз-андозинг-у, мода орқасидан қувишингга етмайди. Эртани ўйлайсанми сенам бошқа аёлларга ўхшаб? Карима ўйлади: — Эй, зорланса, зорланавурсин, эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши! Одам дунёга бир марта келади. Кийганим, таққаним, еган-ичганим қолади!

Карима эрининг у ёғидан ўтди, бу ёғидан ўтди, охир ўша матодан олишга уни кўндириди. Эр чўитагини қоқиб-сүқиб бор йўқ пулини «Тўхта бир кўрай» учун чиқариб берди. Кечқурун ишдан чарчаб келган эрига ўша материалдан сотиб олганини айтиб, мақтаб кўрсатди.

— Ўхшатибсан, катта иш қипсан! Оддин бозорга чопибсан, энди ухлама, тикувчига чоп, ҳамишаги одатингни қилиб!

— Ундан кейин кийиб чиқишига, — деди қошини кешиб эрининг дашномини давом эттиришдан хурсанд бўлган хотини. Худди шундай қилди. Ундан кейин бўйи баравар ойнага қаради. Кариманинг фикрича, бу ёруғ дунёда Каримадан чиройли аёл йўқ! У фаришта. Фаришта ўзига муносиб кийимларни кийиши керак. Бу аёлнинг бориб етган тушунчаси шу холос. Кўшнисининг болалари Кариманинг болалари билан teng. Кариманинг битта одати яхши — қўшни болаларни жон-жон деб чақиради. Уларни пастга урмайди, устидан кулмайди. Айниқса, қўшниларнинг бири ёки қариндош-урувлардан бири оғриб қолса, албатта хабар олади. Кўшниси Тошхон оддий яшайди. Озгина пул орттиридими, болалари билан маслаҳатлашиб китоб сотиб олади. Уйларининг битта хонаси кутубхона. Кутубхонаси йўқ уй, эш камбағал уй ҳисобланади, деб санайди улар. Китоб ўқиб мутолаа қилган кишини энг бой одам деб билади, улар аниқ фанларни ҳам, маънавий фанларни ҳам ўрганишга

ўч. Чег тилларидан эса бир ёки иккитасини мукаммал ўзлаштириб боради.

Каримага эса бунақа машғулотлар бегона. Унинг хонаси китобга эмас, бир-икки кийиб, кейин ташлаб қўйилган қўйлакларга тўла. Тавба. Уларни яна қайтиб киймайдиям, бирорвга бермайдиям. Турган гашки, яна янги чиққан материаллардан олиб, тиктириб кияверади.

*Ўзимда турса оиним ачийди,
Бирорвга берсам, ичим ачийди.*

Мана шу мақол Кариманинг асл мақсадига мос. Ўзи ҳаммани жон-жон деб гапиради-ю, лекин биронта кийимини бирорвга кўзи қиймайди. Энг афсусланарлиси шуки, фарзандларининг дарс тайёрлашини тергамайди. Мактабдаги ота-оналар мажлисига она бўлиб ҳеч қачон бормаган. Қўшниси Тошхон эса мактаб ўқитувчилари билан ҳамиша алоқада. Болаларига қўша-қўша бўлмаса ҳам, борини ювиб-тараб, ўзларига дазмоллатиб кийгизади. Болалари ҳозир кўп ишларни уйда ўз қўлларига олган. Карима эса болаларининг қорнини тўқлаб қўйсам, яхши кийгизсам, ана шуни бола тарбияси деб ҳисоблайди. Фарзандлари қўлини совуқ сувга урмай катта бўлишяпти. Карима Эрининг яхши топиб келганига маст. Кеча у яна эрини алдаб-сулдаб, яхши гапириб пул сўради. Эмиш-ки, Ипподром бозорига «Шакар сепди» деган материал чиқипти, ўшандан олиб беринг, экан. Эр яна пул берди, чунки у кейинги вақтларда қулоғим тинчиса бўлди, дейишгacha бориб қолган. Навбатдаги гаш-гаштакларига у «Шакар сепди»ни кийиб келди. Уч метр наридан унинг юзига суркаган кремлари, уст-бошига сепган атирларининг ҳиди анқиб бораяпти. Икки қўлининг саккиз бармоғига ҳам узук таққан. Фақат бош бармоқларига тақмабди-да, эссизгина! Ўтирганлардан бири унга луқма ташлади:

— Бош бармоқларингиз ўгайми, нега уларга узук тақмадингиз?

Карима уялган бўлиб деди:

— Тақмоқчиидим, энди, унчалик бачканалик бўлмасин, дедим-да.

Ўтирганларнинг ҳеч эсидан чиқмайди. Олдинги сафар Карима бир кўйлак кийиб келганди. Кўйлагининг

этаги антиқа бичимда тикилған, этаги кенг-у, лекин у этак бир настта қараб кесилған, бир юқорига қараб кесілған.

Күйлакнинг насти — ҳамма тарафи айланасига шу кесимда давом этган. Эссызгина мато! Мабодо қишлоқдан келған бир киши бирдан уни күриб қолса борми, бу аёлнинг этагини аниқ кучук талаган, таласаям унча-мунча таламаган деб ўйлади. «Эсмиралда» деган телесериал кетаётган пайтларда яна бошқачароқ мато чиқди. Сотувчилар Каримага ўхшаганларни қизиқтириб, ўша маторнинг отини «Эсмиралда» қўйиши. Каримамиз ўйлади, агар шундан олиб киймасам, аниқ касал бўламан.

Унинг икки ўғли, икки қизи бор. Мактабга бориб келишади, ўқииди. Лекин улар қандай ўқияпти? Бу савол онани қизиқтирмайди. Карима ҳаммага оғир, вазмин бўлиб кўринади, юқоридаги ғалаёнлар эса унинг кўнглида кечади. Бир кийимлик мато олдими, уни олиб тикувчиға шошади, албатта «Срочно» тикинг, тикиш ҳақини қанча десангиз, бераман, дейди. Энди эса ўша кўйлакни кийиб чиқишига шошади. Унгача эригаям, ошхонагаям қарап Кариманинг кўнглига сифмайди. Ўзи қўшничиликка яхши-куя. Масалан, биронта ҳамсоясиникига меҳмон келса, албатта уйига бир пиёла чой ичишига чақиради. У ҳеч қачон бирорванинг фийбатини қилмайди. Фақат, шу янги кўйлак олиб кийишига қолганда суюги йўқ. Ана шу тарзда елдирим йиллар учуб ўтиб кетди. Энди Тошхон — Тошхон опа, Карима — Карима опа бўлди. Болалар эса вояга етди. Икки-учта кўйлагини тозалаб ювив, эплаштириб кийиб, тоғанини фарзандларининг ейиш-ичиши, ўқиши ва ҳунар ўрганишига сарфлаган Тошхон опа бугун бойбека бўлди. Тошхон опанинг турмуш ўртоғи эрта вафот этган эди. Опа қанчалик қийналмасин, бу тақдирни Оллоҳнинг синови деб билди. Рўзгорни тебратиш ва болалар тарбиясига жуда ҳушёр турди. Унинг ҳаракатлари зое кетмади. Катта ўғли Эркин муҳандислик йўналиши бўйича ишлаб чиққан лойиҳаси билан халқаро конкурсда қолиб чиқди. Уртанчаси Беркин эса тенниис ўйинида ғолиблик шоҳсупасига чиқди. Кенжаси Бахтиёр мусиқа шайдоси. У бир неча марта халқаро танловларда биринчиликни олди. Шундан сўнг уч ака-ука маслаҳат-

лашиб, мукофот пулларига енгил машина олишга қарор қилишди. Машинани сотиб олган куни Эркин ойижонин машинага ўтқазиб, янги чирой очган азим шаҳар — Тошкентни айлантириб келди. Тошхон опа Карима опалар билан эшикма-эшик қўшни эмасми, Эркин уйларига етай деганда машинани жуда секин-аста ҳайдади. Кечки салқинда дарвозасидан чиқиб турган Карима опа «Тўхта, бир кўрай машинангни, Эркинжон», деганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Ўтилинг машинага, опа, сизни ҳам бир оз айлантириб келаман, — деди Эркин. Карима опа машинага ўтириди. Икки она ярқираган машинада шаҳарнинг шоҳ кўчасини айланиб келишди. Карима опанинг эса ичи тўкилиб кетди. Боя ўзи, тўхта бир кўрай машинангни, деганида юраги алланечук бўлиб кетувди. Машинанинг нафақат ташқариси, балки юмшоқ ўриндиқларига ҳам шунаقا ҳаваси келди-ки, Карима опанинг.

— Раҳмат, Эркинжон, яхши кунларга ҳайдагин машинангни, — деди машинадан тушаётиб. У уйга киргач, кўнгли ёмон чўқди. Икки қўли билан бошини чанглаб ўтириб олди-да, ўлади: менинг болаларим мактабни қандай битирди, қизиқмапманам. Мана, ҳозир уйда. Юришади нари бориб, бери келишиб. На қўлларида бир ҳунари бор, бирон жойга ўқицга кирайлик, деб ҳаракат ҳам қилишмайди. Қоринлари очқолса, овқат сўрайди — топган, ўрганган ҳунарлари шу. Бу кўргиликка ким сабабчи? Боя Эркинжоннинг машинасини тўхтатганида бир вақтлар «Тўхта, бир кўрай» деган материални сотиб олишга ошиққани эсига тушиб юраги «шувв» этиб кетувди. Ана шу атама Карима опанинг бошига қаттиқ ўрнашиб қолди ва беихтиёр шифонерни очди. Шифонерни ёриб юборгудай қатор, тиқилинч илинган кўйлакларига кўзи тушди. Эҳ-ҳе! «Тўхта, бир кўрай» дейсизми, «Эсмиралда» дейсизми, «Шакар сепди» дейсизми, атлас кўйлаклар — «Намозшом», «Саккиз тепки», «Хосиятхон», яна ким қанча туркча шифон ва адраслар, яна қимматга тайёр сотиб олингану, бир кийиб, кейин киймай илиб кўйилганлари қанча! Карима опа бу топилмас матоҳларга қанча қараса, шунча хўрлиги келди, эзилди.

ТАНХО ГУЛМАН, ТУРФА ГУЛЛАР ИЧИНДА

ГУЛСАФСАР

Шу гул ҳар қўклам очилганида, мен уни нафармон рўмол ўраган гўзалга ўхшатаман. Кўйлаклари тип-тиниқ, ним яшил, рўмоли эса бинафша гулининг ранги. Қараб қувонмай бўладими? Яйрамай бўладими? Йўқ. Нега? Чунки мен шу пайтда тенги йўқ, яна тенги йўқ улуғдан-улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини эслайман.

Гулсафсар — бир саф бўлиб турган гуллар ёки уйнинг чор атрофида айланиб сафланиб ўтирган маҳлиқолар, буларни кўриб юрагингиз ҳаприқиб, бўлмайсизми маҳлиёлар?! Бири қўйиб, бири сайрайди хушхон, хушсурат булбулигўёлар. Чилдирманинг қарс-қурси, дуторнинг ўйноқи, авжли садолари, халқ артисти, машҳур қўшиқчи Раҳима Мазоҳидованинг янратиб куйлаган «Омон ёр»и, ўртада навбатма-навбат рақсга тушаётган қизларнинг чиройли қўллари бир жуфт қаштарга ўхшashi балки эмасдир рўёлар? Йўқ, рўё эмас, рост. Рост. Энди эслагандирсиз «Ўткан кунлар»нинг қайси бобидан ҳайратланганлигимни? Бу — Кумушнинг тўйидан, қизлар мажлисидан!

«Қизлар мажлиси — гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси! Бу уйда — Кумушбибининг тоғасининг уйида қизлар мажлиси, гуллар мажлиси! Агар бу уйга кириб бу мажлис аъзоларини бир маротаба кўздан кесирсангиз, ҳозирданоқ айтиб қўйиш мумкини, албатта, эсингиз чиқиб кетар:

— Бу гулми кўҳлик? Йўқ наргиси? Ундан кўра буниси? Барисидан ҳам ўтаси! Ана шундай қилиб эсдан ҳам ажрасиз, гул танлашда бир қарорга келолмай эл ичиди кулгига ҳам қолурсиз, расво ҳам бўлурсиз».

Бу парчанинг давомини қанча келтираверсам, шунча сехрли, завқли ва оҳанграбо!

Гулсафсарга келсак, айтмоқчи бўлган асосий гапим,

үтінчим — бу ўткинчи фоний дунёга бир марта келамиз. Умр у ёғдан-бу ёққа қарагунча ўтиб кетади. Гул экинг, гулсафсар экинг. Мәхр бериб, мәхнат қилинг, ундан завқ-лантира олинг! Йүқса, умр увол-а...

ЯЛПИЗ

Болалигимда аниқ билардим, феврал охирларида, учтүрт кун қүёш күріндими, бўлди, ўша ариқ бўйида эриб битмаган бўлса ҳам, албатта, шу қор тагида ялпизнинг уйғониб қолишини! Эринмай шошиб-пишиб қўлқопсиз қўлларим билан қорни суриб-суриб ташлардим. Интиқ кўзларим билан тикилиб-тикилиб қаرارдим ва топиб терардим, ҳеч бўлмаса олти-еттитагина ялпизни! Эндиғина жонланган, бош тарафи нафармон бўлиб, бўртиб япроқ ёзишга чоғланган. Ўшанда мактаб ёшига ё етган, ё ст-маганман. Юзларим, қўлларим қип-қизил бўлиб совуқ қотгани билан парвойим ҳам йўқ, энтикиб, юрагим ёрилгудай севиниб, кафтигма қисиб олиб келиб берардим онамга, ўша ялпизларни.

— Совқотмайсан-ов, қизилтумшурим, — деб мени суюб қўярди онам. Ялпизни кўзларига суртиб омонлик-сомонлик қилгач, уларни ювиб, тахтачадан ничоқ билан чопиб-чопиб овқатимиз юзига бир чимдимдан сепиб берарди. Қишлоқда биринчи бўлиб, ялпизни биз ўзимиз едик деб, теримизга сиғмай мақтанаардик болаларга. Эндиғина жонланган ялпизни тўйиб ҳидламабсиз, дунёга келмабсиз!

Ҳар сафар қишлоғимизга борганимда, қишми, ёзми менга фарқи йўқ, ёшлигимда уйимиз яқинидан ўтган ариқ бўйидаги қорни қўлчаларим билан очган ўша жойга бир-нас бориб тураман. Ўйлайман, шаҳарлик болалар қишлоқнинг ана шундай онларини, ариқлардан сувларининг шошиб оқишини, сувлар устида олмаларнинг қалқиб боришини, қовун-тарвуз, сабзи-шиёз экилган полизларни кўрганда уларнинг баъзилари қовун-тарвузлар дарахтда ўсиб, мева беради деб тушунишмасди, албатта.

Энди уйга қайтай деб ортимга қарасам, орқамдан ариқ бўйига онажоним ҳам келиб турган бўлади. Ўшанда бирдан онамнинг ҳам ёшлигини, юзини чертса қон томгулик қизиллигини, сулувлигини, мәхнат қилиб чарчаш

ниманын билмаганларини эслайман. Ҳозир эса унинг оппоқ сочларига, энгалибина турган қаддига, кичрайиб қолган гавдасига, ёш боладай беғубор, самимий ва шу билан бирга нақадар доно эканлигига тан берман. Лекин... лекин онамнинг кексайиб қолганига, йиллар югуриб кетганига ачинаман, бироқ бирдан кўнглим ёруғ тортади. Ахир онамни саксонга етказганига, менга эса саккиз-тўқиз набиралик, бувилик баҳтини баҳш этган тангримга беадад ҳамду санолар айтмай бўладими?

Ариқ бўйларида юриб санасам, ялпиз ва бинафшадан ташқари, қарийб йигирма хил гиёҳлар барқ уриб ўсиб ётибди. Турган гапки, уларнинг ҳар бири бирон-бир дардга даво.

Қизиқ, инсон туғилади, яшайди, ерга, одамларга меҳр беради ва умри тугагач, шу ер бағрига ботади. Келажак авлодни асраш, авайлаш, унга завқ бериш, шифо бериш учун безовта бўлиб, доривор ўтлар бўлиб қайта туғиладимикан улар?

Табобат илмидан ҳам яхши хабардор, азиз шоиримиз Зокиржон Фурқат:

*Мұхаббат дардида ўлсам, бутун, умрим адo бўлгай
Қамишлар ўrniga меҳригиёҳ унгай мозоримдин,*

деб бекорга ёзиб қолдирмаган-ку. Табиий ўтлар ва гулларни асраб, авайлаш, улар ҳақида ўқиб ўрганиш ва уларга меҳр бериш нақадар савоб.

РАЙХОН

Ҳар куни эрталаб туриб, ҳовли супуришдан олдин, ям-яшил ва тўқ нафармон бўлиб, ўсиб, яшинаб ётган райхонларимга сув сепаман ва уларнинг шохчаларини қўлларим билан у ён, бу ёнга қўзғаштириб юбораман. Бутун ҳовлини қадрдон гулим — райхон ҳиди тутиб кетади. Мана шу севимли машғулотни келиним ҳам одат қилиб олган. Райхон бутун тан-жонимни, дилимни яиратиб юборади, лекин ўша пайтда райхоннинг ўзи ҳам бизга бир ширин эркалангандай бўлади.

Иzzатли ўқувчим, кўнглимдагиларнинг давомини ёзиш мен учун ҳам, қаламим учун ҳам оғриқли, жуда оғриқли.

Чунки ҳар сафар райхонга кўзим тушганида, аввал боягидай бир завқ оламану, сўнг самарқандлик тарихчи олим Амриддин Бердимуродовнинг «Амир Темур қабрининг очилиши тафсилотлари» ҳақидаги мақоласи беихтиёр ёдимга тушади.

1941 йил. Ўшанда жуда мустаҳкам ёнилган қабрни очишнинг ўзи жуда оғир, қора меҳнат бўлган ва бу тарих кечира олмайдиган, атайлаб қилинган жиноят ҳисобланади. Олимнинг ёзишича, саккиз қават тобутни жуда катта куч ва анча вақт сарфлаб очишган. Амир Темур сафанасининг ҳар қавати ҳар хил жисмлардан, яъни мармар, бронза, платина, кумуш ва бошқа қаттиқ материаллардан ишланган экан. Энг ички, саккизинчى қават очилиб, Амир Темур жасади кўриниши керак бўлганда қабр атрофида тик турган комиссия аъзолари академиклар Қори-Ниёзий, Садриддин Айний, москвалик олимлар, кинооператорлар ҳамма-ҳаммаси бирданига сесканиб, орқага тисарилганлар. Ўшанда мўъжиза рўй берган, бобомиз қабри ичидан бутун мақбара биноси ичига шундай ёқимли, хушбўй таралганки, комиссия аъзолари беихтиёр бобомиз Амир Темур бошларига шошиб келиб, у кишининг қабрларини (лаҳадларини) қуршаб олишган. Бобомизни сўнгги маконларига қўяётгандарида хушбўй ҳидли гиёҳларни қуритиб азиз саркарданинг ён атрофларига сочган эканлар. Ўша ўтлар ичida қуритилган ялпиз ва райхонларни йўқ деб ўйлайсизми? Албатта, улар ҳам бўлган. Раҳматли шоир ва драматург Машраб Бобоевнинг:

*Бир тутам райҳон
Қовжираб ётур,
Аммо у ҳамон
Таратур атир,*

деган сатрларини эслаб Амир Темур бобомизнинг ўзларини ҳам райхонга ўхшатгим келади. Чунки қуритилган гуллар ва гиёҳларниң ичida райхон бўлакча. У ўсиб, яшнаб турган пайтда қандай ҳид таратса, қуриганидан кейин ҳам худди шундай кучли ва жуда ёғимли бўй таратади.

Ҳозир Темур бобомизнинг барча хислатларини ўр-

ганишга дунёдаги барча халқларнинг қизиқиши янада ортаяпти. Ҳар бир халқнинг ёзувчилари, олимлари бобомиз ҳақида ўз тилларида ҳавас ва ҳайрат билан ёзишаётти. Ҳарбий олийгоҳларда, ҳарбий ўқув юртларида қондош бобомизнинг буюк саркардалик сирларини ўрганаяптилар. Бу — мақтаниш эмас, лекин биз — оналар фарзандларимизни улуғ ўтмишимиизга муносиб этиб тарбияланимиз албатта, керак. Шундай қилмасак, буюк оналикнинг нима маъниси қолади?

БИНАФША

Февралнинг охирлари эди. Икки-уч кундан бери ҳаво исиб, қорлар эриб, ер очилиб қолувди. Бугун эрталаб ташқарига чиқсан, шунаقا қора совуқки! Изғирин. Ер музлаган. Кўлмак сувлари ойнага ўхшаб қотиб қолибди. Бирдан ўтган йили кўчат қилиб ўтқазганим — бинафшага кўзим тушди. Шундай кескир совуқдаям шамолда титраб очилиб турибди. Нафармон бўлиб, нозик бўлиб, нозли бўлиб, хушибўй таратиб. Уни узгим келмади. Қайси журъат билан юламан? Қаҳратон совуқнинг кучи ҳамма (бақувват) нарсаларни музлатишга стибди-ю, шу нозик гулга етмабди. Гўзаллик, ҳаё, бардош тимсоли баҳор элчисини энгашиб тавоф қилиб, уни ердан узмай ҳидладим. Исини! Шу исни бутун дунёга улашиб чиққим келди.

Бинафша! Нафармон гулларининг шоначаларига тўймай тикиламан, шундай мусаффо, шундай покки улар! Музламабсан, аёзниңг кучи етмабди сенга. Покликни, гўзалликни ким йўққа чиқара олибдики, аёз йўққа чиқара олсин!

* * *

Биз бинафшани баҳор элчиси ҳисоблаб, фақат эрта баҳордагина очилади, деймиз. Ундай эмас экан. Мен бинафшаларимни қуёш тикка тушадиган жойда ўстирдим. Уни ёзми, кузми ўз вақтида суғоришдан эринмадим. Мана бугун кузнинг бошлари. Сентябр ойи. Эрталаб ҳавас билан маза қилиб бир тўп бинафшиа гулини териб олиб, ўзига мос чиройли сувли идишига солиб қўйдим. Албатта, аввало уни тўйиб-тўйиб ҳидладим. Худди у: «Сен

мени парвариш қылдинг, меҳр бердинг, менинг ҳам ўсиб-униб, топган-тутганим, гулим ҳам, исим ҳам, жоним ҳам сенга садақа!» — дегандай бўлди. Яна меҳр ҳақида ўйлаб қолдим. Сен энг иссиқ, энг ёқимли, энг қиммат ва энг арzon неъматсан, Меҳр! Бошинг тошдан бўлсин, Меҳр!

* * *

Неварамнинг баданига тошма тошиб кетди. Болам бечоранинг ҳамма жойи қичипганидан ўзини-ўзи юмдалаб ташлади. Раҳмим келганидан чора излай бошладим. Врачга олиб бордим. Аллергияга қарши дори ёзиб берди. Дорини ичса тошма йўқолади. Вақт ўтиши билан яна шу аҳвол. Қишлоғимизда Ўлмас холамиз бор. Ўлмасин-да, шу Ўлмас хола. Шу кишига нсварамни олиб бордим. Кўрди-ю:

— Гулафшан чиқибди, ҳов ана, ариқнинг бўйидан гулафшани баргларини териб кел-да, қайнат. Сувини жиллигина (илиққина демоқчи) қилиб чўмилтириб-чўмилтириб ол, шу қайнатмангдан болага ичказиб-ичказиб жубар. Лекин мен айтимма, шуни қи!.. Эшитдингма?! — деди.

— Жоним билан, бўпти хола, — дедим-у уйга шошим. Худди шундай қилдим. Икки-уч кун ичиди боланинг баданида ҳеч нарса қолмади. Шундай енгил тортдимки! Беихтиёр Саида Зуннунованинг:

*Жаҳон менинг бағримдами.
Ё мен жаҳон бағрида?*

деган сатрларини қайта-қайта такрорладим. Ҳақиқатан ҳам, неварамнинг соғлиги менга тенги йўқ баҳт эди. Бу қувончга ким ва нима сабаб? Ўйлаб қолдим. Ўлмас хола бу дарднинг номини нега «Гулафшан», яъни бинафша деди? Демак, илгари халиқ табобатида бир дардга қайси гиёҳ дори бўлса, шу касалликнинг номини ўша ўтнинг оти билан атаган. Қаранг, ота-боболаримиз, момоларимиз қанчалар доно бўлишган!

Бизлар қишлоқда ўсганмиз. Ариқ бўйларида тўлибтошиб, яшиаб ётар эди бинафшалар. Энди шаҳарда айрим жойлардагина фақат тул ўрнида маълум қолипга, яъни тартибга солиб экилган бинафшаларни кўрамиз.

Ариқ бўйларида ўзлари хоҳлаганча эркин, баъзи жойларда қалин, фуж-фуж бўлиб, баъзи жойларда сийрак ўсиб очилиб ётган бинафшалардан бошқача завқ оласиз. Табиийликка нима етсин!

ГУЛХАЙРИ

Онамнинг онаси — Икромой энам ҳамма вақт оппоқ кийинарди. Жудаям меҳрибон, хушсурат эди. Оппоқ кийингани учунми, энамни оппоқ гуллайдиган гулхайрига ўхшатардим. Қишлоқда энамни «Икромой хола — одамнинг жонидай аёлда», деб яхши кўришарди. Гулхайнинг ҳамма гуллари — пастидан баландигача чор атрофга бир хил тарзда очилиб гуллаб яшнайди. Энамнинг барчага бирдай хушмуомалада бўлғанлигини гулхайрининг ана шу хислатига ўхшатаман. Энам ҳам чевар эди, ҳам чизмакаш эди. Кечалари қамишни йўниб, ундан қалам ясарди. Ундан суюқ қоришма тайёрлаб, шу қоришма билан гул чизарди. Оқшомлари шам ёки чироқ ёруғида катта-катта кашта, зардевор, ёстиқ ва ойнахалта матоларига гуллар чизарди. Энам чизган гулларни қизжувонлар жон деб ҳавас билан тикишарди.

Энам томорқада ишлишни ҳам яхши кўрарди. Ўғиллари, набиралари ерни ағдариб, жўяқ олиб берса бўлди, ҳандалак, қовун-тарвуз, сабзи-пиёзни ўзи экаверарди. Қовун-тарвузлар икки қулоқ бўлиб ўсиб чиқдими, кетмончаси билан уларнинг тагини юмшатаверарди. Энам кетмончасини ҳар кўтарганида кетмончаси қуёшда ярқираб кетарди. Мен ҳам эккан нарсаларимни парвариш қилиш учун кетмонча сотиб олиб куймаланиб юраман, жуда истайман кетмончамнинг ярқирашини. Биронтаси ярқирамайди. Ёки энамдай ерга кетмон уришни билмаганимданми?

Энам томорқанинг энг чеккаларига, уватларга гулхайри экарди. Гулхайри одам бўйи ўсиб, яна ёнверига қараб кўпайишиб кетаверади, щунинг учун бу гулни ҳовлидан узоқроққа экканларинг маъқул, дерди. Энамнинг гулхайлари ҳар хил рангда очиларди.

Энамнинг турмуш ўртоғи — Нодир катта отам, яъни бобом ўттиз ёшдан ошганларида ёғоч ўймакорлиги бўйи-

ча катта уста бўлган эканлар. Ўзи ўйиб гул солган баланд устунларни ишлатиб, ўзларига уй, айвон ва икки қаватли шийпон қурган эканлар. Катта майдонли ерлари бўлиб, ундан чиқсан ҳосилни шу ерда ишлаганлар билан бўлиб ер эканлар. Мол ва қўйларининг ортиқчасини ночор яшайдиган кишиларга бериб, сигирларни боқ, соғиб бола-чақсанг билан еб-ичавер, — дер эканлар.

Кунларнинг бирида шу қишлоқлик бир киши: «Нодир ака, сизни мажлисга чақиришайпти», — деб келган. Мажлисга кетган бобом қайтиб келмаган эканлар. Кейин билишса, бобомни сен бойсан, Совет даврида бойларга ўрин йўқ, — деб қулоқ қилиб юборган эканлар. Бобомнинг ёш болалари, ўттиз ёшга ё етган, ё етмаган Икромой энамнинг кўзи олдида шапка ва чарм костюм кийган кишилар келиб бобомнинг ўз қўллари билан, ҳавас билан қурган уйларини шу қишлоқлик йигитларни қўрқитиб уларга буздирган эканлар. Онам — Ҳикматой аянинг айтишича:

— Эс, эс биламан, кичкина қизча эдим. Узун, бақувват арқоннинг бир учини отам ўрнатган устунларга маҳкамлаб боғладилар, бир учини эса отамнинг отлари бўйнига боғладилар, отларимизни куч билан аччиқ қамчилаганларида отлар қаттиқ кишинаб қочишга интилганда устунларимиз бирин-кетин йиқила бошлади. Ҳовлимиз четида биттагина ҳужрамиз қолди, холос. Отамизни соғинганимиз, ундан батамом айрилганимиз етмагандай, яшаб турган жойимизни ҳам хонавайрон қилишди.

Ўшанда ҳам биз томорқамиз четларига гулхайри экишни канда қилмадик. Йиғлаб-йиғлаб бўлса ҳам экканмиз, чунки отам шу гулларни яхши кўрарди.

Икромой энам шундай деганлари ёдимда:

— Ўғлим Бердиқул: Она, отам қургандай ўйма гулли устунларни ясай олмасам ҳам, баланд, ҳаводор, чиройли иморат қурамиз, икки қаватли шийпонни ҳам қайта қурамиз, деб турганида, иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Ўғлим вояга етиб, уйимизда эркак бордай бўлиб, эндинга кўнглим ўсиб бошлаганида боламни урушга чақиришди...

Уч йилдан кейин бир кўзидан ўқ еб, ногирон бўлиб қайтиб келган йигирма бир ёшли йигит — тоғам бутун қишлоққа ғамхўрлик қилган. Урушга кетишдан олдин

онасига олиб бериб кетган икки ғунажин туғди, уйда сут, қатиқ, қаймоқ бор, бошқаларда эса шу ҳам йўқ. Ана шундай кунларда оз бўлса ҳам бундой учини, сут-қатигини қишлоқ билан бўлишиб еди. Уддабурон тоғам ёш бўлса ҳам яхши иморатлар қилди, қўралари қўйга тўлди. Икромой энам яна илгаригидек ҳалол, бой-бадавлат оила бўлиш удумларини давом эттириди.

Онамлар уч фарзанд — икки ўғил, бир қиз бўлишган. Менинг онам турмуш қуриб, уч-уч ярим йилгина эри билан ширин ҳаёт кечирган, отам Абдуқулжон тўсатдан касал бўлиб, вафот этган. Онам Ҳикматой биттагина фарзанди — мен билан қолган.

Энамни эса ҳаётнинг зарбалари пишириб ташлаганими, ўғлига ўқтам-ўқтам бўлиб сўзларди.

— Бердиқул, ҳозир ёз, ҳаво куйиб бораётган бўлса, Сайёрага қишлиқ этик олибсан? Ҳали қиши қаёқда, гап қаёқда, — деса, тоғам:

— Қиши келгандан кейин «Отам тирик бўлганида этик олиб беринг, деб айтардим, энди тоғамга айтишга мажбурман», — деб ўйлашгача олиб келмай, этигини тайёрлаб қўяй, дедимда, — дерди.

Ўша йилларда тоғамнинг менсиз ҳам харажати кўп эди, олти-еттита боласи бор эди. Лекин ҳамма вақт: «Мен — эркак киши, мен — оила бошлиғи», — деб ўзининг руҳини баланд тутиб юрарди. Қишлоқ оқсоқоллари олдида ёш бўлса ҳам бош эди. Тўйларда аёллар: «Бу хола — Бердиқул аканинг энаси», — деб алоҳида ҳурмат билан энамни тўрга ўтиришга мажбур қилишарди. Шуларни эсласам, халқ қўшиқларидан бири эсимга тушади:

*Тўрадай ўғил ўстирдим,
Тўрларда жойим менинг.
Бебаҳо бек ўстирдим
Беҳиштда жойим менинг.*

Энамдан сўрардим:

— Эна, фақат менинг тоғаларим яхшими ёки ҳамманинг тоғалари ҳам шундай яхшими?

— Сенинг тоғангдай тоғалар бор бўлгани учун ҳам: «Битта тоға еттита отанинг ўрнини босади», деган мақол бор-да, болажоним, — дерди.

Йиллар ўтди, Икромой энам мен ўн беш ёнига кирганимда вафот этди. Бердиқул тоғам етмиш икки ёшида бу дунёни тарк этди. У кишининг аёли — ўн фарзанднинг онаси Азор хола ҳам ҳовлини турли гулларга, томорқа четларини эса гулхайриларга буркаб, яшаб ўтди. Яқинда тоғамнинг келинини бир тўйда кўриб қолдим.

— Сайёра она, бизникига нега бормай кетдингиз? Ўзингиз ўйнаб катта бўлган ҳовлини қўмсамайсизми? Болаларим катта ота, катта эналари ҳаёт вақтидагидан ҳам кўп, ундан ҳам чиройли гуллар экишади, борсангиз, кўриб бир ёзилиб, яйраб келасиз-ку?

— Бориши-ку осон, лекин ота-бона тоғамларнинг ўрни ёмон билинади-да, унга қандай чидайман?

Ўзимни тутиш учун гапни бошқа ёқقا бурдим:

— Айтгандай, ҳалиям гулхайри экасизларми?

— Бўлмасам-чи, уйимиздан, элатимиздан хайр-бара-ка аримасин, деб албатта гулхайри экамиз, она. Ўнилла-рингиз, келин, набираларингиз билан икки-уч кунга ке-линг, бу йил эрта пишар ҳандалакларимиз роса бўлган, ўзлари узиб, пайкал ичиди еб, бир хуморидан чиқиши-син, шаҳарда қисишиган болалар! Қўзичоқларимиз ҳам кўп. Шаҳарлик болаларга чиройли қўзичоқларни томо-ша қилиш гаштли-да, жуда. Ундан сўнг, ола, болалари-миз, набираларимиз ёшлигида бир йилда бир марта бўлса ҳам биргалашиб ўйнаса, катта дараҳтларимиз соясида бир қур бўлиб овқат ейишса, вояга стишганда бир-би-ларига меҳр-оқибатли бўлади дейман-да. Ўзбек уй қура-ди, тўй қиласи, шундай пайтларла келгусида болалари-миз — оға-инилар бир-бирини қувватлаб, бир-бирига ёрдамлашиб туришса қандай ярашади. Шундай гаштли вақтларда бизларнинг улардан қувват олганимизни айт-майсизми?

Мен эса шу пайт баҳшиёна шоиримиз Тўра Сулай-моннинг қуйидаги сатрларини беихтиёр бериллиб айтдим:

*Қўралари қўйли, уйлари тўйли,
Фуқаросин кўнгли Тингритог бўйли.
Багри кенг султони хайрли қўлли
Бу ота макондир — бу она юртдир.*

Бизнинг сұхбатимизни түйда кузатиб ўтирган момолар дуога қўл очиши:

— Илоҳим ҳамманинг ҳам хонадони ана шундай хайрбаракали, меҳр-оқибатли бўлсин!

Фарзандларни, қариндош-урукларни бирлаштириб турувчи оҳанрабо — бу кексалар экан. Улар дунёдан ўтгач, биз ёшлар ҳаммамиз ўз оиласиз, иш жойимиз юмушлари билан бўлиб кетамиз, ҳатто бу оддий гапдай, шундай бўлиши керакдай деб ўйлашгача бориб қолганмиз. Тўй ёки бирон бир маърака сабабли йиғилишиб, кўришиб қолмасак, тўпланишга умуман шошилмаймиз. Тўғри, ҳамма ҳам ўз иш соатлари, ўз оиласининг кечиктириб бўлмайдиган ҳар кунги юмушлари билан банд.

*Отадан олтov бўлсанг,
Ўз уйингга ёлгизсан,*

деганлари рост. Лекин, ўйлаб қарасам, бизлар, фарзандларимиз, набираларимизнинг катта бувиларини суриштириб борсак, ҳаммамизники битта она бўлиб чиқади. Қанчалик яқинлик, бир томирлик!

Ўрта ёшдаги баъзи кишиларнинг:

— Бир кўрпанинг тагида ётиб катта бўлганмиз, бир-бири миздан ҳол-аҳвол сўрамасдан туролмаймиз-да, — деганларини эшитиб қоламиз. Мана, меҳр-оқибатнинг томирлари қаерда.

Аввал Икромой энам вафот этди. Бердиқул тоғам, аёли Анор холам ҳаёт пайтларида ҳаммамиз шу кишилар атрофида айланардик. Ҳаёт шу экан, улар бирин-кетин дунёдан ўтиб кетиши. Ҳеч вақт ўтмай, улар билан бирга яшаган ўғиллари Адҳам тоғам эллик икки ёшида оғир касалликдан вафот этди. Еттита бола билан катта даргоҳда келин ёлғиз ўзи бош бўлиб қолди. Келинга оғир бўлди, жуда оғир бўлди. Ҳамма нарсанинг давоси вақт экан. Унинг етти боласи етилиб, икки ўғли ганчкор уста, бири ички ишлар ходими, бошқаси фермер ва бошқа касбларни эгаллашди.

Мана, қарабсизки, келин ҳам балки шу уйдан турмушга чиққан қизларни, амаки ва тоғаларни вақти-вақти билан ҳовлисига чорлаб турадиган хушчехра онага айланди. Бир неча набираларнинг бувиси бўлди. У чин

кўнглидан бутун оға-иниларни бирлаштириш мартабасига эга эканлигини ҳис қилди. Қани эди, ҳамма келинлар қайнона-қайнотасининг кўзи тириклигидәёқ ўша мартабасига муносиб иш тутиб, кексаларни ризодан-ризо этса.

Тоғамнинг келини Хосиятнинг жон деб ҳовлисига айтган таклифидан кейин беихтиёр биз кўрмаган, йигитлигидәёқ нобуд қилинган Нодир бобом, қадди-басти худди оппоқ гуллайдиган гулхайрига ўхшаган Икромой энами эсладим. Уларнинг руҳи хурсанд, бизни енглари билан елпиб, қўллари билан қўриб тургандай бўлди.

ХИНО

Оёғ-қўлларимнинг тирноқлари атрофида майда ёриқчалар пайдо бўлиб, ачишиб азоб берди. Врачларга анча вақт қатнадим. Уларнинг ёзиб берган ҳар хил «мазъ»ларини суркаб кўрдим. Ҳеч фойда бермади. Қўшнимиз Ойтўти хола бир куни деди:

*Ёрамазон айтган билан тўямизми?
Бурунгининг нисбатини қўямизми?*

— Ўқиганмиз, замонавийлашиб кетганмиз, деб керилишларинг ҳеч ерга сифмайди. Бурунгиларнинг айтганларини қилмадингми, Оллоҳнинг ўзи йўлини топиб ўтган аждодларимизнинг қуйма, қайирма қоидаларига муҳтоҷ қилиб, эслатиб қўяверади, — деди.

Ойтўти холанинг маслаҳати асосида ўша гул ўрнида ўзим ўстирган бел баравар хиноларнинг бир тупини тагидан кесиб олдим. Уни совуқ сувда яхшилаб ювиб, суви селгигунча бир-икки соат тоза мато устига ташлаб қўйдим. Сўнг уни гўшт кунда устида чопқич билан майдалаб чопдим. Унга туздек майдаланган аччиқтошдан билинар-билинмас сепиб, аралаштиридим. Хино тўппасидан олиб, кафтимни тўлдириб қисмладим. Мушт бўлиб жамланган бармоқларимнинг тирноқлари устини ҳам хинонинг чоппаси билан қалин қилиб қоплатиб, укамга икки қўлимни тоза, ювилган эски латталар билан ечилиб кетмайдиган қилиб, ўраб бойлатиб қўйдим. Оёқларим тирноқлари устига ҳам хино қоплаб, шу тарзда бойлатдим. Уч-тўрт соат ухлаб қолибман. Қўл-оёқларимни очиб юв-

дим. Кафтим ва тирноқларим атрофига хино шунақаям эниптики, бунақа рангни ўз бағрида хино ўстирган ер, фақат она еримиз ва бобо қүёшгина ижод қила олади. Қызыл бўлиб қизил эмас, тўқ сариқ бўлиб сариқ эмас. Қуёш ботаётганда уфқдаги оловдек ёлқин ранг десамми! Бирам кўзим қувонди, кўнглим ўсди. Уч-тўрт кун ичида қўл-оёқларимдаги яра-чақалардан ном-нишон қолмади. Яраларим-ку тузалди-ёв, лекин энди Ойтўти ҳоланинг бояги айтган байти менга тинчлик бермай қўйди.

— Хола, — дедим, — тунов кунги айтган байтингизнинг иккинчи қаторини тушуниб олмоқчийдим: «Бурунгининг нисбатини қўямизми», дегунча, «тартибини ёки одатини қўямизми», десак бўлмайдими? — дедим ўзимча шу байтга сайқал бермоқчи бўлиб. Хола бирдан сергак тортди. Ҳар бир сўзини михлангандай қилиб дона-дона гапира кетди:

— Ойна, (айланайин десмоқчи) бурунгининг нисбатини дегани, бу бурунгиларга нисбатан яна ҳам диққатлироқ бўл, пишиқ-пухта, фикрла, миянгни чақнатиб ўқи, ишни ундири, гапни дўндири дегани, оловини чиқариб гапирсанг-гапир, бўлмаса, қўй! — дегани.

Ичимда: — «Хом, бўш савол бериб, бошимниям, энсамниям қотирма, дегани», — деб қўшиб қўйдим қизарив.

Бутун ўқиш ҳам, иш ҳам компьютерлашиб, ашпаратлашиб кетди. Бусиз мумкин эмаслигиниям тушунаман. Лекин биз китоб ўқиб, китобнинг ҳар варагини ўқигач, тўхтаб туриб шу ўқиганларимизни фикримиздан қайта ўтказиб мутолаа қиласаймизми? Тафаккуримизни чархлаяпмизми? Ота-боболаримиздан мерос қолган термалардаги ҳар бир оддий сўзларга сингдирилған маъно ва мақсадни тушуниб ста олаймизми? Йўқ! Яна йўқ. Ўқида, ишда ҳаммага, ҳатто бутун дунёга ибрат бўлиб, барчаниш кўзига оловдай кўринаётган ёшлиаримиз бор, лекин уларнинг сони кўпайса ёмонми? Мен эса оёнимнинг тагидағи, ўзим меҳр билан ўстирган хинонинг шифобахшлигини тирноқларим атрофини яра босгунча, яъни бошим деворга бориб урилгунча билмай юрган эканман. Шунчалик «културнийлашиб» кетган эканмизки, хинонинг туллигини билар эканману, аммо унинг шифобахшлигини ҳамда қўл ва оёқ

тириоқтариға оро берувчи гиёх эканлигини билмас эканман. Хинонинг бир феъли ёқади менга, бир гуллашни бошладими, кеч кузгача гуллайверади!

Ойтўти хола неварам Ҳилоланинг сочига ҳавас қилиб яна бир нарсани ўргатди: бир туп хинони гўшт қиймалагичдан ўтказиб, уни докадан сузуб олиб, сувини Ҳилоланинг бошига чаплаб, бир-икки соат рўмол ўраб қўядиган бўлдим. Бир дам олиш куни хинога, навбатдаги дам олиш куни эса ўсма шарбатига. Ҳилола айтади:

— Эна, мен мана шу ёрдамларингиздан кейин билдим, одам фақат оғзи-бурнидан эмас, бутун бош-оёқ баданидан нафас олар экан, сиз бошимни хинолаб, ўсмалаб ювганингиздан бери бошим бир ҳафтгалаб роҳат қилади, ўзимни қушдай енгил сезаман, фикрим тиниқлашиб, ўқиган, эшитганларим миямда қуйма бўлиб қолади.

Яна ўйлаб қолдим. Тарихимизда шу кунгача ижод қилиб ўтган улуғларимиз хино ҳақида қанча-қанча сеҳрли байтлар ёзиб қолдиришган. Биз уларнинг қанчагинасини биламиз? Менинг билганим фақат Зокиржон Фурқатнинг:

*Ўлдуриб ташланг ани қўйига эй аҳбоблар,
Итлари тирногига, бўлсун хино қонум менинг.*

Буниям исга биламиз? Ҳофизларимиз деярли ҳар ҳафта қулоғимизга қўшиқ қилиб айтиб, миямизга қуийб қўяётгани учун-да. Китоб ўқимай қўйдик, китоб ўқимай қўйдик, афсус...

ГУЛТОЖИХЎРОЗ

Ҳар йили гул экаман. Албатта, гултожихўроз ҳам кўп. Биттаси бор. Барги тўқ қирмизи ранг. Унинг эндиғина бир қарич бўлиб ўсиб турган вақти чиройли. Ҳамма нарсанинг ҳам болалиги ширин-да. Ҳеч қандай гуноҳ қилишга улгурмаган пайти. Бегуноҳ пайти. Ўша гултожихўрони қатор қилиб экиб қўйсанлиз, бошқа гулларнинг ёнида шундай ярашиб турадики! Сал бўй чўзавергандан кейин тез-тез суфориб тагини юмшатаверсам, бирам қўпол бўлиб, тиканакка ўхшаб ўса бошлайдики, ёнидаги гулларни писанд қилмай қўяди. Райҳон, жамбил, қашқар-

гул, хино, сариқул, намозшомгул, астра, читтигул, атир-гул... Эҳ-ҳе, қайси бирини айтай, ҳаммасини менсимай устига шох ташлаб ўсиб бораяпти. Қўпол шохларини гул-қайчи билан, меҳр билан кесиб, бошқа гуллар билан бараварлаштириб кўрдим, бўлмади. Беш-олти кундан кейин қарасам, яна ғовлаб ёнидаги гулларнинг устига чиқиб бораяпти. Қаранг, шунча босмачилик (қитмирлик) қиласа ҳам оти гул-да!

— Сендан бошқага кун йўқми, дедим-да, — ўша гултожихўроздарни томири билан суғуриб олиб ташладим. Шундай қилишга мажбур бўлдим.

Суғуриб олаётганимда юрагим ёмон оғриди, лекин унинг ўзи ҳам атрофдагиларнинг кўнглини оғритди-ку.

ЎСМА

*Қошинг асли қародир,
Ўсма қўйганинг ёлғон.*

Рост бўлса-чи? Қоп-қора қуюқ қошларни туташтириб турувчи хиёлгина энган ўсманинг ярашганига нима етсин?

Момом айтарди: «Отамницида, қиз бола пайтларим кечқурун узиб қўйган ўсмани эрта туриб эзардим. Уни қошимга муздайгина қилиб қўйиб, ҳовли супурардим. Ҳовлинини у бошидан супуриб бориб, яна бу бошигача супуриб қайтардим. Ўсма турган жойга етгач, уни қошимга яна бир югуртирадим-да, яна шу тарзда ҳовли супуришни давом эттирадим. Ишимни тугатгач, юзимни, ўсмамни ювардим, узун соchlаримни тартибга келтирадим. Тоза либосларимни киярдим. Супамизга тоза кўрпачалар солиб, дастурхон ёзардим. Отам эса эрталаб мол-ҳолга қаради. Онам эрта тонгдан сигир соғиб, куви пишиб, сариқ ёғ ажратиб олиш оралиғида мен эзган ўсманни қўйишга ҳам улгуарди. Онам дастурхон бошига қаймоқ кўтариб келганида унинг топ-тоза, сулув, ўсмали юзини кўрганимда қувониб кетардим. Отам, онам, укаларим, ҳаммамиз ионушта қилаётib, онамнинг қачон ўсмасини ювиб, қачон тоза, ярашиқли либосларини кийиб ултурганига ҳайрон қолардим». «Онангни отангга бепардоз кўрсатма», дегани шу бўлса керак-да.



Мархум отам Абдиқұл Шермат үғли. Тахминан 1950 йиллар.



Сайёра Бекмирзаева Самарқанд
педагогика билим юрти
талааси. 1967 йил.

ТомДУ журналистика
факультети талабаси
Мавжуда Насруллаева
билан. 1973 йил.



Устозлар Файбулло Саломов, Нажмиддин Комилов,
Сайди Умиров, Абдулла Турдиев. Талабалар Йўлдош Эшбек,
Азим Суюн, Сайдулла Ҳаким, Фазилат Абдуллаева,
Сайёра Бекмирзаева, Жебак Аҳадова. 1971 йил.



Сайёра Бекмирзаева турмуш ўртоғи Бурҳон Бекмирзаев —
фарзандлари Ирода, Зумрад, Рухсора, Нодиржонлар
билин биргага. 1990 йил.




Ота-она ва катта ўғил Наврӯз. 1987 йил.



Сайёра
Бекмирзаева.
1987 йил.



Зардўзи тумор тикиш катта завқ багишлийди. 1995 йил.



Қалам тебратиш ундан-да завқли.

Йиллар югуриб ўтиб, мен ҳам кексайиб қолдим. Лекин ҳозир ҳам онамнинг ёшлиги, қошу кўзларидағи ўсманнинг жилvasи шундоққина кўзим ўнгидан. Шунинг учун бўлса керак, ҳар йили эрта баҳорда бошқа гуллар қатори ўсма билан хино экиш асосий машғулотим. Келинларим, қизларим, невараларим қунт қилиб ўсма қўйишадими, йўқми, барибир экавераман. Студент, бўз йигит невараларим ерни тайёрлаб беришса бўлди, у ёғи осон.

Қадрли китобхонлар, ўсмага меҳримнинг беҳадлигини ёзиш мендан, бу зебобахш ва шифобахш ўсимлик ҳақида илгари улуғ шоир ва ёзувчилар таърифлаган шоҳ сатрларни топиб ўқиши сиздан. Мен ўсма ҳақида биттагина мисол келтираман:

Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романини ўқисангиз, унинг биринчи бетида ўсма ҳақида жуда чиройли гапи бор. Мана ўқинг: «Бултур экилиб, кўп қошларни қорайтирган ўсма илдизидан яна бош кўтариб чиқди... Мулойим қўлларда ивиб, сувга айлангандан кейин гўзал кўзларнинг супасида ёнбошлашни мунча яхши кўрар экан, бу кўкат!..» Илтимос, Чўлпон қаламидан тўкилган, унга бир неча бор кўз югуртирган сатрларни ихлос билан, ҳавас билан ўқинг.

Ўн олти яшар неварам — Ҳилола ҳар шанба, якшанба куни бизникига келади. Унинг соchlари жудаям бўлими. Ҳилоланинг соchlарини асрарим, яна ўстиргим, парвариши қилгим келаверади. У келгандан дарров ҳовлида барқ уриб ўсиб ётган ўсмадан бир коса ўсма шарбати тайёрлайман, унинг бошини шарбат билан обдон ҳўллаб, бир соатча оқ чит рўмол билан бойлаб қўяман. Шундай усул билан соч илдизларини ўсма сувига қондираман. Сўнграйхон шарбати аралашган сув билан қайта-қайта чайқатаман. Неварам уйларига жўнаётганда орқасига сиғмай кетаётган, пастга қараб тўлқинланиб, солланиб бораётган соchlарига суқ билан қарайман. Сўнг, Оллоҳдан ёлвориб сўрайман: «Ўзи бир қиз, сочи бир қиз неварамга — данагимнинг мағзига шаршарадай соч берибсан, энди бекаму кўст баҳтдан, излаганда ҳеч қаердан топилмайдиган, ҳеч қаерда сотилмайдиган улуғ неъмат — соғлиқ-саломатликдан ҳам аяма».

* * *

Борлиқнинг, табиатнинг ўзи мўъжизали макон. Қопқора ерга уруғ эксанг, меҳр бериб парвариш қиласанг, у чиройли ва мазали меваларни, турфа рангли ажойиб ҳидли гулларни қўшқўллаб сенга етиштириб бераверади. Меҳр! Жоним — Меҳр!

Сен дунёни ўзингнинг гул кафтларингда, гултахтларингда, гулбахтларингда, гулаҳдларингда, гулқатларингда, гулнинг муаттар ифорларида абадул-абад тинч, осоишишта ва омон сақлаб юр. Чунки менинг ҳам, курраи оламдаги барча оналарнинг ҳам гулдай болалари бор. Улар баҳтли, тахтли, баркамол бўлиб улғайишлари керак. Меҳр, сен инсонни Ҳаққа элтувчи, Аллоҳнинг шариф назарига сазовор этгувчи буюк неъматсан.

Мен еру кўкка ишонмаганим — неварамни, яъни бе-гуноҳ келажакни чап қўлимда ушлаб, уни чап қўксимга, юрагимга авайлаб босиб, ўнг қўлим билан гуллар, гиёҳлар, ўсмаю хинолар ҳақида эплаганимча қофозга қораладим. Неварам ухлаган-ухлаганда эса уларни оққа кўчирдим. Шу тарзда ёзиш менга қувват берди. Қофозга тўкканларимнинг нуқсонларини кечириб, хатоларини тўғрилаб, камини тўлдириб ўқирсиз, деб умид қиласман. Чунки сиз менинг ўн йиллик ўсмам, қирқ йиллик хиноларимсиз.

ТЎЙ

Яқинда тоғдаги туғишганларимизнинг тўйига бордик. Анча йиллардан бўён кўнглим буничилик кўтаришмаган эди. У ёқдагиларнинг кўпчилиги мақолсиз гапиришмайди. Эътибор бериб тингласангиз, тилимиз нақадар бойлигига яна бир бор амин бўласиз.

Тўйнинг биринчи куни — «Супра очди» маросими бўлди. Деворларга илинган, пастга тўшалган гиламлар ял-ял ёнади. Бу гиламларни шу уйнинг келинлари, бўй қизлари ўз қўллари билан тўқишишган. Уй хотин-қизлар билан гавжум. Дастурхонлар шираворлару, лаззатли мева-чеваларга тўла.

Ўтирганлар орасида мен танимайдиганлари ҳам бор. Гаплари чиройли, куйма. Эшикдан:

— Яна ассалому-алайкү-ўм, — деб кириб келди бир овсиним.

— Тарин ассалому-алайкү-ўм, — деб чўзиб салом бе-риб кирди қўшни аёл.

Пойгакда ўтирган тўла, икки юзи қип-қизил опа уларга:

— Ҳов, жангтиғана жеб кетувдиларинг-ку тўйдан? Бирпасилда жутаб қолдиларингма? — деса, бу аёллар изза еб, қизаришади деб турсам, бўш келишмади.

— Тотиб кўрдик, тотлиякан, яна кела бердик.

Битта опа эри билан бозорлаб келганини, бозордан олмоқчи бўлган асосий нарсаси эсидан чиққанини, энди бойи (турмуш ўртоги) яна овора бўлиб аёлинни бозорга олиб бормоқчи эканини гапирса, бу опага тўрда ўтирган, либослари ўзига ярашган, келбатда келишган аёл гапини салмоқлаб нима дейди денг:

Эрман — этгинангди жерман, дейдиган эрлар бор. Бойингиз тузувакан (тузук экан) ўзи бозорга нима учун чиқувдинг, оламан деган нарсанг эсингдан чиқиб ўтиrsa, деб сизди бир оғиз урушмаптиям-а!

Ўзи миқтигина, кийимлари ихчам ва ярашиқли тикилган, ингичка овозли бир чечагапини аниқ нишонга теккизисб, сўзларини дона-дона қилиб олдинма-кетин отиб қолди-ёв:

— Эрдинг иши бор — темирдан тиши бор, — дейишади. Бир эрлар бор, тишламай, узиб олмай гапирмайди. Бойингиз бойдай экан-да, сизди яна бозорга оппормоқчи бўса, бэжай жахшиякан...

— Содда бўлманг, — деди бояги тўрда ўтирган чиройли хола.

— Беш куним — хуш куним, деб хўжайинингиз билан кетаберинг жеталашиб.

Бу қишлоқдагиларнинг қўпчилиги бир-бирларига қиз беришиб, қиз олишиб, қуда бўлиб чатишиб кетишган. Ёнимда ўтирган, қораҷадан келган тоғамизнинг келини — овсинимга дедим:

— Янга, кўйлагингиз жудаям ярашиғти, очилиб кетибсиз.

Овсиним ҳовлиқиб, овозини баландлатиб дейди:

— Вой, мениям чиройли дейдиганлар боракан, қа-

ранглар. Шаҳарлик овсиним нархимди ошириб ташлади. Уйда кийинаётіб ўйловдим: «Ўв, қора хотин, оқчил ки-йинганинг қоралыгинг баттар билиниб, чўянга ўхшаб кетибсан, деб қоса-я бирор, — деб, қўрқиб, журагим қилпиллаб келувдим. Ўзингники ўзагингдан қўллайди, деганлари шу-да! Димоғим чоғ бўлди-ей ҳозир!».

Димоғи чоғ овсиним кўзимга баттар иссиқ кўриниб кетди. Кеча, бугун тўйга сўйилган ҳўқизу қўйларнинг калла-почасини тозалаган аёллардан бири, ўзининг айтишича шу қорамағиз аёл — овсиним экан. Ишларини тугатиб, уйига ўтиб, ювениб-тараниб эндигина тўйга келиб турган вақти экан.

— Кечадан бери калла тозалаб, чарчабсизлар, уйларингда бирпас чўзилиб, дам олиб, кейин кесаларинг бўмайма? — деди чеча.

Овсиним чечага қараб:

— Шу тўйди қилаётган хотин менинг тувған опам бўлади. Жигар эсласа, учабер, деган, шуйтиб учабердимда. Сўўнг, шошмай-суринмай кесам, одамлар ойтмайма, манов ўз опасиникига энди келаяпти, элдан қоған туяга ўхшаб, деб.

Тўппончадай сайраётган чечанинг хўжайини ҳеч ерда ишламас экан, шундай бўлса ҳам йўқни йўндириб, тиким-санчим қилиб, урчуқ йигириб пул топар, ўзиниям, болалариниям, эриниям қўғирчоқдай кийинтириб, устбошларига гард юқтирмас экан. Қишлоқдагилар қизиқчилик қилишиб: «Булар кийимларига қўшиб бетлариниям утуклаганми, дейман, бунча сулув бу тўппонча келини тушмагур» дейишаркан. Яна қачон қарасанг, руҳи тетик, чехраси очиқ кўрасиз уни. Бойим ишламайди, ўзининг, рўзғорнинг ҳамма юки менинг бўйнимда, деб зорланганини ҳеч ким эшитмаган.

Қаторда ёши қирқлардан ошган, гавдалидан гавдали бир аёл ўтирипти. Юз-кўзлари тайпоқдан келган. Ёнида невараси — икки-уч ёшлар чамасидаги ўғилча. У оёқчаларини икки ёққа узатиб юборган. Оёқлари ўргасида бир товоқ ош. Бола ошни иккала қўли билан навбатма-навбат ошалаб еяпти. Қишлоқнинг тоза ҳавосида ўсган-да, икки юзи қип-қизил. Сочи қалин, қоп-қора телпакдай. Дунё билан иши йўқ. Ҳозир унга дунё — шу ош. Тоғликлар

тили билан айтганда, унинг ёнидаги катта энаси — бегемот янга қўшни қишлоқдан шу ерга келин бўлиб тушган. Бу қишлоқнинг йигит-қизлари шу келинни «Бегемот чечা» деб чақира бошлиди. «Бегемотларингизга кўнаман-ов, шу қўйган отларингизга қўшиб чечча демай, ҳеч бўлмаса, янга денгизлар» деб ўпкаланипти у бир куни. Шундан бошлаб унинг номи «Бегемот янга» бўлипти. Бегемот янга ҳамма билан ойимлардай сўрашиб чиқди. Олдига ош келгач, бир дунё бўлиб ўтириб ошии еб бошлаган ҳам эди-ки, бешинчи ё олтинчи синфда ўқийдиган йигитча деразадан энгашиб шошиб-пишиб янгага сўзлай кетди:

— Опа-опа, ҳалиги катта қўчкоримиз осмонга қараб ётиб олиб, оёғларини роса типирчилатаяпти. Тез туриңг, ҳаром ўлиб қолмасин тағин.

Бегемот янганинг бу гапга буйраги булк этмади. Ошни қандай шошмай, роҳат қилиб еяётган бўлса, шундай бемалол еяберди.

— Опа, мен сизга нима деяиман? Қимиirlанг тезроқ!

— Уйнинг бир жағини олиб, томдай бўп ўтирганча тезроқ турсангиз бўмайма, — деди аёллардан бири кулиб. Бегемот яна бу гапни кўнглига олгани йўқ. Қимиirlаш эса хаёлига ҳам келмади. Аксинча, шошмай, суринмай, деразага ҳам бурилмай шундай деди:

— Ана шу қўчкор жўрттага қиласи, ҳазиллашади. Кўрқма, кечаям тибирлаб-тибирлаб, сўнг жойидан туриб ҳеч нима кўрмагандай журиб кетувди.

Бола ҳовлида бир тўда бўлиб ош еяётган жўраларига қўшилиб кетди.

Бегемот янга гап бошлади:

— Эрталаб биздинг уйда ойтса ойтқилик ойтишув бўлди.

— Ойтишувдинг қандайчаси бўлди? — сўради аёллардан бири. Мен нега бу аёл ўз оиласи сирини ўзи очапти, деб ҳайрон бўлдим.

— Ойтмайман, — овулга ойтсанг ошади, қўшнига ойтсанг қўшади.

Янга гапини хотиржам давом эттириди:

— Уй бўғанинг гарнакай гарнак-марнак, саҳал-паҳал ойтишув бўлади-да.

Бегемот янганинг ичи кенглигидан қувондим.

«Супра очди» маросимида аввало келинларнинг она-лари суннат қилинган невараларига, қиз ва куёвларига, қудаларига баҳоли қудрат совға улашар экан. Кўрпа, кўрича, юмшоқ капитали ёстиқ, ёстиқчалар дейсизми! Каштали тикишнинг бальзи номлари ўша куни эсимда қолди: босма, илмоқи гул, чиндаки хаёл, меҳрибон ёстиқ ва яна қанча бир-биридан чиройли номлар. Ўтирганлар кўрпанинг мағизлари-ю, майда қавифигача ҳавасланиб аҳамият беришди. Бу одатнинг маъқул томони, аёлларимиз, қиз-жувонларимиз йилдан-йилга чевардан-чевар бўлишиади.

Уйнинг ўртасига узунасига ёзилган дастурхон икки томонга тортилиб, очилган жойга тўй эгаси — қуда хола супра ёзди. Супрада тўрт килоча ун. Қадимги момоларимизнинг удумига кўра, ун, дон мўл бўлсин, тўқчилик, тинчлик барқарор бўлсин деб супра очишаркан. Ўтирганлардан ҳар ким, кексами, ёшми, навбати билан супра бошига келиб, оз-озгина ун элашаркан, элаётуб яхши нијатларини Оллоҳдан сўрашар экан. Биз ҳам элимизда ҳамма вақт тинчлик, тўкинлик, тўй-томошалар бўлишини, шириндан-шакар фарзандлар дунёга келаверишини тилаб ун эладик.

Тўй эгасининг синглиси — қорамағиз овсиним яна ҳазилини бошлади. Опасини кўрсаткич бармоғи билан кўрсатиб нима дейди денг:

— Мана шу хотин анов очиқ катта супрани ўзи тикмаган, келинлари тиккан, билиб қўйинглар, ҳей ёроннар! Қаранглар, бунинг пухталигини, бир оғиз келинларим шундай эпчил демайдиям. Супранинг чиройлилигини, оппоқдан оппоқлигини қаранглар, ўн беш кунлик ойдай дум-дўмалоқ қилиб тикилган. Тикилишини айтами, игна қаердан кириб, қаердан чиққанини билмайсиз. Шундаям, бу қуриб кетмагур келинларини сира мақтамайди. Мақташ қаёқда, синини бузмайди.

Бўлди кулги! Икки опа-сингилнинг келинлари шу тўйда учиб-қўниб хизмат қилиб юришипти. Бу гапга улар парво ҳам қилғанлари йўқ. Чунки, улар яхши билади — қайноналарининг кўнглида кири йўқ.

Ёшлигимда қишлоғимизда бўлган чиройли тўйлар эсимга туиди. Ҳозир ёнимдаги момонинг кийинишилари

катта энамларни эслатди. Бу момо бошдан оёқ оппоқ ки-йинган. Кўзимга фариштадек кўринди. Илгари кекса аёл-ларгина оппоқ кийинишарди. Ҳозирги аёлларга узоқдан қарасанг, кампирми, келинчакми, ажратолмайсан. Ҳозирги момолар улусифат кийинай, дейишмайди. Чамамда, ёши саксонлардан ошган, ёнимда ўтирган ўша фариштадек момога айтдим:

— Эна, илгари тўйга артистлар мана мунча пулга ке-лармиш, деган гаплар бўлмасди. Тўйни қишлоқнинг ўзи қизитарди. Ҳар қишлоқда чилдирма чалгич, ўлан айтгич аёллар бўларди. Икки ўрим оппоқ сочининг учини бирлаштириб, чачтупак (сочопопук) тақишиб, унга сандиқларининг калитиниям қўшиб маҳкам боғлаб қўйган момолар роса ўйинга тушишарди, жўшиб-жўшиб қўшиқ айтишарди. Ҳар хил кулгили ўйинларини-ку қўяверинг. Ўша тўйларни тўйбошилар ҳам, тўйга келганлар ҳам узоқ йиллар маза қилиб эслаб юришарди. Ҳозир, мана шу тўйда ҳам, сизга ўхшаган момолар ёшлигига эшишган қўшиқларини артистлар келгунча айтиб, кўнгилхушлик қилиб ўтиришса бўлади-ку.

Кўзлари кулиб турган бу момо ўтирган жойида кек-сайиб қуруқшаган қўллари билан дадил-дадил қарсак ча-либ, қўшиқ бошлиб юборди.

*Бирингда кўрдим бир пари,
Кокилари гулҳайдари.
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени?*

— Давом этинг, момо, — дедим. Юрагим қўшиққа қўпилиб кетгандай бўлди.

— Ҳаммасини тўхтамай айтолмайман-да, қизим, — деб пешонасини кўрсаткич бармоғи билан ниқтаб кўрсатиб «Манови чатоқ, аввалгидай эслалмайди-да», деди хижолат тортиб ва бир оз ўйланиб туриб давом этди:

*Эккингда кўрдим эли қул,
Ўзимдир сенга асли қул.
Учингда кўрдим учмадим,
Хипча белингдан қучмадим.
Ёр мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени?*

Момо яна бир оз тин олиб, қўшиқнинг давомини эслади:

*Тўртингда кўрдим тўтиё,
Булбулмисан гўё-гўё?
Ошиқ юраг куя-куя,*

деди-ю, ўйланиб қолди.

— Сабру тоқат қолмади-я, деб қўшсак, қандай бўлади? — десам, кўнгли тўлмагандай:

— Бўп қолар, — деди.

Момо бирдан сергакланиб, қўшиқнинг давомини айта бошлади:

*Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени?
Бешингда кўрдим белгигул,
Янаям кўрдим тўғри гул.
Олтингдачи, овуш-овуш.
Оёгингда зарли ковуш.
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени?
Еттингда кўрдим етти гул,
Еттингда ҳам шу тўғри гул.
Саккизингда саҳарларда
Гул очилар баҳорларда.
Бир муччи бер саҳарларда
Йираб кетай наҳорларда.
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени?
Тўққизингда тўлғонасан,
Кўлим тегмай уйғонасан.
Ўнингда ҳам ўймалисан,
Нимагаям ўйланасан?*

Шу жойга келган момо «куймали», «суймали» деб қўшиқ сатрининг охирини айтди-ю, улардан олдинги сўзларни эслаёлмай қийналиб, тилимди учиди туриптику-я, деб қўйди. Мен:

*Келбатлари куймалисан,
Сумбатлари суймалисан,*

деб ўзимдан қўшган бўлдим, шундай десак мос келадими? — деб сўрадим. Момо кулимсираб, кафтлари билан

тиззасини силаб туриб, «Саҳал жақиннашдингиз-да», деди.

Момодан нега бу қўшиқ бирингда, иккингда, учингда деб бошланади, деб сўрадим. Бу сўзларда биринчи марта кўрганимда, иккинчи, учинчи, тўртинчи марта кўрганимда деб тушуниш даркор, деди момо ва алоҳида тайинлаб: «Шу жозғанингди охирига «Ойдай опанинг ойтқаннари» деб қўйгин, деди.

— Албатта, ёзиб қўяман, жоним момо, дедим мен. Ўқиши ҳам, ёзиши ҳам билмаган мана шу момонинг парилардай оппоқ кийинганини, уни ана шундай пок-покиза, бежирим кийинтириб, парваришлаб тўйга олиб келган келини ёки қизларига қўнглимда беҳисоб раҳматлар айтдим. Момонинг сўз танлашдаги юксак савияси ва дидига қойил қолдим. Келгусида:

*Бирингда кўрдим бир пари,
Кокиллари гулҳайдари,*

деган сатрларни эплаёлганимча шарҳлаб, бирон нарса ёзишга сиз иззатли ўқувчиларим олдида ўзимни қарздор ҳисоблаб мақоламга нуқта қўйдим.

КОКИЛЛАРИ «ГУЛҲАЙДАРИ»...

*Бирингда кўрдим бир пари,
Кокиллари «гулҳайдари»*

Мана шу халқ қўшиғининг биринчи сатрини қанча такрорласам, бизнинг кўнгил мулкимизга айланиб кетган «Тановар» қўшиғи шунча ёдимга тушаверади. Ундаги ҳамма фикрлар юқоридаги термага пайваста эканлигидан қувонаман. Ўша биринчи сатрни яна ва яна ўқийман. Бундаги товушлар оҳангдошлигининг ўзи бир санъат. Бу санъат, ундаги мавзу неча минг йиллик «Тановар»имизни янаям сайқаллагандай.

Севган ёринг кўп тоза бўлса,
деб бошланади «Тановар»ларимиздан бири. «Тановар»имизнинг яна бирида эса ҳар тўртликдан кейин:

*Қадамингда гуллар очилсин,
деган улуг бир орзу қайта-қайта хониш қилинади.*

*Йўл бўлсин, йўл бўлсин,
Босган изларинг гул бўлсин,*

каби сатрлар ҳам ўша:

Бирингда кўрдим бир пари,

деб болланадиган ҳалқ қўшиқларига қанчалар яқин. Ҳаёлимда элнинг ва ҳалқ қўшиқларининг юраги битта. Шу битта юрак ҳали элизизнинг кўксига, ҳали ҳалқ қўшиқларига кўчиб уриб тургандай.

*Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени,*

нақоратидаги армон эса «Тановар»даги

Бу дунёда бормикин юрак-багри бутуни?

деган сўроққа нақадар ҳамоҳанг!

Ҳозирги даврда эса бизни кундан-кун безовта қилаётгани —

Кокиллари «гулҳайдари»,

сатридаги сочга бўлган меҳр ва ҳавас. Шим кийиб, сочларини истаган рангта бўяб, ҳаммадан мен чиройлимсан, деб юрган қиз-жувонларимизга қаранг. Улар Оллоҳ берган табиий гўзалигини хор қилаётганини айтмайсизми? Яратган эгам ҳаммага ҳам бўлимли соч беравермайди. Соч қалин бўлса ва узун бўлиб ўssa, шунинг ўзи ҳам бир баҳт. Ёқанини эмас, ярашган ишни қил, дейишган отабоболаримиз. Юқорида айтганимиз, ҳаммадан ўзим гўзалман, деб юрганлар узун сочини битта қилиб ўриб орқасига ташлаб юрган айрим қизларимиз устидан кулиб, лабини буриб, маданиятдан орқада қолган, дейишади. Ким орқада қолган? Кулганларнинг ўзими ёки сочини парваришлаб, одоб сақлаб юрган ҳурматли, иззатли қиз-жувонларимизми?

Узун соч ҳақида тўлиб-тошиб ёзгим келади. Лекин қани у узун сочли қиз,

қани «Ҳайдар кокил»ли қиз?

Ҳали мактабга ҳам бормасдик. Асал опа деган қўшнимиз бўларди, бўй етган қиз эди у. Ҳозир мен шу кишини

кўз олдимга келтирсам, машҳур ёзувчимиз Ойбекнинг «Навоий» романида ёзган:

*Онингким ол энгинда мен¹ яратти,
Сочи бирла бўйини тенг яратти.*

деган сатри бирдан ёдимга тушади. Асал опанинг сочи бўйи билан тенг эди. У бошини кўнглидагидай ювишга қийналарди. Шунинг учун Асал опа сочина ҳар ювганида онаси ёрдамлашиб юборарди. Биз қизчаларга уларнинг ишларини кузатиш мароқли эди, Тўғриси Асал опанинг сочига жуда-жуда ҳавасим келарди. Асал опа бошини тикка туриб ювса ҳам, сағал энгашиб тургани учун сочининг учлари тоғарада бувланиб қоларди ва тозалаб чайқашнинг иложи бўлмасди. Шунинг учун онаси қизига, чорпоя устига чиқиб, унинг чеккасида тикка туриб, энгашиб тургин, дерди. Тоғорани эса настга — ерга қўярди. Ўшандагина сочининг учларигача қайта-қайта ювиш мумкин бўларди. Асал опа бош ювадиган куни унинг ўзи ва онаси аввал тайёргарлик кўтарди. Уч-тўртта янги тухум, (яичный шампунь) янги қатиқ тайёрлаб қўярди. Бундан ташқари, атиргул, райҳон ёки ялпиз ва жамбилларни ёғоч кунда устида чопиб, уларни докадан сиқиб ўтказарди, шу шарбатни бир коса қилиб, чорпоя устига олдиндан олиб келиб қўярди. Онаси қизининг бош ювишига бошдан охиригача ёрдамлашарди. Энг кейинги чайқашида эса бояги ифорли шарбатга илиқ сув қўшиб, қизининг бошидан шошилмай қўярди. У кўзлари тўла меҳр билан қизининг соchlарига қарапарди. Асал опам эса ўша шарбатларга соч илдизларини яхшилаб қондириш учун ёғоч тароқни бошига ботириб-ботириб тараарди. Онали-қиз бу ишларидан завқлангандан завқланарди. Бизнинг эса бошқа ўйинларимиз эсимиздан ҳам чиқиб кетарди. Бизнинг ҳам сочимиз қачон ана шундай бўлиб ўсади, деб шошилардик. Асал опанинг феъл-атвори, қилган ишлари ҳам соchlаридек ҳавас қиласлик эди. У соchlари сувини яхшилаб сирқитиб, сўнг уни бошига чамбарак қилгач, сувни ўзига оладиган оддий, лекин топ-тоза рўмол ўраб оларди. Тўрт-беш соат бошқа юмушлари билан машғул бўлар-

¹ Менг — хол.

ди. Сўнг унинг соchlари ўримга келарди. Биз суқланиб томоша қиладиган гўзalлик энди бошланарди, чунки унинг онаси қизининг соchlарини меҳр ва ҳавас билан ўра бошларди. Аввало, у Асал опанинг соchlарини икки тарафга қаратиб тараш учун унинг икки қоши ўртасига тўғрилаб ёғоч тароқнинг учи билан фарқ очарди ва икки ёнга қаратиб силлиқлаб таарарди. Бир куни у қизига шундай деди:

— Қизим, сочингни «Ҳайдар кокил» қилиб ўрмасам бўмайди. Агар ҳар доимгидай қулоғинг орқасидан бошлаб ўрсам, сочинг қалинлик қилиб, ўримлари қулоғингни босиб, фашингга тегади. Одобли, ювошгина Асал опам, ҳамма ҳаракатлари ўзига ярашиб турган Асал опам астагина:

— Майли, майли, — деб қўярди. Онаси қизининг пешонасидаги фарқдан бошлаб тароқ учida қулоғи орқасигача бир ўрим соч ажратиб, қулоғи орқасидан уни пишиқлаб пастгача ўриб тушарди. Энди эса қулоғининг устки қисмидан, яъни сал баландроқдан бошлаб, ҳисбсиз кокиллар ўрими бошланарди. Биз қизчалар бу жараённи нафас олмай кузатардик. Асал опамнинг дастлабки соч ўримлари қулоғини пана қилиб тушарди, лекин унга халақит бермасди. Ўрилган узун, майда соchlари ҳали елкасидан, ҳали қўлининг устидан ҳам ошиб тушиб кўкси узра пастга солланиб тургани бениҳоят ҳавасимизни келтиради. Биз Асал опамни томоша қилиб барча беўрин гапларимиз ва қилиқларимизни унтиб юборардик. Энди ўйласам, гўзalлик дунёни қутқарувчи куч, дегани шу экан. Ўрим-ўрим соchlари Асал опага қанчалик ярашса, кўкси узра тушиб турган узун кокилларини оппоқ қўллари билан орқасига ташлаб қўйиши ундан ярашар эди.

Дилдош ўқувчим, Асал опамнинг соchlарини қанчалик меҳр билан тасвирламоқчи бўлайин, барибир кўнглим тўлмади. Қадрдон ва улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийга мурожаат қилмасдан илож йўқлигини тушундим. Қодирий асарлари миллийликка йўғрилган гўзalлик манбаину. Иззатли китобхон, ҳозир биз сиз билан «Меҳробдан чаён» романидаги «Хоним ойимлар» сарлавҳали бобдан парча ўқиймиз: «Ичкаридан гўё юзи сут билан суғорил-

гандек оқ, қуралай кўзи ойсиз ва булатлиқ кечасидан ҳам қорароқ, қадди сарв каби мавзун, қора сочи тақими-ни ўпкан, уст-боши ипак ва олтинлар билан ғарқ бир хоним хиромон чиқиб келди. Бошидағи ҳисобсиз кокилларини санама тикилган оқ ҳарир рўймол билан озорсиз-фина боғлаған, ёқа ва этакларига нафис жияк бириттир-ган хонатлас қўйлак, бухоро кундалидан қирғоқларига олтин уқа (қўр) тутулған енгиз жалатка кийиб, ёқут кўзлик олтин тутгмаларни бўшқина солған, ҳуснда мисли оз бу нозанин хоннинг суюкли хотини — мазкура Розия хоним эди».

Энди айтарсиз, «уст-боши ипак ва олтинлар билан ғарқ»лиги безанишнинг меъёрдан ошгани эмасми, деб. Йўқ. Розияхоним хоннинг тузоғига илингган бир муси-чаи-беозор. У меъеридан ортиқ ороланишга мажбур, чунки у хоннинг суюкли хотини.

Сочни «Ҳайдаркокил» русумида ўришни беш қўлдай биламан-у, лескин нега шу атамага «Ҳайдар» исми қўшиб айтилиш сабабини билмас эканман. Яқинда қишлоққа борганимда уч-тўртта момодан сўрадим. Шу момолар ичиди Ўлмас холамиз бор, ёши саксондан ошса ҳам ўзиям тетик, гашлариям тетик. У менга шундай деди.

— Чачи орқасиға сифмаған бир қизға Ҳайдар деган бир жигит ошиқ бўп қоған. Қуриб кетгир отаси қизини шўл жигитга бермаган. Шунийчун Ҳайдар:

*Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени?*

деб, куйиб-жониб қўшиқ айтиб журган. Шўннан сўнг бу ўримдинг оти «Ҳайдаркокил» бўп кетган. Шўниям ўзинг тушуниб жетмадингма, ким айтади силарди ўқиған, ту-шанган деб, жош деб? Журагингда оловинг борма ўзи?

Одамни аямай, суямай сўзлайдиган хола менинг қизар-танимни кўриб:

— Ойна, уялмай қўяғай, менам момоларимиздан эшит-ганимди айтдим-қўйдим-да, деди. Шунда Заҳириддин Му-ҳаммад Бобурнинг ҳаммамизга ёд бўлиб кетган:

*Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қоидин яна.*

деб бошланадиган ғазали, буюк Навоийнинг:

*Бўлмаса ишқ — икки жаҳон бўлмасун.
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.*

деган сўзлари беихтиёр ёдимга тушди. Қувониб-қувониб мақоламни ёзишда давом этдим.

Кечача биз «Мустақиллик» майдонига сайрга чиқдик, неваралар билан. У ерда «Бахтили она» ҳайкали ёнида чинакам гўзалликни кўрдик. Бир хушбичим, бўйдор, яғриндор, кўринишда салобатли ва хушнуд бир йигит оиласи билан айланиб, дам олишга чиқипти. У ўз ҳаётидан ва ҳозирги доруломон, ҳур даврамиздан мамнундан мамнун. Ёнида тинмай гапириб, атрофда нимани кўрса, шуни кўрсатиб чуфурлаётган икки-уч ёшлар чамасидаги дўппосчадай ўғилласига меҳр билан боқиб, уни жон қулоғи билан эшитаяпти. Ота-онаси ширин боласини кўтариб юрмоқчи бўлиб қўлларига олса, у пастга тушаман деб ерга интилади, истаганча ўзим яйраб, ўзим юраман, дейди. Унга оппоқ кўйлакча, устидан эса беқасамдан замонавий русумда тикилган енгиз нимча ва шим кийгизиб қўйишибди. Омон бўлгурга бош-оёқ беқасам либосчалари жудаям ярашибди. Бола хурсандлигидан тинмай у ёқдан-бу ёққа чопади. Бу жуфтликка шу хавотир ҳам янада ярашган. Ёш онага эса ўзининг бир қадар сипо тутиши, ибоси, меъёрдаги пардози, тақимини ўпган соchlари ва миллий русумда кийиниши ундан ҳам ярашган. Кечқурун. Мустақиллик майдонига чиққанлар кўп. Кўринишидан баҳт ёғилиб турган бу оила аъзоларига қараган ҳам қаради, қарамаган ҳам қаради. Қараганларнинг ҳаммаси юзида ҳавас ва мамнунилк балқиб турибди. Демак, халқимиз қонида миллийлик туйғуси яшаб турибди. Бу келажак авлоднинг баҳти!

Сиз ҳам қаранг, қадрли китобхон ўқувчим: ёш она эгнида жуда бежирим тикилган хонатласдан узунгина кўйлак. У бўйи бирла тенг ҳисобсиз кокилларини гулсафсар рангли ҳарир рўмол билан озорсизгина боғлаган!

КЕЧИРИМЛИ, КЕНГ ФЕЛЬЛИ МОМОЛАР

Мўтар хола билан Холпош хола эшикма-эшик қўшни. Ёш келинлик даврларидан буён ҳамсоя, қадрдон. Мўтар холанинг асли оти — Муаттар. Холпош холанинг исми эса Холпоша. Қишлоқдагилар осонини кўзлаб Мўтар хола, Холпош хола деб кетишган. Мўтар холанинг чолини оламдан ўтганига ўн йилдан ошиб кетди. Бечора хола бобойи ўлганда ўлди, етти йилча йиғлаб, «Йўлдошимди йўқотдим» деб. Ҳамма нарсанинг ҳам давоси вақт экан. Ҳозир Мўтар хола милтиқнинг ўқидай. У Холпош холани биродар деб чақиради.

Ҳозир қийин-қийин, кимга қийин, Холпош холага қийин. Бечоранинг жони азобда. Чоли саксон ёшдан ошди. Қарийб ўн йилдан буён бобонинг икки кўзи ҳам ожиз бўлиб қолган. Бобо кампирига жудаям суюниб қолган. Ҳожатта ҳам ўзинг етаклаб бор, бет-қўлимни юваётганимда ҳам ўзинг сув қуйиб тур, тоза ҳавога чиқиша ҳам ўзинг бошқариб юр, деб ялиниб турди. Бўлмаса, набиралари кўп, лекин бобо кампири билан бир марта «сен-мен»га бормаганигами, ҳамма вақт «Камишр, қанисан?» деб турди.

Бугун Мўтар хола Холпош холаникига келиб:

— Бизди чолларди ўлиб кетганига ўн йилдан ошиб кетди. Сени чолинг ҳалиям журигти бошингга дардисар бўп. Чарчаб, энгashiб, ўмганлаб қопсан. Сени жеди шу кўр чолинг!

Яхшиям чоли ухлаб ётувди, эшитмади. Ё эшитсаем, ўзини эшитмаганга олдими? Холпош хола бу гапни кўнглига қаттиқ олди-ю, лекин индамай қўя қолди. Неваралар чой дамлаб дастурхон ёзилди. Мўтар хола биринки пиёла чой ичган бўлди-ю, шиёз ўташим қоп кетди деб дарчадан ўтиб кетди уйига. Холпош хола биродари кетганидан кейин ўйланиб қолди. Ёнбошгинасидаги биродари, чарчаса қарашибадиган, хафа бўлса кўнглини кўтаратидиган, кунда, кунора бир кося иссиқ узатадиган тенгдоши, сирдоши — Мўтар биродари-да. Холпош хола бетоқат бўла бошлади. Бояги гапни бекор кўнглимга олибман-да, ўйлади у. Биродарим чоли ўлиб кетганига эмас, менга ичи ачиғанидан айтди шу гапни. Яхшиям ичимда

хафа бўлибман, унга бир нарса деб юбормабман. Бечора ҳозир уйида шу гапни айтгани учун пушаймон бўлиб, ич-этини еб ўтирипти. Уни бу хижолатдан қандай чиқарсам экан-а? Тунашдан олдин режалаб қўйди, эрталаб қандай бўлсаям биродаримдан бир хабар оламан.

Холпош хола ҳар кунгидай чолидан олдин тонг аzonда туриб «Бомдод» намозини ўқиди. Сўнг гулга қараб кетди. Бу холанинг жони гул. Ҳозир гулларни келинлари, набиралари эканику-я, лекин холанинг ўзи ҳам қараб турмайди. Бугун ҳам ҳар кунгидай гул оралаб, чаман оралаб келди. Холпош холага ханда отмаган гул, табассум қилмаган ғунча йўқ эди. Шу пайт раҳматли, фариштадек Икромой энамнинг яна битта ибратли гапи эсимга тушди. У киши айтарди, бир-икки ишни қилаётib, олдингдан чиққан яна бир юмушни бажариб ўтиб кетишга ўрганинглар, сен қаердан ўтсанг, ўтганинг билиниб қолсин, ё ўша жой артилиб тозаланиб қолсин, ё суғорилиши керак бўлган сабзи жўякларига сув очиб юборилган бўлсин. Холпош хола шундай иш тутадиган эпчил момо. Мана, ҳозир биродари Мўтар холага гул дасталаётib, олдидан чиққан бегона ўтларни ҳам томири билан юлиб ўта борди.

Юлган ўтларини ҳам дасталаб, ҳаммасининг томирини бир тарафли қилиб қўлига йиғиб борди. Сўнг ўша ўтнинг юқори қисмини жамлаб ушлади-да, уйи олдидан ўтган оқар сувга энгашиб, ўтнинг томирли томонини сувга ботириб у ёқдан бу ёққа бир неча бор шовуллатиб сурди. Қарабсиз-ки, бир-икки дақиқада ўтларнинг томири оппоқ бўлиб ювилиб қолди. Хола бу ўтларни сигир олдига ташлаб ўтди. Сигир бу ўтни томир-помири билан шипириб еб ташлади.

Холпош хола кўзига энг яхши кўринган энг сара гулларни узиб гулдаста боғлади. Гулларни боғлашга ип-ип излаб ўтирмади. Томорқа четида ўсиб ётган, шувоқ деган ўтнинг юқорига қараб ўстган, бошоқ боғлай бошлаган кўм-кўк новдасидан икки-учтасини ажратиб узиб олдиди, гулларни шу ипсифат ўт билан айлантириб-айлантириб маҳкамлаб боғлади. Чаққон-чаққон қимирлаб бир тутам ўсмаям териб олди. Шувоқни суғураётганда, ўсманни узаётганда ернинг, ўша гиёҳларнинг ҳиди бир яхши чиқди, бир яхши чиқди-ей!

Холпош хола сўнг ҳавас билан ширчой тайёрлади. Ширчой устига қишлоқ сариёғидан кўйдириб сузди. Доғланган сариқ ёғнинг ҳиди ошхонани, бугун ҳовлини тутиб кетди. Хола хурсанд, бир қўлида бир коса ширчой, бир қўлида тўйиб бўлмас ифор сочаётган гулдаста ва ўсма. Биродариникида ҳам гул яшнаб ўсиб ётипти, лекин Холпош холанинг қўлидаги гуллар бошқача навли гуллар. Холанинг меҳр билан гул дасталагани шу важдан.

Биродарини кўриб Мўтар холанинг чеҳраси бирдан ёришиб кетди. Ширчойни, гулдастани қадрдонининг қўлидан жон деб олди, лекин ўсмани кўриб унинг юзи бирдан маъюс тортди.

— Биродар, — деди астагина гапини чўзиб айтиб, бекор қипсан ўсмани узиб, менинг чолим бормиди, ўсма қўйиб...

— Афандимисан? Ўсмани кўриб баҳри очилмаган ўзбекни тополасанми? Бир кўнглинг очилсин дедим-да. Сен қўймасанг ўсмани келин-қизларинг, невараларинг кўяр. Яна айтишади-ку, қарими-ёшми ҳамма аёллар қошипригини ўсма билан сугориб туриши лозим. Нариги чин дунёда бунинг сўрови бор дейишади. Қани, бўл, биродар, ширчойни иссиғида ичиб ол.

Холпош хола чолим чақириб қолади деб тезда уйига қайтди. Мўтар хола эса ширчой, лаззатли таомни ичиб бўлгач, биродарининг чолига жулмон оши тайёрлашни бошлаб юборди.

— Пазилат! — келини Фазилатни чақирди хола, — мунда ке. Муштайфина хамир ийла. Хамиринг жибакдай бўлиб кетганча пишиш. Менга қара, аввал мени гапимди ўхшатиб эшишиб ол. Хамирди ўраб қўйиб тиндириб, сўнг ўқлов билан жай. Шундай жуқа жай-ки, бержагидан қарасанг наржақи кўринсин. Мен қозонга сув солиб қайнатиб тураман. Бу овқатти пиширишда хамир пичоқминан кесилмайди. Қайнаб турган сувга аввал чамалаб туз соласан. Кейин эковлашиб жайилган хамирдан тез-тез қўлимизминан жулиб-жулиб солаберамиз. Хамир пишгандан кейин бирпас ўтини ўчириб қўясан. Овқат озроқ совигандан кейин жангтиғана чаккини қотасан, бу деганим — аралаштирасан. Сўнг ҳов ана райҳонларнинг олдига экканим — жамбилдан бир тутамгина жулиб келиб, ўхша-

тиб жувиб, сувини селгитиб майдалаб тувраб қозонга соласан. Эки коса жулмон ошди Холпош холангдикига узатасан. Бу овқат ошқозонда тез синггади.

— Бўпти, энажон, — деди Фазилат.

Бу икки оққўнгил, фидойи, ҳаваслидан ҳавасли, оддийдан оддий, улуғдан-улуғ момолар доимо момо ери-миздан, фарзандларидан, қўни-қўшниларидан, уй жони-ворларидан, гулу райхонлардан, жамики инсонлардан айланиб ўргилишади. Сиз ҳам азиз ўқувчим, шу момолар каби инсонларни кўрсангиз, бир оғиз арzon, ширин сўзингизни аяманг. Аясангиз, ўзингизни кечирманг.

ЎҒЛИНГ ЎРИНЛИ ГАПИРСА

Қиз бола палахмон тоши. Иқбол опа Жиззахнинг бир чекка қишлоғидан. Тоғликлар тили билан айтганда, у Тошкентта — катта ўқишга (олий ўқув юртига) кирди. Шу ёқда бир жигитминан халашиб ёки ошиқ бўп қоп тўй бўп кетди Фарғонага. Нескин, баҳт товиб кетди. Иқбол опанинг тили билан айтганда биз бир ота, бир энадан еттов қиз, уч ўғилмиз. Аввал қаторасига устма-уст етти қиз эдик. Бир ҳовли қиз эдик. Онамиз ҳам ёш эди. Отам етти қизга ва онамизга — ҳаммамизга бир хил мато олиб келиб берарди. Онамиз уни саккизовимизга лойиқлаб тикиарди. Уни киярдик. Энди уй, бола тарбияси бўлганидан кейин шундай воқеалар ҳам бўлади-да. Қизларнинг бирорвига онаси бузоқни сояға тортиб, сув бер деса, шу ишни тезроқ қила қолмади. Тандирга нон ёпиштираётган она қўлидаги кесови билан кап-катта қизини қувиб кетди. Ўшанда қўшнилар роса кулишган эди. Икковининг кўйлаги ҳам, гавдаси ҳам бир хил, билиб бўлмайди, онаси қизини қуваяптими, қизи онасини қуваяптими? Ҳай, бу ота-онаникида, ёшлиқда бўлган ишлар.

Энди ҳозир Иқбол опа битта уйнинг бой бекаси. Фарзандлари вояга етган. Ҳаммаси уйли-жойли. Шунча қиздан кейин туғилган жон укалар Фарғонага ойда-йилда бир тўлиб тошиб келиб кетишади. Шунда опа укасини бағрига босиб тўйиб-тўйиб ҳидлаб кўришарди.

*Сўраб келган сўровчим,
Йўқлаб келган йўқловчим,*

деб укаси билан қайтадан күришади. Сүнг, овқатлар ейилиб бўлгандан кейин опа бошлиқсинаштаси қилишга ўтади. Фақат насиҳат қилишга ўтса майлику-я, орада мен сендан каттаман, кўтариб катта қилғанман деб бир-икки ўшқириб ҳам қўяди. Бу дўқ укасидан ҳам баттар опанинг ўғлига ботиб кетади.

— Ая, деди ўғли опага — биринчидан тоғам укангиз бўлсаям меҳмон, иккинчидан эркак киши, оиласи фарзандлари вояга етаяпти. Нуфузли жойда ишлайди. Бундан ташқари эркак кишининг ўзига хос орияти бўлади. Бошқа бундай қилманг, агар шу қилиғингизни яна такрорласангиз, тоғам бошқа келмай кетиши мумкин. Оғаниилар, опа-сингиллар бир-бири билан қанча кам кўришса жиянлар ҳам бир-биридан совийверади. Унда сиз кечиккан, фишт эса қолипдан кўчган бўлади. Ўшанда биринчилардан бўлиб ўзингиз эзиласиз.

Бу гапдан кейин Иқбол опа изза бўлди. Нафақат изза бўлди, эзилдиям. Укажоним, шунча йўл босиб мени йўқлаб келган жигарим, энди сенга сираям овозимни баландлатмайин-а. Ахир, етти қиздан кейин сиз укаларимиз туғилганда энди биз сұнадиган, орқамиздан йўқлаб борадиган иниларимиз бор деб қувониб юракларимиз ёрилай девди. Бунинг исботини ҳаёт тасдиқлаяпти-ку. Оллоҳга беҳисоб шукур, жоним укам, деди кўнглида опа.

* * *

Иқбол опа Фарғона шаҳрининг қоқ ўртасида, кўп қаватли иморатлардан бирида яшайди. Тўртинчи қаватда. Пастдаги умумий срлар ҳамманики. Лекин ҳамма аёл-эркак ҳам ерга меҳр беравермас экан. Очиги, аёл-эркакларнинг ҳам оқ билаклилари кўп учраб турар экан. Иқбол опа ўша ҳамманики бўлган ерларга ҳар хил дараҳт кўчатлари эктириди. Гул экиш-ку ҳар йилги, ҳатто ҳар ойги режаларининг хат бошида туради. Опа, куз ҳайдада, куз ҳайдамасанг юз ҳайдада, деган халқ мақолига амал қилади. Чунки у билади, қовжираган гуллардан уруғ олгач, уларни йифишириб, тозалаб бўлиб невараларига, талаба жиянларига ерни яхшилаб ағдартириб тупроқни қумдай, ундей ҳолатга келтиради. Сўнг, шу кузнинг ўзида эрта баҳор табиий гиёҳлар қатори ўсиб очилиб ётадиган гуллар

урұғини сепіб ташлайди. Шу ишни вақтида қилмаса, Иқбол опа ҳеч қачон хотиржам ухлаёлмайды.

Бу йил баҳор чүзилиб, ёмғирли кунлар күп бўлди. Кузда экилган гул ёмғирда кундан-кун ям-яшил, бўлиқ бўлиб ўсиб кетди. Лекин салқин кунлар давом этаверганигами, кеч гуллади. Иқбол опа ҳар куни тўртинчи қаватдан, деразадан бошини чиқариб энгашиб пастга қарайди, гулларининг очилишини кутади. Наврўз кунлари яқинлашган. Ҳамма жойда байрам шукуҳи. Опа учун эса ҳозир пастга қараганида ундан ҳам катта байрам бўлди. Кўм-кўк яшиллик четида бир донагина пушти гул бошлаб очилиб енгил шабадада тебраниб турипти. Ана, бошлиди гуллашни, энди гуллайверади, бундан қувониб Иқбол опа ҳам яйрайверади.

Опа бугун деразадан ярим гавдасини чиқариб эрталабки баҳор ҳавосидан тўйиб нафас олиб ўша бир донагина тебраниб турган гулга суқланиб қараб турганида бир ёшгина аёл ширингина қизласини шошиб етаклаб ўтиб қолди. Қизча тўхтамай ғужур-ғужур қилиб сайраб бораяпти. Улар боғчага кетишашти чоғи. Қизчанинг кийимлари ҳаворанг. Сочлари қалин. Бўлимли соchlари икки шохига жамланиб иккита қизил лентаси худди чиройли катта гулга ўхшатиб боғланган. У худди баҳорда барқ уриб очилган гул. Пастда енгил шабада учеб бораётган гулнинг ўзи. Қизчанинг кўзи ҳалиги гулга тушиб қолди. Энтикиб кулиб гулга қараб кела бошлиди. Узиб олмоқчи. Иқбол опанинг жон-пони чиқиб, «Ҳой, тегинма» демоқчи бўлиб турганида эрталаб ишга шошаётган зийрак ўғли «Ая» деб тўхтатди.

— Ҳозирги важоҳатингизни қандай бўлса, шундай сақлаб туриб дарров ойнага қаранг, совуқ авзойингизга бир эътибор қилинг. Кейин биласиз, шу қизчанинг бирдан ток ургандай шашти қайтиб кўнгли қанчалик оғришини. Битта дона очилган гулингиз шу битта жажжи, шири инсондан ортиқми?

Иқбол опанинг кайфияти тушиб кетди. Ўғлидан уялганидан, юзлари ловуллади. Ўғли ишга кетганидан кейин деразадан яна пастга қаради. Бояги очилган гул йўқ эди. Опа ўзини шундаям енгил сезди-ки! Қўлчасида гул, ўз танасига сиғмай қувониб бораётган қизчани кўз олди-

га келтириб янаям севинди. Ҳа-да. Ахир, одамлар қараб, қувониб, узиб олиб баҳри очилсин, деб гул экканингни ўзинг яхши биласан-ку Иқболой, деди кўнглида ўзига ўзи.

* * *

Иқбол опанинг ўзи ҳам, турмуш ўртоғи ҳам нафақада. Лекин ҳозир ҳам аввалгидай уйларидан одам узилмайди. Илгари Комил ака узоқ йиллар катта вазифаларда ишлади. Давлат унвонлари, мукофотларини олди. Уларнинг ҳамма вақт дастурхонлари очиқ бўлди. Чунки ҳамма вақт Иқбол опанинг чеҳраси очиқ бўлди. Турмуш ўртоғим раҳбар одам деб ҳеч қачон катта кетмади. Эшикдан келган ҳар қандай оддий одамми, раҳбар кишими, опага фарқи йўқ, ҳурмат-иззат билан уларга дастурхон ёзди, қўлидан келганча жон-тани билан хизмат қилди. Илгари болалари ёш эди. Кейинчалик улар ўсиб опанинг ёнига кирди. Улар ҳам уйга келган кишини хушмуомала билан кутишни, кузатишни ўрганишди. Ҳозир опа келинли, куёвли, саккиз-үн набирали буви. Келиниям опага ўхшаб одамнинг жонидай. Уйга меҳмон кўп келади. Комил ака республиканинг қайси нуқталарида ишлаган бўлса, улар Фарғонага келишади. Бошқа бирор дўст маслаҳати сўраб, бирор тўй қилмоқчи бўлса йўл-йўриқ сўраб, бирор ким биландир қуда бўлмоқчи, шу ҳақда тўғри, очиқ бир фикр сўраб келади. Ёки маҳалладош бир кишининг уйида но-тинчлик бўлса, маҳалла бошлиғи келади маслаҳат сўраб. Ёки шогирдлари келади ўз касблари бўйича кўндаланг бўлиб қолган бир ишни қандай ечиш, аниқлаш ҳақида эмин-эркин йўл-йўриқ сўраб. Кеча бошқа шогирдлари келибди, ака, тўй қилмоқчи экансиз, деб эшитдик, бизга нима хизматингиз бор, деб? Комил ака айтдики, ишларингдан ишкан чиқмаса, халиқа ҳалол, беминнат хизмат қилсаларинг, менга тўй қилишиб берганларинг — шу, деди-ю, Иқбол опани чақириб:

— Қани, бу укаларингни бир меҳмон қилчи, — деди. Иқбол опанинг кўзига бу йигитлар оловдай кўриниб кетди. У келини билан биргаликда жон-жон деб тансиқ овқат — бешбармоқ пиширди.

Кечкурун ўғли ишдан келгач:

- Уфф — деди Иқбол опа.
- Ҳа? — деди ўғли.
- Чарчадик, — деди опа.

— Ая, чарчадик дессангиз майлику-я, лекин «уфф!» демасангиз яхшийди-да. Эътиборлироқ бўлинг. Аввал катта вазифаларда ишлаб, кейин нафақага чиққан баъзи кишиларга одамлар салом ҳам бермайди. Ўйига йўқлаб, эшигига бош суқиб бирон киши сўраб келмайди. Чунки улар амалда ўтирган пайтларида тумшуқларига хода етмай кетган бўлади. Кўзлари фақат осмон тарашлайди. Ёнидан ўтган одамнинг бир нарсасини юлиб қолмаса ухлаёлмайди.

«Халқ — энг одил тарози» деган мақол бекорга яшаб келаётгани йўқ. Хафа бўлманг, мени тўғри тушунинг. «Худога шукур» дейишни ҳам билиш керак, албатта, ая. Иқбол опа ичида: «Аёл кишининг сочи узун, ақли калта бўлади» дейишинг қолди-да, фақат, болам, деб қўшимча қилди.

Яқинда Комил ака олтмиш беш ёшга кирди. Улар бу кунга ҳеч кимни таклиф қилғанлари йўқ. Ўша куни эрталабдан кечгача у кишини табриклаб кетувчиларнинг адоди узилмади. Иқбол опаларнинг ҳовлиси гулдасталарга тўлиб кетди. Гўёки, Фарғона шаҳридаги катта гул бозори Комил аканинг ҳовлисига кўчиб келди, қўйди.

Иқбол опа! Ҳақиқатан ҳам ризқли-насибали, иқболли аёл экансиз. Чинордай ўғлингиз ўринли гапирса, иймансангиз — бу ҳам бир баҳт.

СОВУҚЛИК

— Эрталабдан чарчадим, чарчадим дейсан. Билмайман, нима иш қилиб чарчайсан? Уйқудан ҳозир турдингку! — Хуноб бўлди дадаси.

— «Ҳозир турдинг, ҳозир турдинг». Меники шу кунларда ит ётиш — мирза туриш бўлган. Кечаси кўрнангизни устингизга неча марта тортиб қўйдим, билмайсиз! Анови тўрт болантиз-ку, бола эмас экан. Устини ёпдим, ўша заҳоти очиб юбораверишади. Кечаси билан мен сенларга қоровулман-ми?

— Ҳеч ким сенга қоровул бўл дегани йўқ, энди хотиржам ҳолда тилимни қичита бошлади турмуш ўртотум.

— Нима қилай, уйлар совуқ бўлса! Ҳаммангиз, айниқса, болалар совқотиб ётишса, кўнглимга уйқу сифадими?

Шовқинимдан болалар ҳам уйғониб кетишиди. Уларнинг катталари — ўглим билан қизим (5- ва 3-синфда ўқишиади) шошилиб мактаб кийимларини кийишаркан, совқотиб, товуқбадан бўлиб қолишиди. Мен эса жонҳалак сут пиширишга тушдим. Қайноққина сут ичиб кетишин.

— Ая, детсадга бормайман, ҳай? — чўзилиб, буралиб суйкадана бошлади ўртанча қизим.

— Ҳа, энди сен бошла! Нега бормайсан?

Сову-уқ. Бизни ечинтириб ухлатишиади. Кўрпалар ҳам жудаям-жудаям совуқ, лабини чўччайтириб йиғлашга тараддулланди у. Қизимни бағримга босдим. Бирам иси яхши-ки! Аччиғим ҳам тарқаб кетди. Кенжা қизим ҳам жунжикиб, йўталиб инжиқлик қила бошлади. Уни қўлимга олдим. Юзидан ўпдим. Муздай. Сут ўлгурам ҳалигача қайнаган эмас. Газ нега бунча паст ёнади? Бир ёқдан ишга кеч қолаяпман. Минутлар эса учиб ўтиб бораяпти. Болаларга чала-чулпа сут ичкиздим. Катталари шоша-пиша мактабга жўнашди. Ортларидан, ҳой, синфда бош кийимингни ечмай ўтири, ҳой, пальтонг билан ўтиравер, деб жавраб қолдим. Жужуқларимнинг иккитасини минг айланиб-ўргилиб, алдаб-сулдаб боғчага элтиб бердим.

Келсам, дадаси ишга жўнаб қолиши. Аразлаб, нонушта ҳам қилмай оч кетганов!.. Боринг-е! Шунгаям тумшайиб қолдингизми? Чой дамлаб, чойнакни сочиққинага ўраб, дастурхонга қўйиб кетган эдим. Уй совуқ, совиб кетмасин, дегандим-да. Бир пиёла ҳам ичмабсиз. Ўзи, аччиғингиз ҳам бурнингизнинг учиди турадими, дейман? Совуқдан кечаси билан ухламадим ҳисоб. Ўзи жонимга тегиб турувди. Нима қилардингиз, арининг уясига тегиниб!

Тунов куни ЖЭКка мурожаат қилувдик. «Шаҳар ичидаги ҳам, шаҳар атрофида ҳам ноқонуний равища катта

иссиқхоналар қуриб, улар ичига катта газ печларини ўрнатиб олғанлар кўп. Уларнинг печлари газни ўпқондай тортиб кетади. Сизларнинг газ плиталарингиз қаёқдан жонлироқ ёнсин? Шунинг учун умумий уйларни иситувчи печлар ҳам батареяларни иситолмаяпти», — деган жавобни олдик.

Бугун куни билан бошимдан шу ўйлар нари кетмади. Ишда ҳам ишлагандай бўлмадим. Кечқурун автобус кутиб кўчада бир соат турдим. Ичимни ит тирнаб бораяпти. Ахир жужуқларим боғчада кўзлари тўрт бўлиб мени кутиб туришипти-ку! Бир азобда уйга етиб келдим. Газ қурғур милт-милт. Бу аҳволда овқатим қачон пишади? Электр плитани ишга солайми? Ўтган қишидагидай электрнинг ҳам, чўнтакнинг ҳам уйини куйдириб-а? Нима қиласай, ҳеч ерга сифмай кетаяпман. Сиркам сув кўтармай қолди шу кунларда. Кечқурун яна дадаси билан айтишиб қолмасам гўрга эди! Самарқанд шаҳрининг Сўғдиёна массиви ва микрорайонларда озмунча аҳоли яшайдими? Эрталаб менинг уйимда баланд пардаларда авжга чиққан совуқ «айтишув» яна қанчадан-қанча оиласларда ижро этилди экан?

— Ая, гапирсам нега оғзимдан тутун чиқади? — деб хаёлимни бўлади қизчам. Кулгим келади, лекин кулолмайман.

— Тутун эмас, опош, буғ. Уйларимиз қачон исиса, шунда оғзингдан буғ чиқмайди.

— Қачон исийди?

— Би-илмасам, дейман чўзиб.

— Нега билмайсиз? Қачон исийди деяпман, сизга?

— Қачон исувди ўзи уйимиз? Ўтган йили кўйлакчалинг, пайпоқчаларингни ювиб ичкариги хонага илиб қўйганимда қотиб музлаб қолувди, эсингдами?..

Баттар хунобим ошиб бораяпти. Дадаси билан айтишсам ҳам майлику-я, «Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши!». Лекин менинг кичкинагина қизчам уй ва боғчаларнинг иситилишини бетоқат кутаяпти. У яна савол бераяпти: «Қачон уйлар исийди?».

ХАЙ, АТТАНГ-А!

Мана, қаранг, тўйнинг бошланиши. Карнай-сурнай. Қўшиқ. «Тўйлар мубора-ак!» Шу-да. Бисотимизда тўй ҳақида худди бошқа ашуламиз йўқдай, ҳамма тўйда кунимиз шу қўшиққа қолган. Келинни тушириб келишда, айниқса, бошлаб тўйхонага киргизиб келишнинг ўзи ёш болачаларга бир олам томоша, ота-оналар учун эса бахт, буни бошқача тушунтириб бўлмайди. Лекин... шу лекини бор-да. Илгари удумларимиз жудаям яхши эди. Авваллари келинларни узатиб келишда унга ярашиқли бир нарсани ёпинтириб, юзларини ёпиб келишарди. Ҳозиргилари эса бетларини очиб келишади. Фақат бетини очса майли-ёв, (гўрга-ёв) елкасию кўкрак, билакларигача очиб келишади. Нимаям дейсиз? Ҳозир ҳаммасиям шу. Қовунқовундан ранг олади-да.

Тўй зўр бўлди. Келин-куёв оқсоқол одамларнинг манглайигача келиб рақсга тушди. Ҳаммадан зўри шу бўлди. Зиёфат охирлаб қолганида тўй эгалари эълон қилишди:

— Эртага тонг маҳали келинимизнинг «Юз очди»сими ўтказамиз. Эрталаб ҳовлимизга марҳамат!

Тавба! Ўзи келин бетини очиб келган бўлса, «Юз очди»га нима ҳожат? Очик бетни нимасини очади?

Хай, «Юз очди»сиям ўтди. Тўйдан кейин иккинчи, учинчи кунларда келин уй-эшикка кириб-чиқиб, енгилелли ишларга аралашиб қолди.

Момоқайнона эрталаб ҳовлида чорпояда ўтирипти, зимдан шу келинга эътибор бериб.

Момо бу келинда келинларга хос ийманишни зифирчаям кўрмади. Ияги эса сира пастга тушмади. Шу уйда туғилиб ўсган қиз бўлгандаям, ўзини шундай тутмаслиги керак-да, ўйлайди момо. Одатда юрагида ҳаваси бор одам эрталаб туриб ҳовлида ўстирилган гулу райҳонларга, ям-яшил дов-дараҳтларга шошилмай тўйиб қарайди, эрталабки тоза ҳавони олади. Бу келин худди ҳеч нарсани кўрмагандай.

Момо ўтирган каравотнинг чор атрофига жўяклар олиб экилган ҳар хил чамандай гуллар чорпоянинг суюнчиғларидан ҳам сағал ошиб ўсганлар. Улар енгилгина шабада таъсирида чорпояда ўтирганларнинг елкаларига

тегиб-тегмай эркаланишади, ҳаммага ёқимли ҳид улашади, жаннати кайфият улашади, чирой улашади. Момо кексайиб, умри тугаб бораётганини тан олиб ўтирган бўлса ҳам, бу ғанимат дунёниг гўзалликларидан сеҳрланиб, завқ олиб ўтирипти. Худога беҳисоб шукур!

Янги келин уйдан чиқди-да, момога совуққина саломини бериб, ўзича катта қарзини узиб ўтиб кетди. Момо унинг юзига қаради. Боласи-да. Ҳали бетига қош-киприк чизмаптиям. Энди ювенишга ўтиб кетди чофи. Қоши бор бўлса ҳам уни жойида қилдай қолдирман, деб қошининг бошига етганми? Ёки алламбало заарли дорилар қўшиб ишланган бўёвларни қош-киприкларига суркайверганидан тўкилиб кетганми?

Келин гулларга, яшнаб ўсиб, шабадада ям-яшил барглари ҳилпираб турган дов-дараҳтларга, шифил пишиб турган олча, гилосларга қарамадиям. Қарамагани етмагандай, гулларнинг давомига экиб қўйилган, кечагина қайноаси сувориб, бегона ўтларини юлиб тозалаган — отқулоқдай бўлиб барқ уриб ўсиб ётган ўсмани оёғи билан босиб, эзиб ўтиб кетди. Қайноаси ҳавас билан ўзини «сен» деб, шу ўсмани «сиз» деб ўстириб олган эди. Ўсманинг эзилгани-ку майли-ёв, парвариш қилса, яна ўсиб кетаверади. Бунинг давоси бор. Ўсмадан ҳам қўпроқ момонинг юраги эзилди. Унинг давоси қайдади? Ҳай, аттанг-а!

ЭШИК ҚУЛФЛАНГАНУ, ДЕРАЗА ОЧИҚ...

Табаррук ёшда бўлган бу икки аёлга қишлоғимиз кишилари ўзгача эҳтиром билан қарашади. Улар кирган даврада ҳазил-ҳузул, ҳикмату ўгит, достону ривоятлар қайнаб чиқаверади. Аслида икковининг феъллари ҳам ажойиб-да. Қаранг, Ўлмас буви ҳар баҳорда қўй қирқимидан қолган жунларни совунлаб, тозалаб ювиб, офтобда қуритади. Симга қатор илинган жунларни дашт шамоли ўйнаб тортқилайди, енгилроқларини учириб кетади. Шунда Ўлмас буви чаққон туриб юмалаб бораётган жунни тутиб олади ва яна жойига илиб қўяди. Буни кўриб турган келиnlари «Жудаям сергаксиз-а, эна!» — деб кулишади. «Шу сергаклигимни сизларга ўргатмасдан ту-

риб асло ўлмайман. Бекорга отимни Ўлмас қўйишмаган!» — дейди буви. Келинлар бу ўгитдан хижолат тортиб индамай қолишиади...

Ўкта мому ҳовлида кўриниши биланоқ, гурунглаби турган учала келини гапдан тўхтаб, бирданига жимиб қолади. Шунда мому уларга: — Биламац, мени ёмонлаётисизлар. Фийбатдан нима фойда? Ҳозирнинг ўзида ҳаммаларинг иш-ишларингга боринглар! — дейди. Келинлари эса бараварига: — Э, эна, нима деяпсиз? Сизни ёмонлаб ўлолмай ўтирибмизми? — дейишиади-ю, сўнг бир-бирлари билан кўз уриштириб «Ёмонлаганимизни эшитиб қўйдимикин-а?» дегандек қош учирашиади...

Икки момонинг донишмандлигию уддабурролиги устуга озгина соддалигиям бор. Шуни айтиб берай. Ўлмас буви қўшни қишлоқдаги бир тўйга борди. Уй тўла хотин-халажнинг ҳангомаси қизиди. Гап айланаб сарпосуруққа келиб уланди. Аёллар йиққан-терганини роса мақтاشади. Шу даврада бир шаҳарлик меҳмон ҳам бор эди. У Ўлмас бувидан сўраб қолди: — Бувижон, қишлоқ кампирлари жуда пишиқ бўлишиади, қадимги буюмлару тақинчоқларни йиғиб қўйишиади, деб эшиганиз, шу ростми?

— Ҳа, рост! — дейди Ўлмас буви. — Мана мен битта туясандиқни тўлдириб қўйибман. Бариси қадимий рўмоллар, тоза кўйлакликлар. Маржонларнинг ўзидан бир неча қатор. Илондай буралган бир нечта кумуш билагузугим ҳам бор. Шаҳарлик жувон «Вуй!» деб юборди. Сўнг ҳайратланиб деди: «Ҳамма бойлик сизда экан-да. Бу нарсаларни қандай асрыйсиз-а!»

Охирги гапни эшитиши билан Ўлмас буви ўрнидан ирғиб турди, каловланиб кўрпача тагидан калишини қидира бошлади. Ўтирганлар: «Нима бўлди, буви, ўтиринг, ҳали ош тортилмади-ку!» дейишиди. Буви ранги оқариб бош чайқади: — Менгина ўлай. Уйнинг ҳамма ёғи очиқ-социқ қолган. Туясандигимниям қулфи йўқ...

Бир неча ҳафта ўтиб, Ўкта мому бир тўй даврасида Ўлмас бувига тегишиди: — Эшигдим, худо бир асрабди. Уйингни ўғри уриб, бор-будингдан ажрашингга сал қопти. Менам илгари сенга ўхшаб уй-жойни қулфламасдим. Ахир, сандигим тўла буюм, невараларимга атаган-

ларим бор. Мана, ҳозир эшикни қулфлаб келганман, бемалол ўтирибман.

Үлмас буви бўш келмади, хиёл жилмайиб, момога деди: — Кўрдим. Уйингнинг ёнидан ўтиб келаяпман. Эшигингда отнинг калласидай қулф, икки деразанг эса ланг очиқ турипти. Эшикни қулфлаш эсингга келиптию, деразангни ёпмапсан-да!

«Вой, ўлмасам!» деб сапчиб турди Ўқтам момо ва эшик томон илгарилади. Шунда Ўлмас буви унинг чопони этагидан ушлади:

— Ўтиравер, мен деразангни қаттиқ ёпиб қўйдим.

Бир уй аёл икки момонинг донолигию соддалигидан завқланиб гуриллаб қулиб юбориши. Ана шунаقا. Илоё иккисининг-да умрлари зиёда бўлсин.

«ЧЕЛАК»ДА ШУНДАЙ МОМО БОР

Бу аёлнинг эри эрта вафот этди. Тўрт болани бир ўзи тишида тишлаб катта қилди. Бирорларга хор эттирамади. Ақлли-хупили, меҳнаткаш бўлиб улғайишди фарзандлари. Эл-юрт орасида момонинг ҳам обрўйи ошгандан ошди.

Эндиликда Ўлмас момо қишлоқнинг энг доно кайвониларидан бири. Ўзи хўп серғайрат, гапга чечан, ишибилармон. Ҳар бир гапига мақол қўшиб гапиради. Борди-ю, бирор киши «Мақолга бунчаям устасиз, момо» деса борми, дарҳол «Йигитнинг кўрки соқол, гапнинг кўрки мақол-да, айланай» дея жавоб қиласди. «Ўлмас холанинг ажаб феъллари бор-да!» дейишади қишлоқдагилар.

Бўсағаси кир-чир ҳовлига кириб келган момо, ичкарита йўл олаётib ўз-ўзича сўзланади: — Қадимгилар уй фариштали, қизли уй сариштали» дегувчи эди. Бу уйда қиз зоти борми ўзи?

Буни эшитган бўйқизлар ўсма идишини бир четга қўйиб, дарҳол қўлига супурги тутишади.

Момо бир уй ёнидан ўтаётсаки, аёл дорга гилам ёйиб чангини қоқаётир. Эркаги офтобрўяда юзига газет ёпиб мизги-иб ётипти. «Ҳой, тентак тўрини бермас экан-да! Газитдан офтоб ўгади, болам. Келиннинг чорси рўмолини бетингга ёпиб ётсанг-чи!» дейдилар кесатиб. Эркак

ўрнидан дик этиб турати, момога салом бераб, уни кўрпачага таклиф этади. Сўнг ўзи гилам қоқаётган аёлига қараша кетади. Момога эшилтириб: «Ёрдамлашинг демайсанми, мен шу срдаман-ку!» деб қўяди...

Ўлмас момонинг уйи мол бозорга яқин эмасми, кўпчилик бозордан олдинги куни бу кишиникига келиб қўнади. Айниқса, Боймирза дегани бор, ҳар бозор куни «хола-хола»лаб келаверади. Бир гал эчкиларини сотишга келса, бир гал қўша-қўша ҳўкизларини етаклаб келади. Бир қишида яна момоникига серқатнов бўлиб қолди. Икки эчки, бир сигирни момонинг оғилига боғлаб, ўзи меҳмонхонанинг тўрига чиқиб ёнбошлади, момо қўлинини «куҳ-куҳ»лаб совуқда ош пиширмоқча тутинди. Буни кўриб ўтирган Боймирза бемалол ётаверди. «Ҳап, сеними, шошмагин», деди момо оғриниб. Шу куни момо тунашга меҳмонга жой солиб берди. Ичкаридан хуррак эшитилгач, уй деразаси сиртига лойиқ эски гиламини опчиқиб мих билан қоқди. Момонинг уй деворлари хом фиштдан терилган эмасми, михларни тош билан урганда индамай деворга кириб кетди. Уй ичи зимистон бўлди. Боймирза уйғониб қараса-ки, ҳали тонг отмаган. Яна ётаверди. Икки-уч уйғонди, яна шу ҳол. «Ие, бугун тонг отиши бунчаям қийин бўлди, ёки кечак оқшом ошни кўп еб юборувдим, шунинг учун ухломай чиқдимми», деди ўзига-ўзи. Сўнг, ҳовлига чиқиб қараса, қуёш тепада. Кун ёйилиб кетган, момо эса ҳеч нарса бўлмагандай ўз юмушлари билан банд.

— Хола, ҳов хола! Нега мени уйғотмадингиз, бозордан кеч қолибман-ку!

— Қиши ўчоғи тор, тур уйингга бор, деганлар. Холанг қачонгача ёзи билан ўт ўриб, сенинг келди-кетди молларингта емиш ғамлайди! Бўлди, холанг ҳам чарчади, болам.

Ўлмас холанинг гапидан Боймирза уялди. «Шу вақтга довур шу нарсани ўйламай, момога жабр қилибманда», — деди ичида ва тезгина молу ҳолини етаклаб уйтига жўнаб қолди.

Бир куни қишлоқнинг ўрта ёш аёлларидан бири эридан аразлаб қўшни қишлоқдаги ўғлиникига кетиб қолди. Момо қараса-ки, шунча йиллик турмуш бузилиб, оила

түзиб кетадиган. Эр-хотинни яраштиришга шошилди. Аразлаган аёл момога деди: — Мана, ўғлим топиб келиб, келиним пишириб бераёттир. Энди уйга қайтиб бормоқчи эмасман!

— Ҳей, ношукур, — деди момо у аёлга. — Шунча йиллик одам энди сенга керак бўлмай қолдими? Қариганда бир-бирига тиргак бўлиб яшаш керак эру хотин.

Ўғлингникида ҳозирча меҳмонсан, икки-уч кун ўтиб меҳмоннинг сийи битади. Қолаверса, қадимдан қолган гап бор: «Ўғлим топганини ўйлаб-ўйлаб ейман, эрим топганини ўйнаб-ўйнаб ейман», деганлар. Янаям танангга бир ўйлаб кўр!

Момо чиқиб кетгач, аёл бир зум ўйлаб хаёлга толади, сўнг бўхчаларини йиғиширишга тутинади...

Ҳа, Ўлмас момо шунаقا. Гапга мақол қўшиб, битмаган ишни битиради, пишмаган ошни пиширади. Бу табаррук онахон бутун қишлоқнинг онаси. Кўзга суреб «Донишманд момо» деса дегулик момоси. Шундай момолар ҳамиша бор бўлсин, узоқ-узоқ яшаб, элга бошу қош бўлсин, деймиз.

БИР АЙЛАНИБ ЧЕВАР БЎЛДИМ

Ўтган йили деразаларимизга яп-янги пардалар сотиб олувдик. Бир йил ўтмай ёнлари чўзилиб, ерга тўшалиб қолди. Алам қилди. Пардаларни йиғиб олдим. Янги сурп харид қилдим. Пардага ўша сурпдан астарлаб, диван ва каравотларга чойшаб тикдим. Тикаётиб шу ишимдан завқим келди. Чокларини тўлқинли-тўлқинли қилиб тикдим, бурмали-бурмали қилиб тикдим.

Келинликдаги оқ ипак кўйлагимдан қолган қийқимларни тикувчиidan олиб асраб қўювдим. Ўша қийқимлардан чиройли атиргул ғунчаларини ясадим, чойшабнинг ҳар-ҳар жойига қўндириб чиқдим. Бирам чиройли бўлдики... Сўнг ўйладим: чет элликлар ишлаб чиқарган маҳсулотларига ёрлиқ қўйишга уста. Нега биз шуни эплолмаймиз? Қийқимлардан ғунча шаклида ёрлиқ тайёрладим. Ипларимнинг орасидан ратьно гулининг рангига ўхшашини танладим. Ғунчамни чойшабнинг четки томонига тикув машинам ёрдамида ярашиқли қилиб тикиб қўйдим.

Унинг ёнига чучмома гулининг рангига ўхшаш ип билан «Ҳавас» деган сўзни ёзиб тикдим. Севиниб-севиниб тикдим, яйраб-яйраб тикдим...

Чойшабни диванга ёпганимда уйнинг манзараси очи-либ кетгандай бўлди. Бирам енгил тортдимки!

Мана шунаقا... Биз аёлларнинг қўлимиздан келмайдиган ишининг ўзи йўқ. Озгина тадбиркорлик қисак борми, эски буюмдан янгисини яратамиз. Ишонмайсизми? Бирор кўйлагингиз уриниброқ қолди дейлик... Сиз уни ташлаб юборишга ошиқманг. Кўйлакнинг ранги ўчмаган жойларини қирқиб олиб, ундан чиройли ошхона фартути тикиб олинг. Яроқсиз қисмларидан эса чойнакка таглик, қозон тутқичлари, чойни иссиқ сақлаш учун ишлатида-диган турли шаклдаги жажжи ёпқичлар тикишингиз мумкин.

Борди-ю, кўрпа ва ёстиқ жилдларининг ўрта томони йиртила бошлаган бўлса-чи? Уларнинг рангига мос матодан олиб, эскирган жой ўрнига улаб чиқсангиз кифоя. Жилдларни яна бир оз муддат ишлатиш имкони яратилади. Товони ёки уч томони сўқилган цайпокни асло ташлаб юборманг. Уларнинг рангига мос иш топинг. Сўнг пайноқларни битта-битта олиб думалоқ бирор буюмга (лампочка бўлса яна яхши) ўрнатиб, йиртилган жойини тортиб-тортиб пишиқлаб тикасиз. Қарабсизки, бу пайпокларни бир неча кун кийиш мумкин бўлади.

Аёл уддабурро бўлса, олам гулистон. Уйдаги ҳар бир буюм ўз ўрнини топади. Энг муҳими, янги буюм сотиб олиш учун йиққан пулингиз ўз ёнингизда қолади. Бу хил чеварлигу орасталикни ҳар бир аёл эплаши шубҳасиз. Бир уриниб кўринг-а...

ҲАМ ЭЗИЛДИ, ҲАМ ҚУВОНДИ

Олмос хола ўзидан тинган. Фарзандларининг ҳаммаси ўқимишли, ҳунарли, унинг битта ўғли ва битта күёви Тошкенти азимда катта лавозимда ишлашади. Ҳар олти ойда, яъни йилига икки марта Тошкентга келиб, ўғли ва қизиникида яшаб, сиҳатгоҳларда дам олиб, даволаниб кетади. Қишлоқдаги ўғиллари ва қизларининг болалари, яъни набираларидан бир нечтаси ҳам Тошкентда ишла-

шади, ўқишиди. Холанинг гапиришича, Тошкентга келса ҳаммаси навбати билан меҳмонга, беш-олти кун туриб кетишга чақиради. Лекин хола бир ойда зерикиб бўлади, қишлоққа шошади. «Томир қишлоқда-да, томир қишлоқда», — дейди такрор-такрор. Тунов куни Олмос хола Тошкентга катта ўғлиникига келувди. Тўрг-беш кун ўтдими, ўтмадими, шу ердаги қизи уйига олиб кетди. Куёви аввал яхшийди. Иши катталашганигами гаплариям катта-катта бўлиб кетибди. Тавба, ўйлади хола. Ҳар битта гапида бир қисм-бир қисм қалампири бор. «Нега Тошкентдаги набираларингиз ўзларидан билиб сизни келиб кўриб кетишмайди?», — деди-я.

Яна бу кунисига хотинига меҳрибонлик қилиб:

Рамзия, биз ҳам ҳали қариганимизда ўғлимизникига сиғмай, куёвимизницида яшаб қолсайдик? Унда нима қиласмиш? — дегани-чи!

«Астағфируллоҳ! Буларникига келганимга бор-йўғи уч-тўрт кунгина ўтган бўлса буича оғирсинади, бу «бек»?.. — ўйлади Олмос хола.

Куёвга бир айтай деди:

Набираларим Тошкентда лайлак ҳайдаб юргани йўқ. Ҳаммасининг ҳам иши бор, ўқиши бор. Вақти-соатини топиб кўриб ҳам кетади, мени олиб ҳам кетади...

Йўқ, ундан қиласмиш. Борадиган, келадиган эшигингни қаттиқ ёпма, деган нақлга амал қилиб, индамай қўя қолди. Одамни билмоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр, деганлариям рост экан-да.

Куёвнинг гапларидан кейин хола қизини ўз ҳолига қўймади.

Бойингнинг (эрингнинг демоқчи) машинасида эмас, таксида мени Абдулла неварамникига ўзинг обориб қўясан. Қизи хижолат чекиб, юраги эзилди. Энди кеч кираётган пайт эди. Худди хола айтганидай обориб қўйди-ю, уйига қайтди. Набира келин учиб-қўниб чарақлаб холани кутиб олди. Негадир хола оёқ кийимини ечмай пойгакдан ичкарига кирмай тикка тураверди.

— Эна, ичкарига киринг, нега бундай турибсиз?

— Шундай тураверман, — деди хола «шундай» сўзи-га алоҳида урғу бериб.

— Нега?

— Нега десанг, Абдуллажонимни унча-мунчаям соғинмадим, у билан кўришиб, уни бир бағримга босма-гунимча шу ерда туравераман.

Келин қараса, холанинг гапи қатъий. У дарров шу кириш жойнинг ўзига юмшоқ, суюниб ўтирадиган стул олиб келиб берди. Шу ернинг ўзига кичкина хонтахтани олиб келиб, дарров дастурхонни обод қилиб ташлади.

Набира келин Райҳон ўйлаб қараса, Абдуллажон ишдан кеч қайтади. У ҳарбий қисмда ишлайди. Бунинг устига ишбилармон. Кеч соат ўндан олдин ҳеч қачон уйга келган эмас. Қилаётган янгилик ишиларини ҳужжатлаштириб, тасдиқлатиб, ўзига ишониб олмагунча кўнгли тинчимайди. Райҳон кеч соат 10—11 ларгача холани зериктириб қўймаслик йўлини излади ва буни дарров топди. Мустақиллик майдони уларнинг уйидан икки бекат нарида. Райҳон болалар боғчасидан икки эгизак ўғилчасини — Ҳасан, Ҳусанни чопиб бориб олиб келди-ю, ҳаммалари Мустақиллик майдонига қоронғи туша бошлаган пайтида жўнашди.

Майдоннинг ўргасига келишганида хола кўрсаткич бармоғини ерга ниқтаб кўрсатиб, Тошкентдаги ўғли хақида сўради.

— Менинг болам шу ерга каттами? (Раҳбарми демокчи).

— Йўқ эна, сизнинг ўғлингиз — катта бобом Ўзбекистон бўйича маориф бўлимига катта. Ҳозир мана шу турган жойимизга эса ҳалқнинг ўзи катта.

— Ҳа, ундан бўлса, бу ерга сен билан мен ҳам каттаконмизда.

— Албатта, албатта, энажон. Уйга қайтиб келишди-ю, хола барибир ичкарига кирмади. Ўша кириш жойда, ўша юмшоқ стулда ўтираверди. Кеч соат ўндан ўтаяптики, Абдулладан дарак йўқ. Момонинг кириш жойда ўтирганидан хижолат келин:

— Шунча болаларни ўстириб, тарбиялаб ҳамманинг ҳавасини келтириб юрган энамиз бўлиб, бу ерда ўтирганинг ярашмайди, тўрга ўтинг, илтимос, тўрга.

— Вой болажоним, мен нимаям иш қилибман?! Бононг топиб келарди. Мен фақат тайёр, бор нарсаларни

болаларимга пишириб, куйдириб берардим-да. Энди шуниям қилмайми?

Эшик тақиллади. Абдуллажон кириб келди. Холага худди дунё ёп-ёруғ бўлиб кетгандек бўлди.

— Бўйингдан айланайин, болажоним! Мен сени шундай соғиндим, шундай соғиндим! — Неварасини хола қучоқлаб бағрига босиб кўришди. Кўришиб бўлгач, уни яна қайтадан бағрига босди. Абдуллажоннинг елкалари ни, бўйинларини тўйиб ҳидлади, қўлларини силаб-сий- паб ўпиб қўйди. Погонларини авайлаб ушлаб кўриб, Ѣу қўлларини кўзларига суртди.

— Тошкентта келганимга бир ҳафтадан ошди. Нимага менин тезроқ уйингга олиб келмадинг? Сени қанчалик кўргим келганини билсайдинг садағанг кетай? Мен сени қандайлар катта қилувдим?

Абдуллажоннинг ҳам меҳри товланиб кетди:

— Мен сизни ҳар куни олиб келмоқчи бўламан, лекин уйга жуда кеч қайтаман. Мана шу бугун ҳам сизни олиб келмоқчидим. Аксига олиб ишларимиз бугун ҳар кунгидан ҳам баттар ўюлиб кетди.

— Райхон, — чақирди Абдуллажон. Келин «лаббай», деб эрининг амрини кутди. — Узукларингнинг чиройли- сидан биттасини олиб чиқ, ҳозирнинг ўзида энамнинг қўлига ўзим тақиб қўяй. Сенга ўзим албатта бошқа узук олиб бераман.

Райхон шу вақтнинг ўзида чин кўнгли билан узукларидан бирини олиб чиқди. Абдуллажон узукни энажонингнинг қўлига тақиб қўйди. Хола қувониб кетди.

Буни қишлоқча борганимда аввал қизларимга кўрсатиб мақтанаман, кейин ўғилларимга, кейин кединларимга...

Олмос холанинг кўнгли бўшаб кетди. Шу билан баробар унинг чеҳрасида қувончу-қувонч, баҳт ҳам балқиб кетди. Кўзида ёшу, лекин кулишга ҳаракат қиласди. Холанинг кўз ёшлари юзини ювиб, ўн икки фарзандга оқ сут берган кўкракларигача оқиб тушди.

БЕОЗОР РАШКЧИ

(Ҳажсия ўрнида)

Бир даврада рашик ҳақида гап кетди. Кимдир рашкчиларни қораласа, яна кимдир оқлади. Қўшним Малоҳат бир «уҳ» тортиб: «Ортиқча рашик ҳам одамни сил қилиб юборади», — деди сскингина.

— Ҳой, ундан деманг, сизнинг рашикчингиз шундай беозор одам-а! — гап қўшдим мен.

Малоҳат «ишинмаяпсиз-а» дегандек қаради, сўнг сўзлай бошлади:

— Хўжайним аслида кўнгли тоза одам. Аммо... Мана, бир воқеани гапирай. Театрга бордик.

Қайтгач, у мени саволга тутди:

— Малоҳат, боя Аҳмаднинг аёли билан салом-алик қилдинг-у, лекин Аҳмадга индамай қўя қолганингда бўларди-да! Ахир унинг ўзи «янга, тузумисиз?» деди-ку! Индамай тураверайнми? Назаримда Аҳмад сенга қош учирив қўйгандай бўлди-ёв...

— Нима деяпсиз? Нега у менга қош учиради? Ёнида гулдай хотини турган бўлса? — хўжайнимнинг гапидан жон-поним чиқиб кетди, гўё.

— Кўрганимни айтаянман! — ўз гапида туриб олди дадаси. — Хаёлимда шу-шу сениям қошингнинг биттаси сал ўйнагандай бўлди-да...

Яна койишини бошлади. Гапини бошидаям «Малоҳат» дейди, охиридаям «Малоҳат» дейди. Ишқилиб, «Малоҳат»лайди, яхши кўради-да, мени. Индамадим, ухлаб қолди. Мен эса алламаҳалгача ухламай, кийимларини ювиб, дазмолладим, эрталаб яхши сўзлар билан ишга кузатдим. Мени умрида биринчи марта кўраётгандай жиддий тусда тикилиб-тикилиб қаради-ю, чиқиб кетди.

Шу билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Иложи борича мени, болаларни яхши кийинтириб, яхши едирсам дейди. Меҳмондўст. Яхши-яхши, меҳрибон, мард ўртоқлари кўп. Аммо ана шу бир қараганда беозор рапкини демаганда... Бир гал Ботир жўраси оиласи билан меҳмон бўлиб келди. Биралар яхши ўтирдик. Болалар ҳам биргаликда жуда ёзилишиб ўйнашди. Ўзимиз ҳам студентлик давр-

ларимизни, келин-куёвлик пайтларимизни эсладик, ро-
ҳатландик.

Тулпа-тузук очилиб-сочилиб ўтирган одам, меҳмон-
лар жўнагандан яна иягини қайрай бошлади. Эмишки,
мен унинг Ботир дўстига кулибсираб қарабман. Тавба,
гапнинг маъносизлигини қаранг, хўмрайиб қарайдиган
бўлсам, нима қиламиз меҳмон чақириб?

— Ёки, Ботирга кулимсираш учун мезбонлик қилув-
дингизми? — дейди кулимсираш сўзига урғу бераркан.
Сиз-сизлаб кесатиб жонингни суғуриб олгандай бўла-
ди. Шундай юрагим қисилиб кетдики, оғзидан чиқаёт-
ган гаплар назоратсиз қолди. Бўлмаган гап учун нима
қилади шунча куйиб-пишиб, ўзини қийнаб? Шунга
ичим ачиди. Қачонгача индамайман? Уйимизда мана
шунаقا даҳанаки жанглар тез-тез такрорланадиган
бўлиб қолди. Охир бир куни хўжайинга: «Менинг сиз-
га бир-икки оғиз маслаҳатли гапим бор», — деди си-
полик билан.

— Мен ўлгурнинг қошим ўйнаса, мен ўлгурнинг
кўзим ўйнаса, баҳримдан ўтинг-қўйинг. Аччиғидан бур-
ни, лаби бир учгандай бўлди-ю, лекин эшилди.

— Шундай сенинг оғзинг ёмонки... — деди менга
тиклиб. Кўзи тешиб юборади-ёв мени. Мен беозор ра什к-
чимни индамай енгдим.

Шу-шу Малоҳатнинг хўжайини жим. Илойим, жим
бўлгани рост бўлсин...

ҲАҚИНГИЗ ЙЎҚ ЭДИ ОНА БЎЛИШГА

Суқсурнинг учинчи фарзанди ўғил бўлди. Иккита
қизчадан кейин дунёга келган отчопар ҳаммани — оила
аъзолари-ю, қариндош-уругларни қувонтирди. Ёнидаги
ҳамроҳи Шарофат эса учта ўғилдан кейин қизчали
бўлибди. У ҳам қувонгандан қувонган. Шу палатадаги
учинчи аёл Райҳон эса олти йил фарзанд кутиб, энди
ўғиллик бўлипти. Қисқаси, шу палатадаги ҳамма ча-
қалоқ ва оналар соғ-саломат, бундан ўзлари ҳам, вра-
лар ҳам хурсанд эди. Афсус, бу хурсандчилик узоқча
чўзилмади.

Райхон бир кунда бир неча марта бирпас-бирпас чақалоғини қолдириб чиқиб кетади. Ҳар сафар кириб келганида ундан папирос ҳиди анқийди. Чақалоғи жудаям ширин. Оғзидан папирос ҳиди бурқсиб, шу ширинчага кўкрагини беради. Гўдак мириқиб-мириқиб эмиб олади. Врач ҳар куни кириб, она-болаларнинг соғлигини кўрикдан ўтказади. Бугунги кўрик Райхоннинг ташқарида чекиб, энди палатага кириб келган вақтига тўғри келди. Врач папирос ҳидини сезиб, шундай асабийлашди-ки, унинг кўзлари қонталаш бўлиб кетди. Бирпас гапини йўқотиб ҳам қўйди. Райхонга нафраталиб қараб, деди:

— Болангизни яхши кўрасизми?

— Бўмасамчи! Мен бу болани неча йиллаб кутдим.

— Ундаи бўлса, бугундан бошлиб чекишни ташлайсиз. Мен буни сиздан қаттиқ талаб қиласман! — деди-ю, жаҳл билан чиқиб кетди. Райхон уч кун чекмади. Чидади чекмасликка. Лекин чақалоқ чидамади. У уч кун тўхтовсиз чирқиллаб йиғлади, норасида гўдак сезди, эмайтган сутида нимадир етишмаётганлигини (папирос ҳиди ва таъми) ва шунинг хумори тутди. Врач эса мана шу уч кун она-болани зийраклик билан тинимсиз кузатди. Бегуноҳ гўдакка жуда раҳми келди.

— Аввало, — деди у, — сизнинг она бўлишга ҳаққингиз йўқ эди. Бу бола яна уч кун шунчалик зорилласа... Унинг нимагина жони бор? Сўнг бу қўргиликка қандай чидайсиз?

Райхон уятни йиғишириб қўйиб:

— Боламнинг тарбияси — бу менинг ишим, сиз эса аралашманг, мен бу болани тилаб-тилаб олдим.

— Тиловли болангизни йиғловли бўлиб қолишига ким сабабчи? Ўзингизми? Сиз болангизни қорнингизда пайтидаёқ, гиёҳвандликка мойил қилиб қўйгансиз. Ҳали бола ўсаверса, ўзини гиёҳвандлик балосидан асрай олишига ишонасизми? Аслида, бу гўдакнинг нима айби бор, айтинг?

— Бу гаплар Райхонга пашша чақанчалик таъсир қилимади.

Катта боғ ва гулзор. Шу обод жойга сайдрга чиқсангиз, тўсатдан олдингиздан катта илон ёки чаён чиқиб

қолса, қандай сесканасиз? Юқоридаги гаплардан кейин врач ва палатадаги оналар ана шундай ҳолга тушишди.

Шундан кейин қарийб ўн саккиз-йигирма йиллар ўтди. Врач Маърифат Ориповна метро бекатида бир тиланчи аёлни кўриб қолди. У бу аёлни қаерда кўрган эканман, деб ўйлади ва бирдан ёдига тушди. Бу аёл бир вақтлар ўзи ишлаган туғруқхонада кўзи ёриган аёл — Райҳон! Уни зўрға таниди, чунки Райҳоннинг этнидаги қийимлари адодан-адо, харобдан-хароб эди. Сочлари оқариб кетган, қўуллари эса дарахтнинг қувраб қолган шохларига ўхшайди, кўзлари тўла мунг эди.

Маърифат Ориповна Райҳоннинг қўлига минг сўм ташлаб ўтар экан, ўйлади. Ҳар бир отга-она ва фарзанд ўз ҳаёти учун аввало ўзи ҳушёр ва қўриқчи бўлиб турмаса, бошқаларнинг жон қуидиргани бекор экан.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Жасурбек яп-янги, ярқираган “Нексия” машинасига ўтирди. Жў-ўн ўтирмади, талтайиб ўтирди. Ҳали ўзи талаба. Ўзининг, яъни ўзгинасининг тили билан айтганда — студент! У машинани аввал секинроқ тезликда ҳайдади. Қаёққа боришни ўзи ҳам билмайди, фақат мақтанмоқчиди, машинасини кўз-кўз қилмоқчи. Катта йўлга чиққач, машинани шунаقا учирди-ки, йўл четида пиёда кетаётганлар “Астагфирулло!” деб ёқасини ушладилар. Шаҳардан ташқарига чиққандан кейин ҳам яшин тезлигига ҳайдайверди. ДАН ходими ола-була таёқчасини кўтарди. Жасур машинасини тўхтатиб, зўрға эшигини очди, лекин жойидан қўзралмади.

— Уқа, бунақа тезликда ҳайдаманг, — деди у — ёмон тасодиф юз бериши мумкин.

У ДАН ходимига безрайиб қараб: — Менинг жоним учун қайғуриш сизга қолгани йўқ, эшиитдингизми?

— Ҳужжатларингизни кўрсатинг-чи?

Жасурбек чап оёғини кўтариб, хавфсизлик ходими-нинг юзига яқин олиб бориб: — Мабодо сизда завод деган нарса бор бўлса, ўқиёлсангиз, оёғимнинг тагини ўқиб кўринг, прокурор деб ёзиб қўйилган! Ана сизга ҳужжат!

— Ҳали жуда ёшсиз-ку?

Жасур саволга савол билан жавоб берди: — Нега қарда ўқийсан, деб сўрамайсиз, а?! Юрфак! Юр-фак! Эшигдингизми, ёки яхшилаб эшигтириб қўяйми? Вообише, менинг вақтимни олишга нима ҳаққингиз бор?

— Менга бунаقا муомалангни йиғиштир, ука. Лекин ёмон панд ейсан!

Жасурбек оёғини ичкарига олди-да, хайр-маъзурни насиya қилиб, машинасини яна учирив кетди.

ДАН ходими кечқурун уйига жуда чарчаб келди. Травматолог хирург — акаси эса ундан ҳам чарчаб келди. У шунчалик толиққан эди-ки, овқат ейишга ҳам ҳоли йўқ. У тўхтаб-тўхтаб гапирди:

— Бугун бўлимимизга бир ёш йигитни олиб келишибди. Ҳали талаба экан. Автоҳалокатга йўлиққан. Чап оёғининг суюғи майдаланиб синган, тизза суюклари эса уқаланиб кетган. Энди у оёқнинг оёқ бўлиши даргумон. Бош миаси қаттиқ лат еган. Ҳалиям беҳуш. Йигит жуда кўп қон йўқотганлигидан буйраклари ишдан тўхтаб қолипти. Узлуксиз қон қуиб, буйракларини зўрға ишга туширдик. Ўзиям бой одамнинг боласи экан. Овқатларинг тайёрми, тез опкелинглар, ёмон чарчадим... Уф-ф... Жонлантириш бўлимида ётипти. Ота-онаси йўлакда ўтирипти. Қўрққанларидан раңгига-ранг қолмаган.

— Ака, оз бўлса ҳам бизда бор-да, ана шунаقا эркатой, бўз йигитлар. Маънавияти қашшоқ. Ўзларига ўзлари фалокатни сотиб олишади. Машинани учирив борадиган жойга ўртача тезликда ҳайдаса ҳам етиб боради-ку.

ДАН ходими бу воқеанинг қаҳрамонини дарров эслади, афсус билан бош чайқади.

— Ҳа, ҳамма айб боласини талтайтириб қўйган ўша ота-онада... Қилмиш-қидирмиш дейдилар-ку, — деди у.

Бу воқеани эшигарканман, «Бола азиз, одоби эса ундан ҳам азиз» деган мақолни кўнглимдан кечирдим.

«МИНГТУТ» БҮЛМАСА... ЮЗ ТУТ»

ЕРНИНГ ҲАМ СҮРОФИ БОР...

Энам ёшлигимизда айтарди, агар бир парчагина ер эътиборсиз ётса, шунинг ҳам сўроғи бор, деб. Ер ўксиниб, шундай дер экан: мени юмшатиб озгина уруғ ташласа, суғорса, шу одамни қуруқ қўймайман-ку. Эккан нарсасини бир неча бор кўпайтириб, қўшқуллаб стиштириб бераман. Агар ҳеч нарса экмай, менинг юзимни супуриб қўйса, ўтган одам қараб руҳи тетиклашса ҳам савоб-ку...

УЧҚОРАНИНГ МАЙИЗИ

Навоий вилоятидаги Хатирчи туманида Учқора деган жой бор. Учқора дейилишига сабаб, учта тоғ оралиғида катта, кенг майдон бўлиб, бу ерларда тоғ оралиқларидан яхши шабада эсиб туради. Учқораликлар қадимдан шу жойларда узумзор яратиб, юқори ҳосил олиб келадилар. Буюк табиб Ибн Сино Учқоранинг майизини камқонликка шифо сифатида тавсия қилган. Шўролар даврида ана шу жойда етиштирилган майизлар чет элларга сотилган. Ўзбекистонимизда ана шундай шамол эсиб турадиган тоғлик, яланглик жойлар кўп. Бугун шундай кўп жойлар бекор ётганидан афсусланасан. Ўша майдонларда янги-янги лалми боғлар бунёд этсак бўлади-ку!

«ШАМОЛНИНГ БЕЛАНЧАГИДА...»

Улуғ адаб Ойбекнинг:

*Юксакда, шамолнинг беланчагида
Нафис чайқалади бир туп наъматак,*

деган мисралари кўпчиликка ёд бўлиб кетган. Лескин биз ўйлаб кўрмаймиз, ўша наъматакни қоя лабига чиқиб ҳеч ким суғормаган-ку. Ҳозир шифокорлар кўп bemорларга наъматак меваси дамламасини тавсия этишади. Ҳатто соғ-

лом одам ҳам шу дамламадан ичиб юрса, жуда фойдали экан. Қирлик, тоғлик жойларга, ҳатто ўз томорқамизга ҳам эксак фойда эмасми? Яхшигина ҳосил беришини била туриб, харажат қилиб, наъматак мевасини дорихоналардан сотиб оламиз...

«Зомин» санаториясидан тоғ оралаб шаҳарга келамиз. Атрофга қарасанғиз, тоғнинг тепасидан пастигача арчазор. Ўша арчазорлар суғорилмаса ҳам ўсиб, яшнаб туритти. Улар она табиатимиз бойлиги. Шу атрофда арча ўсмаган жойлар ҳам кўп. Қани энди бир мард чиқиб шу жойларда яхшигина мевазор боғлар барпо этса.

* * *

Илгари оиласда битта ўғил туғилса, ўша йили шу ўғил вояга етгунча уй қуришга тайёр бўлсин, деб йигирма-үттиз туп терак экишар экан. Шу теракларни ишлатиб, зилзилага чидамли синчли чўпкори иморатлар қурилар экан.

Бухорода Хожа Баҳовуддин Нақшбанд мақбараси ва бошқа кўпгина қадимий иморатларнинг айвонларига ўрнатилган ёғоч устунларни кўриб, ҳайрон қолади киши. Демак, ота-боболаримиз асрларга чидайдиган дараҳтлар эккан. Улар қанақа дараҳтлар экан? Қандай иқлимда ўстириш мумкин бу дараҳтларни? Шу ҳақда ўйлашнинг ҳам фурсати ўтиб бораяпти. Ўймакорлик санъати билан шуғулланувчи наққош-усталаримизга ўзимизда ўсадиган арzon хомашё — чидамли дараҳтлар керак.

Демак, яна қарияларимиздан суриштиришимиз, эски китобларни қунт билан ўрганиб, тарихий китобларимиздан, қадриятларимиздан билим олишимиз керак бўлади.

ОЛМАДАЙ ҚОВУНЧА

Энам кўккалаваш, амири деган қовунлар билан бирга салмоғи катта олмадай келадиган қовунчалар экарди. Ҳозир шу қовуннинг оти ҳам эсимдан чиққан. Унинг ҳидидай ажойиб ҳидни ҳали-ҳали соғинаман. Лекин ундей ҳидни яна учратаманми, йўқми, билмадим. Ёзда, чорпоя устида ўтирганимизда энам ўша қовунчаларнинг битта-иккитасини узиб бизларга ёки

мехмонлар қўлига тутарди. Биз навбати билан уларни қўлма-қўл ҳидлардик. У сийладиган қовун эмасди, фақат ҳидлаб роҳат қилиш учун экиларди. Ҳозир Ўзбекистонимизнинг қаерида шу қовун экилар экан, унинг уруғи унтилиб кетмадимикан, деб ҳавотир оламан.

Ҳамма нарса қимматлашиб кетди, деган гаплар қулоғимизга чалиниб қолади. Арzonчиликни барқарор этиш ҳам ўз қўлингизда, азиз юртдошим. Фақат биз илгаригидай қачон юқоридан буйруқ келса, шундагина қимирлашга ўрганиб қолганмиз. Йўқ, энди биз мұстақилмизми, мустақил фикрлаб меҳнат қилишимиз керак.

Шаҳарда ҳам, қишлоқларимизда ҳам аёллар ва эркақларнинг оқбилаклари кўнайиб қолган. «Дом»да яшовниларнинг кўпчилиги пастдаги бир парчагина өрда ишлашдан ор қилишади. Ахир Ўзбекистонимиз Оллоҳнинг меҳри, назари тушган юрт. Шу она юртнинг табиатини пухта тушуниб олиб, ундан оқилона фойдаланиш ўрнига оиласми боқиш учун пул топиб келишим керак, деб узоқ юртларга улроқиб кетаётганлар оз эмас. Фарзандларини зориқтириб, соғинтириб кетиб, мусофириликда ит азобиҳи кўриб, уйига қайтиб келишга ҳам йўл пули ҳополмай юрганлар-чи? Уларни она юртимиздаги ҳеч нарса экilmай бекор ётган ердағынинг уволи тутмаяпти микан, деган савол кўнглингта кслади.

Ўзга юртнинг боғи билан боғчаси,
Ўз юртимининг янтоғича кўринмас.

Машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов куйлаган бу қадимий халқ қўшигини албаттга эшигининг. Сўнгра, тоғ ёнбағридаги қишлоқлар яқинидаги янтоқзор бўлиб ётган жойларга нима экиш мумкинлиги ҳақида ўша жойдаги қариялар билан маслаҳат қилинг. Бундан албатта яхши натижка чиқади.

МИНГТУТ

Илгари қишлоғимизда пахта терими мавсумида бригадир кечқурун ҳаммага эълон қиларди.

— Эртага ҳамма пахта териш учун «Мингтут»га боради.

Мингтут қишлоққа улашиб кетган пахтазор жой эди. Бир қуни момомдан нега «Мингтут» деб аталиши сабабини сўрадим. Момом бир хўрсинди-да, ўша мингтутли боғни менинг бобом боп бўлиб эккан, деди. Ўша пайтлар тут пишиғида ҳамма тўйиб-тўйиб шу боғдаги балҳ тутлардан ерди. Ортганини зое қилмасдан қишлоққа катта идишларда таширдик. Аёллар ундан шинни пишириб, катта хумларга солиб қишига сақлаб қўярди. Ортганини тутқоқи қилишарди... Энамлар янги бўздан бсл баравар узунликдá халта тикарди. Қуриган тутқоқилар ўша халтага солинарди. Қишлоғимизнинг ҳар бир уйидаги тут тўлдирилган, тўқ сариқ қандга айланиб қолган шундай халталар бўларди. Ширага бой тутқоқилар бир-бирига ёпишганидан биз болалар ундан тутни ажратиб ололмасдик. Энамиз тёшача ёки болта билан чопиб, бир бўлак-бир бўлак қўлимизга тутқанд олиб берарди. Биз ёшлигимизда қўши билан тутқоқи, тутқанд ва ўрик қоқиларни ердик. Ўша пайтларда камқонлик деган сўзнинг ўзи йўқ эди. Агар қишида айрим кишилар касал бўлиб қолса-ю, тезда соғаймаса, тут пишиғига етса бўлди, кейин оёққа туриб кетади, дейишарди.

«Қани ўша «Мингтут?», деб сўрайман момомдан. У сўзида давом этади: шўроларнинг пешволари кўзимиз олдидаги қишлоғимиз йигитларини қўрқитиб, ўша мингтутли боғни буздириб, шахта экиб юборди. Лекин «Мингтут» номи унутилмай қолди.

Ўйлайман, ҳозир ўша қишлоқларда, қанийди минг тутли эмас, ҳеч бўлмаса юз тутли боғлар баршо этилса.

ҚАЙНОТА — ҚАЙНОТАДЕК БЎЛСИН

Баъзи бир оталар фақат пул топиб, оила, бола-чақасига ҳамма нарсани муҳайё қилиб беришни ўйлашади. Тўғри, бу ҳам оталик бурчи. Лекин улар муқаддас ҳадисларимизда айтилганидек, ота-онадан фарзандга қоладиган энг катта мерос — бу тарбия, ахлоқ эканлигини ўқиб ўйлаб кўришмайди? Ўзи улар китоб ўқийдими? Йўқ. Очиқ айтаман-ки, йўқ. Лоақал бир кунда бир-бир яrim соатлаб китоб ўқиши билан уларнинг ишбилармонлиги, то-

пиш-тутиши ўлда-жўлда қолиб кетмайди-ку. Ота — бу ҳукм. Ҳукм даражасида сўзламоғи учун эса фақат пул топиб қелишининг ўзи етмайди. Ота ўқиши ҳам керак. Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг китоблари нега бунчалик машҳур? Нега бу китоблар бизни оҳанграбодек ўзига тортади? Чунки унинг китобларида бирон саҳифа йўқ-ки, ўзбекона, миллий урф-одатлар табиийлигича санъаткорона сингдириб юборилган бўлмаса. Ёзувчи «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» романлари ҳақида шундай деб ёзид қолдирган: «Бу икки китобни бир марта эмас, беш марта ўқиш керак. Шунда сиз турмушни, тарихни, сиёсатни, одобни, тилни ўрганасиз».

Баъзи оталар, қайноталар дунёда шундай табаррук китоблар борлигини билмаса керак, ўйлаб кўрмаса керак.

Биз нега «Ўткан кунлар» киносини қайта-қайта кўрсак ҳам, яна кўргимиз келаверади? Чунки бу кинода бошдан охиригача одоб, ҳаё юқори чўққида байроқ каби ушлаб борилган. Тубанлик, фаҳш, беҳаёлик, туҳмат эса бошдан-оёқ қоралаб борилган. Биз ўзимизни унутиб, шу кўзга тўтиё қилгулик одоб ва ҳаёни ёқтириб кинони кўрамиз. Демакки, қонимизнинг жони — миллийлик бизда яшаб турибди. Худога шукур!

Тасаввур қилинг, биз ўзбошимчалик қилиб Кумуш образини ҳозирги келинлардай елкалари, кўкрак, қўлларини яланғочлаб кинода яратганимизда биз шу фильмни юракдан берилиб, қайта-қайта тўймай кўрармилик? Ёки бу фильм хорижда шунчалик машҳур бўлиб кетармиди?

Оилада йил-үн икки ой қорин тўйдириш учун, кийиниши, безаниш учун, ётиб-туриш учун энг қимматбаҳо нарсалар муҳайё бўлса-ю, у уйда гул ўстирилмаса, китоб ўқилмаса, халқчили куй ва қўшиқлар тингланмаса — бу уй — энг камбағал уй! Бу уйда энг қашшоқ фикрли одамлар яшайди, деб ҳисоблайман. Китоб ўқимаган, гулни ёқтирумаган, кетмон ушлашни билмаган ўзбек ўзбекми?

Яна қайнотанинг оиладаги меҳрибонлиги ва раҳбарлиги ҳақида.

Абдулла Қодирий ўзбекона одобни ширали тилимизга шунчалик ярашиқли ва табиий сингдириб юборганки, «Ўткан кунлар»да шундай ёзади:

— Қани, бек отаси, кўрманани беринг-чи, — деди Ўзбекойим Кумушни имлаб.

Кумуш уялиб зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасини қоқиб сўйди ва Кумушнинг манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди.

— Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да, — деб теварагига қараб кулинди ва қўлини дуога очди.

Қаранг-а! Ота-надари бузруквор келинига тик қараб олиб очиқ кулиб эмас, теваракка қараб кулинди, келинини қучоқлаб қайта-қайта ўпди эмас, қўли билан Кумушнинг елкасини қоқиб сўйди ва Кумушнинг манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди».

Муҳтарам китобхон айтинг, юқорида романдан келтирилган парчани неча марта такрорлаб ўқисангиз ҳам тўймайсиз, яна ўқисангиз, яна янги маъно уқиб олаверасиз, шундай эмасми?

Қимматли ота-оналар, ака-ука ва ойижонлар, илтимос, Қодирийни ўқинг, яна ўқинг, юракдан ўқинг!

МЕНИНГ БОЙБЕКА ЭНАМ

ҚҰЛИ-ҚҰЛИГА ТЕГМАЙДИ

Мен бешинчи келин бўлиб тушганимда энам (қайнонам дейишга оғзим бормади) олтмиш беш ёшда эди. Отам эса етмиш бешда. Энам оппоқ, узун икки ўрим сочининг учларини бирлаштириб, унга сандиқтарининг калитларини маҳкамлаб боғлаб қўярди. Энамниң ўзи ҳам оппоқ, сулув эди, лекин, қўллари қадоқ эди. Энамниң қўли-қўлига тегмасди, келинлари билан баб-баравар рўзгор юмушлари билан олишарди. Энамниң кўриниши, юзлари деярли ҳамма вақт жиддий бўларди. У одоб доирасидан чиқмаган ҳолда қатъий сўзлаб, келинларини бир оғиз гап билан бир умрга ҳушини жойига келтириб қўярди.

— Бизнинг уйда меҳнат қилмайтурғон бекарчига ўрин жўқ, — деб айтганини янги келинлик пайтларимда бир марта эшитдим. Шу вақтнинг ўзидаёқ мен бу уйда ҳар бир ишимни тез, пухта ва чиройли бажаришга аҳд қилдим. Кейинчалик билсам, энамниң ўзи ҳам турган-битгани меҳнат экан.

БУВИСАЛИМА ЧЕЧАМ ҲИКОЯСИ

Мен энамниң энг катта биринчи келини эдим. Дастрлаб биз оддийгина яшардик. Энам бир этак болали, эндиғина қирқлардан ошган аёл эди. Бор-йўғи иккита сигиримиз, беш-олтита қўйимиз бор эди. Жўжабирдай жон оиласа шу ҳам катта бойлик эди. Ҳар куни эрталаб қуви нишиб сариқ ёғ олишга мажбур эдим. Чунки шу ёғ бўлмаса, ўша куни овқат қилолмасдим. Кувининг янги ёғига пиширилган овқатимиз жуда лаззатли, тотимли бўларди. Болаларимизнинг юзлари лўппилигидан, уларнинг дўмбоқ, ширинлигидан, ҳамда ўсмир қайниларим ва қайнисингилларимнинг соғлом ўсаёттанидан қувонардик. Энам билан ҳаммамиз тушлик қилаётib, ҳозирдан бошлабоқ бажарадиган юмушларимизни режалаб айтарди. Масалан, энамниң ўзи урчуқ йигиришга, мен эса халтадаги оқизилган

чаккиларни чўян қозонга ағдариб, ҳали чўри ўчиб улгурмаган ўчоққа ўт қалаб юборардим. Энам урчуқни шундай тез йигирар эди-ки, биринчи кўрган одам, бу аёлниң урчуқда ўчи борми, нима бало, деб ўйларди. Энам шунча тез ҳаракат қилса ҳам йигирган иплари жуда силлиқ чиқарди. Шу оралиқда менинг қилаётган ишларимни ҳам кузатишга улгуради. Қайнаётган чаккини вақтида қўзғаяманми, йўқми, тайёр, қайнаб бўлган чаккини соладиган ҳалтани тозалаб ювдимми, йўқми, қозон тагига сув тўлдирилган чойдишни қўйдимми, йўқми, яна нималарни айтай, қисқаси энамниң назаридан ҳеч ким ва ҳеч бир иш қочиб қутулолмасди. Пишган чаккини халтага солиб дарахтнинг пастки кесилган шохига илаётсам, қозонни тез-тез ювда, икки пақир сув солиб юбор, олов ёқмасанг ҳам иссиқ ўчоқдаги сув тез исийди-қолади. Бир тўда кирниям юvasан, ёясан-қўясан, яхши аёл кир йигмайди, дерди. Кир ювиб бўлгунингча, халтага солган чаккининг зардоби тез օқиб бўлади, сўнг унга ана у қирдан кийикўти ва ялпизлардан териб келиб, уларни майдалаб тўғраб, озгина мурч ва қалампир ҳам сепиб, катта тоғорага ағдарган чакки устига ударни сепиб роса аралаштири. Тайёр бўлган чаккини кагталигини ўртacha қилиб нон саватга юмалоқлаб қўйиб, баландроқ жойга ил. Қишида қуритилган қурутнинг қуриттовасини тез-тез ичиб турган болалар ҳам, катта одамлар ҳам тумов нималигини билмайди, дерди. Тандирдан иссиқ нонларни узаётсам, чўфинг совимасдан тандирга бир пақир сув қўй, бошика олов ёқиб ўтин сарфламасанг ҳам сувинг бирпасда исийди. Қўйларимиз қирқимидан келган кир жунларни шу иссиққина сувда совунлаб қир ювгандай эзиб ювиб, яхшилаб чайқаб илгин, дерди. Баъзи кунлари ҳовлини шошилмай супуриб бўлиб, эна, ҳовлини супуриб бўлдим, десам, катта иш қипсан, дерди. Демак, бу менинг қилаётган ишимни эриниб бажараётганимдан жаҳли чиққани бўларди.

Энам отамни, яъни бош эгасини жуда ҳурмат қиларди. Лекин нимагадир энам рўзғорнинг ҳисоб-китобига отамни аралаштирмас эди. Бу менга жуда ноқулай туюларди. Бир куни энамдан қўрқиб бўлса ҳам бунинг сабабини сўрадим. Қуриб кетмагур отанг, деди энам урчуғини тўхтатмай, илгари ёлғизқўллик пайтимда югуриб-елиб

қиладиган рўзғор ишлари орасида жун йигириб, гулгун (қизғалдоқ рангли), яшил, қора рангли жун калаваларни ишлатиб, олача (патсиз гилам) тўқирдим. Жунларни йигираётib, болам йиғлаб қолса, бешикнинг пастки ёғочини оёғим билан ирғаб кўярдим, лекин урчуқни тўхтатмасдим. Шу азоб билан тўқиган олачамни ўраб-чирмаб отангга бердим, бозорга бориб сотиб келинг, болаларга уст-бош оғамиз, дедим. Кечқурун отанг бозордан қайтиб келди. Қани цул, десам, олачангни бир яхши одам олди, янаги бозор куни келинг, пулини албатта бераман, деди, дейди? Балони беради, дедим. Бозор узоқда, Челакда бўлса, шундан шу ёқقا бозорга борганингиз билан ўша одамни энди топиб қоисизми, десам, э-э-э, бунча куйибишмасант, аёл деган оғи-ир бўлмайдими, яхши одамга ўхшади, лекин отиниям, қайси қишлоқданлигиниям сўрамапман. Бугунча бериб туринг олачани, кейин албатта пулини оласиз, деди. Ўхшатипсиз, у одамни иккинчи марта тоюлмайсиз, дедим. Кейинги бозор куни отанг кечқурун уйга бепул, ерга қараб кириб келди. Шундан кейин, рўзғоримизнинг ҳисоб-китобини ўзим болаларим билан биргаликда қиладиган бўлдим.

Энам отамни бирпас бекор қўймасди. У пайтларда газ қани? Отам ўтин ёриб қишига тахлаб босарди. Подадан қолган молларимизга қарапарди, уйимиз атрофидаги ёмғирга тўйиб ғовлаб ўсиб ётган ўтларни ўриб ёйиб қуритарди. Қуриган ўтларни ташиб оғил тўрига босарди. Отам ёз бўйи моллар учун қишилик пичан ғамлаш билан овора бўларди. Энам отангни иссиқ овқатини вақтида бериб, вақтида уст-бошларини ювинглар, деб бизларни қаттиқ тергарди. Лекин, энам қанчалик талабчан бўлмасин, отам ҳар куни кундузи бир тўйиб ухлаб олмаса, аччиқланиб, ҳовлида қайсимизни кўрса, ўшамизни дўғлаб кетарди. Биз ҳеч қайсимиз отамдан хафа бўлмасдик, астагина кулиб қўяверардик, чунки отамнинг ҳамма шовқини ташқарисида, уришган гапларининг ҳаммаси тикансиз, ўзи эса жуда оқкўнгил эди. Отам узун бўйли, оппоқ, икки юзи қизил, соғлом, бақувват эди.

Уч-тўрт йил ичida мен устма-уст бир ўғил, бир қиз, энам эса устма-уст иккита қизчали бўлдик. Оиламизда тўртта ёш бола бўлса ҳам энам икковимиз ўша гўдаклар-

ни парвариш қилишга ҳам, молимизга мол, мулкимизга мулк, обрўйимизга обрўй қўшиш мақсадида астойдил тирикчилик қиласардик. Энам ўзининг ўсмир ўғил-қизларини ҳам бекор қўймасди. Беш-олти йил ўтиб энам иккинчи ўғлини ҳам уйлантирди. Овсинимнинг исми Хосият эди. (Охирати обод бўлсин). Ўша овсиним олтмиш беш ёш умр кўриб, ўн фарзандини уйли-жойли қилгач, вафот этди. Мен уни янги келинлик вақтларида ҳурматлаб, отини айтмай келинчак деб чақирадим. Ўша овсиним бедаво дардга йўлиқиб ётиб қолганида унинг болалари билан бирга парвариш қилдим. Мен унга бир умр, ҳатто ҳаётининг охирги дақиқалари қолганда ҳам келинчак деб мурожаат қилдим.

ХОСИЯТ ЧЕЧАМ ҲИКОЯСИ

Мен шу оиласага келган қунларимдан англадим-ки, бу уйда энамнинг ва эркакларнинг гапи ҳукм. Улар оз ва соз сўзлардилар ва ҳукмликка лойиқ гапларни айтардилар. Ўйдагилар ҳам, қишлоқ аҳли ҳам бойимнинг (эrimнинг) исмини қора деб чақиришарди. Пастортида эса асли оти Нурмурод эди. Шундай ярашиқли отини айтмай, қора деб чақиришганлари менинг кўнглимни оғритарди. Бир куни бунинг сабабини энамдан сўрадим. Энамнинг гапириб беришича, бойим ўн икки-ўн уч ёшлигига айтипти, кўпчилик бўлиб қачонгача иккитагина сигирнинг сут-қатифига суюниб яшаймиз, менга рухсат беринг, ўзимга иш излай. Ҳали катта бўлаверсак, катта-катта еймиз, катта-катта кијамиз, келгусида шунга яраша пул топишимиз керак бўлади. «Мен ёшгина боламни уйдан чиқариб бошқа ёқларга жўнатиб юборишга қўрқдим. У эса гапида туриб олди. Ўша пайларда машина қаёқда, одамни «Йўл азоби — гўр азоби» дейишгача олиб келадиган тошлоқ ва тупроқ йўллар эди. Нима қилай, унга намозларимда Оллоҳдан омонлик тилаб юравердим. Баҳорда чиқиб кетган бола кеч кузда қайтиб келди. Зўрга танибман. Икки ғунажин, олтита қўйни олдига солиб келган Нурмуродим қулоқларигача шундайинам қорайиб кетипти-ки, ўша кундан бошлаб ҳаммамиз ҳазиллашиб уни қора деб чақирадиган бўлдик. Бояқиши болам баҳордан бошлаб Самарқанд шаҳридаги бир бадавлат кишининг молларини Чўпонота қир-

ларида боқипти. Худога шукур, ўша одамнинг инсофи бор экан, боламнинг уст-бошига, ош-нонига яхши қарапти, уйга ҳайдаб келган молларини иш ҳақиниг деб берипти. Қоражоним молга меҳр билан қарайдиган, ишнинг кўзини биладиган, мулоҳазали йигитча бўлиб қолганига жуда қувондим. Молларимизга мол қўшилгач, сигирларимиз, қўй-қўзиларимиз кўпая борди. Лекин бу кўпайиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Меҳнат, меҳнат, чаққонлик ва зийраклик ҳаводай зарур бўлди. Катта ўғлим — Гулмурод ўқишига қарор қилди. Биз Қора иккаламиз жон-жон деб рози бўлдик. Чунки энди болаларни ўқитишига ҳам, ўз-ўзимизни боқишига ҳам маблағимиз етарли эди.»

Энамнинг гаилари ҳаммаси ҳақиқат эканлигини кўриб, ишониб яшадим. Қайноғам ўқишига ҳам, бизларни тергаб-тергаб кетишига ҳам улгуарди. Молга қаранглар, эринмай қўй боқинглар, қўй боққаннинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой бўлади. Мен ўқишимни тутагтай, кейин ҳамманги ўқитишига, ишга жойлашга, ҳар қайсингга алоҳида иморатлар қуришга ўзим бош-қош бўламан, дерди. Акам ҳамма айттганларини устидан чиқди, бир ака бўлса шунчалик бўлади. Акам кўп йиллар совхознинг бош ҳисобчиси, сўнг йўл қурилиши бошлиғи бўлиб ишлади. Қайноғам уйдаги юмушларнинг қандай бажарилганлигини, ука-сингишлари, фарзандлари мактабда қандай ўқиётгани, овсинлар рўзғор ишларини қандай бажараётгандари ҳисобини қиласарди.

ЭРКАКЛАРГА ИЯК СУЯМАНГЛАР

Энамларнинг қишлоғи тоғда (Фаллаорол туманининг собиқ Faфур Fuлом номли совхози) жойлашган бўлиб, қишлоқнинг атрофи кенг, баланд-паст қирликлардан иборат эди. Энам айтар экан, эркакларнинг топганига ияк суюманлар, уйимиз атрофининг кенг яйловлиги — бизнинг бахтимиз. Тез-тез қимиirlанглар. Эрта туриб сигир соғинглар, ош-қатиқ ишларингни кун чиқар-чиқмас уddaланглар, ширчойларингни ичиб бўлиб, болаларингни тўйғазасолиб, ёнтоқ чопишига жўнанглар. Энам биз овсинларнинг ҳар қайсимиизга эски, лекин чидамли, хуржун берардилар. Биз биттадан кетмон кўтариб, ёнтоқ тиғиз ўслан қирларга жўнаб кетардик. Қишида ёнтоқларнинг

қўйларимизга яхши озуқа бўлишидан қувониб, тоза ҳавода роса ёнтоқ чопардик. Сўнг энамнинг айтганини қилиб, бояги хуржунларни молларнинг ўша қирларда қуриб ётган тезакларига тўлдирадик. Ҳар куни шунча тезак терсаларинг қиш учун кўмирни камроқ сотиб оламиз. Биринчи режаларинг чаққонлик бўлса, иккинчиси кам пул сарфлаб кўп даромад олиш бўлсин, дерди. Эркакларимиз эса кечқурун от миниб, ёнтоқ ва тезакларни ортиб ҳовлига олиб келишарди. Отам ёйиб қуритилган ёнтоқлар ва қуриган ўтларни ўзи гувала қилиб, ўзи қурган зинхона тўрига босишга ўрганган эди. У ёнтоқ ва пичанларни зинхонанинг шифтигача кўтариб зичларди. Биз ҳар куни кечқурун уйга қайтганимизда энам қўйларимизнинг қирқилган жунларини совун билан ювиб, керагаларга, дорга илиб қўярди. Тозалаб ювилган жунлар худди ипакка ўхшаб ярқиради, ундан ҳеч қандай тер, кир иси келмасди. Кечқурунги ишларимизни саранжомлаб бўлгач, қуриган, тоза жунларнинг бир қисмини бизга титишга берарди. Эртага силар ёнтоқ чопишига кетганларингда титилган жунни йиғириш менга осон бўлади, дерди. Ҳовлида баъзи пайтикки овсин гаплашиб қолсак, шу вақтнинг ўзида олдимизда энам пайдо бўларди:

— Бирлашиб қопсиларми? Мени ёмонлаб бўлдиларингми, қани энди ишга марҳамат, — дерди.

ҚЎЙЛАР ҚАНДАЙ КЎПАЙДИ?

Мен энамнинг энг кенжা, бешинчи келини бўлиб, турмуш ўртоғимнинг иши туфайли асосан бошқа вилоят ва бошқа туманларда яшадик. Биз энам билан отамни ҳар иили бир-икки марта уйимизга олиб келиб бир ой, қирқ кун бирга турадик. Ўша кунларда энамнинг оғзидан эшитганларимни ёзай. Қўйларга кўз бўлиб турмасанг, улар кўпайиш ўрнига камайиб кетади, дерди энам. Собиқ, шўро даврида Москва телевидениесининг «Время» кўрсатуви охирида об-ҳаво маълумотини айтишганида Ўзбекистонда ҳаво ҳарорати қанча, Фаллаоролда эса неча градусга пасайиб кетишини алоҳида эълон қиласарди. Фаллаоролнинг айни биз яшайдиган тоғлиқ жойларида шунчалик аёвсиз аёз бўларди. Ана шу совуқ қишида асосан феврал ойида қўйлар қўзиларди. Энамнинг уйида ўртада даҳлиз

бўлиб, даҳлизнинг икки тарафида биттадан икки хонаси бор эди. Биттасида ўзлари ётиб турарди. Иккинчиси меҳмонхона эди. Ўша хонанинг пастки тарафида печка қурилган. Печкадан эса олов узилмасди. Похол солиб, унинг устига гилам тўшаб қўйилган бу уй жуда шинам эди. Куриган ўт ҳиди келганиданми, бу уйда бирпас бўлсангиз, худди ўзингизни табиат қўйнида юргандай ҳис қиласдингиз. Энам кундуз кунлари қўйларни кўздан кечириб келиб, қўйларнинг яна икки-учтаси ҳар тарафга аланглаб қарайти, улар шу бугун кечаси қўзилайди-ёв, дерди. Туф деган тупук ерга тушмай музлайдиган қаҳратонларда оқшомдан эрталабгача ҳовлининг нариги тарафидаги оғилга бориб, қўйлардан бир неча марта хабар оларди. Агар қайси қўзилаган бўлса, қўзичоғини кўтарасолиб, чопонининг ўнгирига ўраб, ўша иссиққина меҳмонхонасининг пойгасига, яъни пастига — печканинг ёнига астагина ётқизиб қўярди. Энамнинг бўй етган қизлари аччиқланишарди, шу қўзичоқларни бизлардан ҳам яхши кўрасизми, ётмайсизми маза қилиб иссиққина тўшакда, деб.

— Бу жониворларнинг туғилган пайтида нима жони бор, агар икки-уч кун иссиққа олиб келиб авайламасам, ё қаттиқ совуқда ўлиб қолади, ёки бошқа қўйлар босиб олиб, нобуд қилади, — дерди. Икки-уч кунгача қўзичоқларни ўзининг устидаги чопони ўнгирига ўраб, қўйхонага бир кунда бир неча марта олиб бориб онасига эмиздирив, яна печка ёнига келтириб қўярди. Икки-уч кундан кейин ўзини тутиб олган қўзичоқни қўйлар тўдасига қўшиб юборарди.

Катта акам от миниб Солин қишлоғига ишга кетарди. Тўғри тарбия қўрган, ўқиб келиб йўл-йўриқни тушунган акам қишлоқда кимнинг уйида бир муаммо чиқса, ҳал қилишга ёрдам берарди, пулга зориққанларга пул бериб турарди, чунки энам молларнинг ортиқчасини сот, ночор одамларга ёрдам бер, элга тўй бер, сўнг укаларингга алоҳида-алоҳида иморат қуриш керак деб маслаҳат берарди. Уйда акамдан бемаслаҳат ҳеч ким харажат қилмасди. Пулни ақл билан ишлатмасаларинг, биримиз икки бўлмайди, дерди акам. Энам ҳар куни кечқурун ҳам тўйимли овқат пиширинглар, дерди. Үфилларининг ўрил-қизлари кўпайиб, ҳар куни йигирма-йигирма беш кишилик овқат

тайёрланган. Энам икки катта ўғли ишдан келмагунча келинларга овқат сузишга рухсат бермас эди.

*Жалангоёқ жар кечиб,
Қизилоёқ қир кечиб,
Кетини эгар гажиб ,
Хаммангни боқаман,*

деб ҳориб, толиб юрипти улар, дерди. Агар акамлар жудаям кечта қолаверишса, аввал уларга овқатнинг бошидан суздириб олиб қўйишиб, сўнгра қолганини ўзлари бола-чақалари билан бирга сийшар экан. Агар шундай қилмасаларинг болаларимнинг бозори қайтади, иши юришмай қолади, дер экан энам.

Энам невараларини кўрса, чеҳраси очилиб кетарди.

*Жоним болам, жон болам,
Жоним билан тенг болам.
Айналаман ой болам,
Учқур-учқур той болам.
Паловни яхши кўрсанг,
Бўлодурсан бой болам.
Бўйингга бўй бўлойин,
Элга зўр тўй берайин.*

Катта акам ўттиздан ошганида, чўпон акам ўттиз ёшга яқинлашганида уларнинг ўғилларига суннат тўй қиладиган бўлишди. У пайтларда тўйнинг нони нонвойхонада ёпилмасди. Тўйхонанинг ўзида шу қишлоқ аёллари ёпиб етказишар эди. Катта акам қишлоқ боболарини уйга чақириб ош берди ва тўй қилишмоқчилигини, қанча одам айтмоқчилигини мўлжаллаганида, улар ҳовлининг ичкарисига тўртта тандир қуриш кераклигини, бўлмаса шунча одамга нон етказиб бериш мумкин эмаслигини маслаҳат беришди. Ўшанда акамлар қўша-қўша қўйларини, қора молларини сўйишган, икки кун кўпкарили тўй берган эканлар. Қишлоқ аёллари бир тан, бир жон бўлишиб, тўрттаси хамир муштласа, тўрттаси нон ёпиб еткизган эканлар. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида ўтказилган шу тўйда нон ёпган аёллар ҳозир паридай момо бўлишган. Улар тўйда дастурхонга қайноқ нон қўйишининг ўзгача гашти бор эканлигини, ўша тўй кўпкарисининг бошланиш маросимини ҳали ҳам тўлиб-тошиб гапи-

риб юришади. Қишлоқ момолари ва боболари энамга обрўйли кийимлар кийгизиб, ҳовлининг ўртасига тикка турғизиб қўйишган, кўпкарини бошлаб берадиган бир чавандоз улоқ кўтариб энамнинг олдига келган, энам отга ва чавандозга исириқ тутаттан, сўнг қадимги удумларимизга кўра энамнинг бошига оқ рўмол, ҳамда кўпкари қизиқарли ўтсин деб қизил рўмол ёнишган экан. Қишлоқ оқсоқоли оқ фотиҳа бергач, чавандоз улоқни олиб кўпкари чопиладиган жойга отини йўрттириб кетган экан. Ана шу мароқли тафсилотларни эшитганимда роса қувонганиман. Қандай ажойиб удумларимиз бор, ўзбекнинг бекликка хос удумларини айтиб ҳам, ёзиб ҳам тугатиб бўлмайди.

Энам ҳамма вақт фарзандларидан бирлашиб тўй қилишни, бирлашиб уй қуришни талаб қиласр эди. Ҳатто шу оиласдаги қизлар, келинлар ҳам биргаликда гилам тўқишишган. Энам қўйларидан қирқилган жунларни ҳеч қачон сотмаган, аксинча ҳаммасини аввал ювиб, титиб, тозалаб йигиришишган. Кичкина ўйинқароқ қизалоқ невараларига ҳам урчуқ йигиришишни ўргатган. Энам бўялган, калава қилинган жун ипларини катта тоғорага солиб, чакки халтанинг тагига қўярди. Зардобга ботириб қуритилган калаванинг бўёғи ҳеч қачон ўчмайди ҳам, ўнгмайди ҳам дерди. Ҳар йили уйда иккитадан гилам тўқилмаса энамнинг кўнгли тўлмасди. Келинларга айтарди, ҳамманги уйингни қизартирмасам қўймайман, шуни билиб қўйинглар, дерди. Ўз навбатида бўйқизларига ҳам ўша гиламлардан атаб қўярди.

СУПРА ЁЙМАГАН АЁЛ — АЁЛМИ?

Энам сўйилган қўй териларини чаккига булаб тахлаб, бирон эски латтага ўраб, ошхонадаги эски олачаларнинг тагига беш-олти кун ташлаб қўярди. Сўнг терини олгач, унинг жунлари осонгина ажраларди. Ўша ажралган жунларни ҳам энам совунлаб тозалаб ювиб қуритиб йигирган. Биронта туки қолмаган тери тозалаб ювилгач, опиоқ бўлиб қоларди. Энам ўша териларни меъёрида қуритиб, улардан доира шаклида катта, чиройли супралар тикарди. Супра ёзмаган, ипакдай ҳамир қилиб нон ёпмаган, чучвара ва кулча (бешбармоқ)лар тайёрлашни ёқтиргман аёл — аёлми, дерди. Бир куни мен отам билан энам

ўтирган уйда супра ёзиб, хамир ийладим. Зувола қилаётганимда, энам олдимга келиб, нарироқ туриб тур, дедида, шундай чаққонлик билан зувола қилди-ки, мен,вой, бунчаям зуволаларингиз силлиқ, чиройли чиқди, деб қувонсам, отам:

—Э-э-э, қизим, сен энангди ўлганини кўриб турипсан, ёшлигидаги чаққонлигини кўрсайдинг! — деди. Ўшанда энам стмиш беш ёшда эди.

Катта ўғли билан энам ҳамма ишни маслаҳатлашиб қиласади. Акам энамни жуда яхши кўрганиданми, сенлаб гапиради. Акамни қишлоқ аҳли қаттиқ ҳурмат қиласади. Икки акамнинг ҳовлиси юқорида, қишлоқ эса бир километрча нарида, пастликда эди. Солинга бориладиган йўл қишлоқ ичидан ўтади. Ярим қишлоқ аҳли булоқдан сув олиб келиш учун йўлни кесиб ўтиш керак бўларди. Акам баландликдан — ҳовлисидан от миниб чиқса, йўлни кесиб сувга ўтмоқчи бўлган аёл акам ҳали анча узоқда келаётган бўлса ҳам йўлни кесиб ўтмай, ийманиб тўхтаб турарди. Акам қачон ўтиб кетса, кейин улар йўлнинг нариги бетига ўтишарди.

Акам ишдан келгач, ҳеч кимга ишонмай, ҳар куни молхонага ўзи кириб молларнинг парваришини текширади. Укаларига иморат қуришни бошласа, усталарнинг бошида ўзи турагди. Улар билан ҳамма ҳисоб-китобни ўзи қиласади. Усталарнинг иши оғирлигини ҳисобга олиб, келин-қизлардан овқатни тўйимли тайёрлашни талаб қиласади. Бу ишларнинг ҳаммасини энамнинг ўзи ҳам назорат қиласади.

Раҳматли Хосият чечам (овсиним) қайноғасини шунчалик ҳурмат қиласар экан-ки, у кишига ҳеч қачон юзини очиб қарамаган экан. Келинлар тушириб, қизларини чиқариб, неваралар кўрган бўлса ҳам ҳамма вақт бошига солиб юрган катта рўмолининг бир тарафини қўли билан ушлаб акамга пана қилиб ўтар экан.

ГАПИМНИ ОЛМАЙ КЎР-ЧИ!

Энам ўн саккизта фарзандли бўлган экан. Илгари врач, болаларни эмлаш деган нарсанинг ўзи бўлмаган экан. Қизамиқ, кўййутал, ичбуруғ касалидан оғриган тўқиз фарзандини ерга берган. Сенинг бойинг энг кичкина, ўнин-

чи ўғлим туғилғанда, қишлоғимизнинг бобойлари бу келинимизнинг ичи тўла ўғил экан, деб қувонишган, дерди.

Турмуш ўртоғимнинг иш вазифаси туфайли биз энамдан узоқ туманларда яшардик. Қайноғамларнинг ҳаммаси яхши вазифаларда ишлаб, энамга яқин туриб, ҳамма нарсани муҳайё қилиб турган бўлса ҳам, бу киши тез-тез қўнғироқ қилиб энамнинг ўзи билан гаплашарди. Мен ҳам ўғилман, ўзимнинг фарзандлик бурчимни бажаришм керак, деб ўйларди.

— Эна, майиз, наввот, қуритилган ўрик, асалларингиз етарлими, охирлаб қолгани йўқми? — деб сўрашни ҳеч қачон эсидан чиқармасди. Мен ўғлим, қизларимни дадасининг ота-онасига ана шу ҳавас қиласлик зътиборини кўриб ўсаётганидан қувонардим. Йиллар елдирим, бирпасда қариб қоламиз, ўшанда фарзандларидан шундай зътибор ва эҳтиромни ким истамайди дейсиз?

Бир йили бойимнинг акаларидан бири иморат қиласлигидан бўлди. Ҳар ойда тўпланиб, энам атрофида беш ўғли бола-чақаси билан бирга бир дастурхондан овқат ейишга одатланган эдик. Энам тўртинчи ва бешинчи ўғлини отини атаб ўзига қаратди. Каттаю-кичик, ёш болалар ҳам жим бўлишиб энамнинг оғзига қараб қолди:

— Акаларинг силарни ўқитди, одам қилди. Остиларингда мошин. Акангни уйи тезда битмай, беш-олти йилга чўзилиб ётса, эл кимга кулади?

— Бизга,—деди бошқа ўғиллари.

— Мен неччига кирдим?

— Етмиш саккизга.

— Мен яна ўғил туғаманми?

— Йўқ,— дейишиди ўғиллари ерга қараб.

— Шуни билсаларинг, мана шу қурилиш учун нима стмай турса, шуни етказинглар. Лекин, алоҳида айтиб қўяй, топганларинг ҳамиша ҳалол меҳнатларинг орқасидан кеган бўсин. Мен кечаси тинч ухлаб туришим керак. Гапимни олмай кўринглар-чи!

Ўша йили энам бобойи билан бирга уй қураётган ўғлинига кўчиб бориб олди. Энам уй битгунча катта ўғли билан қурилишга бош бўлди. Энам болаларининг бирбирига ёрдам бериши зарур бўлган гапларини атайлаб ёш неваралари олдида гапиради. Энди ўйласам, неварала-

рининг ҳам болалигидан ҳамжиҳат, иноқ ўсишини, то ҳаёт экан, бир-биридан ҳол-аҳвол сўраб, бир-бирига тофдек орқа бўлиб яшашини истаган экан.

ҚОРОНФИДА ҚОРА ШАРПА КИМ?

Энамнинг иккинчи ўғли — Қора ака совхознинг бош чўпони вазифасига кўтарилгани учун ўзларининг шахсий қўйларига қарашга энди улгуролмай қолди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари эди. Катта ўғли эса совхознинг бош ҳисобчиси бўлиб, қизгин ғалла ўрими пайтларида ишдан ортиб уйга эртароқ келолмасди. Ўзларининг мол-ҳолидан чиққан даромадидан бир қисмини қишлоқдаги пулга зориққан кишиларга ёрдам учун берди. Қолган қисмига эса шахсий машина сотиб олишди. Ўшанда ҳали шу яқин-атрофдаги қишлоқларда ҳеч ким енгил машина сотиб олмаган эди. Энди у киши совхоз маркази — Солинга отда эмас, енгил машинада қатнайдиган бўлди. Бир куни қоронфида ишдан келаётса, машина чироғи ёруғида бир қора шарпа кўринди. Бу ерларнинг бир томони катта жарлик, бир томони тоққа туташиб кетган баландпаст қирлик. Кечаси оч бўри ва тулкилар изғийдиган жойларда қўрқмай юрган ким экан? Машина яқинлашгач, унинг ёруғида таниди. Бу шарпа — энам экан!

— Эна, бемаҳалда бу ерларда нима қилиб юрипсан?

— Кўйларингни биттаси кечқурун ҳовлига келмади. Болаларни юбормай, уларни аяб, ўзим излашга чиқувдим.

— Келмаса келмапти, майли. Бошқа бундай хавфли жойларда қоронфида юрма. Машинага чиқ, уйга кетдик.

Катта акам ҳар йили узоқ юртларга саёҳатга бориб келарди. У киши ўша ёқлардан олган совғаси — яхши кийим-кечаклар ва матоларни биринчи навбатда отам ва энам учун харид қилган бўларди. Номозхон ота-онасига мослаб олган кийим-кечакларига ҳар қандай кишининг ҳаваси келарди. Ўз фарзандлари, ука ва сингиллари, келинлари ва уларнинг болаларига атаб олган либослари лоп-лойиқ келарди. Болалар янги кийимларни кийиб севинишса, акам улар билан бирга баб-баравар қувонарди.

ЭНАМ МАКТАБДА

Неваразиридан бири мактабдан йиғлаб келди. Ҳа? Муаллам урипти. Қулоқларини бурапти. Бечоранинг қулоқлари шолғомдай қизариб шишиб кетипти. Энам ўша неварасини етаклаб мактабга жўнади. Муаллимни топди. Уни ва неварасини мактаб директорининг хонасига олиб кирди.

— Менинг силардан бор-йўғи биттаю-битта талабим бор, деди у. — Ҳозирнинг ўзида ҳукуматнинг «Болаларни уроверингнар, деб жозған қоғозини кўрсатингнар, бўмаса бу ердан кетмайман, деб туриб олди. Директор ва ўқитувчи энамдан осонликча қутула олмади. Улар қайта-қайта узр сўраб, иккинчи марта болаларни чертмасликка вайда бергач, энам уларга такрор-такрор еб қўйгудай бўлиб тикилгач, директор хонасидан чиқиб уйга келган.

Бир куни қишлоқ аёлларининг беш-олтитаси энамнинг қизлари, келинлари билан ҳангома қилиш учун келишган. Ҳангома қизигандан қизиди, бирор боғдан келади, бирор тоғдан. Энамнинг бўй стиб қолган набира-қизлари ҳали чой дамлаб киришаяпти, ҳали чой дамлаб киришаяпти. Энамнинг ёмон жаҳли чиқди. Бу эзма меҳмонларни тергайдиган эгаси йўқми? Менинг уйимдаги-ларниям ишдан қолдираяпти. Энамнинг тоқати тоқ бўлди. Охири, уларнинг олдига кирди-да:

— Силарди уйларингда ишларинг жўқма? — деди қовоғини солиб, — Улоқлининг тўйида (тўрида) сўлоқлининг неси бор? — деб тиклаб туриб олди. Меҳмонлар, энамнинг тили билан айтганда, бекарчилар биринкетин жойларидан туришиб, уялишиб, қизаришиб жўнаб қолишиди. Мен катта чечамдан энам айтган мақолнинг маъносини сўрадим. Улоқли дегани — меҳнат қилган одамнинг эчки-улоқлари, молу-давлати бўлади. Бекордан-бекорга сўланглаб, шошмай-суринмай юрган одамнинг ҳеч вақоси бўлмайди, сен ялқовларга бизникида нима бор, дегани экан.

Шу воқеадан кейин ўша келинлар урчуқ йигиришини одат қилишган. Уйидаги ҳамма ишларини вақтида бажарадиган бўлишган. Улар ҳам ҳар йили биттадан гилам тўқиб олмаса, кўнгиллари тинчимайдиган бўлишган. Ана

шу аёллар — ҳозир паридай момолар. Улар ҳалигача энамдан миннатдор бўлиб гапиришади:

— Ойдай холам бизларди урушиб — ўхшатган-да! Уйимизда ҳалигача оловдай яшнаб турган гиламларимизга қараб бежай қувонамиз. Холам ана шўйтиб бопламаганда, уйимиз гиламга, қўрамиз молу-қўйларга тўлармиди? Туврисини ойтсан, гўри тўла нур бўлғир шўл холам шу бугунам мени тергаб тургандай бўлади.

Бу-ку, аёлларнинг гапи, энам фақат ўғилларининг эмас, бошқа ҳар бир эркак кишининг ҳам бор салобати, бўйбости, валломатлиги, бир сўзли ва жуда ҳушёрги билан кўришни хоҳлайдигина эмас, балки очиқ талаб қиласади.

СОВУНИМГА КИР ЮВМАПСАН!

Қишлоғимизда бир яхши оиланинг келини «кетаманлаб» қопти. Унинг қайнонаси энам билан маслаҳатлашгани келди. Энам ўша хола билан тўғри уларнинг уйига келди.

— Ов, Шарапат, — деди эрка келинга, — мана шу бойингдай топармон-тутармон, эсли-ҳушли, соғ-саломат бошқа эркакди топаолишингга ишонсанг кет, шўндаям экинчи эр кўйлак жомови (ямоғи) деган гап мангнайингга тамға бўлади, шўнга рози бўсанг, дап бў! (даф бўл).

Ўша келин икки-уч йил яхшигина, бежанжал яшаб юрди. Сўнг яна қилиқ чиқара бошлади. У сирайм кетмоқчимас, фақат уйдагиларини ялинтириш учун шундай қилаётганини энам дарров фаҳмлади ва яна борди-да:

— Кетасанми? — деди.

— Кетаман, — деди келин.

— Ўтиб кет, — деди энам ва қўшиб қўйди, — ҳали менинг совунимга кир ювмапсан — деди-ю, индамай уйга келаверди. Шу-шу бўлди-ю, ўша келин ҳозир ҳам бош эгаси билан худди Тоҳир-Зухрадай яшайди. У ҳозир бир этак невара ва чевараларнинг энаси бўлган.

Яна бир қишлоқдошининг ўғли аёlinи олиб меҳмонга ёки тўйга борса, болаларини энасига қолдириб, ўзлари жўнаб кетаверар экан, шўрлик энага бир оғиз сиз ҳам юринг демас экан. Буни эшитган энам ранги-қути учиб, ўша эр деганинг уйига борди. Худди атайлаб қилгандай, эр хотин кийинишиб энди меҳмонликка жўнамоқчи бўлиб туришган экан:

— Жўл бўсин? — дебди энам.
— Бир ошнамиз меҳмонга айтувди, — деди ўғил.

— Эна кургур балодир,
Тиркамаса қолодир.
Хотинчиғим — жон чиқим,—
Ёнимдаги...

қоғанини ойтмайман, ойтсан, уёлиб, эркак бошингди кўтаратма-ай журасан, охирини ойтмай, сенга ёрдам қилдим.

Шундан кейин ўғил ва келин уйда катталарнинг ҳурматини жойига қўядиган бўлди.

Энам ўз фарзандларига ҳам қаттиққўл эди. Бешинчи, энг кичик, ҳамма учун суюкли ўғли биринчи синфда эди. У охирги дарсдан уйга қочиб келди. Катта акаси бунинг сабабини сўраганида, бошқа мактабга бормайман, ўқимайман, ўқимайман, деб бақириб йиғлашга тушди. Ака укаласининг икки бетига икки шаппат солди. Энам ўшанда қишлоқдаги бир тўйда эди. Кенжা ўғил акасини энамга чақтириш учун тўйга чопиб йиғлаб борди. Орқасидан қувиб катта акаси келди. Энам кичкинтойининг мактабдан қочганини эшитгач, уни маҳкам ушлади-да, катта ўғлига топширди, уйга олиб бор-да, яна ур, деди. Шу укаси вояга етиб, олий ўқув юртини битириб, узоқда, нуфузли жойларда ишлай бошлаган пайтларида ҳам акамнинг бир оёғи шу укасини-кида, яъни бизларникида бўлди. Акамга нима зарур экан, деб ўйлардим, шунча узоқ масофадан саратон кунларида ҳам, қаттиқ қаҳратон қиш кунларида, йўлларнинг қалин музлигига қарамай, ҳар ўн-ўн беш кунда бизниги қатнар эди. Акам мендан сўрарди, укаси кимлар ва қанақа одамлар билан гаплашади, уйга вақтида келадими-йўқми, уйларингда ичкилик, зиёфат бўлиб турадими, деб қайта-қайта суриштиарди. Ҳозир менинг ҳам болаларим вояга етиб, акамнинг безовталиги сабабини энди тушуниб етдим. Вояга етган ука ва фарзандларни тергаш, ўзини яқин жўра, дўст кўрсатиб юрадиган бузғунчилардан уларни ҳимоя қилиш жудажуда зарур экан.

ТОФ ЙИҚИЛДИ

1989 йил декабр ойи эди. Биз Самарқандда турар эдик. Тоғдан шаҳар шифохонасига катта акамни беҳуш ҳолда олиб келишди. Ўша йиллари энамнинг кўзи хиралашиб қолган эди. Акам шифохонада атиги бир кун ётди. Тўрт укаси тўрт тарафга чопди. Бошида гирдикапалак бўлишди. Шифокорлар энди вақт ўтганлигини, бу киши сариқ касалига чалингану, билмасдан оёқда ўтказиб юборганлигини айтишди. Шу гапдан кейин бир соат ўтдими-йўқми, акам бир оғиз сўз ҳам айтольмай узилди. Акам эндиғина эллик тўқиз ёшга кирган, ука-сингилларининг, фарзандларининг, қариндош-уругларининг, ҳатто қишлоқнинг ҳам меҳрибони бўлиб, меҳнатларининг роҳатини кўрмай вафот этганлигига ишонгимиз келмасди. Қанча аччиқ ва оғир бўлмасин, бу рост эди. Акаси тирик экан, ҳеч қачон ва ҳеч кимдан бурни қонамаган укалар акасининг жасади олдида ўзларини йўқотиб қўйиши.

— Бош эгам, бошпанамдан батамом ажраб қолганимни, ҳозирнинг ўзидаёқ чор тарафим ҳувиллаб қолганлигидан эзилсан ҳам, менга Оллоҳ ўша пайти қандайдир қувват берди. Мен қайнукаларимга ўзларингни тутингизлар, ўзларингни қўлга олингизлар, бўлмаса акангиз хафа бўлади, кўраяпсизларми, ҳали бадани совиганиям йўқ деб қайта-қайта жаврадим, — деб эслайди Бувисалима чечам. Укалари акасини машинага чиқаришмоқчи бўлишди. Аёл бўлиб менинг фаҳмим етмалти, энг кичик укаси — болаларимнинг дадаси машинани уйга учирив бориб, янги гилам, янги баҳмал кўрпа, магазиндан эса жуда чиройли эркакбоп мато сотиб олиб келди. қишлоқдан эрталаб акамни олиб келган «Тез ёрдам» машинаси ичига уларни тўшашди ва акамни авайлаб баҳмал кўрпага ётқизиб, устига бояги матони ёпди. Акам атрофига тўрт укаси гир айланиб ўтиргач, машина қишлоқга йўл олди. Орқасидан мен беш фарзандим билан бошқа енгил машинада кетма-кет қишлоққа жўнадик.

Ҳовлига кириб борганимизда акамнинг фарзандлари ва катта чечамнинг фарёдига чидаб бўлмасди. Энди қоронғи тушган пайт. Бирпаста қишлоқ одамлари йиғилиб қолди. Оқсоқоллардан бирининг гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. Гулмурод эмас, овулимизга туташган баланд тоғ

Йиқилгандай бўлди, ҳа, тоғимиз йиқилди, деди у кўзига ёш олиб. Ўша кечқуруннинг ўзида энамнинг зор йиғлаб айтган айтимлари саҳаргача тугамади. Ҳайрон қолдим, ўғлининг бирданига йўқ бўлиб қолиши унинг тушига ҳам кирмаган-ку? Бунча кўп тескари термаларни қачон ўргандийкин? Сўнг хулоса қилдим, энамнинг хотираси мустаҳкам, тоғликлар тили билан айтганда — қўйма қулоқ. Таъзияларга боргандা эшигдан айтимлар эсида маҳкам сақланиб қолган. Энам бир марта адашмадиям, тўхтамадиям. Ҳар тўрт қаторни айтгач,

Мен турганда, болам, сенга йўл бўлсин,

дейди ёки, қадрдонгина болам, маслаҳатгўйим болам, пи-чоқдай болам, таниқли болам, белгили болам, ярқираган болам, дейди. Энам ўша кундан бошлаб батамом кўрмай қолди. Қишлоқдош момолар, ўрта ёш аёллар бир неча кунгача энамнинг олдига келиб ҳамдард бўлиб ўтиришиди. Уларнинг баъзилари кечаси ҳам ётиб қолишарди. Акамнинг азаси куни ўша аёлларнинг ҳар бири энам билан кўришаётуб, албатта тўрт-беш қатор қайфули, ҳамдардлик қўшиқларини айтишарди. Шулардан фақат тўрт қаторгинаси ёдимда қолган.

Даврингизга дов тегдими, бойбичам, (бойбекам)

Меҳнатидан таҳтли бўлган Ойбичам. (ойбекам)

Қайгуңгизга қайгудошлар бўлойин,

Юкингизга елкадошлар бўлойин.

Энамнинг асли исми Насибали экан. Энам бўй етган паллаларида узун сочи орқасига сифмаган чиройли қиз бўлган экан. Янгалари отини айтмай, у кишини Ойдай қиз деб чақиришаркан. Меҳнатидан таҳтли бўлган Ойбекам, деб йиғлаганларида улар энамнинг Ойдай исмига ишора қилган эканлар.

Энам кўрмаса ҳам ўтирган жойида, болаларим, ҳаммангни дўст-биродаринг бўлсин, меҳнат қилиб топган молу-давлатинг бўлсин, бу ёғида ҳеч нарсаси йўқ одам пичноқса дастаям бўлолмайди, дерди. Отангни, мени кийимларимиз, топ-тоза бўлсин, бизларнинг уст-бошимиз кир бўлса, бизларга ҳеч ким кулмайди, сизларга кулади.

Бир-бирингни сужа, ҳамма вақт бир-бирларингдан хабардор бўлинглар. Сеники, меники деганларингни мен эшиг-майин, ўзларинг ҳам, уй-жойларинг ҳам, топган-тутганларинг ҳам, иззат-обрўйларинг ҳам ҳаммаси меники, дерди. Ҳақиқатан ҳам мен энамнинг ўғилларини бирон марта якка ўзи тўй қилганини билмайман. Улар фақат фарзандларини эмас, ҳатто набираларининг суннат тўйла-ригача қўшиб биргаликда ўтказишади. Бирлашиб тўй қилиш тугул бир-биридан хабар олмайдиган, хотинидан берухсат туғишгандари билан бир оғиз гаплашаолмайдиган ака-укаларни кўрсам, энамдай аёлларнинг кўпроқ дунёга келишини Оллоҳдан қайта-қайта сўрайман.

НАСИБАЛИ ОНА

Энам отам билан бирга охирги йилларда Фаллаорол марказидаги ўғиллариникида яшади. Энам саксон уч ёшга кирганида, яъни акам вафотидан уч йил ўтгач дунёдан ўтди. Энам ётиб қолган кунлари биз деярли кун аро Самарқанддан Фаллаоролга — энамнинг олдига қатнадик. Бир борганимизда кенжак ўғли — болаларимнинг дадаси уста чақириб телефон ашаратининг симини узайтириб, энам ётган уйга, энамнинг ёстиғи яқинига ўрнаттириди. Уйимизга келгач, бу киши уйда ҳам, ишхонасида ҳам энам билан тез-тез гаплашиб турди. Бу кунисига борсак, энам менга бери ксл, энажоним, деди ва аниқ, тиниқ қилиб сўзлади:

— Кўриб турипсан, дардим оғирлашаяпти, куним охирлашаяпти. Мен кўз юмганимдан кейин ҳам силарга оғирлигим тушмайди. Ҳамма нарсани тахт қилиб қўйганман. Оллоҳдан тилаганим — дунё тинч бўлсин, ҳамманг эсономон бўлинглар, умрларинг меникидай узун бўлсин. Ҳамма нарсани тежаб ишлатинглар, болаларимнинг топганини сувга оқизманглар.

Мана шу сўзларни айтишдан олдин энам мени биринчи марта энажоним, деди. Шу сўзни эшигтганимдан бери ҳали-ҳали худди катта орден олгандай қувониб юраман.

Энам деярли ҳамма вақт ўзини жиддий тутарди. Кўнглимда, энам фарзандларини бошқа оналардай яхши кўрмайди-ёв, деб ўйлардим. Энди тушуниб етдим, энам

болаларини жудаям суйганидан, авайлаганидан қаттиқ-қўллик қилар экан. Болаларим ҳар қандай замонда ҳам кам-кўстсиз, қийналмай ҳаёт кечиришга тайёр бўлсин, ҳеч кимга муҳтоҷ бўлмасин, ишлаши, туриш-турмуши бекларга хос бўлсин, кексайиб, умрим тугаганида орқамга қарамай, илхақ бўлмай кетай, деган мақсадни бутун умри давомида жуда маҳкам ушлаган экан.

Энам оғирлашиб, жимиб қолгач, унга бирон нима бўлса, отамни ҳам эплолмай, шошиб қолмайлик, деб яқинида яшайдиган учинчи ўғли — Лапас акам:

— Ота, энам ҳозир яхши уйқуга кетди, унга тинчлик, жимлик керак. Менинг уйим яқин-ку, бизниги бориб бирпас чўзилиб, дам олинг сизам, — депти. Отам, итоат-гўйгина отам:

— Майли, майли, чирофим, — деб машинага чиқиб ўтирипти. Тўрт соатлар чамаси ўтгач, ўн беш кунгина ётиб қолган энам узилди. Отамни парваришлаб қараб ўтирган Ойхумор чечам энамнинг оламдан ўтганини эшитгач:

— Ота, энам омонатини топширипти, — деса отам елкалари силкиниб-силкиниб йиғлаб юборипти:

— Мен энангдан ўн жош каттайдим. Оддин мен ўлишим керагиди. Энангминан олмиш жети жил бирга жашадим. Бир ўмр менинг иссиқ-совуғимға қараған энангди жон берарида олдида бўмағанимди қара, — деб йиғлаган отамнинг кўз ёшлари соқолларигача оқиб тушипти. Ўшанда отам тўқсон уч ёшда экан.

Кеч бўлиб қолган эди. Энамнинг синглиси — Кумуш холам олдимга келиб:

— Ойна, ҳамма сени Ташкандаги катта ўқишида ўқийди, шўяқда ҳаммага маъқул қип жозищди, ўхшатиб галириди урганаяпти, деб журипти. Эртага эл жийилганда жош болага ўхшаб, ҳўнг-ҳўнг жилайберма, қайнаннанг ҳоқида кўнгнингдаги ҳамма гапларингди жишига тизи-иб (қатор-қатор шеър қилиб, дегани бўлса керак)) айтиб жилағин, бизда ўқимаганнарам келиштириб, айтиб жилайди, — деди.

Шу куни кечаси қўлимдан келганча энам ҳақидаги фикрларимни шеърга солган бўлдим. Эртасига аёллар йиғинида, энамнинг туғишганлари, қизлари, келинлари қаторида туриб мен ҳам айта бошладим:

*Оқ күйлагин енгларини кенг қылган,
Бизни бой-у, бадавлатга тенг қылган.
Үз умрини ҳавас, синов деб билган—
Энам қайтиб келмас бўлиб кетодир.*

*Богимизда гуллагайдир олуча,
Тинмаганди кўчат амал олгунча,
Болта билак, сўм юракли бойбича—
Энам қайтиб келмас бўлиб кетодир.*

*Болаларин бўйларига бўй бўлган,
Эл-элатга зарур ақлу-ўй бўлган,
Фикри-ёди тинчлик шла тўй бўлган—
Энам қайтиб келмас бўлиб кетодир.*

*Гулгун-гулгун гиламлари ёнодир,
Кексайганда кўкайлари яродир,
Энам десам энди ичим ёнодир—
Энам қайтиб келмас бўлиб кетодир.*

*Биз ўйлабмиз, энам ҳечам қаримас,
Қариса ҳам сира-сира ҳоримас.
Ажал, ўлим унга асло доримас, —
Энам қайтиб келмас бўлиб кетодир.*

*Үй-ҳовлимиз ёритгувчи офтоби,
Кечаларни ойдин қылган моҳтоби,
Наҳот тугаб битди умр китоби—
Энам қайтиб келмас бўлиб кетодир.*

*Сизу-бизга тилаб согу-омонлик.
Ёмонга ҳам согинмайин ёмонлик.
Наҳот, келди жудо бўлар замонлик —
Энам қайтиб келмас бўлиб кетодир.*

*Ўғиллари ич-ичидан куяди,
Эткинлари бизларгаям тияди, (тегади)
Бизларни ким энамдайин сужди? —
Энам қайтиб келмас бўлиб кетодир.*

*Кескирликни, бирсўзликни хушлаган,
Сохталикмас — дил сўзликни хушлаган.
«Юрагида шеру-арслон қишилаган» —
Энам қайтиб келмас бўлиб кетодир.*

*Кексайганда эна эски бўларми,
Одам эна меҳригаям тўярми,*

*Эл энамди энди ерга қўярми—
Энам қайтиб келмас бўлиб кетодир.*

*Хуши келипсиз, энамнинг ҳар меҳмони,
Наҳот энам уйнинг бирпас мөхмони,
Овулимиз файзли, қутли мезбони—
Энам қайтиб келмас бўлиб кетодир.*

Энам билан тенгдош момоларга айтимларим маъқул бўлди, шекилли, улар:

— Айт, энажон, айт яна. Бу айтимларинг энангнинг ҳурмати, ўзингнинг эса обрўйинг, — дейишиди. Мен юқоридаги тескари қўшиқни яна бошдан охиригача тўкилиб-тўкилиб айтдим.

Фаллаоролдаги қайноғамларнинг уйлари туман чеккасида эди. Уйнинг атрофидаги кенг қирлар қоп-қора тифиз одамга тўлиб кетди. Энамни дағн этган куни кечқурун ўз-ўзимиз жам бўлиб ўтирганимизда, қайноғамнинг ўғли, дада, мен сизларнинг ўнча катта обрўйларингиз борлинини билмаган эканман, қаранг-а, бугун энамни азасига келган одамлар ҳеч ерга сиғмай кетди, деди.

— Ана шу обрўйни бизга энангнинг ўзи олиб берган, болам. Энамнинг исми ўз оти ўзи билан Насибали эди.

Ҳақиқатан ҳам энам ўз меҳнатидан ризқ топган, обрўй тошган насибали бойбека экан. Бу кунисига энамнинг кийган ва ҳали киймаган либосларини ҳамма талашиб-тортишиб бўлиб олди. У ёқда узоқ умр кўрган, иззат-обрўйли бўлиб яшаган кекса кишининг кийимларини ис деб айтишар экан. Овсинларимдан бири, бизга энамнинг исидан тегмади, девди-ки, энамнинг Кумуш исмли довюрак, ўткир синглиси — холам биз келинларни битта гап билан ўчириб қўйди:

— Опамнинг ҳар битта ўғлини искараб яшаб ётиспилар-ку, опамди бундан ортиқ яна қандай иси керак силярга?!

Энамнинг дунёдан ўтганига кўп йиллар бўлди. Ўтган йили қайноғаларимдан бирининг ўғли — Музaffer Тошкентга мажлисга келиб менинг қизим Зумрадникига кирса, унинг чақалоғи бор. Музaffer бундан бехабар экан. У бир ҳафталардан кейин тўлиб-тошиб, совға-саломлар олиб келиб қолди.

— Синглим, кечирасан, мен сенинг қизчали бўлганингни эшитмапман. Тунов куни энам бўлганида боплар эди-куя мени!

— Узоқдан шунча нарсани кўтариб келиб овора бўлипсиз-да.

— Ундай дема-э, энам дунёга келган ҳар битта чақалоқнинг қариндош-уруғларда ҳақи бўлади, дерди. Энамнинг айтганини қилдим, холос. Қизингнинг отини нима қўйдиларинг?

— Насибали, — деди Зумрад.

— Ана шу иш яхши бўлипти-да, созлаб қўйиб силарда отни! — деди-ю, бирдан кўзига ёш қалқди. У энамнинг: «Эркак киши қаттиқ қувонадиган пайтда ҳам, қаттиқ қайғурадиган пайтда ҳам ўзини маҳкам тутабилиши керак» — деган гапи ёдига тушдими, бирдан ўзини қўлга олиб, Зумраднинг тўнгич қизини эркалата кетди.

Икки ака-сингилнинг сўзлашувидан кейин худди энам қайтиб келгандай бўлди. Энамнинг ётиб қолган кунлари эсимга тушди. Ўғлининг телефон аппаратини энамнинг ёстиғи олдига ўрнатганини эсладим. Бу киши Самарқандда ишда ёки уйда пайтида қўнфироқ қилиб, энамнинг аҳволини акаси ёки янгаларидан сўраб турса бўларди-ку. Йўқ, зийракликни, эътиборни қаранг. Она — она-да. У охирги нафасигача болаларининг соғ-саломат бўлишини истайди ва хавотир олади. Энам ётган жойида узоқдан қўнфироқ қилган ўғлининг аҳволини уйидаги келини ёки ўғлидан сўраса, уларга қисман сарғайгандай, ялингандай аҳвога тушиши мумкин эди. Бунга йўл қўймаслик учун ўғли энамнинг ўзи билан ҳар куни бир неча марта шахсан гаплашиб, унга қувват беришдан ташқари, охирги нафасигача унинг маликалик мартабасини, раҳбарлик мавқени ҳам сақлаб турмоқчи бўлган экан.

ЖАННАТ КЕЛИН

Зайнин ака шаҳардан келин туширди. Қудаси каттакон идоранинг бошлиғи экан, ўзича: «Ўв, баланд дорга осилдим-ов, буёғи қандоқ бўларкин», деб озроқ ташвиш ҳам қилди. Ўзига қолса, келинни ён-атрофидан тошган бўларди, аммо ўғлининг ишқи шу қизга тушиб тургандан кейин, раъйини қайтара олмади. Аммо битта қўшниси

күнглини баттар хижил қилиб, «Замминистрға қуда бўлибсизми, бунақа оиласда катта бўлган қизларга сал эҳтиёт бўлиб муомала қилиш кераю», деганида хавотири янада ошди. Шу сабабми, келин келганидан бери ўзининг уйида ҳам мундоқ яйраб юра олмай қолди.

Келин буни сезди. Ўзича ўлади: «Ёқмаяпман шекилли. Ҳайҳотдай ҳовли экан, хайриятки, шаҳар чеккасидаги дала ҳовлимизда супур-сиdir, куйдир-пиширга ўрганиб кетганман, ҳаракат қилишим керак, ота-онам ҳам шундай дейишган. Ёмон оиласа тусиб қолганим йўқку...».

Ноила шуларни күнглидан ўтказиб, ишга шўнғиб кетди. Эрталаб туриб, ҳовлини чиннидай тозалаб супуради, пешинга таом тайёрлайди, дастурхонга қаймоқ, ширчой қўяди. Идиш-товоқни ювиб, саранжом-саришта қилади. Кечқурун пойабзалларни артиб-тозалаб, кийишга тайёrlаб қўяди.

Бир куни нонушта пайти қайнотаси иштаҳа билан овқатланди-да, келинига қараб:

— Барака топинг, келин, овқатингиз мазали бўлибди, — деди.

Бу гапдан Ноила яйраб кетди. Қайнотаси ишга кетганидан кейин қайнонасининг олдига келиб, аста сўради:

— Ойижон, дадам қайси овқатни хуш кўрадилар?

Қайнона ҳам худди шу гапни кутиб турган экан шекилли, дарҳол жавоб берди:

— Қиймага қўкат қўшиб, тушликка чучвара туга қолинг.

Тушлик яхши ўтди. Шаҳарлик келиннинг чучвараси ҳаммага, бир нарсани сўраб кириб қолган қўшнига ҳам ёқди. Аммо қўшни минг қилса ҳам қўшни-да, «Келин анчагина қув экан, ўзини яхши кўрсатмоқчи, эрта-индин ҳунарини кўрсатади», депти кимгадир. Бу гап қайнотага етиб келди, лекин эшитмаганга олди.

Орадан беш-олти ўй ўтди. Келин-куёв шаҳарга қайтишиди. Иккаласи ҳам илмий ишга берилишиди. Қишлоқда бўлса Зайнин аканинг шаҳарлик келини кетиб қолибди, деган гап айланиб қолди. Бу гап кимдан чиққанлигини билишиди, аммо индашмади. Орадан бир ой ўтар-ўтмас, Зайнин ака бир қоп совға-салом билан ўғлининг янги уйини йўқлагани йўлга тушди.

Ҳаёлида ҳаммадан бир қийиқ топадиган писмиқ қўшнисининг гапи. «Наҳотки келиним бизни лақиллатган бўлса? Бориб кўрай-чи, юз-кўзиданоқ ҳаммасини билб оламан...».

Зайни ака ўғлиницида уч кун қолиб кетди. Ноила елиб-югуриб хизмат қилди. Ҳар куни янги бир таом пиширади. «Келин, овора бўлманг, чарчаб қоласиз», деса ҳам кўнмайди, барака топтур. Кўйлагини ювив, дазмоллаб берди. Махсисининг учи озроқ сўқилган экан, эр-хотин бозорга бориб, янгисини олиб келишибди. Кампирига ҳам анчагина совға-салом харид қилишибди.

Тўртинчи куни Зайни ака ёшларни узоқ дуо қилиб, кўнгли тоғдек кўтарилиб, йўлга тушди. Қишлоққа кираверишда ўша писмиқ қўшнисини учратиб қолса бўладими.

— Ҳа Зайнвой, шаштингиз паст, шаҳарлик келинингиз дурустроқ кутмадими? — деди мийифида кулиб.

— Шаҳарлик келиніммас, жаннат келиним, билдингми? — Зайни ака қўшнисига ўдағайлаб қаради-да, бошқа ҳеч нима демай уйи томон бурилиб кетди.

ҚАНДАЙ ЭРКАЛАЙСИЗ?

Беланчакда ётган талпинчоқ гўдагингиз сизга қараб қийқириб кулса, жажжи қўлчаларини силкитиб шодланса, сиз унга қандай жавоб қиласиз? Сиз — онажонини мuloқотта чорлаётган шу дилбандингизга айтар сўзингиз борми?! Жўшқин меҳру муҳаббатингизни қўшиқ қилиб айта оласизми унга?! Болажонларга хос бўлган эркалашлардан боҳабармикинсиз?!

Эслаб кўринг...

Бир пайтлар момоларимиз кўнгиллари тубидаги яхши ниятларини шеърга солиб, гўдакларни эркалаганлар. Болажон ўз онажонининг дил изҳорларини тинглаб улғайтан:

*Оҳ, исингдан, ўргулай,
Бўйнингга гуллар ўрай.
Сен гул бўлиб очилсанг,
Мен ҳам соянгда юрай...*

Оналар гўдакларини фунчага қиёслаб, тезроқ гул бўлиб очилишини умид қилганлар. Чақалоқ ўғил бўлса, уни

«арслоним, полвоним» деб эркалашган. Үнга Аллоҳдан куч-қувват, ирода, жасурлик тилаганлар:

*Алпомишиш, олтиним,
Ёвни енгар ботирим.
Үйда ёнган чирогим,
Суянмоққа тиргагим!*

Ҳикмат момо сүзга чечан, мақолу мatalларга, айниңса эркаламалар айтмоқликка уста эдилар. Гүдакни қўлларига олсалар бас, меҳри жўшиб, тилига ширин сўзлар келаверарди. «Эркаласанг бола яйрайди, тилингни тушунмасаям дилингни тушунади, овозингдан меҳрингни сезади. Бола билан эркалаб-эркалаб сўзлашгин!» дер эдилар бизга. Баъзан қизалоқ набираларини шундай эркалардилар:

*Ўзи ширип, асал қиз,
Сўзлари дур, газал қиз.
Онасига оппоққиз,
Отасига новвот қиз!*

Ўғил болаларга мардлик, ботирлик ҳақидаги қўшиқларни кўпроқ айтиш кераклигини уқтирадилар, Ҳикмат момо. Негаки ўғиллар юрting таянчи, улар қўрқмас ва довюрак бўлиб улғайишлари даркор. Биз бу кун ўғилларимизни қай сўзлар билан эркалаймиз? Уларга қандай ўгитларни уқтирамиз?

Кўнчилигимиз эркалама сўзларни эплаб айттолмаймиз, албатта. Ахир «болам, болам» деб суйган бошқа-ю, дилдаги қайноқ меҳрни тилга чиқариб баралла айтган бошқа! Ҳикмат момо ўғил бола гўдакларни шундай эркалардилар:

*Белида белбоги бор,
Кўксисда олови бор,
Паҳлавон бола бўлгил...*

Гўдак билан ширин мулоқотда бўлиш, уни доимо меҳр билан эркалаб ўстириш бола келажагига ижобий таъсир этади. Ойбарчиндек гўзал ва тийрак қизларни, Алпомишишдек мард ва ботир ўғлонларни вояга етказаман деган умидда яшаётган ҳар бир она буни ёддан чиқармаслиги керак.

БИР БОҒ ЎСМА

Ҳайит арафасида аёллар Насибаҳонникига чиқиши. Эртанигай айём билан бир-бирларини қутлашди, дастурхон безатиш режасини тузиши. Шунда қўшниси Назираҳон кулимсираб деди:

— Насибаҳон, кўпдан бери сиздан бир нарсани сўрайман дейману, истиҳола қиласман. Ёзу-қиши қошингииздан ўсма аримайди, қандай улгурасиз-а? Ҳар куни сизга ўсманни ким етказиб туради? Сир бўлмаса айтинг...

Аёллар Насибаҳонга тикилиб қолиши. Чиндан ҳам унинг қошу киприклари қалин, ўсма изи эса уларни яна-ям чиройли қилиб турарди. Насибаҳон қизариб кетди. Сўнг секингина кулиб қўяқолди. Ахир кўнглидаги гапни айтса... Булар тўғри тушунмаса-чи? Аслида, ўшанда Насибаҳон ҳазил-ҳузил билан шу нарсани ўйлаб чиқарганди...

Бунга анча йиллар бўлди. Ўшанда Насибанинг болалари ёш, уларни касал қилмасдан ўстирай деб ўзи ҳам ишдан бўшаб олганди. Эри Содиқжон катта идорада ишлар, туну кун ишхона ташвишлари билан банд эди. Шундай бўлса-да рўзғорни асло ўз ҳолига ташлаб қўймасди. Насиба ошхона столи устида турадиган дафтарчага ҳар куни ўй-рўзғор учун керакли нарсаларни ёзиб қўяр, Содиқжон ишга кетаётib бирров шу дафтарчага кўз югуртириб чиқарди. Ва албагта кечқурун бозор томонга ўтиб келарди. Бу нарса уларнинг уйида одат тусига кирганди. Бир куни Насиба қараса, уйда ҳамма нарса муҳайё. Ҳатто гугурт ва тузгача ошиғи билан ғамлаб қўйилган. Шундайм у дафтарчанинг янги варағига нимадир ёзгиси келди. Ўйлаб-ўйлаб ҳазил тариқасида катта-катта ҳарфлар билан «Бир боғ ўсма!» деб ёзиб қўйди. Ўша куни эри атай бозорга ўтиб, бир боғ ўсма олиб келганини кўриб кулгидан ўзини тиёлмади. Мана орадан неча йиллар ўтдики, ҳар кунги бозор-ўчар ёнига бир боғ ўсма ҳам қўшилган, Содиқжон бирор кун уйга ўсмасиз қайтганий йўқ. Насиба дастлаб эрини ранжитмаслик учун (ахир бу нарсани ўзи бошлаганди!) ўсманни қопига қўяр, лекин бора-бора бу нарса ўзи учун ҳам одатга айланиб қолаётганини сезмасди.

Насибаҳон энди ўйлаб қараса, унинг оиласвий ҳаётида шу бир боғ ўсманинг ўрни бўлакча. У нафақат Насиба-нинг қошу-киприкларини, балки эр-хотин ўртасидаги му-ҳаббатни ҳам янада боғлаб тургандай...

МЎЪЖИЗА БЎЛ, ОҚҚУШИМ!

Қизим, сенга айтаман...

Қиз деган юракнинг қонидан бўлур...

Бири-биридан ширин уч қизим бўй еткани сайин улуғ шоирнинг ана шу тавсифи бежизга айтилмаганини ҳис эта бораман. Тунлари уйқу қочади. Нуқул ўйлайман: «Ҳозирку қизларим нимаики буюрсам жону-дили билан бажаришади, пазандалигу уй тутишни кутганимдан ҳам зиёда қилиб эплашади. Лекин, қай кун келиб улар ўзга хонадонга бош эгиб боришганда-чи? У ерда ўзларини қандай тутишаркин? Ҳар уйнинг рўзғори, уй тутиши бўлакча. Қизларим бошқа хонадон юмушини ҳам бугун-гидай эплаб, куёви, қайнотасию қайнонасига бизга меҳ-рибон бўлгани каби меҳрибончилик қила олармикин?» Мен шу ҳақда ўйласам, елкамдаги юқ янада оғирлашаёт-ганини сезаман. Қизларимнинг саранжон-саришталиги, шириңсўз ва беками-кўст бека бўлиши менга кўпроқ боғ-лиқдай... «Ҳа, оналар доимо сергак, ҳушёр бўлмоқлари керак!» деб ўйларимни ниҳоялайман.

Ҳар гулнинг ўз ифори бўлгани каби ҳар қизнинг феъли ва ёқимтойлиги ўзгача бўларкан. Катта қизим — Шоҳида анчайин бамаъни, нима демоқчи эканимни кўз қа-рашимданоқ фаҳмлаб олади. «Тўнғич қизинг ақлли, — дейди бувиси ҳам, — сингиллари шу қизга қараб бўй ростлашса қанийди...» Сўнгра мен Шоҳидамнинг хона-донда ўзини тутиши, менга, дадаси ва бошқаларга қил-ган муомаласини зимдан кузата бордим.

Бу куни дадаси билан ишдан эртароқ қайтдик. Шу куни бир танишимиздан хабар олиш учун касалхонага боришимиз зарурлигини эрталабданоқ келишиб олган-дик. Келаётгаб йўл-йўлакай «Уйда тезгина бирор нарса пишириб оларман» деб ўйладим. Мен уй эшигини очи-шим биланоқ димофимизга шундай ёқимли ҳид урилди-ки! Худди баҳор кезларида пишириладиган кўк сомса

каби... Лекин, айни қишлоғанда күк сомсани факт орзу қилиш мүмкін еди, холос. Йүқ, янглиштан эканман. Шоҳида ошхонада куйиниб, бир лаган күк сомса пиширибди! «Буни қандай тайёрладинг?» дедим ҳайрон бўлиб. «Эсингиздами, кеча институтдан қайтаётиб бозорчамиздан икки боғ ошкўқ олиб келувдим. Кечқурун дадамлар ҳам уч-тўрт боғ кўтариб келибдилар. Ахир булар тезроқ ишлатилмаса, сарғайиб қолади. Уларни тозалаб, сўнг майдалаб қирқдим. Икки дона картошка ҳамда ёғли қиймадан қўшдим...»

— Ахир ялпиз йўқ-ку, ҳозир?

— Ие, ўтган йили ёзда териб, қуритиб қўйган ялпизимиз борку, ўшандан олиб ёғли қиймага қўшиб юбордим. Хушбўй зира билан қоришиб, бирпасда ҳиди гуркираб кетди, — деди қизим жилмайиб.

Хуллас, қишининг қаҳратон кунларидан бирида биз шифохонага энг тансиқ таом — ялпиз сомса олиб борган эдик...

Ўғилларим анчайин нозиктаъб. Ювиб, дазмолланган кўйлакниям обдон «текшириб» сўнг эгниларига олишади. Шоҳида буни кир ювиш пайтида ҳисобга оларди. У аввал акаси, укалари ва дадасининг кўйлакларини доғ кетказувчи содали сувда бир оз ушлаб туарар, сўнг ивигач қўлига кийим чўткаси олиб кўйлакларнинг ёқа ва енгларини совунли сув билан яхшилаб ишқаларди. Соувун ҳиди кетгунича иссиқ сувда қайта-қайта чаярди. Кейин ҳар бир кўйлакни кийим илгичга осиб қуритарди. Қарабсизки, кўйлаклар қордай оппоқ, айниқса дазмоллангач худди янгидай бўлади.

Қизим ҳар бир оилавий масалада аввало менга мурожаат этарди. Дадаси уни қанчалик эркаламасин, ҳамиша одоб сақларди. Буни дадасиям яхши биларди. Мен дадаси билан қизларим ўртасида «воситачи» эдим. Тез орада Шоҳидамни узатар бўлдик. Ўша кунлари дадаси ишга кетаркан, эшикдан чиқаётиб менга:

— Қизингдан сўрачи, сеп-сидирғаси жойидами? Кўнгли тўладими? Агар бирор нарса керак бўлса, тортинимай айтаверсин, — деяверардилар.

Эртасига қизимга шуни айтдим. Шунда у: «Дадам келсалар айтинг, менга ҳеч нарса керак эмас. Буюмларим етарли, қолганини ишлаб, ўзим оламан. Дадам доимо

оиламиз бошида соябон бўлиб, соғ-омон юрсалар бас!» деди.

Кечкурун Шоҳиданинг гапларидан дадаси жуда таъсирланди. Дераза томонга қараб бирпас туриб қолди. (Кўзлари ёшланди шекилли.) Индамасдан ичкарига кириб кетдим. Бу ёзиған шсьрни мен дадасининг илтимоси билан Шоҳиданинг тўйида ўқидим. Иккита тўртлиги ҳамон ёдимда қолган:

— Парвозга шайланган менинг оққушим,
Бахтинг бу суури ўнгим ё тушим?
Кетишинг ўйласам учади ҳушим,
Борар манзилингда гул бўлгил, қизим...
Қалбингга нақшланган ибо, сехрими,
Бу ҳам Аллоҳимдан менга меҳрими?
Чарақлаб тур, билмай газаб, қаҳрини,
Қизгинам — оққушим, мўъжиза бўлгил...

Шоҳида мақтовли келин бўлди. Куёви билан кулибяйраб эшигимиздан кириб келса, кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Уларни уйга кузатаману, шу куни тунда яна уйқум ўчади. Яна икки қизим бор. Ўртанчам бир сўзли, кичигим эса сал эркатой. Улар қанақа келин бўлишаркин? Елкамдаги юк яна бир карра оғирлашди. Мен қизларимни шу бугунданоқ ёнимга олиб уқтираман: «Худди опаларингиз каби бўлинглар!» дейман. Аслида ҳар онанинг тилаги шу: қизи борган жойида гул бўлсин, хонадонни гулзорга айлантирсан. Ўзга оила аҳли уни худди Аллоҳнинг бир мўъжизасидек қабул қилсин. Қиз бола ана шундай бахтга муносиб бўлсин!

Мен бир онанинг ҳаяжон аралаш айтган сўзларини қандай бўлса шундайлигича оқقا кўчирдим. Ҳар бир қиз буни ўқиб, ўзича хулоса чиқарар деб ўйладим. Ўйларимдан кўнглим ёришди...

ШАВҚИ ФЕРМЕР ҚЎЛГА ТУШДИ

Шавқи фермер пул сарфлашга келганда камбағалнинг камбағали. Лақабга эса жуда бой. Мана, қаранг. Шўролар даврида у Шавқи биргад эди. Ҳозир Шавқи терак, Шавқи нокас, Шавқи хасис, Шавқи фермер, Шавқи раҳбар. У илгари бригада бошлиғи эди. Шавқи биргад лақа-

би шундан. Тераклиги узун ва қотмадан келганини учун Нокас, хасислигини эса эшигининг. Бир куни у мағлубиндин озиб-ёзиб ингичка, ўламан деган жуда жуда кириши толтак ип олиб келиб, хотинига кўрсатиб:

— Буни ҳаливери ишлатманглар, мен буни согиб олиб келдим, — деб шифонернинг устига, юқорига қўйиб қўйди. Турсин жойида, леди. Ўзининг эса битта енги тир сагигача бир неча кундан бери сўкилиб юришти. У уни ипни енгидан ҳам қизғонди. Агар аёли қўшинидан ёки бирон танишданми озгина ип сўраб олиб, ўша айрилиб кетган енгини тикиб берайин деса, кўйлагини жон-жон деб ечиб беради.

— Кўйлагингизни ечиб беринг, енгингизни тикиб берай, деди аёли.

— Ип йўқ-ку, деди кўзини лўқ қилиб Шавқи терак.

— Бор-ку, кечагина олиб келдингиз-ку?

— Ҳали уни бошлаганимиз йўқ-ку?

— Қўй сўйиб бошлаймизми?

Ана шундай. Шавқи хасиснинг хасислиги ҳеч ерга сифмайди. Шунинг учун ҳам унинг уйида юқоридагига ўхшаш айтишувлар тез-тез такрорланиб туради.

ШАВҚИ ЙЎҚОЛДИ, ТОПИЛДИ

Шавқи теракнинг аёли ҳомиладор эди. Шу қишлоқлик гинеколог врач Ойсанам ундан тез-тез хабар олди. Ойсанам шу бечорани неча марта кўрикдан ўтказса, қони шунча марта кам чиқади. Эр деган пулинни озиқ-овқатдан ҳам яхши кўргандан кейин аёлнинг қонини текширганда кам чиқмай кўп чиқадими? Бечоранинг ҳоли йўқ, лекин рўзбор-да, бирпас тиним йўқ унга. Яна Шавқининг иши-эрмаги хотинидан камчилик топиш.

— Хотинман деб юрипсан-да сенам, эрга ўргатувчиклик қилгунча, ўзингдан билиб томорқамиздаги бсдани ўриб-ўриб ташламайсанми? Шуни айтади-да аёл кинининг сочи узун, ақли калта бўлади, деб!

— Уни қаранг, мени мунча ерга уроврасиз? Яхши таппинан шу ишларни буюрсангиз ҳам қиловраман. Мени эсим борми, битта мақтаб қўйсангиз ишловраман-да қувонгандан қувониб!

Кўпчилик эркаклар аёlinи севса, Шавқи раҳбар пулни севади. Аёли Ойсанам ишлайдиган туғруқхонада чақалоқлади. Фермер аёlinи туғруқхонага олиб борди-ю, кетди думини туғиб. Йўқ Шавқи. Ердаям, осмондаям йўқ! Ойсанам бунинг сабабини дарров тушунди. Шавқи бу ерга келиб, суюнчи бергандан кўра, мени электр токи ургани яхши деб юргандир-да, ўйлади у. Бир кечак-бир кундуз шўрлик камқон аёл бир неча марта ўзидан кетиб қолди. Худога шукур-ки, Ойсанамнинг қони унинг қонига тўғри келар экан. Ҳамширага айтиб, ўзининг венасидан қон олдириб, шу пайтнинг ўзида бўшанган аёл венасига иссиқлай қўйдираверди. Қаранг-а, мана шундай қалтис пайтларда Шавқи фермерга ўхшаганлар ўзининг дарагини кўрсатмасаям иши юришиб кетовради. Қондан бошқа-чи? Қондан бошқа қанча дори-дармонлар керак бўлди. Туғруқхонада ҳам дориларнинг бори бор, йўни йўқ. Ярим кеча. Шавқи қурғурдан дарак йўқ. Ўша йўқ дорилар эса шу қишлоқлик уйида аптека очган Фазлиддинда топилади. Дориларни ғизиллаб бориб олиб келадиган туғруқхона машинасига эса бензин йўқ. Шунинг учун ҳам турган гап, шофёр ҳозир донг қотиб ухлаб ётипти, ўйлади Ойсанам. Фазлиддин аптекчининг уйига эса катта қабристон ёнидан ўтиб бориш керак. Ойсанам ҳаммадан ўзим чаққон деди-да, ўзига-ўзи қувват бериб ярим тунда тез-тез юриб Фазлиддинникига етиб борди. У дориларга, ҳатто дорини томчилатиб қуйиш учун зарур системагача ўз ёнидан пул тўлади. Ойсанам тонг ёришгунча, шу тонгдан кечгача бўшанган аёл билан биргаликда юрак ҳовучлаб ажал билан олишди. Кечқурунга бориб, кўзини очиб, саҳал қувватга энган аёлдан кўнгли тинчланган Ойсанам ҳориб, толиб уйига қайтди. Бир ёри қишлоқчилик, қадрдончилик, шу аёлни ўлимдан асраб қолганига Ойсанам қувонгандан қувонди.

Эртасига эрталаб ишга борса, Шавқи терак туғруқхонага кеча кечқурун, Ойсанам уйига жўнагандан кейин келиб, ўзини кўрсатиб кетипти. Ана! Топилди Шавқи. Менинг боримда атайлаб келмаган, суюнчингни бошингга ургур, ўйлади фидойи врач — кемасанг келувсиз қол, кемасанг кейин кет, кемасанг керванла! — Ойсанам шунаقا сўзларни хаёлидан ўтказгани билан кошки унинг

кўнглида кири бўлса! Охир кўзингни ўйман-ку, сен Шавқи фермерни, деди ичнида Ойсанам.

КИМ ҚЎЛГА ТУШДИ?

Шавқиси тушгур фермерликни жойига қўяди. Ишнини кўзини билиб меҳнат қилади. У асосан буғдой экади. Давлат планларини ҳар йили ошириб-тошириб бажарида. Унинг ерлари Ойсанамнинг уйидан бир километр нарироқдан бошланган. Ойсанам яқшанба куни сигирини «сахий фермер»нинг ерлари яқинига арқонлади. Нарироқдаги яхши ўсиб, ғовлаб турган буғдойга синчиклаб қараса, у буғдой эмас, ариа. Ойсанам Шавқи теракнинг планида арпа йўқлигини яхши биларди. Демак, бу ер давлат ҳисобида эмас, бу ортиқча. Аниқ-ки, Шавқи терак буни ўз чўнтаги учун эккан. Аринар жудаям мўл бошоқлашти. Бўйи эса кўкрак баравар келади. Лекин ҳали пишгани йўқ, кўм-кўк, ҳўл. Сигир роса тўйинб, яхши сут берадиган арпа бўлипти.

Ойсанамнинг турмуш ўртоги вафот этиди. У тўрт бола билан қолди. Тақдир синовлари уни ишириб ташлади. Бугун Ойсанам кечаси соат иккиларда турди-да, қўлига ип билан ўроқ олиб ўша арпапояга жўнади. Катта, икки боғ келадиган арпани завқ билан бирпасда ўриб ташлади. Ой сутдай ёруғ. Энди бирпас дам олай деб ўт устига ўтирувди-ки, тепасида ишшайиб турган Шавқи фермерни кўрди. У сен врачни боплаб қўлга туширдимми, дегандай икки қўлини белига тираб хурсанд қараб турарди.

— Қўлга тушдингми? Ортиқча ерга ўғринча арпа экишга нима ҳақинг бор? Чурқ эта кўрма. Шундай шов-қин кўтараман-ки, сўнг ўзинг иккитага қўшилолмай қоласан!

Кўрққанидан Шавқининг ҳурраси учиб кетди. Оббо, ўйлади Шавқи фермер, шу опанинг тилини яхшилаб қисиб оламан, девдим, бўлмади-да. Ойсанам унга дадил буюрди:

— Манови ўрганларимни ҳозир икки боғ қилиб боғлаб менинг уйимга ташийсан. Сўнгра, яна шунча арпа ўриб, уйимга икки «рейс» қиласан. Мана сенга ўроқ, мана сенга ип.

— Бўпти опа, бўпти опа, — деди нафаси ичига тушиб.

— Мен кетдим, ишингга муваффақият, ўртоқ фермер! — Ойсанам арпа орқаламай, енгилгина тез-тез юриб кетди. Арпа ҳали кўкиш, ҳўл, оғир эмасми, Шавқи раҳбар тўртинчи боғни жиққа терга ботиб уйга етиб келганида тонг ёриша бошлаган эди.

— Ойсанам опа, — деди Шавқи терак, — энди шу иш бўлди, шу гап шу ерда қолсин, илтимос — ерга қараб ялинди фермер. — Ахир биздиям обрўйимиз бор...

— Сендан яхши биламан обрўйингни. Юрагинг ёрилмасин, айтмайман ҳеч кимга. Кетавер, яхши бор. Хотинингта салом айтмасанг, кўрасан мендан.

Шавқи Ойсанамга қараёлмай, ерга қараб қайта-қайта раҳмат айтаркан, шошиб кетаётиб тўрт тарафга хавфсираб, аланглаб қарапди.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|---|
| <p>Ватан бу 4</p> <p>Онаизор</p> <p>Мен болам дейман, болам боласини 8</p> <p>Бу хатди жозди энанг 11</p> <p>Самолёттаги ўйлар 13</p> <p>Ўзини уиутиб юборди 16</p> <p>Ўргилай, болажон өлимдан! 19</p> <p>Она дийдори 21</p> <p>Оналик салтанати 26</p> <p>Этагидан райхон тўкилган онам 31</p> <p>Кўзга яқин зардевор 32</p> <p>Ойнахалтада нима бор? 33</p> <p>Энажоним — бурорим</p> <p>Меҳр тўкилган байтлар 34</p> <p>Хушёрмисан, аёл 37</p> <p>Офтобим 39</p> <p>Ўзимизнип Ўлмас хола 41</p> <p>Оз-оздан ўрганиб доно бўлур</p> <p>Бир ҳовуҷ гавҳар 45</p> <p>Болалардан ўрганинг самимиятиш 46</p> <p>Жиддий йигитга 49</p> <p>Саводни гўдаклар 50</p> <p>Ҳавасли болажон 51</p> <p>Фидойи сингизича 52</p> <p>Ширии қизчанинг ширии орзуси 53</p> <p>Келиним файзли бола 54</p> <p>Икки ойла икки манзара 60</p> <p>Ким кўп гапиради? 64</p> <p>Қадриятлар қадрланмагач 69</p> <p>Нега? 73</p> <p>Тандир ўчоғига қараб 73</p> <p>Қўғирчоқ ўйнашдан мақсад? 75</p> <p>«Ирга кўрди» нима? 76</p> <p>Тўхта бир кўрай! 77</p> <p>Танҳо гулман, турфа гуллар ичинда</p> <p>Гулсафсар 82</p> <p>Ялпиз 83</p> | <p>Райхон 84</p> <p>Бинафша 86</p> <p>Гулҳайри 88</p> <p>Хино 93</p> <p>Гултоҳижӯроҳ 95</p> <p>Усма 96</p> <p>Тўй 98</p> <p>Кокицлари гулҳайдари 105</p> <p>Кечиримли, кенг фетъини момодлар 111</p> <p>Үзелинг ўринини саирига 114</p> <p>Совуқлик 118</p> <p>Ҳай аттаганг-а! 121</p> <p>Ҷипик қулғиантану, дерага очиқ 122</p> <p>Челакда шундай момо бор 124</p> <p>Бир айланиб чевар бўлдим 126</p> <p>Ҳам эзилди, ҳам қувонди 127</p> <p>Беозор рашикни 131</p> <p>Ҳақингиз йўқ эди она бўлишга 132</p> <p>Қилмиш-қидирмис 134</p> <p>«Мингтут» бўлмаса... оз тут</p> <p>Ернинг ҳам сўроғи бор 136</p> <p>Учқорапини майизи 136</p> <p>Шамолниш беланчагила 136</p> <p>Олмадай қовунча 137</p> <p>Мингтут 138</p> <p>Қайнота қайнотадек бўлсин 139</p> <p>Менинг бойбека энам</p> <p>Кўли-кўлига тегмайди 142</p> <p>Бувисалима чечам ҳикояси 142</p> <p>Хосият чечам ҳикояси 145</p> <p>Эрракларга ияқ суюманглар 146</p> <p>Кўйлар қандай кўпайди 147</p> <p>Супра ёймаган аёл — аёлми? 150</p> <p>Гапимни олмай кўр-чи! 151</p> <p>Қоронғида қора шарпа ким! 153</p> <p>Жаннат келин 163</p> <p>Қандай эркалайсиз 165</p> <p>Бир боғ ўсма 167</p> <p>Мўъжиза бўл, оққуипим! 168</p> <p>Шавқи фермер кўлга тушди 170</p> |
|---|---|

САЙЁРА БЕКМИРЗАЕВА

Бир ҳовуң гавҳар

(Эссе ва лавҳалар)

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси

Бош таҳририяти

Тошкент — 2009

Муҳаррир *Ш. Эргашева*

Бадний муҳаррир *Т. Қаноатов*

Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*

Саҳифаловчи *Л. Цой*

Мусаҳҳиҳ *Ж. Тоирова*

Босилига 04.05.2009 рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобони 9,24.
Нашриёт-ҳисоб тобони 9,0. Адади 1500 нусха.
Рақамли буюртма № 430. Баҳоси шартнома асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

3000-00

84(54)
5425-

БҮР ХӨВҮЧ ЯВХАР



ISBN 978-9943-00-421-4

9 789943 004214